



SOHIBQIRON YULDUZI




СОХИБҚИРОН
ЮЛДУЗИ

№ 2 (16) 2014 й.



Амир Темур шахсини идрок этиш тарихни идрок этиш демакдир.
Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимиз,
маданиятимиз, қудратимизга асосланиб, буюк ишончимизни
мустаҳкамлаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ



SOHIBQIRON

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-маърифий журнал

БОШ МУҲАРРИР:
Исмоил ТҲХТАМИШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Муҳаммад АЛИ
Акмал САИДОВ
Абдурахим ЭРКАЕВ
Поён РАВШАНОВ
Лола САОДАТОВА
Жумакул ҚУРБОНОВ
Тура САИДОВ
Юлдуз ЭРҒАШЕВА
Зафар ҚОБУЛОВ
Азамат САТТОРОВ
Шарофат АШУРОВА
Санжар ЧОРИЕВ
Муҳаммад ОЧИЛ
Жаббор ҲАЛИЛ .
Турдиали МАДУМАРОВ
Сирожиiddин САЛОМОВ

МУАССИС:
SOHIBQIRON SHULASI M.Ch.J.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 12 мартда 14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

Журналда чоп этилган мақолалар учун таҳририят жавобгар эмас. Барча масъулият муаллиф зиммасига оқланади.

Манзилимиз: Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 2-уй.
Телефон: 221-08-44

Нашр учун масъул:
Гуландон ХУДАЙҚУЛОВА

Чоп этишга 10.5.2014 йилда рухсат этилди.

Бичими 70x100 I/16.

8,0 босма табоқ. Адади 670 нусха.

Буюртма №

«Узоқбобо-ҲСИЧФ»да чоп этилди.

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:

Қарши шаҳри, Хусниобод кўчаси-71^а уй

Телефон: 221-61-91. 733-25-25.

Электрон манзилимиз:

sohibqironjournal@inbox.uz

УШБУ

Эҳтиром

Акмал Саидов
«Муҳаммад Кеший - Амир Темур элчиси»4

Эътироф

Рустам Мусурмон
«Муқанна»11
Носир Муҳаммад
«Шаҳрисабз Навоийнинг аждодлари ватани»29

Рухият сурати

Комилжон Султонов
«Амир Темурга муносиб ворислар»53

Тафаккур соҳиллари

Адиба Умирова
«Отмаган тонглар»91
Ўроқ Саид
«Сизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз»94
Клара Отамуродова
«Тинчлик шуқуҳи»96
Ўткир Бўтабек
«Мустақиллик дарси»98

Жаҳоний жавоҳир

Хорхе Луис Борхес
«Амир Темур»83
Акутагава
«Ду Цзичун»84

YULDUZI



2014 йил № 2 (16)

СОНДА

Таҳқиқот

- Хафиза Эгамбердиева
«Нахшона»32
- Мўмин Азизов
«Шоир Ҳозиқ ва Амир Насрулло»72

Баркамоллик зибси

- Умринисо Омонова
«Соғлом болажон»100
- Зулайхо Шеркулова
«Саждагоҳим ўзинг102
- Нурали Муродуллаев
«Бахти кулганлар»104

Яшабган сатрлар

- Қилич Абдинабиев
«Юлдузлар йиғлаган тун»106
- Самар Нуров
Ҳикоялар112

Қаҳ-қаҳа

- Ўктам Садин
Ҳазил шеърлар117

Муаллифларимиз

2014 йил - Соғлом бола йили



Журнал саҳифаларидаги
фотосуратларни
Шомурод ШАРОПОВ олган.

Журналда расм
Баҳодир Ниёзов
ижодий ишларидан
бадий безак сифатида
фойдаланилди.

Журнал саҳифаловчи:
Зафар Махсатов.

SOHIBQIRON

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-маърифий журнал

БОШ МУҲАРРИР:
Исмоил ТУХТАМИШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Муҳаммад АЛИ
Акмал САИДОВ
Абдурахим ЭРКАЕВ
Поён РАВШАНОВ
Лола САОДАТОВА
Жумакул ҚУРБОНОВ
Тўра САИДОВ
Юлдуз ЭРГАШЕВА
Зафар ҚОБУЛОВ
Азамат САТТОРОВ
Шарофат АШУРОВА
Санжар ЧОРИЕВ
Муҳаммад ОЧИЛ
Жаббор ҲАЛИЛ
Турдиали МАДУМАРОВ
Сирожиддин САЛОМОВ

МУАССИС:
SOHIBQIRON SHULASI M.Ch.J.

Қашқадарё вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2012 йил 12 мартда 14-076 рақами билан рўйхатга олинган.

Журналдан кўчирма олинганда манба қайд этилиши шарт.

Журналда чоп этилган мақолалар учун таҳририят жавобгар эмас. Барча масъулият муаллиф зиммасига оқланади.

Манзилимиз: Қарши шаҳри,
Мустақиллик шоҳ кўчаси 2-уй.
Телефон: 221-08-44

Нашр учун масъул:
Гуландон ХУДАЙҚУЛОВА

Чоп этишга 10.5.2014 йилда рухсат этилди.

Бичими 70x100 1/16.

8,0 босма табоқ. Адади 670 нусха.

Буюртма №

«Узоқбобо»ХСИЧФда чоп этилди.

БОСМАХОНА МАНЗИЛИ:

Қарши шаҳри, Хуснибод кўчаси-71^а уй

Телефон: 221-61-91. 733-25-25.

Электрон манзилимиз:

sohibqironjournal@inbox.uz

УШБУ

Эхтиром

Акмал Саидов

«Муҳаммад Кеший - Амир Темур элчиси4

Этироф

Рустам Мусурмон

«Муқанна»11

Носир Муҳаммад

«Шаҳрисабз Навоийнинг аждодлари ватани»29

Рухият сурати

Комилжон Султонов

«Амир Темурга муносиб ворислар»53

Тафаккур сочқилари

Адиба Умирова

«Отмаган тонглар»91

Ўрок Саид

«Сизни ҳам ҳеч кимга бермаймиз»94

Клара Отамуродова

«Тинчлик шукуҳи»96

Ўткир Бўтабек

«Мустақиллик дарси»98

Жаҳоний жавоҳир

Хорхе Луис Борхес


«Амир Темур»83

Акутагава

«Ду Цзичун»84

YULDUZI

2014 йил № 2 (16)



СОНДА

Таҳқиқот

Ҳафиза Эгамбердиева «Нахшона»	32
Мўмин Азизов «Шоир Ҳозик ва Амир Насрулло»	72

Баркамоллик зидси

Умринисо Омонова «Соғлом болажон»	100
Зулайхо Шерқулова «Саждагоҳим ўзинг	102
Нурали Муродуллаев «Бахти кулганлар»	104

Яшаётган сатрлар

Килич Абдинабиев «Юлдузлар йиғлаган тун»	106
Самар Нуоров Ҳикоялар	112

Қаҳ-қаҳа

Ўктам Садин Ҳазил шеърлар	117
------------------------------------	-----

Муаллифларимиз

2014 йил - Соғлом бола йили



Журнал саҳифаларидаги
фотосуратларни
Шомурод ШАРОПОВ олган.

Журналда рассом
Баҳодир Ниёзов
ижодий ишларидан
бадий безак сифатида
фойдаланилди.

Журнал саҳифаловчи:
Зафар Махсатов.

Муҳаммад Кеший - Амир Темур элчиси



Амир Темур ва темурийлар даврида Соҳибқирон туғилиб ўсган ҳудуд - Қашқадарё воҳасида илм-фан, маданият ва санъат гуркираб ривожланган. Гўзал меъморий обидалар бунёд этилган, ободончилик ва фаровонликни таъминлаш йўлида залворли ва кен куламли омушлар амалга оширилган.

Бу бунёдкорлик ишларида ҳаётнинг турли мамлакатларидан олиб келинган илм ва санъат аҳлининг ҳам ҳиссаси катта бўлган. Айни чоғда, Насаф (Қарши) ва Кеш (Шаҳрисабз) намоёндалари Амир Темур қўшинининг ўзагини ташкил этиши баробарида, илм-фан, адабиёт, дипломатия равнақиға ҳам муносиб ўлуш кўшганлар.

Амир Темур Насаф ва Кеш олимларини, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига жалб этган. Улар турли давримлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этганлар. Шундай шахслардан бири **Ҳожи Муҳаммад Кешийдир**. У Амир Темурнинг элчиси сифатида 1402 йили Испанияга бориб, у ерда бир муддат яшаб келган¹.

Шу ўринда Амир Темур элчисининг шахсий ҳақида тўхталиб ўтиш жоиз. Унинг номи баъзи бир манбаларда "Муҳаммад қози", "Муҳаммад ал-қози", "Хўжа Муҳаммад қози", кейинги, янги тадқиқотларда эса "Муҳаммад Кеший", "Ҳожи Муҳаммад Кеший", "Ҳожи Муҳаммад ал-Кеший" тарзида келтирилган². "Кеш" сўзининг "қоз"га айланиб қолиши масаласини Европа тилларининг ўзига хос талаффуз талаби билан ҳам изоҳлаш ўринлидир.

Масалан, ҳатто испаниялик элчи Руи Гонсалес де Клавихонинг ўзи ҳам баъзан тарихий атоқли номларни ва жойлар номини турлича ишлатган. У Тўхтамиш номини бир ўринда - Тотамах, бошқа жойда - Керамих,

¹ Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар): Тазкира / Носир Муҳаммад; Сўзбоши муаллифи А.Орипов - Қайта ишланган ва тўлд. 2-нашр. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. - Б. - 100.

² Қаранг: Муҳаммадиев Н. Испан элчисининг саёҳатномаси // Халқ сўзи, 2005 йил 7 апрель; Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар): Тазкира / Носир Муҳаммад; Сўзбоши муаллифи А.Орипов - Қайта ишланган ва тўлд. 2-нашр. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006; Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.

яна бир ўринда - Тетанис деса, Табриз шаҳри номини эса Торис, Турис, Таурис қабилида турлича шаклларда қўллаган.

Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн ана шундай вазифаларни адо этганлар. Мисол учун, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг хатларини олиб борган.

Мусулмон дипломатлардан фақат Ҳожи Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганидан дарак беради.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йилнинг 28 июлида Чубуқ водийсида Амир Темур билан Усмонли султони Боязид Йилдирим аскарлари ўртасида кечган ва Соҳибқирон ғалабаси билан яқун топган Анқара жангига гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар - Пайо де Сотомайор ва Эрнан Санчес де Паласуэлос ҳам бор бўлган.

Бинобарин, ўша даврда Европа қироллари Шарқда пайдо бўлган янги кучли давлат - Амир Темур салтанати билан яхши кўшничилик ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга интилган.

Анқара жангидан сўнг Боязид Йилдирим устидан эришган ғалабаси шаарафига уюштирилган катта баъзда Амир Темур кўглаб давлатларнинг элчиларига, шу жумладан кастилияликларга ҳам зур илтифот кўрсатган. Туркистон амири европадик элчиларни қабул қилган, улардан испанлар давлати ва Қиролнинг ҳол-аҳволи ҳақида суриштирган, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар берган.

Клавихо ёзганидек, "Темурбек улуғ давлатпаноҳ Кастилия Қиролига эҳтироми туфайли Пайо ва Эрнан Санчесни иззат-икром билан ўз ҳузурига таклиф этди, шарафига катта зиёфатлар уюштирди"¹.

Амир Темур ҳузурига Фарб элчилари ўзига хос ҳурмат ва эътибор билан кутиб олингани бежиз эмас. Зеро, Соҳибқирон Ибн Халдун ва бошқа сайёҳлардан Европа давлатлари, шу жумладан, Испания ҳақида кўп нарса эшитган. Қолаверса, Кастилия элчиларидан ҳам ўзини қизиқтирган масалаларга жавоблар олган.

Шу тариқа "Кастилия насроний подшоҳларидан энг олийжаноби, улуғ ва шавкатли давлатпаноҳ Кастилия Қироли ҳақида маълумотларни сўраб билгач, Темурбек Қирол билан дўстона муносабатлар ўрнатиш ниятида жанг тугаган заҳоти, унинг ҳузурига мактубу совғалар билан элчи юборишга қарор қилди"².

Элчиларнинг ўз юртига қайтиш пайти келганида, Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга қобилиятли беклардан Ҳожи Муҳаммад Кешийни ҳам дўстона руҳда

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саехат кундалиги (1403-1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сузбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. - Т.: "Ўзбекистон", 2010. - Б.-21.

² Ўша жойда.

ёзилган мактуб ва қимматбаҳо совғалар билан Кастилияга элчи қилиб жўнатган.

Клавихонинг сўзлари билан айтганда, Амир Темури "Чигатой паҳлавонларидан (Хўжа Муҳаммад қозини) элчиликка муносиб кўриб, совға-саломлар билан бирга, тантанавор ёрлик йўллади"¹.

Ҳожи Муҳаммад Кеший Кастилияга эсон-омон етиб борган ва Қирол ҳузурида бўлиб, "Темурбекнинг мактубу совғаларини, қимматбаҳо тошлар ва одатга кўра, у жўнатган канизакларни"² Дон Энрике III га топширган.

Боязид Йилдирим ҳарамдаги асирликдан озод этилган масиҳий аёлларни Европага қайтариб юбориш орқали Соҳибқирон ўзининг масиҳийларга бўлган хайрихоҳлигини, салтанатида барча динлар учун эркинлик борлигини кўрсатмоқчи бўлган. Худди шу фикр Амир Темурининг Англия ва Франция қиролларига йўллаган мактубларида ҳам акс этган.

Клавихонинг хотираларида бу асир аёлларнинг неча нафарлиги аниқ кўрсатилмаган, лекин Н.Муҳаммад Амир Темурининг элчиси Испанияга икки нафар масиҳий аёлни олиб борганини қайд этади³. Айрим манбаларда эса асир аёлларнинг сони уч нафар дейилган. Хусусан, Ўзбекистоннинг Мадриддаги собиқ шарафли консули Сантьяго Руиз Моралес бу ҳақда куйидагиларни таъкидлайди:

"Алқасар саройида Кастилия Қироли Энрике III 1403 йилнинг март ойида Амир Темури томонидан юборилган элчи Муҳаммад Кешийни қабул қилган. У 1402 йилда Амир Темурининг Боязид ўстидан эришган ғалабасидан кейин икки испан элчиси - Сотомайор ва Паласуэлос билан бирга келган.

Элчилар ўзлари билан 1396 йилда Никопояс жангида Боязид томонидан қулликка олиб кетилган юнон-венгер насабига тегишли уч нафар маликани ҳам олиб келишган. Бу маликаларни Амир Темури озод этиб, христиан дунёсига қайтариш мақсадида элчиларга кўшиб юборган. Озод этилган учта маликадан икkitаси Юқоридан номи тилга олинган элчиларга турмушга чиққан, учинчиси эса Сеговия ҳукмдорининг суюкли рафиқаси бўлди.

Сеговия Испаниянинг яна бир диққатга сазовор шаҳри бўлиб, у 1985 йилда ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданий мероси рўйхатиغا киритилган. Ўша даврда Сеговия уч ой давомида жаҳон дипломатиясининг марказига айланди. Чунки, Муҳаммад Кеший дунёнинг энг қудратли давлатидан Римга эмас, Парижга, Лондонга ҳам эмас, балки Сеговияга юборилган. Биз, испанлар ўшанда Амир Темури ўз вакилини айнан бизнинг юртимизга юборганидан ҳамиша гурурланамиз"⁴.

Ўша даврда Амир Темурининг шухрати бутун Европага тарқалган эди. Шу

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темури саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. -Т.: "Ўзбекистон", 2010. -Б.-21.

² Ўша жойда.

³ Муҳаммадиев Н. Испан элчисининг саёҳатномаси // Халқ сўзи, 2005 йил 7 апрель; Муҳаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар): Тазкира / Носир Муҳаммад: Сўзбоши муаллифи А.Орипов - Қайта ишланган ва тўлд. 2-нашр. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. - Б.-100.

⁴ 2006 йил апрель ойида Мадриднинг "Сан Исидро" музейида Амир Темури таваллудининг 670 йиллик юбилейи ҳамда Соҳибқирон салтанати билан Кастилия Қироли давлати ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 600 йиллигига бағишланган халқаро илмий конференция материаллари.

сабабли Ҳожи Муҳаммад Кеший Кастилия Қироли ҳузурда катта ҳурмат-этибор билан кутиб олинган. Дон Энрике III Амир Темур йўллаган мактубу совғаларни қабул қилиб, Соҳибқироннинг ёзма ва оғзаки айтиб юборган сўзларини тинглагач, "дўстлик муносабатларини мустаҳкамлаш ниятида муносиб совға-саломларни тайёрлаш ва элчилар юбориш"ни¹ буюрган.

Табиийки, Ҳожи Муҳаммад Кеший бу орада Европада ўтган ҳар бир кундан унумли фойдаланган. Қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги қабулларда иштирок этган. У ерда яшайдиган халқлар тили ва урф-одатларини ўрганган. Кастилия ва унга қўшни бўлган Европа давлатларининг куч-қудрати, ўзаро алоқалари хусусида ҳам маълумотлар тўплаган.

Қирол ўз мамлакатида бир неча ой қолиб кетган Амир Темур элчисига 1403 йилнинг май ойида қайтишга рухсат берган ҳамда Ҳожи Муҳаммад Кешийни ўзининг иккинчи элчилиги вакиллари - илоҳиёт магистри Фра Альфонсо Поэс де Санта Мария, Қиролнинг шахсий соқчиси Ҳомес де Салазар ва Руи Гонсалес де Клавихо ҳамроҳлигида ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўйган.

Клавихо бу ҳақда шундай ёзган: "... қарракка (кемага) чиқиш учун Кадис ёнидаги Биби Марям байдаригоҳига етиб келганимиз заҳотиёқ кундаликка киришдим. Темурбекнинг Қиролимиз ҳузурига юборган элчиси ҳам биз билан бирга она-Ватанига қайтувқда эди"²

1403 йили май ойида испан элчилари билан бирга Ҳожи Муҳаммад Кешийнинг ҳам узоқ ва машаққатли йул босишига, ҳуллаб хатарларни бар-тараф этишига тўғри келган.

Элчилар Амир Темур Кичик Осиёда ёки Қорабўғда турган пайтида унинг ҳузурига киришни режалаштирганлар. Бироқ Константинопол (Истанбул)-дан Трапезундга келаётган кема Қора денгизда ҳалокатга учраб, элчилар зўрға қирғоққа чиқиб олган.

Сўнгра Амброзио деган кемақаш элчиларга ўз кемасидан жой берган. Ўшанда испан элчилари билан бирга кетаётган Амир Темур элчиси ҳам испанча кийим кийиб олади³. Чунки теварак-атрофда Боязид Йилдиримнинг қочган аскарлари ва турли-туман қароқчилар кўп бўлган.

Қулай йўл топа олмаган элчилар Константинополга қайтишга мажбур бўлиб, 1403-1404 йил қишини шу шаҳарда ўтказган.

Элчилар 1404 йилнинг баҳорида яна сафарни давом эттирган. Шу муносабат билан Клавихо кундалигига: "1404 йил 20 март, пайшанба куни кема тайёр бўлиб, кечки ибодат пайтида йўлга чиқдик. Темурбек давлатпаноҳ Қиролимиз ҳузурига йўллаган элчи ҳам биз билан бирга эди"⁴, деган ёзувларни битган.

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. -Т.: "Ўзбекистон", 2010. -Б.-21.

² Уша жойда.

³ Уша манба. -Б.-74.

⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёхат кундалиги (1403-1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. -Т.: "Ўзбекистон", 2010. -Б.-76.

Элчилар Трапезунд билан Арзинжон оралиғидаги тоғларда бир неча бор қароқчиларга дуч келган. Шундай қалтис вазиятларда ҳам Амир Темур элчиси буюк Соҳибқирон салтанатининг вакили сифатида давлат манфаатларини садоқат билан ҳимоя қилгани таҳсинга сазовордир.

Хусусан, Кадака қалъаси соҳиби (Кабасика) элчилардан бож талаб қилганида, Ҳожи Муҳаммад Кеший: "Бу жойлар Темурбекка тобе бўлган Трапезунд императорига қарашли экани бизга яхши маълум, биз олиб бораётган нарсалар эса Темурбекка тегишли, шу туфайли элчилар бу ерларда бежавотир бўлишлари керак"¹, деган.

Дипломатик музокаралар натижасида Кадака қалъаси соҳиби элчиларни "Темурбекка қарашли Арсинга (Арзинжон) ерларигача бежавотир кузатиб қўйишини, нарсалар ортиш ва миниш учун от беришларини"² ўз зиммасига олган.

Арзинжондан кейин сафар осонлашган. Чунки бундан кейинги қарвон йўллари Амир Темур аскарлари томонидан қўриқланган, турли бекатлар - ёмларда озик-овқат, улов учун емиш мўл бўлган. Йўл бўйидаги қишлоқларда элчиларни меҳмон қилишиб, барча зарур нарсаларни муҳайё этишган.

Клавихо ёзганидек, "Элчилар ҳар бир қишлоқда шундай зиёфатларга дуч келдилар. Баъзи жойларда элчиларни қишлоқ оқсоқоли ва Темурбекнинг вакили кутиб олар, бизга озик-овқат ва отлар келтиришни буюришар, хизматкорларни тайин этишар/эдилар"³.

Элчилар Табриз шаҳрига келганида, уларга Миср султони томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар ҳам қўшилган. Расмий доираларда Амир Темурнинг Самарқандга йўл олгани маълум қилинган, элчилар сафарни давом эттирган. Султони шаҳрида уларни шаҳзода Мироншоҳ қабул қилиб, гўзал боғда элчилар шарафига зиёфат берган.

Бу ерда бир оз дам олиб, элчилар яна йўлга чиқишган. Йўл азоби - гўр азоби, деганлари бежиз эмас: Ҳамроҳларидан бири - Гомес де Салазар Нишопур шаҳрида иситма касаллигидан вафот этган. Ҳожи Муҳаммад ва ҳамроҳлари Балх шаҳри яқинида Амударёдан ўтиб, Термиз, Шаҳрисабз шаҳарлари орқали 1404 йилнинг август ойи охирида Самарқандга етиб келган.

Соҳибқирон испан элчиларини 1404 йил 8 сентябрь куни Самарқанд ташқарисидаги Дилқушо боғида қабул қилган. Элчилар орасида Ҳожи Муҳаммад Кеший ҳам бўлган. Бу фактни Клавихо қайд этган: "Темурбекнинг Кастилия Қироли ҳузурига йўллаган элчиси ҳам биз билан бирга эди. Бу элчининг испанча кийинганини кўрган ватандошлари унга қараб жилмайишарди"⁴, деган ёзувлар тасдиқлайди.

¹ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. - Т.: "Ўзбекистон", 2010. - Б. - 87.

² Ўша манба. - Б. - 88.

³ Ўша манба. - Б. - 89.

⁴ Руи Гонсалес де Клавихо. Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат кундалиги (1403-1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али; сўзбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғаев. - Т.: "Ўзбекистон", 2010. - Б. - 155.

Қабул маросимида Амир Темур элчиларни яқинроқ олиб келишни буюриб, улардан Қиролнинг соғлигини сўраган. "Мана, дунёнинг у бурчида яшовчи мавжуд, фаранги қироллар орасида энг пешқадами, менинг ўғлим Испания Қироли юборган элчилар! Испан халқи ҳақиқатан буюк халқ. Мен ўғлим Қиролни шарафлайман. Қирол сизларни ҳеч бир совғасиз, фақат мактуб билан юборганида ҳам мен ўғлимнинг аҳволи ва соғлигини билиб, совға олгандай хурсанд бўлар эдим"¹.

Клавиҳонинг хотираларидаги ушбу жумлалардан ҳам билса бўладики, элчилар Соҳибқирон ҳазратларида яхши таассурот қолдирган. Бу, ўз навбатида, Ҳожи Муҳаммад Кеший Амир Темурнинг Испанияга элчиси сифатида ўз миссиясини муваффақиятли адо этганидан далолатдир.

Шундай қилиб, Ҳожи Муҳаммад Кеший Соҳибқироннинг элчиси сифатида маълум муддат Испанияда яшаб келган бўлса, шаҳрисабзлик машҳур тасаввуф шайхларидан бири - Мавлоно Жалолиддин Кеший ўз даврида Соҳибқирон томонидан Хоразм волийси Ҳусайн Сўфи ҳузурига элчи қилиб юборилган. Амир Сайид Кулолнинг шогирди бўлган бу зотнинг билими ва обрўидан Амир Темур, салтанатда тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ижобий фойдаланган.

Бироқ Ҳусайн Сўфи Амир Темур элчисининг оқилона сўзларига қулоқ тутмаган ва Жалолиддин Кешийни қамаб қўйган. Бундан хабар топган Соҳибқирон ҳазратлари зудлик билан Ҳусайн Сўфига мактуб йўллаган. Хат матнига қуйидаги тўртлик ҳам илова қилинган:

**Подшоҳлар удумиё яхшилар иши,
Наҳот, шуни билмас ул зукко киши.**

**Элчига ўлим йўк, қамаб ҳам бўлмас,
Буни инкор қилган хирадманд эмас².**

Ҳусайн Сўфи бу мактубни олгач, Жалолиддин Кешийни озод қилиб, ўз юртига жўнатишга мажбур бўлган.

Афсуски, тарих Ҳусайн Сўфи сингари йўл тутмаганларнинг ҳам қилмишларига гувоҳдир. Миср султони Барқуқ Амир Темурга ҳамиша душманлик кўзи билан қарагани ва Соҳибқироннинг элчиларини бир неча бор қатл этгани буни тасдиқлайди.

Амир Темур 1395 йили ўзининг салтанатига қарши Миср билан яширин иттифоқ тузган Олтин Ўрдага юриш қилиб, Тўхтамишхонни тор-мор этган. 1399 йилда султон Барқуқ тўсатдан вафот этгач, Мисрнинг иккинчи хуфя иттифоқчиси - Усмонли давлати султони Боязид Йилдиримга қарши 1402


¹ Руи Гонсалес де Клавиho. Самарқандга - Амир Темур саройига саехат кундалиги (1403-1406 йиллар) / масъул муҳаррир: Муҳаммад Али: сузбоши ва изоҳлар муаллифи М.Сафаров; тарж. О.Тоғоев. - Т.: "Ўзбекистон", 2010. - Б. -156-157.

² Муҳаммад Носир. Насар ва Кеш алломалари (IX XX асрлар): Тазкира / Носир Муҳаммад: Сузбоши муаллифи А.Орипов - Қайта ишланган ва гулд.2-нашр - Т.: Фахур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. - Б. -103.

йилда Анқара жангида катта зафар қозонган.

Шунга қарамай, Амир Темур Миср давлати билан юзага келган низони тинчлик ва дипломатия асосида бартараф этиш фикридан қайтмаган. Шу мақсадда Соҳибқирон яна бир шахрисабзлик аллома - Мавлоно Абдуллоҳ Кешийни Миср султони Фаражга элчи қилиб юборган. Абдуллоҳ Кеший Мисрнинг янги султонини сулҳ шартномасини тузишга кўндириши керак бўлган.

XIV аср охири ва XV аср бошида яшаб, ушбу воқеаларнинг бевосита шохиди бўлган таниқли Миср тарихчиси Ибн Дўқмоқнинг гувоҳлик беришича, бундай сулҳ ҳақиқатан ҳам имзоланган. Миср султони ўзини Амир Темурнинг вассали, деб тан олган¹. Бу воқеа Мавлоно Абдуллоҳ Кешийнинг дипломатлик маҳоратидан далолат беради.



Мухаммад Носир. Насаф ва Кеш алломалари (IX-XX асрлар): Тазкира / Носир Мухаммад; Сўзбоши муаллифи А.Орипов - Қайта ишланган ва тўлд. 2-нашр. - Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2006. - Б. - 104.

МУҚАННА

Қисса

**Мен халқимнинг
юрагида яшайман!**

**Эрк деганнинг
тилагига яшайман!**
Ҳамид ОЛИМЖОН



МАРВ

Марвдан араблар оёғи узилмай қолди. Баҳор келиши билан тош отувчи манжаниқлар, қалъабуззар оғир қуроқлар ортилган юзлаб туялар, лаклак навкарлар Жайхун томонга равона бўлади. Кузда эса бехисоб мол-дунё ортилган карвонлар минглаб асиқларни, пода-пода молларни, уюр-уюр йилқиларни олдига солиб яна Марв орқали Боғдодга қайтади. Бескинчилар Марвда нафас ростлаб, дам эладилар. Кўлга тушган ўлжаларини булишадилар. Шаҳарда ўлжа талашаётган, кул қилиб олиб кетилаётган одамларни тақсимлаётган арабларнинг "Мовароуннаҳр, Мовароуннаҳр!" - деган сўзлари қулоққа чалинади. Боласи онасидан, отаси бола-чақасидан, жигари жигаридан пора-пора қилиб ажратилаётган бандиларнинг оху нолалари эшитилади.

Мовароуннаҳр деган сўзни эшитган арабларнинг кўзлари очофатликдан бадтар чақчайиб кетар - Жайхуннинг нарёғида жойлашган бой-бадавлат юртининг олтинлари қулоқлари остида жаранглар эди. Бу жаранг нортуянинг бўйнига осилган кўнғироқ янглиғ бошию охири йўқ адоқсиз карвонларни Жайхуннинг нарёғидаги ўлкаларга чорлайверарди.

Балхда яшовчи Ҳаким тўқимачилик устахонасида матоларга кудунг босиб, кўлидан иш келиб, Марвга қатнай бошлаганидан буён йўлда нуқул ё жангга келаётган ё жангдан кетаётган араблар

ий учратади. Болалигида у ҳам бир неча бор отаси етагида савдогарлар билан Жайхундан ўтган. Бухоро, Зандана, Бойқанд, Вардана, Самарқанд, Нахшаб, Кеш шаҳарларига борган, у ёқда олтин иллар билан тўқилган матолар, дунёга машҳур заңданийчи газмоллар, шиннидан тайёрланган мағизли ҳалволар, қушлар ва баликлар, қоракўл тери пўстинлар, сувсар, телпақлар, ўқ-ёйлар, олтин ва кумуш идишлар, суд, борбад, қонун, кўбиз, чаңковуз савдосини кўрган эди. У юртининг олтин тангасини бир пуфлаб, кўлрингга тутсанг, узоқ вақт заңг бериб туради. Чилдирмалар қасноғидаги олтин ҳалқалар бармоқларнинг ҳар зарбидан бир-бирларига урилиб ажойиб ва фаройиб заңг чалади, доиранинги "Бумбака-бум! Бака-бака-бум" товушига жўр бўлади. Хоразм юртининг "Лазги" деган рақси ҳаммани бирданига афсунлаб кўяди. Бу рақсни кўрган ҳар қандай одам жангсиз, курашсиз маҳв бўлиб қолади. Ҳаким бозорлардаги майдонларда бу рақсни кўрган, булбуллар ноласидек ашулаларни эшитган эди.

Бу ўлканинг одамлари кўнгли очик, танти ва ҳалол. Ҳаким бу ўлка одамлари билан ўзларининг уруғ-аймоқ ва қариндош эканини болалигидаёқ анлаганди. У илк бор Бухоро атрофидаги қишлоқлар ҳовлиларида солланиб-солланиб юрган товусларнинг ранг-баранг патларини кўрганда завқланиб кетди.

Мовароуннахрликларнинг уйларида жаннат кушлари яшаркан, дея энтикиб-энтикиб онасига гапирганлари ҳамон эсидан чиққан эмас...

Ҳаким болалигида товусларни кўрган қишлоқнинг асл номи Арқуд эди. Арқудда бой-бадавлат, зебу зийнат ва гўзалликни севувчи нозиктаъб кишилар яшаган. Араблар Арқудга келишдан илгари товусни кўрмаган эканлар. Улар бу ердаги товусларни кўргач "Зот ут-тавоис! Зот ут-тавоис!" - "Товуслар эгаси!" деб хайратга турибдилар. Шундан сўнг бу қишлоқнинг номини "Зот ут-тавоис" дейишган. Кейинчалик "зот" сўзи ни ташлаб, айтишга осон бўлиши учун "Тавоис" деб қўя қолганлар.

Мана, энди ўша жаннатмакон ерлар саҳройи арабларнинг оёқ остида пайҳон бўлмоқда...

ТАҚШОДАНИНГ ОНАСИ

Араб босқинидан илгари Бухорода ҳаёт шундай эди:

Бидун Бухорхудот вафот эди. Шундан бир эмизикли угил қолди. Ота Тағше да эди.

Угил ҳали жуда ёш бўлгани учун Бухоро тахтига унинг онаси ўтирди. Мамлакатни донолик билан бошқарди. Халқ унга итоатда бўлди. Ҳар куни деҳқонлардан ва аслзодалардан икки юз нафар йигит заррин белбоғ боғлаб, белига ханжару қилич тақиб, Тағшоданинг онаси хизматида турди.

У юртда аёл кишини отини айтиб чақириш бегоналар учун ман этилган эди. Шунинг учун Бухорхудотнинг хотинини одамлар Тағшоданинг онаси дер эдилар.

Бухорода ерга эга бўлган бадавлат кишилар деҳқон аталарди. Деҳқонларнинг ерларида ишлаётган чоракорлар кадивардар дейиларди. Бухоро аҳолисининг салмоқли қисмини хунармандлар ва савдогарлар ташкил этарди. Аҳоли оташпараст эди.

Тағшоданинг онаси отга миниб, Бу-

хоро қалъасидан чиқди. Икки сафга тизилиб турган икки юз нафар навкар маликани олқишлаб, Регистон дарвозасига кузатиб борди. Малика тахтга ўтирди. Фуломлар, сарой хизматчилари ва обрў-эътиборли амалдорлар қўл қовуштириб турди.

Тағшоданинг онаси юрт сўради. Подшоҳлик ишлари билан машғул бўлди. Ёмонларга жазо берди. Яхшиларга бош-оёқ сарпо кийгизди. Халққа инъом-эҳсон берди.

Туш бўлди. Қуёш тиккага келди. Тағшоданинг онаси қалъага кирди. Барча хизматкорларга саройдан дастурхон яққарди. Тушдан сўнг Тағшоданинг онаси қалъадан чиқиб, яна тахтга ўтирди. Икки юз нафар йигит икки сафга тизилиб хизматда турди.

Қуёш ботди. Тағшоданинг онаси тахтдан туриб, отга минди. Отнинг бошини қалъага бурди. Деҳқонлар ва оқсуяклардан тўғилган икки юз навкар ўз қишлоғига рағбона бўлди.

Эртанги кун бошқа жамоадан икки юз нафар йигит Тағшоданинг онаси хузурига келиб, хизмат қилди. Шундай қилиб ҳар жамоадан икки юзтадан йигит Тағшоданинг онаси хизматида бел боғлаб турди. Ҳар жамоага бир йилда тўрт марта навбат келди.

Тағшоданинг онаси ана шундай давру даврон сурди. Юрт обод, мамлакат фаровон эди...

АРАБ БОСҚИНИ

Убайдуллох ибн Зиёд олти юз етмиш учинчи йилда Жайхундан ўтди. Бойканд ва Ромитанни олди. Кўп одамни асир қилди. Асирларни навкарларига бўлиб берди. Тўрт минг кишини ўзи билан олиб қолди. Сўнг Бухорога борди. Аскарларини жанговар сафга тизиб, палахмонларини тўғрилаб, шаҳарга ҳужум қилишга шайланди.

Тағшоданинг онаси Убайдуллох ибн Зиёдга элчи юбориб, етти кун муҳлат сўради. Бошқа қавмдошларига хабар

¹ "Деҳқон" сўзи уша даврда "заминдор" маъносини аниқлатган.

юбориб, ёрдам сўради. Етти кун ўтди. Ёрдам келмади. Тағшоданинг онаси араблардан яна етти кун муҳлат сўради. Қардошлардан ёрдам келиб, лашкар кўпайди. Уруш бўлди. Одамлар қирилди. Араблар ғалаба қилди. Бухороликлар қочди. Араблар қувди. Етиб олганлар қочганларнинг буйнига қилич урди. Курол-яроқлар, кийим-кечаклар, олтин ва қумуш буюмлар, асирга тушган одамлар ўлжа бўлди. Тағшоданинг онаси қалъага кириб беркинди. Тўполонда унинг бир пой этиги билан бир пой пайпоғи ўтовда қолди. Араблар ўтовни титкилаб, этик билан пайпоқни топди. Тилладан тикилган, қимматбаҳо тошлар қадалган бир пой этик билан пайпоқ икки юз минг дирҳамга баҳоланди. Бу қимматбаҳо ўлжа Убайдуллох ибн Зиёд қўлига ўтди.

Убайдуллох ибн Зиёд фармон берди. Дарахтлар кесилди, қишлоқлар талон-тарож қилинди. Ҳаммаёқ вайрон бўлди. Бухоро шаҳри ҳам хатарда қолди.

Тағшоданинг онаси элчи юбориб, омонлик тилади. Убайдуллох ибн Зиёдга бир миллион дирҳам пул бериб, сулҳ тузди.

Убайдуллох ибн Зиёд қўлга тушган ўлжаларни қарвон қилиб, навкарлари билан изига қайтди. Тўрт мингта бухоролик асирни олдига солиб, изиллатиб ҳайдаб кетди...

ЗОЛИМНИНГ АЖАЛИ

Уч йил ўтгандан сўнг Убайдуллох ибн Зиёд ўрнига Саид ибн Усмон Хуросон амири бўлди. У: "Мана орадан уч йил ўтиб кетди, уч йилдан буён Бухоронинг солиғини ҳеч ким олмади. Жайхундан ўтиб борайин қани, Тағшоданинг онаси менга уч йиллик солиғни берармикин? Берса, берди. Бермаса, бор мол-мулкени тортиб оламан, шаҳру қишлоғини ёндираман. Бухоронинг ўрнида бир култёпа қолдираман" деб Жайхундан ўтди. Бухорога келди. Тағшоданинг онаси Саид ибн Усмонга одам юборди:

- Мен Убайдуллох ибн-Зиёд билан

сулҳ тузганман. Шу сулҳим сулҳ. Сен билан ҳам урушмайман, - деди.

Қўрққанидан Саид ибн Усмонга жиндек мол берди. Шунда Суғд, Кеш ва Нахшабдан бир юз йигирма минг нафар навкар келди. Тағшоданинг онаси шу навкарга ишониб, сулҳ тузганига ва мол берганига пушаймон бўлди.

Саид ҳам урушмоқчи бўлиб, сиёсат қилди. Олган молини эгасига қайтариб берди.

Лашкарлар бир-бирига қарши турди. Отларнинг бурнига ёнтоқ босса ёнғудек бўлиб пишқирди. Йигитлар кўкракларини кериб, бир-бирларига узоқдан ушқирди.

Бирок, уруш бўлмади. Бир юз йигирма минг навкар отнинг бошисини орқага бурди. На урушга кирди, на Бухоронини қуриқлаб турди...

Тағшоданинг онаси навкарсиз бир ўзи қолди. Ноилож Саид ибн Усмондан яна сулҳ сўради. Убайдуллох ибн Зиёд билан илғари тузилган сулҳ шартига кўра уч йиллик хирожнинг пулини ҳаммасини Саиднинг қўлига берди.

Саид

- Энди мен Суғд ва Самарқандга бораман. Ҳалиги қайтиб кетган бир юз йигирма минг навкарни кўраман. Ҳаммасининг қалласини оламан. Аммо ўзимнинг мамлакатимга қайтаётганимда яна сенинг мамлакатингдан ўтаман. Шунда эски гиналарингни юзимга солиб, берган пулларингни миннат қилиб, йўлимни тўссанг, бошимдан қонимни оқизиб, кўнглимни бузсанг, мен нима қиламан? Мамлакатимга қайтаётганимда, мени эсон-омон қўйиб юборишинг учун ҳозир кучимнинг борида, сиёсатимнинг зўрида менга гаров бер, - деди.

Тағшоданинг онаси бухоролик деҳқонлардан ва аслзодалардан саксон кишини гаровга берди. Саид гаровга олинган саксон кишини пана қилиб, Самарқандга борди, Суғдга борди. Қаттиқ жанг қилди. Самарқандликлар мағлуб бўлди. Саид ўттиз минг кишини асир олди. Ўлжага тушган беҳисоб мол-

дунёнинг ҳисобини топмай қолди.

Саид ўз мамлакатига қайтаётганида яна Бухородан ўтди, Тағшоданинг онаси унинг олдини ўради, гаровга берилган саксон кишини қайтариб беришини сўради.

Саид:

- Жайхундан ўтгунимча тўхтаб тур. Жайхундан ўтганимда изимдан бориб, гаровни оласан. Унгача мени тинч қўйишингга ишонмайман, - деди.

Саид Жайхундан ўтди. Тағшоданинг онаси гаровни сўради.

Саид:

- Марвга етгунимча сабр қил, - деди. Марвга етди.

- Нишопургача индама, - деди. Нишопурга етди.

- Қуфага етгунимча қўлиб тур, - деди.

гаровингни барибир мендан оласан, - деди. Саид бундан бери бир кун, деди.

Шундай қилиб Саид Мадинага етди. Гаровни бермай алдаб кетди.

Гаровга олинган саксон киши Мадинага боргандан кейин Саид уларга:

- Энди иззатларингиз битди, бойбичаларинг ҳам сиздан умидини ўзиб, Жайхундан ўтиб, Бухорога кетди, - деди.

Барининг пўлат тилли қиличларини, кумуш-тилла қайишларини белидан ечиб олди, кимхоб кийимларини, олтин кубба чопонларини устидан ечиб олди, ёқут кўзли, зумрад кўзли, олмос кўзли узукларини зўрлик билан бармоқларидан суғуриб олди. Шундан кейин уларга жандаси чиқиб кетган эски жомакорларни бериб, қулдай қилиб ишга солди.

Саксон бухоролик Саид арабнинг бу ишидан дарғазаб бўлди. Зўрға тишини тишига қўйди. Кун ботгандан кейин қоронғида, ҳамма ухлаб ётганида Саид зўравондан ўч олишни дулига туйди.

Саксон бухоролик кундузи Арабистоннинг жазирама чўлларида, Сахрои Кабирида манглайдан шўри оқиб, бошидан жола-жола қоп-қора тери оқиб, пешонасидан чиққан тернинг данакдай-данакдай томчилари шашқатор бўлиб кўзига кириб кўзларини ачитиб,

шу иссиқда миясининг қатиғи чиқиб ўлгудек ишлади. Кун ботгандан кейин бир жойга йғилиб, бир-бирига маслаҳат солди:

- Шу азобда бир умрга қул бўлиб ишлаб, ўлиб кетгандан кўра бир кун мардлик қилайлик, - деди.

- Бошимизга шундай қора кунларни солган золим Саид арабни ўлдирайлик, - деди.

- Озод бўлганимиздан сўнг, майли, ўзимиз, ҳам ўлайлик, - деди.

Шундай маслаҳат қилиб, саксон бухоролик ярим кечаси Саид, арабнинг

саройига кирди. Сарой эшикларнинг ҳаммасини ичидан қулфлади. Саид

арабни ухлаб ётган жойида босди. Кўзларини ўйиб, жасадини сарой ус-

тунига осди. Энди биз Саид арабнинг навкар-

ларидан барибир тирик қутилмаймиз. Шу арабларнинг қўлида хор бўлиб

ўлгандан кўра, ўзимизни ўзимиз ўлдирганимиз яхши, - деб саксонга бухоро-

лик мардона турди. Бир-бирларининг юракларига ханжар урди. Саксон бухоролик шундай қилиб Саид араб зулми-

дан озод бўлди. Озодлик учун қулиб-қулиб, ўйнаб-ўйнаб жон берди...

АФРОСИЁБ ЙЎҚЛОВИ

Ҳақим кудунгар пардозланмаган матоларни чамалаб кўрди-да, Коно Бухорхудотнинг тож кийган сурати зарб этилган соф кумуш тангалар солинган ҳамёни белига қистирди. Бухоро бозорларида бу пулларнинг қиймати баланд. Ҳақим матоларни қизилга бўяш учун рўян харид қилиши керак. Бундай илдиз фақат Бухорода бўлади. Бухоро ўзининг тўқимачилик корхонаси билан етти иқлимга машҳур. Бу корхонани араблар "Байт ут-тироз" дейишади. Унда дунёнинг ҳеч ерида учрамайдиган матолардан палослар, дарпардалар, зарбоф чопонлар, ёстик жилдлари, аёллар учун нафис либослар, шоҳона сарполар ва дўппилар тайёрланади...

Замон нотинч. Қуёш ботмасдан бурун

Жайхундан ўтиб олиш хаёлида отини кичаб ҳайдади. Чамалаган вақтида қирғоққа етди. Кечувда тумонат одам. Қулоғига арабча сўзлар чалинди. Араб навкарлари дарёдан тезроқ ўтиб олиш учун отларни ва асирга тушган одамларни кистардилар. Соллар эса оғир сандиқлар, Бухоронинг ноёб товарлари ва қурол-яроқлар билан банд эди. Навкарлар қўлидан бир дамга қутилган асирлар тартибсиз равишда ўзларини дарёга ташладилар. Бегона юртларда хорлик ва зорликдан ўлиб кетгандан кўра, жонларини она Жайхунга қурбон қилишни афзал билдилар... Уларнинг орасида ёшгина гўдаклар, ҳали ўн гулидан бир гули ҳам очилмаган сулув қизлар ҳам бор...

Араблар уддалай олмаган қанча қорамоллар ва йилқилар Жайхунга окди. Жайхун Мовароуннахрнинг молини ҳам жонини ҳам бергиси келмай араблар билан мардонавор олишар эди.

Тун ўзининг қора пардасини ёйган паллада араблар дарёдан ўтиб олдилар. Ўзларини сувга ташлаган бухороликларни кўрган соқчилар энди асирларни эҳтиёт бўлиб кўриқларди. Ҳамма ўтиб бўлгач, араблар бухороликларнинг ватанларига қайтиш йўлини беркитиш учун барча солларни оқизиб юбордилар. Ҳаким дарёдан ўтиш душворлиги туфайли соҳилда қолди. Туннинг салқин ҳавоси ва Жайхуннинг ҳўл нафаси унинг этини жунжитирди. Дарёдан ўтаётганда усти-боши жиққа ҳўл бўлган навкарлар ҳар ер-ҳар ерда гулхан ёқдилар. Қоронгида Жайхуннинг нариги қирғоғидаги қальаларда ҳам аланга кўринди. Араблар Мовароуннахрнинг шаҳру қишлоқларига ўт қўйиб юборган эди. Гуриллаб ёнаётган кўрғонлар тутун ою юлдузларнинг юзини қорайтирди.

Кийимларидаги ва қўлларидаги қон доғларини Жайхундай катта дарёнинг сувлари ҳам ювиб тозалай олмаган араблар ўзларини гулханга тоблаб, боқинчилик жангларидаги саргузаштларидан мақтанардилар.

- Илк бора Убайдуллоҳ ибн Зиёд

амирлигида Жайхундан ўтган эдик, - дея гап бошлади Абдуллоҳ Ҳозим деган қипқизил юзли араб. - Ўшанда Бухоронинг подшоҳи бир хотин эди. Аёл жангда енгилиб, шаҳар қальасига қочди. Аёлни бўш қолган чодирига кирсам, у қочаётиб бир пой этиги билан пайпоғини кийишга ҳам улгурмаган экан. Пайпоқ билан этик тилладан тикилганди. Мен қўлга киритган ўша ўлжани баҳолашганда икки юз минг дирҳам бўлди...

Бу воқеани эшитганлар ҳайратга тушди.

- Биргина пайпоғи икки юз минг

дирҳам турса, унинг ўзи қанча тураркан?

- Ҳо-хо-хо-хо!!!

- Унинг ўзига сенинг кучинг етмай-

ди... Ола, сенинг кучинг етармиди? Ҳе-

Бу сўзларни эшитиб турган Ҳакимнинг юзлари уятдан қизариб кетди. Аёл кишининг пайпоғини мол билиб мақтанган арабнинг эркаклик ғурурига ҳайф! Арабнинг пасткашлигидан қаттиқ нафратланди.

Жайхуннинг бу соҳилида араб навкарларининг мастона қаҳқаҳалари, нариги соҳилида тўзгиган сочларини ой ёруғида дарёга ювиб, юзларини тирнаётган аёлнинг йиғи товуши эшитилади. Бухоро маликасининг пайпоғи ҳақидаги ҳикоятга уланиб кетган бу йиғи шу тобда Ҳакимнинг қулоғига:

- Оналарини, хотинларини ва сингилларини, ору номусини ҳимоя қиладиган алп йиғитлар йўқми? - деган ноладек эшитилди.

**Алп Эр Тўнга ўлдиму,
Эсиз очун қолдиму,
Ёғий ўчин олдиму,
Энди юрак йиртилур.**

**Кетди кўзим ёруғи,
Олди юзимни қайғу,
Қани ул Эр, қани у,
Бир эл ўзин ёзгурур...**

Аслида бу йўқлов бундан уч минг йил

бурун Афросиёб вафотига бағишлаб айтилган эди. Бу қадимий қўшиқ элнинг қон-қонига сингиб кетган эди. Ушбу қўшиқ ўзининг пайдо бўлган давридан буён элнинг бошига қайғу ва кулфат тушганида шу элнинг алп ўғлонларини Она Ватан ҳимоясига даъват этиш учун ай-тиларди. Бу қўшиқни оталар ўғилларга, оналар бешиқдаги чақалоқларига, ҳатто бўйидаги ҳомилаларига ҳам ай-тишарди. Алп Эр Тўнга марсияси барчани бирлашишга, бирлашишга, бирлашишга даъват этарди.

Жайхуннинг нарёғида йиғлаб марсия айтаётган аёлнинг жон аччиғидаги довуши Ҳақимнинг икки қулоғидан жон бўлиб кириб, мисли бир томчи қондек юрагига томчилади. Ана шу бир томчи қон унинг бутун вужудига тарқалиб кетди...

Ҳақим Жайхуннинг бўйида, арабларнинг ичида тонг оттирди. Эрталаб куёш қип-қизил бўлиб чикди. Куёшни кутарган тоғларнинг елкасидан шарибллаб қон оққандек, бутун борлиқ қип-қизил қонга бўялгандек, оппоқ булутлар тоғларнинг ярасидан қип-қизил қонларни пахтадек шимиб олгандек... Ҳақимнинг кузига куёшнинг қони сачради. У булутларнинг эрталаб қизаришига қараб, қадимий туркий мақолни эслади:

**Кечкурун булут қизарса,
Хотининг ўғил туққандек бўлур.
Эрталаб булут қизарса,
Уйга ёғий киргандек бўлур...**

Ҳақим Жайхундан ўтмади. Марвга қараб ҳуваб бораётган араб лашкарларидан аввалроқ қишлоғига етиб бориш ҳаракатига тушди. Йўлда йўртиб кетаётган от ичини узди. Шусиз ҳам юраги сиқилиб бораётганди. Бадтар хуноб бўлди. Чарчаганидан ўрлик қилаётган йўрғанинг сағрисиغا ачитиб-ачитиб камчи босди. Бир кўнгли босқинчилар хўрлаб бораётган бечораларга, бир кўнгли уйида ёлғиз қолган хотинига алағда бўлди.

Йўлда эгар сотиб ўтирган ҳунарман-дни кўрди:

- Бек ака, эгар олиб кетинг. Жуда пишиқ ишланган, отни ҳам, сизни ҳам қийнамайди. Бамисли тахтда ўтирган-дек кетаверасиз...

Биз эгар эмас, тахт ясаймиз, тахт! Ҳақим белидаги ҳамённи эгарчига узатди:

- Эгарингиз керак эмас, рўзғоримга омонлик тиласангиз, бас. Эгарчи бирданига шунча пулни текин берган бу сахий одамни астойдил дуо қилди:

- Илоё, уй-ичингиз билан соғ-омон бўлинг!

Эгарчи Ҳақимнинг орқасидан узоқ тикилиб қолди...

Кун ўтди, ой ўтди, йил ўтди. Ҳақимнинг хотини ҳомиладор бўлди.

Саид ибн Усмон ўлди. Кутайба ўлди. Неча-неча халифалар ўтди. Бироқ араб истибдоди тугамади.

Хотиннинг оyi кuni етди. Мовароуннаҳр ва Хўросондаги ҳар бир хонадоннинг тенг ярми арабларга бўшатиб берилган кунларнинг бирида хотинни тўлғоқ тутди. Ҳақим унинг инроғини Жайхун қирғоғида сочларини юлиб йиғлаётган аёл ноласига ўхшатиб, титраб кетди. Йўқ, бу азобга чидай олмади. Юрагидан миясига югурган қонда уша қадимий қўшиқ уйғонди.

**Алп Эр Тўнга ўлдиму,
Эсиз очун қолдиму,
Ёғий ўчин олдиму,
Энди юрак йиртилур...**

Бу кун Ҳақим учун янги кун эди. Наврўзда куёшга қурбонлик келтирди. Тонг отаётганда кунчиқарга қараб бир хўрозни сўйди. Куёш чикди. Хотиннинг кўзи ёришди. Ҳақим ўғил кўрди. Дунёни куёш нурлари ва гўдак йиғиси тўлдирди.

Ўғилнинг отини Ҳошим кўйдилар. Ҳақимнинг ўғли Ҳошим ибн Ҳақим аталди.

ОЗОДЛИК ФАРЗАНДИ

Ҳошим ибн Ҳақим жуда зийрак бола

бўлди. У пайтларда бола дунёга келганданоқ ота-она унга табиат илмини, дунёни таниш дарсини, Ватанни севиш сабогини ўргатар эди. Мовароуннахрлик ва хуросонлик болалар беш ёшида ўқиш ва ёзишни биладиган даражада саводга эга бўларди. Хошим дунёга келгунга қадар Қутайба Хуросон ва Мовароуннахр халқининг китобларини ёндирди, дарёга оқизди. Бироқ у бу халқнинг хотирасини ёндиролмаган эди. Халқига фидойий инсонлар жонларидан кечиб бўлса ҳам муборак "Авесто"нинг олтин суви билан ёзилган варақларини омон сақлаб қолган эди. Қолаверса, Қутайба ҳар қанча чиранса ҳам "Авесто"ни ёд билган донишмандларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказишга улгурмаганди. Хошим ана шундай донишмандлардан таълим олди. Ёшлигида тоқ-туркий, форсий тиллардан ташқари қадимги юнон, паҳлавий ва суғдий тилларини ҳам пухта ўрганди. Қадимий тилларда битилган кўхна китобларни кунг билан ўқиди. Энг машҳур олимларнинг кимё, илми нужум, фалсафа ва тиббиё буйича битилган нодир китобларини мутолаа қилди. Қоҳинлардан "Авесто"ни қайта-қайта эшитиб, ёд олди. Ўзгулик ва ёвузликни фарқлайдиган бўлди. Ахурамаздани таниди. Зардуштга эътиқод қўйди. Энг аввало, куёшни, сўнг оловни, сўнг ойу юлдузларни билди. Тупроқнинг, сувнинг, ҳавонинг хусусиятларини англади. Тарихни ўзлаштирди, жуғрофияни ўқиди. Онасидан аллалар тинглади, эртақлар эшитди. Халқ афсоналарига жон-жон деб кулоқ тутди. Алп Эр Тўнгадек, Рустами Достондек паҳлавон бўлишни орзу қилди. Отасидан руҳни чиниқтириш, жисмни пишיתיш машқларини ўрганди - иродали бўлиш, чавандозлик, ёяндозлик, қиличбозлик сирларини эгаллаш учун заҳматлар чекди. Вояга етгани сайин Хошимнинг кўзлари куёшдек чакнаб бораверди.

У ота-бобосидан қолган илму ҳунарни ардоқлади. Кудунггарлик қилди. Пахта савашда, калава йигиришда, бўз

тўқишда, янги бўзларни ювиб, сава-лаб ялтиратишда унга тенг келадиган мохир кудунггар кам эди.

Хошимнинг отаси ҳам кудунггар, ҳам саркарда эди. Хошим ҳам кудунггар бўлди, саркарда бўлди. Хуросон ва Мовароуннахр халқларининг жасур, мард ва танти ўғлони бўлди. Ниҳоят Хошим ибн Ҳаким ўзининг болалиқдаги орзуига эришди - Алп Эр Тўнгадек жанговар бўлди, Рустами Достондек паҳлавон бўлди. Озодлик учун курашиб, шон-шўрат қозонди. Дунёнинг ярмини фатҳ этган арабларнинг юрагига ваҳима солди. Шунинг учун араб тарихчилари унинг номини бадном қилишга интилди. Бироқ унинг хизматлари халқнинг мустақиллик учун кураши тарихига олтин харфлар билан ёзилиб қолди...

ШАРИК ИБН ШАЙХ ҚҶЗҒОЛОНИ

Хошим ибн Ҳаким - Муқанна озодлик ҳаракатининг шаклланишида Хуросон ва Мовароуннахрда юз берган Абу Муслим давлат тундариши ва Шарик ибн Шайх қўзғолоғни муҳим аҳамият касб этди. Ушбу курашларда халқ озодликка бориш йўлларини излади. Бу йўлларда адашди - сарсон бўлди, галаба қилди.

Халифалик тахтини талашган ҳукмдорларнинг ўзаро урушлари босқинчилар зулмидан жабрланаётган аҳолининг дарди устига чипқон бўлди. Ўз қўли билан бир юз йигирма минг кишини қатл этган Ҳажжожни одамлар "Ҳажжожни золим" дея лаънатлади. Ўттиз минг эркак ва йигирма минг аёл унинг зиндонларида қамалиб азоб чекди. Фақат Мовароуннахр ва Хуросонда эмас, араблар истило этган бошқа вилоятларда ҳам аҳвол шундай эди.

Оддий ҳунармандлик қилиб, эгаржаблук ясаш билан кун кечирувчи Абу Муслим ҳам бошқалар қатори уммавий халифаларнинг зулмига қарши бош кўтарди. Ниҳоятда зийрак, одобли ва доно бу йигитча араб ҳукмдорлари ўртасидаги низодан фойдаланиб атрофига ўз тарафдорларини йиғди. Ўн тўққиз

бўлди. Қўлга тушганларнинг ҳаммасини шаҳар дарвозасига осавердилар...

ХИЁНАТ

Абу Муслим саркардаларидан бири Абу Авн халифа Марвон ал-Химарни жангда мағлуб этди. Марвон ал-Химар Мисрга қочди. У ерда Амир Ибн Иброҳим Марвон ал-Химарни тутиб ўлдирди. Яқиндагина Куфада халифаликка тайинланган Абу Аббос Саффоҳга Абу Авн Марвон ал-Химарнинг бошини туҳфа этиб юборди. Ушбу давлат тўнтаришида бош қўмондон Абу Муслим бўлди.

Абу Муслимнинг насаби Гударзга бориб тақалади. Гударз Сиёвушга мотам тутиб, қора либос кийиб юрар ва жангдан бошқа пайт кулмасди. Абу Муслим ҳам қора кийим кийиб юрар ва жангдан бошқа пайт кулмасди... Абу Муслим ўрта буйли, бугдойранг, келишган, ширинсухан, кўзлари чақнаб турган, кенгпешона одам эди. У арабий ва форсий тилда сўзлашарди, гаплари жазибали ва таъсирли эди. Бирор билан ҳазил-хузул қилмас, редонаси доим буришган, юзи важохатли эди.

Хуросон ва Мовароуннаҳр Абу Аббос Саффоҳ халифалигига бўйсундирилгач, Абу Муслим саккиз минг киши билан Марвдан чиқди. Ҳаж зиёратига ўтганди. Нишопурга ва Райга етгач, у ўзи билан минг кишини олиб қолди. Қолган етти минг кишига жавоб бериб юборди. Вазирлари унга:

- Қадамингни ўйлаб бос, энди ҳеч қачон Марвга қайтиб келолмайсан, - дейишди.

Абу Муслим кулоқ солмади.

Абу Аббос унга катта марҳамат кўрсатди. Ширин сўзлар билан кўнглини олди. Укаси Абу Жаъфар Мансурни ҳажга борувчиларга амир этиб тайинлаб, Абу Муслимни кузатди.

Абу Муслим ҳаж зиёратида юрган пайтда Абу Аббос вафот этди. Абу Жаъфар Мансур зудлик билан орқага қайтиб, халифалик тахтини эгаллади. Абу Муслим Абу Жаъфар Мансурнинг

ўзига хайрихоҳ эмаслигини, бир ҳамла билан тилка-пора қилиш учун қоплондек пайт пойлаб юрганини биларди. Шунинг учун Хуросонга шошилинч йўл олди. Абу Жаъфар унинг орқага қайтишини сўради. Абу Муслим парво қилмай кетаверди. Абу Жаъфар унинг орқасидан Жарир ибн Язидни юборди. Жарир тулкидек айёр одам эди. У Абу Муслимга етиб олиб, хушомадлар қилди. Тилёғла-малик билан Абу Жаъфарнинг хузурига қайтишга ундади. Абу Муслимнинг ақлини олиб, халифанинг олдига боришга кўндирди. Абу Муслим Жарирдан отхонасидаги энг зўр отни беришни сўради. Жарир уордан булутдек бир отни айириб келди. Абу Муслим отга миниб йулга тушди. От йулда уч марта тўқишди. Абу Муслимга ҳамроҳларидан бири: Отнинг тўқишиши яхшилик аломати эмас, орқага қайт, - деди. Абу Муслим:

- Пешонага ёзилганидан қайтиб бўлмайди, - деди.

Абу Жаъфар Мансур Абу Муслимни ҳурмат-izzat қилиб, ёнига ўтказди. Эсон-омонлик сўрашди. Сўнг:

- Сен қайси қилич билан жанг қилдинг? Қайси қилич билан шунча ғалаба қозондинг? - деди.

Абу Муслим белидаги қилични кўрсатди:

- Мана бу қилич билан.

- Шу қилични менга бер-чи, - деди Абу Жаъфар. - Унинг қанақалигини мен бир кўрай-чи...

Абу Муслим қиличини қинидан суғуриб, Абу Жаъфарга берди. Абу Жаъфар қилични олгач:

- Сен бу қилич билан яна нималар қилганингни биласанми? - деди. Ҳазаб билан ўрнидан туриб, Абу Муслимга бақира кетди:

- Ҳали шу қилич билан менга таҳдид қиладиган бўлдингми? Бўйсунмайдиган бўлдингми?

- Астағфирулло! Менинг сенга қилган яхшиликларимнинг муқофоти шуми? - дея ёқасини ушлади Абу Муслим.

- Овозингни ўчир, аблаҳ! - деди Абу Жаъфар. - Абул Аббосга қандай сажда қилганинг эсингдан чиқдимми? Ўшанда унинг ёнида мен ҳам бор эдим. Бироқ сен мени назарингга ҳам илмадинг. Жияним Исо ибн Мусога "Абу Жаъфарни орадан кўтариб, сени халифалик тахтига ўтқизишимни истайсанми?" деганларинг ёдингдан чиқдимми? Шомда Яқтин ибн Мусонинг олдида мени Салиманинг ўғли деб ерга урганинг-чи? Салима эса, сенинг онанг каби таги паст чўри эди. Ахир сен бир пайтлар бани Ажул қавмининг кули эдинг-ку. Эгарчилик билан зўрға кун кўрардинг. Энди соҳибқирон бўлиб қолдингми, қул-вачча!?

Абу Муслим қаттиқ қулиб юборди:
- Мен нима иш қилган бўлсам, фақат аббосийларнинг манфаатлари ёнида сизга қилдим. Буни ҳеч ким инков этолмайди!

Абу Жаъфар Абу Муслимнинг фақат жанг пайтида қилиш одатини биларди. Аммо қиличи йўқ жангчининг қулидан нима келарди.

- Бу ишлар сенинг эмас, Оллоҳнинг иродаси билан содир бўлди, - дея Абу Жаъфар Абу Муслимнинг ёнида турган сарҳангга қули билан ишора қилди. У Абу Муслимга қилич солди. Абу Муслим қаттиқ қулиб, ерга қулади:

- Сен кўрқоксан! Хо-хо-хо-хо! Кўрқоксан!

Абу Муслимга биринчи бўлиб Усмон ибн Ноҳик қилич урди. У илгари Абу Муслимнинг сарҳанги эди...

Сўнг Абул Хасиб ал-Ҳожиб қилич солди. Унинг зарбасидан Абу Муслим жон берди. Саропардага тўшаланган гилам қил-қизил қонга бўялди. Абу Муслимнинг жасадини шу гиламга ўраб, тикка қилиб бурчакка тираб қўйдилар.

Абу Жаъфар минг донадан олтин танга солинган мингта ҳамён тайёрлаб қўйган эди. Абу Муслим ташқарига чиқавермагач, унинг мингта йигити шовқин кўтарди. Абул Хасиб саропардадан чиқиб, жангчиларга мингта ҳамённи

улашди. "Абу Муслим халифага итоат қилмагани учун жазоланди", - дея жар солди. Абу Муслимнинг мингта йигити минг тангадан олтин солинган мингта ҳамёнга овуниб қолди. Жасур саркардаларини унутди.

ҚУЁШГА ҚАСАМЁД ҚИЛАМАН

Абу Жаъфар Мансур Абу Муслимга суиқасд қилгандан кейин унинг ёнидаги ҳамроҳларидан ҳам ўч ола бошлади. Ҳошим ибн Ҳаким Абу Муслимнинг лашкарбошиларидан бири эди.

Аббосийлар хиёнатидан дарғазаб бўлган Ҳошим ибн Ҳаким халифалик ҳукмронлигига қарши очиқ-ошқора бош кўтарди. Аҳолини арабларга қарши кўзғалишга даъват этди. Бу кўзғолонга узи раҳбар бўлишни эълон қилди. Бу хабар жуда тез тарқалди. Халифа Абу Жаъфар Мансурнинг ҳам қулоғига етди. У Ҳошим ибн Ҳакимни арабларнинг омавий газабига дучор этиб, эл орасида обрўини туқиш учун шундай гап тарқатди:

Ҳошим ибн Ҳаким пайғамбарликка даъво қилмоқда. Бироқ бу гап Ҳошим ибн Ҳакимнинг обрўини янада ошириб юборди. Зимдан унинг тарафдорлари кўпайди.

1. Сарҳанг - халифа лашкаридаги кичик кўмондон.

Абу Жаъфар Мансур Ҳошим ибн Ҳакимни дарҳол ҳибсга олишни ва Марвдан халифалик пойтахти Бардодга келтириб, зиндонга ташлашни буюрди. Халифа навкарлари Ҳошим ибн Ҳакимни зиндонга банди этдилар.

Ҳошим ибн Ҳаким зиндонда ётиб, кўзғолон режасини тузди. Ўз тарафдорлари билан махфий алоқа боғлади. Хуроросон ва Мовароуннаҳрдаги сиёсий вазиятни ақл тарозисига солиб, тахлил этди. Аввалги кўзғолонларнинг энгилиши сабаб ва оқибатларини аниқлади. Халқнинг кўнглини топиш йўлларини излади. Тажриба орттирди ва илм ўрганди. Ҳошим ибн Ҳаким зиндонда

туриб, араб халифалигига чоҳ қазиди.

Абу Муслим Марвон ал-Химарни тах-
ддан йикитганида қора кийим кийиб ку-
рашган эди. Абу Муслим ўлди, бироқ
қора либос кийиш одати сақланиб
қолди. Қора ранг аббосийлар давлати-
нинг рамзий ранги бўлди. Хиёнат, фит-
на ва суиқасд туфайли уларнинг қўли
қон, юзи қора бўлди.

Хошим ибн Ҳаким учун қора ранг
ёвузликнинг рангига айланди.

Араб босқинчилари эса кўзига Ахра-
ман малайлари бўлиб кўринди.

Наҳотки Аҳраманнинг қўли устун кел-
са. Йўқ! Ҳали жанг тугагани йўқ. Ҳали
Куюш бор. Зулматни маҳв этувчи эзгу-
лик бор. Ахура Мазда бор. Токи еру
фалакнинг султони - Куюш мангу олов
сочиб турар экан, токи у ёқларда ўт
ёниб турар экан дунёни зулумот эгал-
лай олмайди. Олам оппоқ бўлади.

Оппоқ либосли Зардушт қўлидаги
чироқ билан Хошим ибн Ҳаким ётган
қоп-қора зиндонни ёритди. Зиндонда-
ги одам кўзларини ишқалаб уйғонди.
Тирқишдан тушган куюш нури оёқ ости-
ни ёритар эди. Хошим ибн Ҳаким қўли-
даги кишанни куюш нурига тутиб қасам
ичди:

- Кўзимдаги нур, юрагимдаги ўт,
танимдаги ҳарорат, қонимдаги олов
сўнмагунича жанг қиламан. Муқаддас
Ватанимни озод қиламан. Куюшга қараб
қасамёд қиламан! Ҳеч қачон энгилмай-
ман, таслим бўлмайман. Қасамёд қил-
ганимнинг белгиси сифатида эгнимга
оқ либос кияман, юзимга кўк парда ту-
таман. Тангрига илтижо қиламан. Босқин-
чи арабларнинг додини бераман!

Хошим ибн Ҳаким уч йилдан сўнг ўз
тарафдорларининг кумаги билан соқчи-
ларни доғда қолдириб, зиндондан чи-
қиб кетди.

У зиндондан чиққан кун Марвда
юзига кўк ниқоб тутган Муқанна пайдо
бўлди.

Муқаннанинг либоси оппоқ эди...

СУБАХ ҒАЛАБАСИ

Зиндондан қутилиб чиққан Муқанна
атрофига тезда одам тўпланди. Зулм-
дан, истибдоддан, оғир солиқлардан
безган халқ учун Муқанна даъвати исён-
га ишора бўлди. Аҳоли ана шундай ишо-
рага маҳтал эди.

Муқанна халойиққа:

- Вужуднинг ғамини еб, қилич, най-
за, камон зарбидан етадиган жароҳат
оғриғидан - вужуд оғриғидан кўрқиб,
руҳингизни қийнаманг. Шуни билинг-
ки, инсон руҳи ҳеч қачон энгилмайди,
ҳалок бўлмайди.

Менга қўшилингиз. Битта руҳга бир-
лашдингиз. Юрагингизга энгилмас руҳ-
ни жо этингиз. Ўзингизни руҳан кучли
ҳис этингиз. Кўркмасдан халифачилик
идаосидаги араб босқинчиларига
қарши кўзгалингиз!

Кўзгалингиз! Кўзгалингиз!

Муқанна даъватчилари чор атрофга
жар солдилар. Вилоятларга мактублар
жунатилди.

"Сиз озод эдингиз. Яна озод бўлинг.
Ўз ҳаётингизга ўзингиз бек бўлинг. Ўз
уйингизга ўзингиз ҳужайин бўлинг. Хо-
надонларингизга кириб олган араблар-
ни эшигингиздан ҳайдаб юборинг.
Уларнинг сиз қурган иморатларда
яшашга ҳақлари йўқ. Улар сизнинг меҳ-
натингиз ҳисобига яшашга ўрганиб қол-
ган. Елкангизга миниб олган бундан те-
кинхўрларни ағдариб ташланг, ўзингиз-
ни анланг. Зулматдан воз кечиб, нур-
га, ёруғликка интилинг.

Ўчоғингиз асло ўчмасин!"

Муқанна ёққан чироқнинг нурлари
кўп юртларга етди, кўп юракларни ёрит-
ди. Одамлар исён гулханларини ёқишга
тайёрлана бошладилар.

Марвда катта обрў-эътиборга эга
бўлган Абдуллоҳ ибн Амин хонадони
шухрати Муқанна туфайли янада юксал-
ди. Маслақдошлик, аҳду паймонини му-
стаҳкамлаш учун Абдуллоҳ ибн Амин
Муқаннага ўзининг қизини берди. Аб-
дуллоҳ ибн Аминнинг қизини фаолияти
боис оқ чопон кийганларнинг сони кун
сайин орта бошлади. У Жайхундан ўтиб,

Нахшаб ва Кеш вилоятларига борди. Бу ернинг одамлари Муқанна ҳаракатидан аллақачон хабардор эдилар. Кеш ва унинг атрофидаги қишлоқларда Муқаннага хайрихоҳлар ниҳоятда кўп эди. Кешнинг Субах номли қишлоғи аҳолиси Умар Субахий бошчилигида исён кўтардилар. Араблар томонидан тайинланган амирни ўлдирдилар. Узларини Муқанна навкарлари деб эълон қилдилар.

САНАМ ҚАЛЪАСИ

Хуросон амираи Хумайд ибн Қаҳтаба: - Муқаннани тутиб, зиндонбанд қилингла! - деб фармон берди.

Амир навкарлари бутун Хуросон бўйлаб изғидилар. Бироқ Муқаннани ҳеч қаердан топа олмадилар. Муқанна одамлари амир лашкарларидан кўра ҳушёрроқ эди. Улар дарҳол оғоҳ бўлиб, Муқаннани таъқибчилар нигоҳидан яширардилар. Халқ орасида беркиниб юрган Муқаннага Мовароуннаҳр кўзғолони хабари етди. Муқанна тезда Жайхундан ўтиб Кешга бориши лозим. Хумайд ибн Қаҳтаба бунга тиш-тирроғи билан қаршилик қилишга интилди.

Жайхун дарёси қирғоқларига соқчилар қўйилсин! - деб фармон берди у. Юз нафар отлиқ аскар Жайхун бўйлаб қуйидан юқорига, юқоридан қуйига қараб тўхтовсиз юриб турсин! Ҳар битта бута, ҳар битта қамишнинг ости синчиклаб текширилсин! Нима бўлса бўлсин, аммо Муқанна Жайхундан ўтказилмасин!

Амирнинг навкарлари Жайхуннинг қирғоқларида ҳушёр турдилар. Юз нафар отлиқ аскар қирғоқ бўйлаб муттасил изғиб юрди. Кечалари назорат янада кучайтирилди. Кечувлар қаттиқ кўриқланди.

Муқанна ўттиз олти киши билан Жайхун қирғоғига келди. Товуш чиқармасдан тезда тўқайзор орасига беркинди. Ҳатто қамишлар ҳам шитирлашга улгурмай қолди. Ўттиз олти йигит аввалдан тайёрлаб қўйилган енгил ёғочларни бир-

бирига чилвир билан боғлаб, сол ясади. Муқанна ва унинг йигитлари солда сузиб Жайхундан ўтди, ҳатто сувлар ҳам шалоппай олмай, тинчиб қолди. Муқанна ва ўттиз олти йигит қаққонликда амир посбонларини доғда қолдирди. Улар Кешга борди. Вилоят аҳолиси Муқаннани ягона ҳоким деб тан олди. Муқанна бу ерда кўзғолон режасини тузди. Ававал ишни душманлар ҳужумидан сақлашниш учун қалъа қуришдан бошлади.

Ҳисор тоғининг тепасида кўҳна бир қалъа бор эди. Қалъа кўҳна бўлса ҳам мустаҳкам эди. Қалъа ичида зиллол бундоқлар, экинзорлар, мевазор боғлар, узумзорлар ва анорзорлар мўл эди. Қалъанинг ичида яна бир қалъа бор эди. Муқанна ана шу жойни қароргоҳ қилди. Ички ва ташқи қалъалар янада мустаҳкамланди. Омборлар қурилди. Бехисоб озиқ-овқат, қора мол, майда мол йиғилди. Жуда кўп қурол-аслаҳалар, кийим-кечаклар келтирилди. Ташқи қалъа лашкаргоҳ, ички қалъа Муқанна учун сарой бўлди. Қалъа деворларига соқчилар ва дидбонлар қўйилди. Қалъа шундай қулай жойда эдики, у ердан бутун Кешу Нахшаб қафтдек кўриниб турарди. У ердан туриб, Кешдан Самарқандга ошадиган довонни ҳам бемалол назорат қилиш мумкин эди. Бу қалъанинг номи Санам қалъаси эди. Санам қалъаси Мовароуннаҳр оқчопонлиларининг кўмондонлик маркази бўлиб қолди...

Оқчопонлилар овозаси Бағдодга етди. Халифа Маҳдий Муқанна ҳаракатининг бутун дунёга ёйилиб кетишидан кўрқиб қолди. Оқчопонлилар ҳокимияти тобора мустаҳкамланиб, араблар қўлидаги ҳукмронлик жиловни бўшашиб бормоқда эди.

776 ЙИЛНИНГ БИР КУНИ

Бухоро. Тонг. Амир Ҳусайн ибн Маоъ саройи дарвозалари қаттиқ тақиллади. Шаҳарда яшаётган араб босқинчилари ва уларнинг гумашталари жон қайғуси-

¹ Дидбон - кузатувчи.

да нажот тилаб келди.

- Оқчопонлилар Нумижжатни қирди.
- Биттаям араб омон қолмади.

- Ҳашвий, Боғий, Фирдак... Энди бизга ҳам шафқат қилмайди. Улар эртага Бухоро қалъасини ҳам забт этади.

- Оқчопонлиларни қайтариш керак!

Амир шаҳар қозиси Омир ибн Умар ибн Имрон билан кенгашди. Оқчопонлиларнинг Ҳаким ибн Аҳмад кўмондонлигидаги катта лашкари Наршах қалъасида жангга тайёрланиб турди. Омир ибн Умар Бухоро аҳолисидан кўнгилли одамларни йиғди. Араблар билан иноқлашиб кетган айрим одамлар амир лашкарига қўшилиб, Наршах қалъаси қаршисида урушга сафланди.

Омир ибн Умар оқчопонлиларга:

- Ниятларингдан қайтишлар. Араб халифалиги ҳукмронлигига бўйсуниб, тинчгина яшанглар. Тавба қилишлар, - деди.

Оқчопонлилар:

- Биз сен айтгандек муте бўлиб яшай олмаймиз. Тавба нималигини билмаймиз. Озодлик йўстимиз! - деди.

Араблардан Наим ибн Саҳл майдонга чиқди. Оқчопонлилардан ҳам бир паҳлавон чиқди. Икки қарама-қарши лашкардан биттадан навқар яккама якка олишди. Отлар терлаб кетди. Найзалар синди. Қиличбозлик бошланди. Наим ибн Саҳлнинг қиличи оқчопонли қалқонига сирғалиб, отнинг бўйнига тушди. Жонивор жон ҳалпида илгис сакраб, икки оёғини осмонга кўтариб юборди. Оқчопонли қалқиб кетди. От устидаги чавандози билан йиқилди. Оқчопонли ўзини чаққон ўнглаб олди. Йўлбарсдек сакраб ўрнидан турди-ю бошининг устида ярқиллаб кетган қилич тифига қуёшни кўриб қолди... Қиличи қонга бўялган Наим ибн Саҳл Наршах қалъасига қараб от қўйди. Унинг орқасидан суворийлар оқчопонлилар устига қуюндек ёприлди. Қондан қутуриб кетган Наим ибн Саҳл яна бир неча кишини

ўлдирди. Ниҳоят ўзи ҳам Фирдакнинг қиличидан ўлим топди. Оқчопонлилардан етти юз киши ҳалок бўлди. Арабларнинг қўли баланд келди. Оқчопонлилар қалъага чекинди. Кун ботди. 776 йилнинг апрель кунларидан бири шундай тугади.

Араблар кўпчилик эди. Оқчопонлилар уларни очикдан очик жангда енголмасликларини англадилар. Беҳуда қон тўкилмаслиги учун оқчопонлилар сулҳ тузишга мажбур бўлдилар. Ўзларини арабларнинг шартларини қабул қилгандек қилиб кўрсатдилар. Наршахга бостириб келган қўшин орқага қайтиб, навқарлар жой-жойларига тарқалиб кетгунча оқчопонлилар жим турдилар. Араблар қўшинининг бўлинган қисмларини оқчопонлилар битта-ма битта янча бошладилар. Улар қўлмаганда ҳужум қилар, озиқ-овқат, қурол-яроқ ва заҳиралар келтираётган қарвонларни қўлга киритар, далаларда бош тортиб қолган ошлиқларни Наршах қалъасига ташиб кетардилар. Энди Бухоро амирининг бир ўзи Муқанна йигитлари билан жанг қилишга қуюнзлик қиларди.

НАРШАХ ЖАНГИ

Халифа Маҳдий Муқаннага қарши Арабистондан жуда катта қўшин юборди. Халифа вазири Жаброил ибн Яҳё бу қўшинга кўмондон эди. Халифанингни ўзи заҳира қўшинлар билан Нишопурда қолди.

Жаброил ибн Яҳё Бухорога келиб, Самарқанд дарвозасида лашкарига дам бериб турди. Хусайн ибн Маоз Жаброил хузурига борди.

- Аввал биргалашиб Наршах қалъасидаги оқчопонлиларни тор-мор қилайлик. Сўнг Муқанна устига қўшин тортамиз, - деди Хусайн ибн Маоз.

- Биз оқчопонлиларни тезда енгамиз, - деди Жаброил, уларнинг ҳаммасини битталаб қиличдан ўтказамиз...

Хусайн ибн Маоз ва Жаброил лашкари Наршахга борди. Қишлоқ атро-

фида айлантириб ҳандақ қазилди. Навкарлар ҳандақ ичига беркинди.

- Тунда хушёр бўлинглар, - деди Жаброил, - оқчопондилар ҳужумидан гафлатда қолмайлик.

Биринчи кечадаёқ оқчопондилар қалъадан чиқиб, арабларга ҳамла қилди, Жаброил лашкари талофот кўрди. Лашкаргоҳда саросима кучайди.

Хусайн ибн Маоз кўрққанидан Жаброилга ялинди:

- Наршахни бир ёқлик қилмагунча Бухородан кетиб қолманглар.

Жаброил лашкарига ҳужумга ўтишни буюрди. Унинг назарида бир ҳамла билан Наршахни олиш мумкиндек эди.

Аммо оқчопондилар арабларни улоқтириб ташлади. Тўрт ой урушда оқчопондилар ҳар куни ғалаба қилди. Жаброил лашкари чорасиз қолди. Арабларнинг боши қотди. Шундай катта лашкар кичкинагина қалъани ололмасая.

Жаброил лашкари ўрага тушиб қолган филдек ўкириб ётганида олдида Молик ибн Форум келди:

- Наршахни забт этишнинг йулини топдим, - деди у.

Бунинг усули шундай: Лашкаргоҳдан то қалъа деворигача ариқ қазилди. Ариқнинг усти чўп, қамиш-вагупроқ билан беркитиб борилаверади. Усти ёпилган ариқ ер ости йўли бўлади. Навкарлар унинг ичидан юриб бориб, қалъа девори остидан эллик газ ерни ковлайдилар. Таги ковланганда йиқилиб кетмаслиги учун деворга ёғоч устунлар тираб куйилади...

Девор остидан ковланган эллик газ узунликдаги чуқурликни ўтин билан тўлдирдилар. Ўтиннинг устига нефть септилар-да, ўт кўйдилар. Бироқ ўтинга шамол тегмагани учун олов ёнмади. Қалъа деворининг таги ковланган эллик газ жойини мўлжаллаб палахмонлардан тош отдилар. Девор тешилди. Деворнинг тешилган жойидан шамол чикди. Чуқурдаги ўтинлар аланга олди. Деворга тираб куйилган

устунлар ёнди. Қалъа деворининг эллик газ жойи йиқилди. Араблар қалъага бостириб кирдилар. Қиличбозлар жанги бошланди. Оқчопондилар жасурат билан олишдилар. Бироқ араб наваркарлари кўп эди. Оқчопондилар султунузишга мажбур бўлишди. Султунларини араблар белгилади:

- Арабларга қарши урушмайсизлар. Уларнинг карвонларини таламайсизлар. Ўз кишлоқларингизга тарқалиб ишлайсизлар. Бухоронинг хирохларини тўлайсизлар. Бошлиқларингизни халифага топширасизлар. Курол-яроқ олиб юрмайсизлар...

Бироқ оқчопондиларнинг кийимлари ичига яшириб олган қуроллардан бор эди.

Жаброил Ҳаким ибн Аҳмадни ўғли Аббосга топширди:

- Чодирингга олиб бориб, яшринча ўлдириб юбор, - деди. Аббос Ҳакимни ўз чодирига олиб кетди.

Ҳакимнинг ҳаётидан ташвишга тушган оқчопондилар Ҳашвий орқали Жаброилга талабнома юбордилар.

- Ҳакимни соғомон бизга қайтариб бермасанг, бир қадам ҳам жилмаймиз, - деди Ҳашвий.

Ҳашвийнинг остидаги тулпор уйноқлаб бир жойда тек турмас, бироқ жиловини қаттиқ тутган бакуват қўлларга ноилож бўйсунар эди. Қани энди жилов бўшаб, сувлик тушса-ю, асов тулпор шамолдек елиб кетса. Ҳашвийнинг асл тулпори арабларнинг кўзини уйнатди. Айниқса чавандознинг олтин узангига чиппа ёпишиб турган яп-янги этиклари ҳамманинг ҳавасини келтирди.

Ҳашвий Жаброилга гапириб турган пайтда Аббос келди.

- Ҳакимни ўлдирдим, - деди у отасига.

Жаброилнинг навкарлари Ҳашвийни дарров отдан туширдилар. Орқасига ханжар санчиб ўлдирдилар. Уни узоқдан кўриб турган оқчопондилар қичқириб юбордилар. Қиличларини яланғочлаб араблар устига от кўйдилар.

лар.

Жаброил суворийларга бақирди:
- Отга мининглар! Жангга!

Оқчопонлилар араблар кўшини ичига ёриб кирдилар. Уларнинг бир гурӯҳи Жаброил қароргоҳи томон елдилар. Қасос! Қасос! Қасос! Арабларнинг сонсиз лашкари ичига отилиб кирган шиддатли оловни ўчира олмай Жаброил қийналиб кетди. Олов эса, теккан жойини куйдирарди. Араблар бу оловни қон билан ўчирдилар. Одамлар барг-хазондек тўкилди. Бухорода оқчопонлилар енгилди. Муқанна лашкарбошиларидан Боғий ҳам жангда ҳалок бўлди. Фирдакни араблар тутолмадилар. У Кешга - Муқаннанинг олдига кетди.

ТҶМАРИС АВЛОДИ

Жаброил Наршах қишлоғида қалаба қозонди. Бироқ оқчопонлиларга қарши урушда ютқазди. Турк ой давом этган узоқ уруш араб лашкарининг силласини қуритди. Вақт босиб берилди, Жаброил Наршах: ҳаробаларни уштида мурдалар узра қаргадек қалаба нашидасини сураётганда куз эди. Бу ёғига ҳаво тобора совиб боради. Ҳадемай киш келади. Бироқ Жаброил кишнинг қаҳратон совуқларини даққисанд қилмайдиган қарга эмасди. Арабистоннинг иссиқ ҳавосига ўрганган бойқуш эди. Унинг таъмаси Муқаннанинг боши эди. У эса деворлари нураган, атрофида ҳандақлар қазиб ташланган, ҳандақлар араб навкарлари мурдаларига тўлган қалъагагина эга бўлди, холос. Чангалига илингани Муқанна эмас, Ҳаким ибн Аҳмаднинг боши.

- Ҳечқиси йўқ, - деб ўйлади Жаброил, Ҳаким ҳам бебаҳо ўлжа. Ўлган бўлса ҳам унинг боши ҳали ишлайди... Фақат менинг фойдамга ишлайди... Менга хизмат қилади... Миясига келган фикрдан Жаброил завқланиб кетди. Аммо бу завқ тезда сўнди. Ҳаяжон ўрнини ақл эгаллади.

Наршах қалъаси. Лаънати қалъа. Шунча вақт оқчопонлиларни асраган қалъа. Тўхта, бу қалъанинг ҳоқими ким эди? Ким экан у оқчопонлиларга ҳомийлик қилган инсон?

Жаброил сарҳангларига Наршах ҳоқимини топиб келишни буюрди. Бир хотинни келтирдилар. Ҳа, хотинни келтирдилар.. Наршахнинг ҳоқими хотин киши экан. Жаброил ғазабдан қизариб кетди. Биргина муштипар хотин аёл боши билан халифанинг вазири-ни шунча сарсон қилди-я. Наҳотки, мен шу аёлдан енгилдим? Ундан кўра эриб ёрилиб, ерга кириб кетганим яхши эмасми? Йўқ! Мен бу аёлни барибир эзимга бўйсундираман, - деб ўйлади.

Хотиннинг эрини араблар ўлдирган эди. Шундан сунг бу хотин Наршахга ҳоқим бўлган эди.

Эринини ўлдирган арабларнинг гуноҳидан ҳеч - деди ўзини меҳрибон кўрсатиб Жаброил. - Биз сенга илтифот қиламиз. Тавба қил!

Маънаматини эга зор эмасман! Эримни ўлдирган, юртимни вайрон қилган дўшманнинг гуноҳидан ҳеч қачон кечмайман! Фанимларга бўйсунмайман! Тавба қилмайман!

Ҳавони кўллари билан пайпаслаб ўриб қалаётган кўзи ожиз бола Жаброилнинг диққатини тортди. У хотиннинг амакисининг ўғли эди.

- Ҳаддингдан ошма эй, хотин! Сен ўзи кимингга ишониб, катта гапираясан? Мана шу кўр болагами?

- Инсоннинг жисмоний ожизлигини ҳақорат қилма! Мана мен жисмонан заифман. Лекин сени енгилга кучим етади. Эй, аҳмоқ вазири! Тўмарисни эшитганмисан? У босқинчи Қирғоннинг бошини кесиб, қон тўлдирилган мешга солган эди. Сен ҳам яхшиликча Жайхундан ўтгинда, тезда ўз юртингга жўнаб қол! Йўқса, мен ҳам массагетларданман. Қонга тўймаган бўлсанг, бошингни узиб олиб қонга чўктираман. Агарда мендан омон

кутилсанг, барибир Муқаннага тутиласан. У сени аяб ўтирмайди.

Аёлнинг мағрурлигидан дарғазаб бўлган Жаброил ўзини тутолмай қолди. Ёнида турган навкарнинг қиличини қинидан суғуриб олиб, бор кучи билан хотиннинг белига урди. Аёлнинг танаси ўртан белидан шартта иккига бўлиниб кетди.

Аёлнинг ҳалокатли фарёдини эшитиб, ўзини йўқотган кўр болани жаллодга топширди. Боланинг юракни қиндан чиқаргудек чинқириги ҳаммани титратиб юборди.

Бухородан кўнгли тўлмаган Жаброил зудлик билан Суғдга отланди.

Оқчопонлиларнинг юрагига ваҳима солиш учун Ҳаким ибн Аҳмаднинг калласини найза учига илтиб, йўлма йўлодамларга кўрсатиб кетди. Бизга қарши бош кўтарганларнинг бошини мана шундай кесиб оламан, - дея пўписа қилгани, эди бу.

Аmmo бу бошдан Жаброилнинг ўзи кўпроқ кўрқар эди...

ЕНГИЛМАСЛАР

Зарафшон қирларида чечаклар уйдди. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам янги яшил бўлиб яшнаб турадиган янголлар, ковуллар қовжирай бошлади. Боғлардаги дарахтлар барглари қувраб тўкилди. Қуёш жануб томонларга узоқлашиб кетди. Осмоннинг қовоғи уюлди. Бутун борлиқ оппоқ чопон киймоқ учун ечина бошлади. Қиш яқин. Табиат оқчопон кийиб араблар билан урушмоққа шайланмоқда. Энди араблар Мовароуннаҳр қишининг совуқларига бардош беролмай ўзларининг Саҳрои Кабирларига жўнаб қолади-лар.

Муқанна лашкарлари қалин ва жипс ўсган бедага ўхшарди. Қанча ўрганинг билан яна шунча ўсиб чиқаверади. Бир жойда уларни бостирасан, иккинчи жойда бош кўтаради. Араблар кўзғолонни бостириб келгунча, аввалги жойда ундан ҳам кўп оқчопонли пайдо бўлади. Чунки уларнинг илдизи шу

ерда, шу заминда эди. Ўз ватанларида туриб курашган инсонларни ҳеч қачон енгиб бўлмастлигини араб босқинчилари тушунмас эди. Ватан ўзини ўзи химоя қилиш учун мард ўғлонлар туғаверади. Ҳалок бўлганларни бағрига олади, уларнинг ўрнига Ватан тупроғида яна бошқа фарзандлар туғилаверади. От ўрнини тойлар босаверади.

Жаброил келганида Суғд амири Суғдиён эди. У Муқанна сарҳанглари-дан бири эди. Суғдиён Суғд аҳолини араб лашкарига қарши оёқлантирди. Аёвсиз жангларда Суғдиён ҳалок бўлди.

Жаброил Самарқандга борди. Самарқандликлар енгилмади. Мовароуннаҳр оқчопонлиларини маҳв этолмагани. Муқаннани қўлга ололмагани учун халифа Жаброилни истеъфога чиқарди. 778-йилда унинг ўрнига Маоз ибн Муслим Хуросон амирлигига тайинланди. Маоз ибн Муслим Бухорога келиб, уруғига тайёрланди. Бухоролик тарафдорларидан қўшимча лашкар йиғди. Беш юз етмиш минг киши йиғилди. Маоз ибн Муслим фармони билан жуда кўп қурол-аслаҳа тайёрланди.

Жанг пайтида лашкар ичида хунари асқатадиган уч мингта устани асбоб-усқуналари билан навкарликка сафарбар қилди. Палахмонлар, нарвонлар, девор тешадиган қуроллар ясадди. Тиш тирноғигача қуролланган катта лашкар Суғдиёнанинг бошқа ҳудудларига юрди.

Муқаннага ёрдам бериш учун қардошлар лашкари келди. Халифа Маҳдий Нишопурдан арабларга мадад кучлари жўнатиб турди. Ҳирот амири Саид Ҳараший ҳам халифанинг буйруғи билан Бухорога юборилди. У Самарқандда сотиш учун ўн мингта қўй ҳайдаб келди.

- Бу қўйларингни менга сот ёки лашкарга бўлиб бер. Қўйларни менга сотишни истамасанг, Бухорода қолдир. Атрофимизда туркий халқлар

лашкарлари изғиб юрибди. Улар қўйни яхши кўришади. Яна уларга қўйларингни олдириб қўймагин, - деди Маоз ибн Муслим.

У рози бўлмади:

- Самарқандда қимматроқ сотаман, - деди.

Бухоро - Самарқанд йўлида маҳаллий аскарлар ҳужум қилди. Улар Ҳирот амирининг ўн мингта қўйини ҳайдаб кетди. Шундай катта лашкар бурнининг тагидан оғзидаги ошини олдириди. Лашкар қўйларни қайтариб олиш учун уларнинг орқасидан борди. Қўй қаёқда? Борган лашкар кўп навкарларини йўқотиб, енгилиб қайтиб келди.

Маоз ибн Муслим Самарқанд ва бошқа шаҳарларда оқчопондилар билан узоқ жанг қилди. Ватанларини жонжаҳдлари билан ҳимоя қилган оқчопондилар енгилмади: Араблар пароканда бўлди.

Мовароуннаҳр осмонидан оғлиқ қор тушди. Араблар табиатнинг бу лашкари билан уруша олмадилар.

ИНКИРОЗ

Қантар оғди. Ҳисор тоғларининг этакларида ер юмшади. Қирларнинг кунгай бетларида қорлар эрий бошлади. Терская қияликлар қорларни эритмай қучоқлаб ётди. Бирок қорнинг оппоқ кўрпалари остидан майбаларнинг оёқлари чиқиб қолди, бойчечакларнинг қулоқлари кўриниб қолди.

Муқанна Мовароуннаҳрда ҳокимиятни эгаллаганига ўн тўрт йил бўлди. Бухоро, Самарқанд ва Кешдан ташқари Фарғона, Шош, Хоразм вилоятлари ҳам оқчопондилар қўлида эди. Бу юртларнинг аҳолиси ўн тўрт йилдан буён арабларга хирож, жузя ва закот тўламас, халифанинг буйруқларига бўйсунмас эди. Мовароуннаҳр халқининг мустақиллик учун курашда кўрсатган жасоратлари Хуросон аҳлига ҳам ибрат бўлди. Халифа Маҳдийнинг "Муқанна ҳаракати бутун дунёга тарқалиб кетиш мумкин" дея ваҳимага тушганида жон бор эди. Муқанна

лашқарида зардуштлардан ташқари мусулмонлар ва бошқа диндагилар ҳам бўлган. У ислом душмани эмас, балки халифалик душмани ва эрк курашчиси эди.

Хирож, жузя, закот - мустамлака ўлкалардан таланган бойликлар асосига қурилган халифалик давлати иморати тагига зил кета бошлади. Бошқа эллар ҳам Мовароуннаҳр аҳолиси каби солиқ тўлашдан бош тортсалар, бу иморат қулаб кетиши муқаррар эди. Шунинг учун Маҳдий халифаликнинг Мовароуннаҳрдаги инқирозидан қўрқиб кетди. У бутун кучини оқчопондиларнинг Кешдаги қўғонини забт этишга ва Муқаннани қўлга олишга йўналтирди. Муқанна устига юришни Ҳирот амирали Саид Ҳарашийга топширди. Самарқанд йўлида ўн мингта қўйини оқчопондиларга олдирган Саиднинг эъми ичида эди...

Баҳор келиши, билан Саид инидан сувдрилиб чиққан илондек Муқанна қалъасини қўлча қилиб ўраб олди. Қишда бўлтургидек жанг қила олмай, орқага қайтиб кетмаслик чораларини курди.

Ҳисор тоғи этакларида иморатлар, ҳаймомлар, озиқ-овқат, ем-хашак, қирол-яроқ омборлари курдирди. Муқанна қалъаси рўпарасида янги шаҳарча барпо бўлди. Араблар қишин-ёзин ўша шаҳарчада яшиб, Муқанна қалъасини қамал қилиб турдилар.

Узоқ давом этган жангда Муқанна лашқари сафлари сийраклаша бошлади. Ташқаридан эса қўшимча мадад кучлари келмади. Кундузги жангларда толиққан соқчилар ухлаб қолиб, қалъани эрталабгача қўриқлай олмадилар. Оқчопондилар ғафлатда қолди. Қалъа ҳимояси режасини қўлга киритган араб жосуслари соқчилар интизоми бўшашидан фойдаланиб, тунда қалъа деворларидан ошиб тушдилар. Муқанна қўшини бош қўмондонини асир олдилар...

Шундай кучли лашкарбошининг фожиали ҳалокатидан оқчопондилар

кутилсанг, барибир Муқаннага тутиласан. У сени аяб ўтирмайди.

Аёлнинг мағрурлигидан дарғазаб бўлган Жаброил ўзини тутолмай қолди. Ёнида турган навкарнинг қиличини қинидан суғуриб олиб, бор кучи билан хотиннинг белига урди. Аёлнинг танаси ўртан белидан шартта иккига бўлиниб кетди.

Аёлнинг ҳалокатли фарёдини эшитиб, ўзини йўқотган кўр болани жаллодга топширди. Боланинг юракни қиндан чиқаргудек чинқириғи ҳамма ни титратиб юборди.

Бухородан кўнгли тўлмаган Жаброил зудлик билан Суғдга отланди.

Оқчопонлиларнинг юрагига ваҳима солиш учун Ҳақим ибн Аҳмаднинг қаласини найза учига олиб, йулма-йул одамларга кўрсатиб кетди. Бизга қарши бош кўтарганларнинг бошини мана шундай кесиб оламиз - дея пўписа қилгани, эди бу.

Аммо бу бошдан Жаброилнинг ўзи кўпроқ кўрқар эди...

ЕНГИЛМАСЛАР

Зарафшон қирларида чечаклар ойди. Ёзнинг иссиқ кунларида ҳам йм яшил бўлиб яшнаб турадиган янгоклар, ковуллар қовжирай бошлади. Боғлардаги дарахтлар барглари қувраб тўкилди. Қуёш жануб томонларга узоқлашиб кетди. Осмоннинг қовоғи уюлди. Бутун борлиқ оппоқ чопон киймоқ учун ечина бошлади. Қиш яқин. Табиат оқчопон кийиб араблар билан урушмоққа шайланмоқда. Энди араблар Мовароуннахр кишининг совуқларига бардош беролмай ўзларининг Саҳрои Кабирларига жўнаб қоладилар.

Муқанна лашкарлари қалин ва жипс ўсган бедага ўхшарди. Қанча ўрганинг билан яна шунча ўсиб чиқаверади. Бир жойда уларни бостирасан, иккинчи жойда бош кўтаради. Араблар кўзғолонни бостириб келгунча, аввалги жойда ундан ҳам кўп оқчопонли пайдо бўлади. Чунки уларнинг илдизи шу

ерда, шу заминда эди. Ўз ватанларида туриб курашган инсонларни ҳеч қачон енгиб бўлмаслигини араб босқинчилари тушунмас эди. Ватан ўзини ўзи ҳимоя қилиш учун мард ўғлонлар туғаверади. Халок бўлганларни бағрига олади, уларнинг ўрнига Ватан тупроғида яна бошқа фарзандлар туғилаверади. От ўрнини тойлар босаверади.

Жаброил келганида Суғд амири Суғдиён эди. У Муқанна сарҳангларидан бири эди. Суғдиён Суғд аҳолини араб лашкарига қарши оёқлантирди.

Аёвсиз жангларда Суғдиён ҳалок бўлди.

Жаброил Самарқандга борди. Самарқандликлар енгилмади. Мовароуннахр оқчопонлиларини маҳв этолмагани Муқаннани кўлга ололмагани учун халифа Жаброилни истеъфога чиқарди. 778 йилда унинг ўрнига Маоз ибн Муслим Хуросон амирлигига тайинланди. Маоз ибн Муслим Бухорога келиб, урушга тайёрланди. Бухоролик тарафдорларидан қўшимча лашкар йиғди. Беш юз ётмиш минг киши йиғилди. Маоз ибн Муслим фармони билан жуда кўп қурол-аслаҳа тайёрланди.

Жанг пайтида лашкар ичида ҳунари асқатадиган уч мингта устани асбоб-ускуналари билан навкарликка сарфарбар қилди. Палахмонлар, нарвонлар, девор тешадиган қуроллар ясадди. Тиш тирноғигача қуролланган катта лашкар Суғдиёнанинг бошқа худудларига юрди.

Муқаннага ёрдам бериш учун қардошлар лашкари келди. Халифа Маҳдий Нишопурдан арабларга мадад кучлари жўнатиб турди. Ҳирот амири Саид Ҳараший ҳам халифанинг буйруғи билан Бухорога юборилди. У Самарқандда сотиш учун ўн мингта қўй ҳайдаб келди.

- Бу қўйларингни менга сот ёки лашкарга бўлиб бер. Қўйларни менга сотишни истамасанг, Бухорода қолдир. Атрофимизда туркий халқлар

лашкарлари изғиб юрибди. Улар қўйни яхши кўришади. Яна уларга қўйларингни олдириб қўймагин, - деди Маоз ибн Муслим.

У рози бўлмади:

- Самарқандда қимматроқ сотаман, - деди.

Бухоро - Самарқанд йўлида маҳаллий аскарлар ҳужум қилди. Улар Ҳирот амирининг ўн мингта қўйини ҳайдаб кетди. Шундай катта лашкар бурнининг тагидан оғзидаги ошини олдириди. Лашкар қўйларни қайтариб олиш учун уларнинг орқасидан борди. Қўй қаёқда? Борган лашкар кўп навкарларини йўқотиб, енгилиб қайтиб келди.

Маоз ибн Муслим Самарқанд ва бошқа шаҳарларда оқчопондилар билан узоқ жанг қилди. Ватақларини жонжаҳдлари билан ҳимоя қилган оқчопондилар енгилмади: Араблар пароканда бўлди.

Мовароуннаҳр осмонидан оғиш қор тушди. Араблар табиатнинг бу лашкари билан уруша олмадилар.

ИНКИРОЗ

Қантар оғди. Ҳисор тоғларининг этакларида ер юмшади. Қирларнинг кунгай бетларида қорлар эрий бошлади. Терскай қияликлар қорларни эритмай кучоқлаб ётди. Бироқ қорнинг оппоқ кўрпалари остидан майсаларнинг оёқлари чиқиб қолди, бойчечакларнинг қулоқлари кўриниб қолди.

Муқанна Мовароуннаҳрда ҳокимиятни эгаллаганига ўн тўрт йил бўлди. Бухоро, Самарқанд ва Кешдан ташқари Фарғона, Шош, Хоразм вилоятлари ҳам оқчопондилар қўлида эди. Бу юртларнинг аҳолиси ўн тўрт йилдан буён арабларга хирож, жузья ва закот тўламас, халифанинг буйруқларига бўйсунмас эди. Мовароуннаҳр халқининг мустақиллик учун курашда кўрсатган жасоратлари Хуросон аҳлига ҳам ибрат бўлди. Халифа Маҳдийнинг "Муқанна ҳаракати бутун дунёга тарқалиб кетиш мумкин" дея ваҳимага тушганида жон бор эди. Муқанна

лашқарида зардуштлардан ташқари мусулмонлар ва бошқа диндагилар ҳам бўлган. У ислом душмани эмас, балки халифалик душмани ва эрк курашчиси эди.

Хирож, жузья, закот - мустамлака ўлкалардан таланган бойликлар асосига қурилган халифалик давлати иморати тагига зил кета бошлади. Бошқа эллар ҳам Мовароуннаҳр аҳолиси каби солиқ тўлашдан бош тортсалар, бу иморат қулаб кетиши муқаррар эди. Шунинг учун Маҳдий халифаликнинг Мовароуннаҳрдаги инқирозидан

қўрқиб кетди. У бутун кучини оқчопондиларнинг Кешдаги кўрғонини забт этишга ва Муқаннани қўлга олишга юналтирди. Муқанна устига юришни Ҳирот амири Саид Ҳарашийга топширди. Самарқанд йўлида ўн мингта қўйини оқчопондиларга олдирган Саиднинг аъами ичида эди...

Баҳор ҳадиши, билан Саид инидан судралиб чиққан илондек Муқанна қалъасини қулча қилиб ўраб олди. Кишда бултургидек жанг қила олмай, орқага қайтиб кетмаслик чораларини кўрди.

Ҳисор тоғи этакларида иморатлар, ҳаџимомлар, озиқ-овқат, ем-хашак, қирол-яроқ омборлари қурдирди. Муқанна қалъаси рўпарасида янги шаҳарча барпо бўлди. Араблар қишининг ўша шаҳарчада яшаб, Муқанна қалъасини қамал қилиб турдилар.

Узоқ давом этган жангда Муқанна лашқари сафлари сийраклаша бошлади. Ташқаридан эса кўшимча мадад кучлари келмади. Кундузги жангларда толиққан соқчилар ухлаб қолиб, қалъани эрталабгача қўриқлай олмадилар. Оқчопондилар гафлатда қолди. Қалъа ҳимояси режасини қўлга киритган араб жосуслари соқчилар интизомини бўшашганидан фойдаланиб, тунда қалъа деворларидан ошиб тушдилар. Муқанна қўшини бош қўмондонини асир олдилар...

Шундай кучли лашкарбошининг фожиали ҳалокатидан оқчопондилар

руҳан тушкунликка тушди. Бу воқеадан қаттиқ қайгурган Муқанна ҳам огоҳликни унутиб қўйди: ўзига синашта бўлмаган бир Сарҳама исмли амирга қалъа қўмондонлигини топширди. Қалъанинг янги қўмондони Муқаннага хиёнат қилди. Муқаннанинг укаси Қабзам ва қалъа сарпардаси Сарҳама уч мингдан ортиқ навкар билан араблар томонига ўтиб кетади. Ўзининг тирик қолиши шарти била арабларга қалъа дарвозаларини очиб берди. Саид Ҳараший оқчопонлиларнинг асосий лашкарлари жойлашган ташқи қалъани забот этади. Муқанна ички қалъада қолди. Саид уни тутиб, банди қилиб Бағдодга элтганида халифадан қандай мукофотлар олишини ўйлаб, ширин хаёлга толди.

ОЗОДЛИК РУҲИ

Саиднинг бу хаёли - хомлаёт эди. Муқанна ўзининг ҳам, ахли аёлининг ҳам араблар қўлига тирик тушмаслиги чорасини топди.

Ташқи қалъа мудофасида бўлган оқчопонли сарҳанглар хотинлари, эрлари урушда ҳалок бўлган келинчақлар ҳам ички қалъадан паноҳ топганди. Муқанна қалъадаги барча хотинларни бир дастурхон атрофига тўплади. Хизматкорига хаома - зардуштийларнинг муқаддас ичимлигини келтиришни буюрди. Ҳамманинг кўзи ўнгида хаомага захар солди. Ҳаммага қадаҳ улашди. Қадаҳларга хаома куйди. Муқанна охирги қадаҳ сўзини айтди:

- Арабларнинг қўлига тирик тушмаслик учун, муқаддас жангларда қахрамонона ҳалок бўлган эрларингизнинг ёнига тоза руҳ билан боришингиз учун, душманни охирги марта доғда қолдириш учун, руҳан ғалаба қозониш учун, озодлик учун қўлингиздаги хаома ичишингизни сўрайман!

Хотинларнинг ҳаммаси қадаҳ кўтардилар. Фақат Ёкута деган аёл қадаҳдаги хаомани ичмай, кўйлаги-


нинг ёқасига тўкди. Ҳамма хотинлар ўлди. Ёкута ҳам ўзини ўлганга солди. Муқанна хотинларнинг ҳаммаси ўлганига ишонди. Кейин хизматкорини ҳам "маст" этди...

Муқаннанинг фармониغا биноан уч кундан буён Зардушт ибодат хонаси услубида олов - айлана ўчоқ қизитаётган эдилар. Муқанна оташгоҳ ёнига борди. Чопонини ечди. Уч кундан буён ловиллаб қизиб ётган оташгоҳнинг ичига ўзини отди. Повв этиб оқ-оппоҳ тутун чиқиб кетди... Оқ тутун... Бу зардушт охи...

Ёкута ўрнидан туриб ўчоққа қаради. Оташгоҳ ичида кўзини қуёшдек қамаштириб турган кип-қизил чўғдан бўлак ҳеч вақо йўқ эди.

Ёкута Муқанна қисматини авлодларга сўзлаб бериш учун ўз жонини сақлаб қолди. У Кеш деҳқонининг қизи эди. Қалъа дарвозаси очилди. Саид Ҳараший ичкарига кирди. Қалъада биронта ҳам тирик жон йўқ эди. Муқаннанинг на тиригини, на ўлигини топди.

Муқанна ўзини одамларга руҳман деб таъинлаган эди. Руҳ эса, ҳеч қачон қўлга тушмайди, ҳалок бўлмайди. У осмонга парвоз қилади. Руҳни ҳеч ким кўрмайди. Аммо одамлар руҳни абадий ҳис этиб яшайдилар. Бу руҳ - озодлик руҳидир!



ШАҲРИСАБЗ - НАВОЙНИНГ АЖДОДЛАРИ ВАТАНИ



Шаҳрисабз Соҳибқирон Амир Темури тугилган жой сифатида бутун дунёга маълум ва машҳур. Унинг бир неча минг йиллик тарихий ҳаёли саҳифаларга бой. Бу шаҳарда тугилиб ўсган юзлаб алломалар, саркардалар, санъат ва маданият арбоблари юрт бағнакига муносиб улус қўшганлар. Улар орасида Алишер Навоийнинг аждодлари ҳам бор.

Навоийнинг замондоши тарихчи Мирхонд ўзининг "Равзат ус-сафо" асарида шундай ёзади: "Амир Алишернинг боёқси Амир Темурининг ўғли Умаршайх билан кўкалтош (эмикдош, бир онани эмган болалар) эди.

Маълумки, Соҳибқироннинг иккинчи фарзанди Умаршайх Мирзо 1356 йили Шаҳрисабзда тугилган. Демак, Навоийнинг катта боёқси, яъни боёқсининг отаси ва онаси ўша пайтда Шаҳрисабзда яшаган ва Амир Темури хонадонига яқин кишилар бўлишган. Шоирнинг катта буvisи энага сифатида ўз ўғлини ва Умаршайх Мирзони эмизган ҳамда тарбиялаган.

Навоий ўзининг илк шеърлар тўплами "Бадое ул-бидоя"га ёзган муқаддимасида ўз оиласининг темурийлар хонадонига эзалдан яқинлигини айтиб, ота-онаси олий даражали хонадоннинг самимий хизматчиси эканини алоҳида таъкидлайди.

**"Отам бу остоннинг хокбези,
Онам ҳам бу саро бўстон канизи,
Манга гар худ бўлай булбул ва гар зог -
Ки, ушбу даргаҳ, улғай гулшану боғ".**

Умаршайх Мирзо қобилиятли саркарда бўлиб етишади ва кўплаб жангларда иштирок этади. Дастлаб Андижон вилоятига ҳокимлик қилади, вилоятни мўғуллар бошқаридан асрашда жонбозлик кўрсатади. 1393 йили отаси унга Форс мамлакатини бошқаришни топширади. Аммо 1394 йил январда Ироқ, Курдистонидаги Хармоту кальаси ёнида тасодифан келиб теккан камон ўқидан 40 ёшида ҳалок бўлади.

Умаршайх Мирзо вафотидан сўнг Амир Темури Форс мамлакатини ерларини бошқаришни унинг тўнғич ўғли Пирмуҳаммад Мирзога топширади. Умаршайхдан яна беш ўғил - Рустам Мирзо, Искандар Мирзо, Аҳмад Мирзо, Сайд Аҳмад Мирзо ва Бойқаро Мирзолар қолган эди. Бойқаронинг набираси Ҳусайн Бойқаро (1438-1506) машҳур давлат арбоби ва шоир, Алишер Навоийнинг дўсти ҳамда ҳомийси сифатида тарихда из қолдирди.

Амир Темури хонадони билан кўкалдошлик ришталари бир неча авлод давоми-

да Алишер Навоийнинг аждодлари тақдирини белгилайди, Улар дастлаб Шахрисабзда, кейинчалик Самарқандда ва Хуробсон шаҳарларида давлат арбоби, маҳкама ходими, китобдор сифатида хизмат қилдилар.

Бошқа бир жойда Навоий гарчи ота-боболарининг теурийлар саройида қандай мансабда бўлганини аниқ айтмас ҳам, ҳар ҳолда катта мансабларда бўлганига ишора қилади. Жумладан, "Вакфия" асарида шоир шундай ёзади: "...бу хокисор (Навоий)нинг ота-бобоси ул ҳазратнинг обо ва аждоди хизматларида ... улуғ маротибқа сазовор ва бийик маносибқа комгор бўлгон эрдилар".

Навоийнинг замондоши, адабиёт тарихчиси ва шоир Давлатшоҳ Самарқандийнинг "Мажмуат уш-шуаро" ("Шоирлар йиғини") китобида эса шундай сатрлар бор: "Бу донгдор амирнинг (яъни Алишер Навоийнинг) буюк мартабали отаси ўз вақтининг машҳурларидан ва Чигатой элининг қахрамонларидан эди".

Чигатой эли дейилганда Чингизхоннинг ўғли Чигатойхонга улус қилиб берилган Шарқий Туркистон, Мовароуннаҳр ва Хуробсон худуди тушунилган. Шоирнинг отаси Фиёсиддин Кичкина теурийлар саройида турли вазифаларда ишлаган, бир муддат Сабзавор шаҳри ҳокими бўлган. Унинг фарзандлари ҳам яхши тарбия олиб, таниқли давлат арбоблари бўлиб етишган. Навоий болалиқда Хусайн Бойқаро билан бирга ўқиганлиги яхши маълум. Шоирнинг укаси Дарвеш Али ҳам амир сифатида бир қатор шаҳарларда хизматда бўлган.

Тарихий манбаларда теурийлар Алишер Навоийга бошданок жуда катта ғамхўрлик қилгани қайд этилган. Навоийнинг кичик замондоши, шоғирди, тарихчи Хондамир "Мақорим ул - ахлоқ" (Яхши қулқдор) китобида бу ҳақда шундай дейди: "Ҳоқони олиймақом Шоҳрух Султоннинг халқалик назарида иззат ва иқбол гулшанида омонлик ва умид мерғаси берадиган бир дарахт кўкарди, мартаба ва улуғлик осмонида давлат ва бахт озадат кўвини ёритувчи бир юлдуз порлади. Байт:

**Дамид аз бўстони дил ниголе,
Намуд аз осмони жон хилоле.**

(Кўнгил боғида бир дарахт кўкарди, жон осмонида янги бир ой кўринди).

Яъни олий мартабали, хидоят мансабли, покизат табиатли, соф ниятли, салтанат суянчиғи, мамлакат устун, ҳокимия давлатининг ерданчиси, султон ҳазратларининг (Хусайн Бойқаронинг) яқини 17-рамазон ойи сана 844 товуқ йилида (9 февраль 1441 йил) йўқлик дунёсидан борлиқ оламига қадам босиб, ўзининг гўзаллиғи ва порлоқ чеҳраси билан ер юзини ёритди... Соҳибқироннинг улуғ номдор отаси Султон Фиёсиддин Мансур, саодатли подшоҳ Мирзо Султон Мухаммад Бойқаро ва бошқа яқинлари, қариндош-уруғлари бу буюклик гули гўнчасига (яъни ёш Алишерга) ҳамиша меҳр ва шафқат кўзи билан боқар эдилар ва илҳом нишонли сўзларидан яхшилик сезиб, муҳаббат ва марҳамат билан тарбиялар эдилар".

Шу сабабли Захириддин Мухаммад Бобур ўзининг "Бобурнома" асарида Хусайн Бойқаро ҳақида гапириб, "Алишербек - беги эмас эди, балки мусоҳиби эди", дейди. Яъни, суҳбатдоши, ҳамфикр дўсти эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий Шахрисабзга келганми, бу шаҳардаги қариндошлари билан алоқаси бўлганми, деган саволлар туғилиши табиий. Бу саволга жавобни шоир асарларидан қидириб кўрамиз. "Саъбаи сайёр" достонининг 25-бобида яшил айвонда ўтирган Баҳромга учинчи иқлим йўлидан келган мусофир бир афсона айтади. Унда Саъд исмли мисрлик бадавлат йигитнинг иккита яшил кийимлик сайёҳни учратгани, улардан қаёрликсиз деб сўрагани баён қилинган. Сайёҳлар шундай жавоб берадилар:

**Дедилар "Кишваре дурур дилкаш,
Оти ҳам Шахрисабз эрур ҳам Каш.
Хизр монанд сабзадин ранги,
Сабзаси суйи кўзгуси занги.
Шахрисабз ўлди бизга чун мулкат,
Йўқ ажаб гар яшил дурур қисват"...**

Яъни сайёҳлар яшил шаҳар - Шахрисабздан келганликлари учун ҳам кийимлари яшил эканлигини айтадилар. Сунгра Шахрисабздаги афсонавий мўъжизалар ва подшоҳнинг гўзал қизи ҳақида ҳикоя қиладилар. Саъд сайёҳларнинг бу жозибали ривоятларини эшитиб, улар билан бирга сафарга чиқади. Кўп қийинчиликларни енгиб, синовлардан ўтиб, Шахрисабз подшоҳининг қизига уйланади. Мазкур афсонавий воқеалар замирида шоирнинг бу қадимий шаҳарга меҳр-муҳаббатини ўз ифодасини топган.

Қисса ниҳоясида Баҳром мусофирдан ҳаердан эканлигини сўрайди:

**Чунки рови тугатти қисса дуруст,
Деди Баҳром: "К-эй мусофири ҳуст,
Аслу пудингни айлагил тақрир."
Деди ровики: "Эй баланд сарир,
Шахрисабз аҳли зодасидин мен,
Саъднинг хонаводасидин мен".**

Бу сатрларда Навоий ўзининг ҳам аждодлари асли шахрисабзлик эканлигига ишора қилаётгандек туюлади. Чунки шоир бобелари юрти бўлган бу шаҳарга алоҳида меҳр билан қараган. Самарқандда ўқиган йиллари Хиротга бориш ва келишда албатта Шахрисабзда бир неча кўп қариндоқлари ораликида меҳмон бўлган. Атоқли адиб Мирқарим Осимнинг тарихий ҳикоятларида бу воқеа ўз аксини топган. Навоий асарларидаги юқори Қашқадарё шеърасига хос бўлган кўплаб сўзлар ҳам бу фикрни тасдиқлайди.



НАХШОНА

(Кисса)

Ер остига қочиб
кирдим нодонлардан,
Илким очиб, дуо
тилаб мардонлардан.

Аҳмад ЯССАВИЙ.



Зуваламиз тупроқдан бино бўлган эса-да, негадир кўкка интиламиз. Эҳтимол, бу Яратган эгамиз Арши аълода эканлигидандир. Инсон суваласи қорилаётганда, ой-у юлдузлар шуъласи, қуёш нури эврилиб кетгандир. Балки, осмон олис ва осойишта, беғалва тўғайлар, Зуравонлик, босқинчилик, ер, мол-дунё талаш иш йўқлиги учундир. Нарси ам, морага қул бўлган кимсалар тўғайли ерга сигмай кетармиз. Не бўлганда ҳам инсон боласи нажотсиз қолганда, кўкдан имдод тилайди. Аммо нажот борми? Дарё буйида кўкка термулиб турган савлатли суворий кўнглидан нелар кечмоқда? Осмонда қақилиши лозим бўлган гулдирак нега унинг қалбида чақиб, кўзларини ёндирапти? Қўй-қора кўзларда чўкиб ётган мунг, ҳасрат, чорасизлик ичра қандай журъат бор-ки, у қаддини ғоз тутиб, кўкка мағрур термулмоқда...

Суворий уни тингламоққа ожиз. Унга ҳозир на таскин, на далда даркор. У одан тушиб, сувни ҳовучлади. Юзини қайта-қайта ювди. Бир неча сония тошдан-тошга урилиб оқаётган сувнинг мавжига термулиб қолди. Сўнг буйруғига маҳтал бўлиб, ортида турган мингдан зиёд навкарларига юзланди. Қарийб бир асрдан буён юртини вайрон қилиб, халқини эзиб келган чингизийларга қарши Муқаддас жангга даъват қилди. Навкарлар минган тулпорларнинг туёғи чангини кўзига суртаётган оппоқ сочлари пешонасидан кўриниб турган момо атрофдаги бола-бақрани ўтов ёнига чорлади.

Камзулидан чанқовузни олиб, артиб-сурт-ди ва титраб турган лабларига олиб бориб, бир мунгли куй чалди. Бу куй бир пайтлар онаси йиғлаб-йиғлаб, қайта-қайта суллаб берган - Чингизхонга қарши мардона курашган хур қизларнинг пок руҳига бағишланган эди...

Икки фәслдирки, отаётган тонг насафийларга яхши кунни ваъда қилмасди. Серут яйловларда ўтлаб юрган моллар, куй кўзиларгина беғам, беташвиш кўринарди. Бироқ, яқинроқ бориб қаралса, юк ташийётган туяларнинг-да кўзида мунг, юришида миннат бордек эди. Чингизхон Самарқанддаги қатлиомдан кейин Насафда ёзни ўтказишга қарор қилган. Негаки, тўғонлари бузилиб, сувга бўктирилган бу шаҳар ва унинг атрофида тирик жон кам қолган. Катта-катта қишлоқлар изсиз йўқ бўлган. Тирик қолганлар мўғуллар хизматини қилишга мажбур. Кенг яйловлар, бўлиқ ўтлар мўғул навкарларининг емиши бўлмиш чорвани боқошга, семиртиришга қулай. Чингизхон қош куй, деса кўз чиқарадиган навкарларини зимдан кузатаркан, уларнинг бешарм кулгулари, тайинсиз гап-сўзлари ва қилиқлари энсасини қотирди. "Буларда идрок йўқ,- ўйларди хон. -Ана, Самарқандда ёш болаларни, кексаларни, ҳатто она қорнидаги ҳомилаларни ча-

вақлашди. Бу интиқомни кучайтирмоғи аниқ. Шаҳар аҳлининг учдан бири тирик қолмиш, холос. Ожизларга қурол кўтариш марднинг иши эмас. Бироқ лашкарлар шаштини синдирмоқ мағлубиятга йўллайди. Ёвни кўрдингми, у сенинг ўлиминг, ўлишни истамасанг аямай ўлдир, янч, дея берган буйруғи туфайли. Навкарлари ёш-у қарини бирдек ўлдирди. Самарқанднинг тор кўчаларидан қаёққа қочишни билмай ёппасига чопаётган одамлар сони йўл охирига камайиб борганини эслади. Аммо Моварауннаҳр элига тан бермоқ жоиз. Бу қандай халқ-ки, мисли кўрилмаган зулм ва истибдоддан, хунрезликдан сўнг ҳам қадддини кўтариб, меҳнатга шўнғийди. Кундуз вайрон бўлган жойларни тонггача суваб, тўғирлаб қўйишга интилади.

Хоннинг оппоқ оти бир зарб тегар тегмас ёлларини силкитиб кушдек ҳиди. Болалиги ўтган яйловлардек озиқ ва бепоён далалардаги ифор кўнғига хуш ёкди. Ортидан етиб келиш-хелмаслигини билмай саросимада қолган хос навкарлар сал берирокда тухтаб, хоннинг имосига маҳтал туришар ва дамбадам атрофга кўз ташлашарди. Ҳалигина ет-дек учиб ўтган от хонга тегишлилигини сезган сарбозлар бир-бирига имо қилиб, дархол оёққа турди. Хон қайт-гунча шаробни кўпроқ ичиб, гандирак-лаб, ўзини уддалай олмаган сарбозга нафрат кўзини тикди. Унинг бош бармоғини бўйнига теккизмай ҳаракатлан-тирганини кўрган чап томондаги хос навкар чаққонлик билан ёйни кўлга олди ва битта камон билан сарбознинг ҳаётига нуқта қўйди. Бу ғалабадан сармаст сарбозларни итоатда тутиш ва кўзини кўрқитиш учун хоннинг сўзсиз жаҳли эди. Хисобсиз навкарларидан норози бўлишининг сабаби, уч ҳафтадирки, тунда маҳаллий қасоскорлар пайдо бўлиб, кутилмаган жойдан зарба бермоқда. Қисқа фурсатда юз эллиқдан зиёд навкардан айрилди. Энг ёмони, қасоскорларга икки дарё оралиғидаги бошқа вилоятлар ҳам қўшилса, халқнинг кўзғалиб

қолиш хавфи бор. Беҳисоб, беғуноҳ тўкилган қон ҳиди, димоғида туриб қол-гандек, хонни анчадан бери безовта қилади. Жанг-у жадаллардан ҳориган бўлса-да, тасарруфидаги майдонларни кенгайтириш, ўғилларига катта-катта салтанатни бўлиб бериш, ўз миллатини, қавми-қариндошларини юқорига, ўзга миллатлар шаънини пастга уриш ва итоатда тутиш унинг муддаоси бўлганлиги туфайли доим олдинга ҳаракатланарди. У ҳар тонг Сандиқли чўлгача от қўйиб борар, ортидан қирқ-эллик чоғли отлиқлар оворай-сарсон эди. Узининг қадами туфайли вайрон-зага юз тутган шаҳар ва қишлоқлар тезроқ жонланиб, урушнинг хунук манзараси кўз унгидан тезроқ ўчишини, қўл ос-тидаги барча салтанатда энди фаровонлик бўлишини хон жуда истайди. Бироқ бу осон эмас. Ортидан от елди-риб келаётган хушомадгўй амалдорлар ҳам мулк ва амал илинжида зимдан бири-бирига тиш қайрашини сезиб туради. Ҳарқалай у тирик экан, ҳатто кўз қаршидан қизғин соқолининг силки-нишидан ҳам улар кўрқади. Бироқ фақат тунда пайдо бўлаётган ўн-ўн беш чоғ-ли қора никоблилар вақтида тутиб қатл қилинмас экан, бу заминда ўсаётган ҳар бир гиеҳ унга қарши бош кўтариши мумкин.

Яқиндагина Муҳаммад Хоразмшоҳ тасарруфида бўлган ерлар, энди мўғул хонига қарашли, "Оллоҳнинг ердаги сояси", "Енгилмас", "Адолатпеша" деб таърифлашар энди ўзгага тегишли. Қачонки зулм кучайса, салтанатда бош-бошдоқлик бошланса, иймон дарз кет-са, омад юз ўғиргай. Ҳарамлар буй қизларнинг нолиши ва қарғишига тўлса, маърифатпарвар инсонлар увол бўлса, давлат таназзулга юз тутиб, ёвнинг иқболи кулгай. Бу Моварауннаҳрдан то Форс кўрфазигача эгалик қилган Муҳаммад Хоразмшоҳ тақдирида аянчли ҳақиқат бўлиб исботини топди. Шоҳнинг онаси - Туркон Хотун бир тараф бўлса, ўғил - Муҳаммад Хоразмшоҳ бир тараф.

Атрофида қипчоқлардан минглаб наварлар тўплаётган онаси Туркон Хотунга ҳам, лашкарлари орасида обрўси баланд ўгли Жалолиддинга ҳам ишонмасди у. Аксинча "Оллоҳнинг ердаги сояси" эканлигига ишониб қолганди. У ўзига тобе бўлган ўн тўққизта хоннинг ҳар бирининг фарзандларидан биттасини саройга келтириб тарбияларди. Агарки бу шахзодалар қўлида экан, итоатдаги хонлиқлар унга қарши бош кўтаролмаслигини яхши биларди. Темучиннинг номасини пинсад этмагани, элчиларни жазолагани, боз устига эркатой Қайирхоннинг Темучинга қарашли қарвонларни талагани машъум урушга баҳона бўлган эди. Салтанатига дарз кетаётган шундай пайтда, ёв у кутмаган жойдан, одамлар айтган "Яъхуж-маъхуж"-лардек пайдо бўлди-қолди. Самарқанддаги куёви томонидан кўтарилган исён ва талотўп дард устига, қипчоқ бўлди. Балки Темучин юборган элчиларни бепинсад қилмасдан, қушнуд кузатиши керакмиди? Гумон иймондан айриради, деганларидек Мухаммад Хоразмшоҳ салтанати ўзаро ишонсизлик, манманлик туфайли қулади. Оқибатда Моварауннаҳрда қон дарёси оқди. Минглаб беғуноҳ одамларнинг ёстиги қурди. Шаҳарлар вайрона, қишлоқлар харобага айланди. Энди кун туғса ҳам, ой туғса ҳам мўғуллар учун туғди. Бироқ мўғулларнинг улуг ҳоқонининг кўнгли ҳам безовта. Унга тобе бўлган вилоятларда тез-тез исён кўтарилиб турибди. Уруш азобини кўрган, яқинларини йўқотган, уй-жойи вайрон бўлган маҳаллий халқ кўзидаги қўрқув ортида ялтираган ғазаб ва нафрат ҳам бор. Хоннинг наздида Насаф яйловларида эсаётган чўл шамоли ҳам юзини силаб эмас, шапалоқлаб ўтаётгандек. У хаёл оғушида отни ниқтаркан, оппоқ лочини негандир сесканиб тўхтади. Хон тонгда исёнкорларни тутиб келиш учун юборилган йигирмага яқин сарбозининг чўл ўртасида боши кесилиб ётганини ўз кўзи билан кўриб тутақиб кетди. Сарғимтир

кўзлари мушукникидек чақчайиб ёнди. Ахир жангчилари йиллар давомида машқ қилган, пўлатдек тобланган, ҳарб сирини ўрганган, чавандозлиг-у камонбозликда тенги йўқ эди-ку. Сарбозларнинг атрофида икки-уч ҳовуч олтин сочилиб ётганини кўриб, хон наварлари ақчага учиб, ғафлатда қолганини англади. Энди у ҳар бир қасоскорнинг боши учун катта мукофот қўйишга қарор қилиб, ортига қайтди. Қора ниқоблилар чакқонликда, айёрликда, ҳарб санъатида ўз сарбозларидан анча моҳир эканлигига тан берди. Сарбозлари икки дарё оралигидаги шаҳар, қишлоқларни оч бўридек талаб шунчалик бойиганки, икки ҳовуч олтинга алданганларидан нафратланди. У Насаф атрофидаги қишлоқларга ҳар солдириб, қора ниқоблиларнинг ҳар бирининг боши учун бир хум олтин ваъда қилди.

Бу фаний дунёда ўзини ҳеч кимга кераксиз ҳисоблаб турган бир пайтда уни излашяпти. Уни ёғийлар, жаллодлар излаётдилар. Бундан унчалик ташвиш чекмаса-да, атрофидаги навраста ойимларнинг, эндигина лаб очаётган гулчадек балоғат ёшига етаётган лобарларнинг бошига тушиши мумкин бўлган қулфатдан чўчирди. Кечагина кўзини кувнатган боғ-роғлар файзсиз. Унинг исмини ёд билган чечаклар от туюқлари остида топталган. Шаҳарнинг қоқ белидан ўтиб бораётган дарё қон ҳидидан кўнгли айнигандек ҳолсиз оқаётди. Кеча ишқ-муҳаббат ҳақида куйлаётгандек туюлган қушлар сайраб "интиқом-интиқом" деяётгандек.

У ўғирчада барглари эзиб малҳам тайёрлаётган Қутли Рухсорнинг нафис ҳаракатларини кузатиб ётарди. Кимсан, шаҳар бегининг қизи. Ўн олти ёшга етгунча ғам нима, етишмовчилик нималигини билмай ўсган. Адҳамбекнинг кўзининг оқ-у қораси. Бек уруш бўлармиш, ёғийлар Насафга яқинлашиб қолибди, деган хабарни эшитибоқ, қизини хавфсиз жойга кўчириш тараддудига туш-

ган эди. Бир замонлар араб босқинчиларига қарши курашган қасоскор йигит номи билан боғлиқ эски моғора бўлган бу ер ости қўрғончаси йигирма-ўттиз кишига мўлжалланган. Ҳатто отхонаси ҳам мавжуд эди. Яқин-яқингача шаҳар бегининг энг яқин одамлари билан суҳбатлашадиган хуфияхонаси бўлган. Кишининг назари сезмас қуббали безаклар орасидан тоза ҳаво кириб турган. Ёзда салқин, қишда иссиқ бу қўрғонча айни дамда ўн беш нафар пари-пайкар қизларга жон сақлаш учун бошпанадир. Қўй терисидан қилинган бу пўстаклар тинч замонда қарқу-болишларда ухлаган гўзалларга тўшанчи. Ўзи эса айни дамда мўғуллар хизматида эди. Моғоранинг киравериши одам бўйидан баландроқ ёриқ бўлиб кўринади. Узунроқ ходани ёриққа тикиб кўришда ҳаё қалин деворга урилади. Аслида даҳм тўғрига эмас, ёнга бурилиб қовланганлиги ташқаридагиларни чалғитади. Чўл бағридаги бу тепалик сирин яқин атрофдаги қишлоқ аҳолисига ҳам маълум эмас. Улар бу жойни "илоҳий" деб билиб, ҳар замонда чирик ёқиб, бефарзандлар қон чиқариб, дов-дарахтларга латта боғлаб кетишади. Тепалик атрофида қўй боққан чўпон яқинда қиз боланинг инграши, дутор ноласи ва қилич жарангини эшитганини айтиб боргандан бунг, бу тепаликка ҳеч ким йўламай қўйди. Ёғий навкарлари бу ердан бир маротаба от қўйиб Насаф тарафга ўтиб кетишган. Икки-уч чақирим нарида тўқайзор бор. Тўқай орқали шаҳарга кириб бориш осон.

Сиртдан қараганда ҳеч ким моғоранинг оғзини тополмайди. Одам бўйи келадиган ёриқ жойдан от эгаси билан сиғишига кишининг идроки етмасди. От олдинги оёқларини ёриқ жойга тиккач, эгаси отга қапишиб олиши ва отни чап тарафга буриши керак эди. Бек эрка қизини ғала-ғовурлар, тўс-тўполонлар ўтиб кетгунича моғорада сақлашни дилига тугди, лекин уни ёлғизликдан кўрқинини ўйлабгина унга шерик изла-

ди. Ишончли, мард сипоҳиларидан бири бўлмиш Сардорбекнинг қизи ҳарб-у зарбдан хабардор, ўғил боладек шиддаткор ва довюрақ эканлигини кўп бор эшитганди. Аждодлари махфий тутган бу жойни Сардорбек сипоҳийга кўрсатди. Сардорбекнинг қизи Нахшона ўзи билан бирга қиличбозлик, камонбозлик ва чавандозликда тенги йўқ ўн тўрт нафар дугоналарини бу сирдан воқиф этди ва тунда шаҳар бегининг қизи Қутли Рухсорнинг тан қўриқчилари сифатида Кожортепани макон тутдилар...

Уша куни отасининг энг яқин шоғирди, самарқандлик уста Ботирнинг ўғли Мунир келиб, Самарқанддаги қатлиом ҳақида Нахшонанинг отасига хабар берди.

Самарқанд қонга ғарқ бўлди. Тириклар ҳам улик қатори. Сувратлари бор-у, сийратлари бўм-бўш қолган, устоз! Падари бузрукворим мани сиз сори йулладилар. Мўғуллар мўр-малаҳдек босиб келди. Аларга дош бермоқ мушкул. Бераҳим, бешафкат, ҳатто ёш болалар, ҳомиласи бор аёллар ҳам мўғул сарбозлари томонидан чавақланмиш. Кутубхоналар, мадрасалар ёқиб юборилди. Самарқанд ва унинг аҳли қайта қад ростлармикин, билмадим. Энди навбат Насафга.

-Хоразмшоҳ Ғазнага кетмиш. Анинг ишонган минг отлик қўшини айни пайтда Насафдадур, -деди Сардорбек ташвишли овозда.

-Ёғий чигирткадек кўп, устоз, бас келиб бўлмас.

-Наҳотки, жангсиз мағлубиятга учрасак. Шаҳар бегига учрашмоғим керак. Душманга бош эггандан кўра, ўлим афзал.

-Рост сўзлайсиз, устоз. Аммо ожизаларнинг аҳволи не кечгай?

-Ким ожиза, баҳодир Мунир? - ипак қўйлак устидан савсан камзул кийган Нахшона суҳбат якунига сабри чидамай хонасидан чиқиб келди.

-Ўзгалар суҳбатиға пинҳон қулоқ тут-

моқ одобдан эрмас, қизим.

-Биз ҳам мўғулга қарши курашгаймиз. Дугоналарим ҳарб-у зарбда ас қизлар. Улар ўн тўрт нафар.

-Ўн тўрт нафар? Мўғул лашкарининг боши Насафда бўлса оёғи Самарқандда бўлур.

-Демак, ғалабага ишонч йўқ. Жон сақлаш амри маҳол. Нахшона бўшашиб қолди. У чуқур ўйга ботди.

-Нахшона ва инимизни Самарқандга яширин йўллардан олиб кетмоқ ниятида келдим. Истасангиз, бутун оила аҳли бирга кетурмиз.

-Биз Насафда туғилдик. Қабримиз ҳам шунда бўлур. Камина шаҳар бегига учраб келгунча тановул қилиб турунг. Қўзимиз тиригида тўйиңгизни ўтқар-сак, шунча жойдан овора бўлиб, ҳаво хатар ичра йўл босмасмидингиз?

-Бу елкамдаги юк, овораси йўқ. Сардор сипоҳий чиқиб кетди. Икки еш бир бирига термулганча сукутда қолди. Ўша кун уларнинг сўнгги диқдорлашуви экан...

Афсуски, руҳафзо қўнлар энди қайтмайди. Нахшона кечаги ва бу кунги кун хусусида ўйга ботди. Тинч замонлар эмин-эркин, ғам билмас кунларини қўмсади. "Нечоғлик адолатсизлик-ки, туғилиб ўсган, сени ёд билган заминда эмин-эркин юролмасдан доим бекиниб яшасанг. Қулоғингда ёғийнинг қаҳқаҳаси эшитилса, бемаза қовуннинг уруғи кўп бўлганидек, чумоликдек беҳисоб ёғийга дош бермоқ мушкул бўлса. Кўнглинг тубидаги исён бўғзингга тошдек қадалиб сенга ҳаловат бермаса. Қўркув ва жасорат ўртасида турганингда ёш жонингга ачинсанг, жон ширин кўринса. Аммо жонингни авайлаганинг билан уни нима қиласан? Орзу-умидларинг паймол бўлди-ку. Ўзга миллат элингни таҳқирлаганини кўрмоқ учун яшайсанми? Бу изтироб-у азобларга бир сонияда барҳам бериш мумкин. Фақат падарингдан қолган қилични ҳаракатлантирсанг бас. О, Нахшона, сен бир гунча эдинг. Очилмоқ фаслингда қовжираш маҳрингга

тушди. Суюкли падаринг, мунис волиданг, норасида уканг ва Мунир ҳаққўрнингдан тур. Ал қасос-ул миналҳақ. Ал қасос-ул миналҳақ.

Нахшона шу ўйлар гирдобида кўнни кеч қилди. Кеча тунда бўлган жангдан сўнг унинг иситмаси кўтарилди. Саросима билан бошида ўлтирганлар бир парча латтани икки бўлиб бирини сувга ботирса, иккинчисини пешонасига қўйиб чиқишди. Зах хидига энди димоғлар ўрганган. Тепалик ичидаги бу ғор уларга тирик бўлсалар бошпана, ўлсалар қабристон бўла оларди.

"Ал-қасос-ул миналҳақ". Нахшонанинг куруқшаган, ёрилган лаблари бу сўзни кун ботиши билан яна такрорлади.

"Йўқ, биз шунчаки йлмаймиз. Ахир ҳаммамиз ҳарб-у зарб улмидан бохабармиз. Жангчиларга хос ўлмоғимиз керак. Ҳар биримизнинг бошимизга мусибат ва кулфат ёғдириб, яқинларимиздан айирган мўғуллардан ўч оламиз".

Нахшонанинг кўзларидаги ёлқинни кўрган дугоналар ёнгиллашди. Табассумни унутган лаблар жилмайди. Энди уларнинг ҳар лаҳзаси бесамар кетма-кетай, аксинча маъно касб этгай. Қизлар жойнамозларини ёйиб, шом намозини ўқишди. Сўнг нафис ҳаракатлар билан жойнамозларни тоқчага тахлаб қўйишди. Нахшонабегимдаги шиддат ва ишонч уларга ҳам юқди.

Ним қоронғу моғора ичида қиличлар ялтирайди. Камон ўқлари визиллаб устунга осилган қўй жунидан қилинган пўстакларга суқилади. Рўёб ва Фаридани исмли деҳқон қизлари узунлиги бир кулочдан зиёдроқ, қалинлиги кафтларига сиғадиган силлиқ таёқлар билан шуғулланыпти. Улар камон ва қиличдан кўра шу таёқлардан кўпроқ фойдалана олишади. Бу қизларнинг бақувват ва қадок қўлларига тушиб қолган бирор ёғий қайта нафас ололмайди. Кечаги жангда ҳам мўғул сарбозларини гангитиб қўйган уларнинг таёқ билан чаққон ҳаракатланишлари эди. Олтин кўзларини

кўр қилган мўғул навкарлари тилла те-риш учун андармон пайтда қасоскорлар тумшуклари тагида қилич ялонғочлаб турганларини сезмай қолишганди. Боз устига Рўёб ва Фарида таёқлари билан шундай ҳаракатланишдики, ёғий сар-бозлари томоша кўраётгандек лол қолишди. Гира-шира қоронғуликда мо-горадан чиқиб кетган Малик чавандоз-нинг қизи Қорасоч Қожор қишлоғига кетган. Тунда у қишлоқда нима гап, ша-ҳардан, Чингизхон қароргоҳидан қандай хабарлар келган - буларнинг барини Ҳижрон ҳоласиникига бориб билиб ке-лади. Ҳижрон момо наматини бир пар-ча ҳовлисига ёйиб, бошига оқ рўмол ташлаганча офтобда урчуқ йиғириб ўти-рарди. Қорасоч эса ҳоласининг бармоқ-лари ҳаракатини кузатганча девор ор-тидаги гап-сузларга қулоқ солади. Де-вор ортидаги сардобага биров келиб, биров кетиб туради.

-Эшитдингизи, қасоскорларнинг ҳар бирининг боши учун мўғул ҳокони катта мукофот қўйибди.

-Кеча кечаси яна йирғирмадан ортқ мўғуллар ер тишлабди.

-Отасига балли. Кимларнинг ўғил-лари экан? Қора ниқобда ҳеч ким бил-майди-да. Уйимизда дон-дуч ҳам қолма-ди. Бу мўғуллар қачонгача бизни тала-шади? Қасоскорлар ўзларини таңитиш-са, балки биз ҳам қўлга қўрол олармидик.

-Эй, қўйингиз бу гапларни, иним. Мўғуллар Оллоҳ юборган балодур. Улар-ни парвардигорнинг ўзи даф қилмаса, бандасининг қўлидан бир иш келмай-дур. Ўн-ўн беш нафар навкар мўғулга бас кела олурми? Йўқ. Яхшиси, омадни синаб, уларни топиб, олтинларни олиш-га ҳозирланмоқ лозим.

Мўғул бирла офиз-бурун ўпишиб, нон-кўрлик қилгандин очдин ўлган авло.-Қандоқ беадаблиғки, сиз бир бўлак нон учун орингизни сотурсиз. Олтин учун эса элингизни сотмоғингиз тайин. -Эй, ано-ви Аҳмад савдогар-ку. Кўзлари киртай-иб қолибдур. Мажнунсифат бу йигит-

нинг севган қизи ҳам дом-дараксиз. Йўқолганмиш.

-Балки мўғуллар тўғонни бузганда, сувга фарқ бўлгандир. Худо асрасин. Жасадини ёки бирор белгисини излаб топишолмаптилар.

-Бу урушда ҳўл-у куруқ барабар ёнди. Фақирларнинг фарзанди-ку майли, ким-сан Адҳамбекнинг ҳам арзанда қизи дом-дараксиз эрмиш. Ўзи эса мўғуллар-га қуллуқ қилиб, жонини асраб юрган-миш.

-Ёғийлар шунчалар кўпки, бутун улус-ни қул қилади. Энди насибамизни те-риб, тинч юришимиз учун аларнинг то-вонини ялашга ҳам мажбурдирмиз.

-Наҳот энди кўкайимизга офтоб тег-маса?

Шунча кирғиябарот урушдан омон қолганингизга шукур қилингиз. Эртан-ги кун не кечишини фақат Оллоҳ била-дур. Эл бошида донолар эмас, нодон-лар ҳукм ўқисалар, элнинг шўри қурий-ди. Моварауннаҳрдаги барча кучлар бирлашса, бирлаштурадурғон шоҳ бўлса эрди, бу алфозда қолмас эрдик. Энди бу ғайридин ўз ясоғини амалга киритишдур.

Ҳм, мўғул ҳукмдори ёсоқ жорий эт-миш. Анга буйсунмаслик мусулмон учун улимдур.

-Бу мажусийдан қутулмоққа йўл йўқ. Бутун бошли қишлоқлар, кентлар йўқ бўлиб кетди-ю.

-Моварауннаҳр олов ичида қолмиш.

-"Искандари соний" дея улуглагани-миз - Хоразмшоҳ ўй сурғунча Ёсугонинг ўғли ишини битирди-қўйди.

Шаҳар ташқарисида хон ҳандақ қоз-дириб, қасоскорлар йўлини пойлашқа икки минг черигини қўйибдур. Ниқоб-лиларни ушлаш пайидалигини эшит-дингизми?

-Эссиз, қўлга тушсалар, аянчли ўлим топқайлар.

-Худо асрасин.

Қорасоч қулоқларини динг қилиб сардоба ёнидаги суҳбатни обдон эши-тиб олди. Сўнг сумбула қуёшига юзини

тутгунча ухлашга уринди. Ахир қуёш нури-ни кўриш моғорада насиб этмайди. Қизлар тунда ҳаво егани билан куни бўйи ёрда бекиниб ўтиришга мажбур.

Ҳа, одамлар оғзида қарғиш-у нолиш, Жайхун ва Сайхун оралиғида қон дарё-сини оқизган фотиҳ Чингиз бир лаънат-ланса, элининг қора кунига ярамаган, мамлакатини уруш оловига ташлаганча ўз жонини ўйлаган Хоразмшоҳ икки лаънатларди. Қорасоч қоронғу туш-ганда Кожортепага отланди. Нахшона бошчилигидаги суворийлар уни катта тараддуд билан кутиб турарди. Қорасоч-нинг хандақлар тўғрисидаги хабарини Нахшонани ўйлантириб қўйди. Шунда Рўёб чоригини киймоқ учун оёғига пай-тава ўраганча Нахшонани имо билан ёнига чорлади.

-Мўлжалимча, хандақ қазилган жой раҳматли отам деҳқончилик қилиб шоли етиштирган жойдан бошланган. Биз фотиҳ навкарларини Манас сувла-рига чўмилтирмоғимиз мумкин! Бундан шаҳар ичкарисидаги улус озор чекма-гай.

-Лекин анча олис. Тонггача Моғорага келиб етмоғимиз душвор. Аммо деҳқон аёллари кийимида бўлсак-чи? Кундуз Каттепада жон сақлашга тўғри келур. Бир бошга бир ўлим. Қасоскор йиғит-нинг руҳи қўлласин.

Шу оқшом тун ярмигача қасоскорлар йўлини пойлаган мўғул сарбозларининг аксарияти ғафлат босиб, кўзига уйку инган маҳалда Манас ариғидан келиб қўшилган сувнинг бир ўзанини қасос-корлар машаққат билан бузиб юборди. Тун ярмидан ўтганда илондек вишиллаб, даб-дурустдан келган сув балосини хандақ ичида мудраётган ёғий навкар-ларининг кўпчилиги сезмай қолди. Нах-шона орқага қайтиш хавфлилигини би-либ, Каттепа томонга йўл бошлади. Ёғий чорваси учун йиғилган ем-хашак ёнидан бефарқ ўтолмадилар. Ўзанини очиш учун ишлатилган машъалани ёв қароргоҳи томон отдилар. Ўзлари эса отларни кўйиб юборишиб, Катдаги энг сўнги

ҳавлини тақиллатишди.

-Мусофирмиз. Мароканд тарафдан келдик. Туни билан яёв юриб ҳолдан тойдик. Нафас ростлаб олсак, розими-сизлар?

Эшикни аза кийимидаги аёл очди.

-Номаҳрам киши йўқми?

-Йўқ, баримиз деҳқон аёлларимиз. Мўғуллар қилган қиргинбаротда бор-будимиздан, эркакларимиздан ажрал-дик. Оёқларимизга кишан солиниб, ёғий юртига жўнатиб юборишмоқчи бўлишганда, қочишдан бошқа чора топ-мадик. Кишандан қутулдиг-у, аммо бош-панасиз қолдик-да, жон опа.

-Уруш ҳеч кимни четлаб ўтмади. На-саф ҳам хонавайрон бўлди. Топқонимиз мўғул навкарларини боқиш учун тортиб олинмапти. Меҳ ҳам ажалини кутиб яша-япмен. Икки ўғлимни ўлдиришди. Тўрт қорасидам сувга ғарқ бўлди. Эрим хунарманд бўлганлиги учун қул қилиб, ёғий юртига олиб кетилди. Яшашим учун ҳеч баҳона, ваз кўрмасмен. Аммо Оллоҳнинг омонатига хиёнат қилмай, ўлиминини кутмоқдамен.

Кичкина дарчага суянганча аёл бе-парво сўзламоқда эди. У кутилмаган меҳмонларни уйга киргизди. Қора яироқ ёкиб қўйди.

-Мусулмонмисизлар? Бомдодга ҳам сал вақт қолди. Офтобаларда сув бор.

Қизлар лой бўлиб кетган чориглари-ни ечиб, тозалашгунча тонг отди. Мез-бон аёл бирин-кетин эчкиларни орқа оёқларига бошини суққанча соғиб олди. У кўз қири билан синчков қараб меҳмон-ларининг сулув қизлардан иборатлиги-га хайрон қолди. Ахир эрта-ю кеч дала-дашда юрадиган деҳқон аёллари сут-га чайгандек оқ, ранги тиниқ бўлмай-ди. Фақат қорамағиздан келган иккитасигина саҳро қуёшини симирган.

Аёл кенг бўғизли, икки томонидан балдоғи бор, шарсимон, оч қизил ан-гоб билан сирланган хурмачада сут олиб кирди. Иссиққина сутдан бир-икки мар-тадан хўлаб ичиб тугатишди. Аёлнинг уйида сополдан қилинган буюмлар се-

роб эди.

Токчаларда турган хумлар, шарсимон нақш солинган шиша идишлар, сопол хоңтахта, оташдонлар унинг эри моҳир уста бўлганлигини билдириб турарди.

У қизлар разм солаётган идишларга қараб хўрсинди.

-Хунар - зар, - дейдилар. Ана, ўз корига моҳир бўлганликлари учун фарзандларимнинг отаси мусофир юртда хор бўлдилар. Ундан кўра, мироб бўлсалар яхшимасмиди? Бисотимда икки эчки билан шул сопол идишлар қолмиш.

Қизлар чошгоҳга кигиз устига бири-бирига бош қўйиб ухлаб қолишди. Бу орада ёв қароргоҳида шовқин-сурон авж олди. Бир томондан мингдан зиёд наваркар сувга ғарқ бўлган бўлса, бир томондан қишга жамғарилган ем-хашакнинг асосий қисми ёниб кул бўлди. Катта шаҳар ташқарисидоги биринчи қишлоқ бўлганлиги учун сарбозларга газаб алангасида ёниб қишлоққа кириб келди. Кўчабошилар уларнинг буйруғига биноан қишлоқдаги тирик жоннинг барини хирмонжойга тўлади.

-Бугун тунда мингдан ортиқ черик сувга ғарқ бўлди. Қанчаси майиб, сув ютган. Боз устига ем-хашакларга ут қўйдилар. Қора ниқоблилар айнан шу қишлоқда бўлиши мумкин. Уларни топиб бермасаларинг, барингиз ҳаёт билан видолашгайсиз. Улар ўн-ўн беш чоғлик. Кўп эмас.

Кексалар, ёш болалар, хотин-халаждан иборат қишлоқ аҳли тиз чўкканча Худодан паноҳ сўрарди. Сарбозлар ўктам йигитлар тугул ўктам қарайдиган нигоҳларни-да кўрмадилар. Тиззалари титраб, лаблари қалтираб илтижо қилганлар орасида қора ниқоблилар йўқлигини сезиб туришарди. Улар камчи билан савалаб бирор хабар олишга уринишди. Фойдаси бўлмагач, уйма-уй кириб хонадонларни тинтий бошлашди. Қишлоқ аҳли уларнинг ортидан эргашди. Кимнинг уйига ўт қўйса қараб туришарди, ёғийлар бошқа хонадонга ўтгач, ўчиришарди. Тўс-тўполон-

да улар ўзларининг сафига жулдур кийинган мусофир аёллар ҳам қўшилганини сезишмади.

Мезбон аёл уларни таниди ва мўғуллар олов қўйган эгасиз хонадонларнинг бирида қолиш кераклигини имо қилди.

-Бу ёввойиларни қиличдан ўтказиш осондур. Аммо ҳосилни йиғмоққа қўл етишмайдур, - деди уларнинг бошчиси, елкасига қизил ёпинчиқ ташлаган басавлат, семиз сарбоз. Улар қўшни қишлоққа ўтиб кетишди.

Қий-чув, йиғи-сиғи овози, тутун ҳиди Нахшонани ҳолсизлантирди. Лекин мингдан ортиқ мўғулнинг ўлганини эслаб, кўнгли ёришди. Жигарлари, севиқлисининг ҳаёти учун олинган бу қасос хануз камдек туюларди.

-Ана Нахшонабегим, бир ойлик қоронғу тунларда ҳам бунча мўғулнинг бошига етолмасдик, - дея ўзидан чиққан фикрдан мақтанди Рўёб.

-Ҳа, оқиласен. Гар малика бўлсам эрди, сен катта мукофот олур эдинг. Афсуҳки, буинимдаги туморимдан бўлак бисотим йўқтур. Истасанг ол.

-Бизга зеб-зийнат не даркор, бегим. Ҳақорат қилмангиз. Ёғийлар билан маиним ҳам ҳисоб-китобим бортурур.

-Устоб хотини бизни қўладилар. Оллоҳ у қишимнинг кўнглига умид ато этсин: У билдимикин бизни ёки буй қизлар бўлганимиз учун авайламак истадиму?

-Қишлоқда балоғатга етган қизларни кўрмадук. Барин мўғул яғмолари олиб кетгандур.

-Қоронғуликка шунчалик кўникибмизки, ёруғликда кўз қамашадур. Моғорага сийнаимизни захга тутиб ётқандан кўра, қуёшга тутқан афзал, - деди хомуш Қутли Нигор. У, ҳарб-зарбга ўқувсиз бўлганлиги ёхуд ўсганлиги учунми, тез ҳолдан тояр эди. Кейинги пайтларда тирик бўла туриб, ер остида яшашдан, эркакларга хос ётиб туришдан безган эди. Қасоскорларга овқат пишириб, йиғиб-териб горни тозалаш

ҳам уни зериктирган. Кун санаб отаси Сардорбекнинг ҳол сўраб келишини кутарди.

Насаф шаҳри ичкарисини макон тутмай ташқарида қароргоҳини тиклаган хон хавфдан қочиб, очиқ далани ихтиёр этганидан пушаймон бўлди. Сир-асорга тўла қасабалар, ёт бозорлар, масжидлар ичра қандайдир балои азим бўлиши мумкин, - дея гумонлаган мўғул хонининг кўзига энди кенг яйловлардан сўнг жойлашган чакалакзор-у тўқайлар совуқ ва ваҳимали кўринар эди. У Моварауннахрга қисқа мuddатга келган бўлса эрди, аллақачон ҳар бир дарахт-ўғиёхнингда ёқиб, кулини совурган бўларди. Аммо ўзини дилрабодек тортиб турган мўъжизакор, ўт фасл ҳам бирдек сийлайдиган фирдавсмонанд юртни авлодларига қолдириш умиди уни бу қабохатдан тийиб турарди. У мусулмон усталарига ясаттирган бахмал ўтов ичидаги тахтга ўтириб, қора ниқоблилар қилмишини илон чакқандек тўлғаниб таҳлил қиларди. Бу ғанимлар моҳир мерганлар, чавандозларгина эмас, ҳарбий усулларда ҳам беназир эканликларини тан олар, одам бўйидан икки бор баланд келадиган ҳандақлар ичида лойқа сув ютиб, ҳийлада ўлган навкарларига жони ачирди. Ахир бутун бошли шаҳарларни олиб ҳам қўшин бу қадар талофат кўрмаган эди. Бахмал ўтовдаги нафосат билан ясалган безаклар-у шокилалар унинг қаттиқ дийдасини ийдириб, қон тўкмоқдан тийдириб турганди. У ҳарир ипак пардага қиличини сермаб ўрнидан қўзғалди. Хон Насафнинг саррин шаббодасига юзини тутиб турди, сўнг бакувват кафтлари билан кўзини очишга қўймаётган шабадани тўхтатмоқ истади. Тонг ели эса ўзи билан юзма-юз турган фотиҳ билан ўчакишгандек кучайди. Сўнг бир қадам нарида куюн кўтарилиб, хоннинг эгни-бошига хас-хашак ва кул аралаш чангни сепиб масхаралагандек ўтиб кетди. Хоннинг кўзлари жангга ҳозирланган бўридек ялтираб чакнади. Сийраклашиб

қолган қизғиш қошлари кўтарилиб бири-бирига яқин келди. Эгни-бошини тозалаб, елкаларидаги чангларни қоқаётган хизматкорларни туртиб юбориб, от келтиришларини букюрди. У бу гуруҳни қўлга олмаса, ўз шаънига яхши бўлмаслигини, маҳаллий халқ бундан руҳ олиб, оёққа туриши мумкинлигини ўйлаб, кечиктириб бўлмас чоралар кўриши лозимлигини ҳис этди. Бу орада қишлоқларга ўт қўйиб, қон тўкиб келаятган навкарларнинг сардорлари бирин-кетин келиб, ер ўпиб таъзим қилишди.

-Каттепада не гап?

-Ҳеч гап йўқ. Қишлоқда ҳатто балоғатга энган йигитлар-да кўринмайдур.

-Кожарда не гап?

-Қора ниқоблилар изи йўқтур.

Аммо улуснинг титраб-қақшаб айтишларича, олти-еттита қора тусли эгасиз от қишлоқ атрофида пайдо бўлубтур. Алар ниқоблилар сув ўзанини бузаятқанда ўзлари ҳам фарқ бўлгандур. Эҳуд ўз жонларига қасд қилгандир, - дея тахминладилар.

-Бу тахмин, - дея хон калтабақай сардорга юзланди.

Шаҳарда ҳам қора отлар тутилган. Улотлар бегумон уларники. Бўйинларинда ем халта осуғлуқ. Аммо емишни емасдан бир дард теккандек хомуш чўзилиб ётишибди. Бари қора отлар адашмасам ўн тўртта бўлди, улуг хон.

-Агар ул зоти пастрлар яна бир бор хужум қилсалар, сардорларнинг бошини ўзим кесгаймен.

Хон қонсираб турган қиличинини олтин билан ҳалланган маллатоб ғилофига солиб қўйди.

-Улар бундайин катта талофатдин сўнг қаҳрингизга учрашлари аён бўлғонини учун шу тариқа ўзларига ўлимни раво кўргандир, - деди баркут ёпинчиқни елкасига ёпган лашкарбоши.

Орадан бир ҳафта ўтди ҳамки, қора ниқоблилардан дарак бўлмади. Уларнинг ўлганига мўғул хони ҳам иқрор бўлди. Ён-атрофдаги қишлоқларда қартайган бахшилар ёш болаларни тўплаб, дўмби-

ра чертиб бедарак кетган қахрамонлар ҳақида куйлай бошлашди:

Қўлда қилич ўйнатқан,
Камонларин яйратқан,
Ғанимларин қийратқан,
Баҳодирлар ким эрди, ҳей.
Қора эди тулпорлари, ҳей,
Ҳеч қас билмас дил зорларин, ҳей,
Ниқоб тутган шунқорларим, ҳей,
Баҳодирлар ким эрди ҳей.

Дарё этаги орқали моғорага етиб олиш қасоскорлар учун ўта хавфли. Чунки Чингизхон асосий кучини Насафда сақлаб, Термиз юришига тайёрланаётган эди. Хоннинг ўғли Тулихон етмиш минг навкар билан Балх ва Ҳуросон сари юриш бошлади. Жиб ва Субутой баҳодирлар бошчилигидаги навкарлар эса Нишопур томонга йўл олиб, яшириниб жон сақлаётган Муҳаммад Хоразмшоҳнинг изига тушган. Насаф теграсидаги омон қолган қишлоқлардаги аҳоли учун хоннинг қўшинини боқиш беҳад азоб-уқубат эди...

Мўғул хони кичик танаффусдан сўнг Бадахшон ва Ғазнага кўз тикиб, ўша жойда ўғли Тулихон билан қўшинларни бирлаштирмоқни ихтиёр этди.

Нахшона Муҳаммад Хоразмшоҳнинг ўғли мўғулларга қарши курашаётганини, унга ёрдамчи кучлар кераклигини устанинг аелидан эшитди. Кўнглига чироқ ёнгандек бўлди. Аммо қиз бола боши билан уларга етиб олишлари, амримаҳол эди. У бир ҳафтадан буён ўйлаётган ўйларига интиҳо бериб, тунда кизларни йўлга отлантирди.

-Мени қолдириб кетингиз, Нахшонабегим! Мен фақат сизларга дардисар бўлурмен. Ҳарб-у зарбда илдамлигим йўқ.

-Бизни сотурсен. Яхшиси, уни ўлдирмақ жоиз, - деди Рўёб Нахшонага юзланиб.

-Бу кўрнамаклик бўлур, Рўёбхон. Бу моғорада неча кун жон сақлаган эрсак, анинг отаси Сардорбек тўплаган ризқ-

насиба ила озукландик. Тузга хиёнат қилмайлик. Қолаверинг, Қутли Нигорбегим. Лекин биз ҳақимизда сўз кетганда сиз ҳеч не билмайсиз. Уқдингизми?

-Сизларни Оллоҳнинг ўзи асрасин, - деди севинчдан Қутли Нигор.

У дугоналаридан айрилишни истамасди, бироқ уларнинг бошига тушиши мумкин бўлган кўргуликларга, машаққатларга дош бера олмаслигини жуда яхши биларди. Нахшонабегим қолган кизлар билан пою-пиёда йўлга отланди. Устанинг хотини машаққат билан топиб келган қиличларни ғилофи билан ҳар бир киз чоригига ҳэтиётлаб тикқан. Узун ва кенг рўдапо куйлақлар ичида бунини ҳеч ким сезмасди.

-Биз Самарқандга борурмиз. Бу ўта хатарли Аммо, бошқа иложимиз йўқ. У тарафлардаги яширин кучларга қўшилмоғимиз лозим.

-Амрингиз, Нахшонабегим! - дейишди кизлар ва етиб бўлмас орзудек кўринган, бир бор кўриш насиб этмаган Самарқанд тарафга иккиланмай йўл олишди. Энди уларнинг ҳар бирида Рўёб ва Фариданикидек йўнилган, силлик таёқлар бор эди. Қутли Нигор уларнинг ортидан узоқ кузатиб турди. У кўйдан бери соғинган дуторини хумор қилди. Унга атаб йўнилган таёқни олиб, гўёки дутордек чертди. Сўнг алам билан таёқни отиб юборди. Кимсасиз уйга кириб, юз тубан ётиб кўнгли тўлгунча йиғлади. Бироз кўзи илиниб, туш кўрди.

-Туринг, Нигор қизим! Сизга Бадахшондин лаъли-гавҳарлар ила безатилган дутор келтирдим. Ани чертиб, дилимизни хушнуд этинг-чи! Ахир не-не машшоқлар сизга сабоқ бермиш.

Қутли Нигор отаси келтирган дуторни бағрига босди.

-Қайда эдингиз, отажон? Ахир дуторсиз қийналдим. Узис ўлдим.

Сардорбек бераётган дуторга қувониб қўл чўзаётганди, отасининг қўлидан суворий тортиб олиб кетди. Қутли Нигор ер бағирлаб, қўл чўзгунча йиғлаб қолиб кетди. Кўзини очиб, устанинг хо-

тинини кўрди, юрак-бағри эзилиб, аёлниг бағрига ўзини отди.

-Нега алар ила кетмадинг. Айрилгани бўри ер, деган нақлни эшитмабмидинг?

-Чорасизман. Ҳарб-у зарб ичра ўсмаганмен. Қийналдим. Ахир хизматимда канизларим бўлур эрди. Шодумонлик, тўкин-сочинлик ичра вояга етқанмен. Бул қаро кунларга чидолмасмен. Бармоқларим торни кўмсамиш. Кўнглимдаги нолаларни оҳангларга жо этсам эрди, бағир юки енгиллашармиди? Устозим ўзим куй яратаётганимдин мамнун эрди. Оҳ, онажон, аларни бир бор падаримга олди. Нахшона елдек етиб келиб, мўғул навкарининг чап елкасига бор кучи билан қилични сукди. Орқадан юракка берилган зарба ёғийни йиқитди. Соқчи навкарлар уйғониб, ўзларини ўнглаб улгурмай рақиблар аёллар эканлигини кўриб доғдирар қолишди. Гафлат боған навкарларни қасоскорлар шу тахлик маглуб этишди.

Устанинг аёли куйнинг маънисига у қадар етмасада, қиз саодатли кунларини, дуторини кўмсаётганини тушунарди. Аммо бу қишлоқда унинг бошига не кунлар тушиши мумкинлигини уйлаб кўрқарди.

Тонгга яқин Кеш йулини кўриқлаб турган мўғул сарбозларига дун келишди. Нахшона қизларни мўғуллар ёпиб ташлаган сувсиз ариқ ичидан писиб боришга ундади. Бу жойда тахминан 15-20 чоғлик навкарлар бор эди. Уларнинг кўпчилиги очик далада кийим-боши, совути билан донг қотиб ухлаб ётарди. Кўзи ўткир, зеҳни тез, чамани бир қарашда оладиган, маймундек чаққон Назмия ўнг томондаги тўсинлар ортида отлар ва қуй-эчкилар борлиги ҳақида хабар етказгач, Нахшона қизларга юзланди.

-Беш юз қадам нарида ёғий навкарлари турур. Аввал писиб бориб уйкудагиларни ўлдурурмиз. Бу жуда тез ва илдам бажарилмоғи лозим. Бедор ўтирганлар ўзларини ўнглагунча уларни махв этмоқ даркор. Кейин дарҳол ўгирилиб соқчиларга ташланурмиз. Куйлақларни ҳар ёнидан итмоқ керак, токи халақит бермасун. Ё энгурмиз, ё ўлурмиз. Оллох

мададкор бўлсин! Омин.

Қизлар шунчалик нафис ҳаракатла нишдики, уларнинг қадамидан ҳақти майсалар ҳам озорланмади. Тонг ғира ширасида бўғиқ хириллашлар эшитилди, холос. Қорасочнинг унча қаттиқ бўлмаган зарби панд бериб қолмас жанг олишувсиз тугармиди? Давангирдек мўғулнинг йўғон бўйнини сапчадан узиш мушкул эди. Яраланган мўғул жо аччиғида бўкириб юборди ва Қорасочга ёпишди. Унинг нозик бўйни ёғийнинг забардаст панжалари орасида қолиб овоз чиқариш тугул, нафас ҳам ололмади қолди. Нахшона елдек етиб келиб, мўғул навкарининг чап елкасига бор кучи билан қилични сукди. Орқадан юракка берилган зарба ёғийни йиқитди. Соқчи навкарлар уйғониб, ўзларини ўнглаб улгурмай рақиблар аёллар эканлигини кўриб доғдирар қолишди. Гафлат боған навкарларни қасоскорлар шу тахлик маглуб этишди.

Тонг ёришмай мўғул кийимида бў жойдан олислашамиз. Йўқса, ажал бизни кувгай. Қизлар ўзларига беўхшов ва кенг турса-да мўғул кийимини кийишди. Рўёб отлардан 30 тачасини олдига солиб келди. Улар Самарқанд тарафга йул олишди. Энг орқада ёғий кўналғасига жасадаларни тўплаб, ўт қўйиб, отларни, қуй-эчкиларни қўйиб юборган Рўёб ва Нахшона келарди.

-Аларнинг кийимсиз жасадини топсалар мўғул кийимидаги сарбозларни да тинч қўймадилар. Шу боис қўйиб қуй бўлганлари маъкул, - деди Нахшона Рўёбга мамнун боқиб.

-Алар дунёга ўт қўйдилар. Бизнинг ишимиз аларнинг ваҳшийликлари ошдида ҳеч гап эрмас, - деди Рўёб.

-Энди Рўёбхон, Чашминанинг илми жодусидин фойдаланурмиз.

-Чашмина. Нечук бу хинду қизининг илми керакдур?

-Чашмина ўн икки ёшиғача Пешаворда яшаган. Урду, мўғул, форс ва хитой тилини обдан биладур. Гўрсўхта мўғулларнинг ёзуви йўқтур. Чашмина "Насаф

дин Самарқандга қочқан икки исёнкорни излаб келдуд" гапини сизга ўргатсун.

-Уқдим, бегим! -дея қадди-қомати эркакларникидек савлатли Рӯёб Чашмина томон отини елдирди.

Хоннинг ёрлиғи ёпиштирилган мўғул кийимидаги қасоскорларни биров тўхтатишга ҳадди сифмасди. Йул-йўлакай учраб қолган маҳаллий халқ эса имкон борича уларнинг назарига тушишни хоҳламасди.

-Ёғий кийимидин нечоғлик жиркана-ётирман. Гуё оғули мор қақаётгандек. Бадбўй тер ҳиди нафас олишга қўймаётир, - деди бўйинлари кўкариб кетган, беҳол, бетоқат этни бўйиндан кучоклаганча кетаётган Қорасоч Нахшонага мўлтираб, илтижо билан боқаркан.

-Сабрли бўлинг, Қорасоч, дарбозадан кириб олайлук. Қаранг-а, могорада яшаб, дунёдан узилибмиз. Хисоблаб кўрсак, бу кун моҳи Рамазоннинг илк куни эркан. Икки кундирки номозларимиз ҳам қазо бўлмоқда. Кўноқ топсак, қазосини ҳам ўқиб олуёмиз.

-Ё насиб, ана дарбозаи Кешга етиб келдуд. Самарқанднинг бошланиши. Бу маҳаллани Расат-тоқ деб ҳам атайдилар. Бир пайтлар қандай кўрклик жойлар эди. Файз қолмабди. Темир қўшинларида араб имлосида ёзувлар маъжуд эди. Энди алламбалолар қўйиб ташланибди.

-Энди отларни қичайлик. Елдек бориб, кўп суриштирмакка изн бермаслиғимиз даркор, - дея Нахшона отга қамчи урди. Қизларнинг елкасига ёпилган алвон ранг ёпинчик хон саройига дахлдорлигини кўрсатиб турарди. Рӯёб ва Чашминабону сафнинг олдига ўтди. Улар дарвозалар очилди. Икки-уч соатдан буён мўғул сўзларини такрорлаб келаётган Рӯёб ҳаяжондан бир зум каловланиб қолди. Унинг қип-қизил юзи бўғриқиб кетди. Аламидан "Кимсизлар" дея, чопиб келган мўғул навқарининг бошига таёғи билан чунонам сола кетди-ки, У ўзини ҳимоя қилишга ҳам улгурмади.

-Насафлик икки исёнкорни тутмоқ учун хон топшириғи билан келмоқдамиз, - деди Чашминабону овозига бўғиқ оҳанг бериб.

Қўриқчилар Рӯёбнинг ҳатти-ҳаракатидан савлатидан чўчиб таъзим қилганча қўллари билан шаҳристонни кўрсатдилар. Афросиёбнинг жанубий тарафида зич жойлашган бу маҳалладан қасоскорлар отларни елдириб узоқлашди. Улар Самарқандга етиб келганда, катта бозор ҳам тарқала бошлаганди.

Қизлар бозорга кириб, ўрта ёшлардаги озғин жувондан бир қосадан қатиқланган умоч ош олиб ичишди. Улар аёлга эвазига отлардан бирининг жиловини тутишди. Мўғулларнинг талон-тароҳига қўниқиб қолган тужжорлар ерга термулганча тунд чехралари билан сукут сақлашарди. Умоч пишириб чиққан, қават-қават рўмолдан баланд бош кийими, нафис тўкилган оқ жундан узун, қолдек қўйлақ хийган аёл саросимада қолди. Ахир мўғул яғмолари бозордан хоҳлаган нарсасини текинга олиб кетаверарди. Коронгу туша бошлаган бўлсада, мис иришлар кўзни қамаштиргудек ялтирар. Чинниворлар, мева-чевалар бозорга ҳусн бериб турарди.

-Шаҳарнинг ярми ҳам қолмабдур. Киши қўлиғидин бозорда эмин-эркин юрмоқ маҳол эрди. Самарқанд ҳам Насафдин кам азият чекмабдур. Шундай азим шаҳар-а, -деди Қорасоч ён-атрофга маънос термулиб.

Қизларнинг кўзига шаҳар ўта чиройли ва обод кўринганди. Қорасочнинг бу гапларидан сўнг улар бу шаҳристон мўғулларнинг шумқадамидан олдин бундан-да гўзал ва мафтункор бўлганлигини англадилар.

-Мисгарлар орасида энг асллари борму? Қай маҳаллотда туришади? - деди Нахшона гангиб турган аёлга мулоийм боқиб.

-Булар савдогарлар. Асл усталардин олиб сотадирлар. Жамол уста, Ботир уста, уста Нурали демишлари бор.

-Ҳм. Ботир устанинг уйи қай тарафда?

-Сабзаи-сероб маҳаллотида муқим дерлар. Бозордин уч йўлак нарида. Орқа дарвозадин чиқингиз.

-Айтмангиз, -деди ёнида юзини рўмол билан тўсган қизалок. - Эмди Ботир мисгарни ҳам падади бузрукворимдек Мўғулистонга жўнатишқай.

-Алар сўғд тилинда сўзлашдилар-ку. Биҳамдиллоҳ.

Нахшонабегим бозор орқасидаги дарвозага от кўйди. Қизлар сукут ичида унга эргашдилар.

Бемаҳалда эшиги қоқилган Ботир, уста хассасага сўянганча жуда секин юриб дарвозага яқинлашди. Тўрт ойдан бери фарзандидан хабар кўлиб, "тик" эгса юраги гупуриб кетавериб, устага бўла ёзганди. Боз устига шу кун рўзанинг илк куни бўлганлиги учун дармонсизланиб қолган. Ҳатто маҳалладаги ибторга ҳам боришга ҳоли йўқ эди. Амаллаб дарвоза тирбандини оларқа, муҳул навкарларини кўриб йиқилаётди. Дарвозанинг бир ёғини ушлаб тураркан, дарвоза уни сўядими ёки у дарвозаними, ҳис этолмади. Ундан ортиқ суворий ҳовлига от билан кирди. Хувиллаб ётган уйи отга тўлди-қолди. Нахшона отдан сақраб тушиб, чолни ушлади. Рўёб дарвозани тамбалаб кўйди.

-Усто бобо, Нахшонабегиммен, -деди қиз кўзлари ёшланиб, қўрқиб кетган устани тинчлантириш учун.

Шундагина уста жун чакмон кийган, бошида бўри терисидан ошланган телпак, пошнасиз этик, пахтали бўрк кийиб олган "мўғул"нинг чехрасига қаради. Ёшланиб турган қоп-қора шахло кўзларни Сардорбекнинг кўзларига ўхшаш эканлигидан ҳайратга тушди.

-Сардорбекнинг қизимисиз?

-Ҳм. Ичкарига кирсак, ота. Отларимизга ҳам дам бермоғимиз керак.

Рўёб бошчилигидаги қизлар аллақачон отхонани топиб, отларнинг сувлиқларини ечиб, сомонхонадаги емишлар-

дан олиб кела бошлашди.

Нахшонабегим уста Ботирга эргашиб ичкари ҳовлига кирди. Уста шу онгача ўғли Мунирдан мужда кутиб яшаётган бўлса-да, совуқ хабар эшитиш мумкинлигини ўйлаб Нахшонабегим-ла савол-жавоб қилишдан чўчирди.

-Таъзиямни қабул қилинг, отажон! - дея қиз ўкириб юборди. Уста титроқ кўллари билан дастурхон попугини тутамлади. Уни эзғилаб-эзғилаб сукутга чўмди.

-Мўғулнинг дастидин қиблагоҳимдин, онамдин, иним Жавлонбекдин, баҳодир Мунирдин бир кунда айрилдим.

Чол пичирлаб дуойи "Фотиҳа"ни ўқий бошлади. Бу учрашувдан ҳангу-манг қизлар хонтахта атрофига қалдирғочдек тизилиб кафтларини очишди. Ички уйдан бор гапга кулоқ солиб турган Мунирнинг онаси йиғлаб чиқди.

-Наҳот ёлғиз зурриёдимдан ҳам жудо бўлгон эрсам, - аёл ёш юваётган юзига фотиҳа тортиб, тиззасини ўйиб, муштлаб йиғлаб бошлади.

Ҳамрабуви! Уйғламангиз. Ажал етмай, ҳеч кимки? Улмас. Оллоҳнинг иродаси. Оллоҳга исён қилманг. Соч юлиб, дед-фарёд солиш исломга ётдир. Боз устига ёғийлар не гап, деб ичкарига кирсалар, бу ҳур қизларнинг-да қонига зомин бўлурсиз, - деди илтижоли, титроқ овозда уста. Сўнг кўз ёшлари томаётган оппоқ мўйлаби ва соқолларини кафти билан артиб кўйди. Рўёб аёл чиққан хонага бош сукди-ю, қизларни имлаб чақирди. Кун бўйи отда чопган қизлар ичкарига кира солиб наमत устига чўзилишди. Улар толиққанидан оч-наҳор уқлашга ҳам тайёр эдилар.

-Бегимнинг дарди бор экан-ки, бизни Самарқанд тарафга бошлабдур, - деди Фарида.

-Жимингиз. Сиз кимки сардорингизни таҳлил этурсиз. Қорасочдин ўзга мўғул кийимин ечмай, хушёр ётсин. Анинг лат еган бўйнига малҳам суртингиз, - деди Рўёб.

Қизлар жимиб, қўшни хонадаги суҳ-

бат аниқ-тиниқ эшитила бошлади. Нахшона титроқ овозда ўша машъум фожиани сўйлаётганди:

-Шу кунни биз Мунир билан Йўғонқирга бориб савашмоқ ниятинда эрдик. Падарим Мунир айтган хабардан сўнг шаҳар бегининг олдиға йўл олган эрдилар. Мен Мунирға шаҳар бегининг қизи Қутли Нигор бекинган Кажортепадаги магорани кўрсатмоқ ниятинда эрдим.

Мўғуллар етиб боришиндин аввали отам мени у ёнға бошлаб борган эрдилар.

Мен Мунирни келмоғини кутиб, ҳовлимизға келган эрдим. Мунир билан эркак ва аёл ваҳидан тортишиб қолдик ва уни савашмоқ ундадим. Аммо ҳарб кийимимни кийиб улгурмаси дарбозамиз ёнинда қиёмат кўпди. Уттиз-қирк чоғли мўғул суворийлари йўлида дуч келган бандани қилич-ла уриб келган эрканлар. Падарим рўбару чиқиб улар билан курашибдилар. Шовқиндан чопиб чиққан Мунир ва кичкинтой Жавлон ёғийни кўриб, онаизорим падаримға ёрдамға югуришқан. Уғлинигиз бирмўғулни отдин йиқитиб, қиличини тортиб олганлар. Иккалави 10 нафар ёғийни ер тишлатиб, сўнг жон берганлар. Алар бўзлаб турган Жавлонбекнинг бошинида узиб кетибдилар. Йўлакка чиққананда ёғийнинг ортидан кўриб қолдим. Мурдалар ҳар ёнда. Жигаргўшамнинг муборак боши аёғим тагинда турар, бир қадам одимласам босиб ўтардим. Онам бу ҳолға дош беролмай, рўмоллари бошдин учи ёғийнинг ортидан югуриб, ўлим топдилар. Ёғий маҳаллотимиздин қадамини узиб бурилғач, тирик қолган кўниқўшнилар паналаган жойлариндан чиқиб келишди. Боёқиш падарим нимта-нимта бўлганлар. Энг сўнгида кишилар онамининг узилган бошини келтурдилар. Катта лаҳм кавлаб, анор дарахтин остиға бори мурдаларни кўмдик. Тунда отимға миндим ва қуролларимни олиб мағораға йўл олдим. Унда ҳарбу зарбдин хабардор қизлардин иборат тан кўриқчилар Қутли Рухсор хизматинда эрдилар. Ўзи

мға келгач, "Алқасосул минал-ҳақ" дея қизларни аёқлангирдим. Аларнинг ҳам кўкси яра. Мўғуллар зарби етмаган бирор юраги путун йўқтур. Сизларни ҳам бир зиёрат қилиб, сўнг ёширин гуруҳларға қўшилмоқ ниятинда эрдим.

Боягина сардорлари шаъниға маломат қилмоққа шайланган қизлар оғир сукутға кетишди. Кимдир унсиз йиғларди, кимдир чуқур-чуқур хўрсинарди.

-Шундан бери жангу-жадал, қон дарёси ичрамен. Ўз қўлим-ла юзлаб мўғул бошин сапчадек узсам-да ҳаловат топмасмен.

-Сабрингизға, тоқату-бардошингизға ёғалли. Сизнинг мардоналигингизни падарингиз кўрганларида нечоғлик суюнар эрдилар. Мен устамен. Аммо фарзанди аржумандик. Мунирни сипоҳсалор бўлишингиз ордусинда эрдим. Эл-улус, дин-уйимон манфаати йўлинда собит турмоғини, мардонвор бўлмоғини истаб эрдим. Минг шукурким, кимсан Сардорбекдек сипоҳсалор ила ёғийға қарши туриб, шаҳин бўлибдур. Аларнинг гўрлари нурға тўлган бўлсин. Қиёматда ҳам бул зурриедим бирла ифтихор этурмен. Сиз сардорбекнинг кўзин оқу-қароси, бизнинг хонадонда қолинг. Қизимдек узатурмиз.

Мунгли ҳикояни юзтубан ётиб, парижон тинглаётган қизлар бирин-кетин туриб ўтиришди. Устанинг таклифи уларни ҳангу-манг қилиб қўйганди.

Нахшона бунда қолса, уларнинг тақдири не кечади? Бу ёруғ оламда уларға эшик очар қадрдон қолмаган бўлса? Мўғуллар кўлида қўғирчоқ бўлишадими?

-Йўқ, ҳазрат отажон. Шукурки, сизлар билан дийдорлашмоқни Оллоҳ насиб этди. Сийнамда юрагим уриб турса, мўғулға қарши курашамен, деб ичкан онтим бордур. Анга зинҳор хиёнат қилмасмен.

-Оллоҳ ёрлақасин сизларни.

-Аҳён-аҳёнда ўғлингиз бизни деб Насаф сари бормасалар, тирик қолармидилар, дея ўйға ботурмен, - деди Нахшона мўғул телпагини бошидан олиб

ёнига қўярган. Эру хотун қизнинг тўлғо-ниб ер ўпган узун, тим қора сочига, хусни тальятига маҳлиё бўлиб қолди. Шу хусн, шу малоҳат наҳот завол топса, деб ўйлар-ди улар.

Нахшона амбар рўмолни телпак ичи-дан олиб бошига танғиди.

-Эркин ўтираверинг, бўтам. Бунда номаҳрам йўқтур. Аларни ҳам чорлангиз. Ҳозир нон келтирурмен. Афсус, таом кам-роқ эрди. Ҳоли боз ҳозирлайман.

Уста Ботир давлатманд эди. Мўғуллар ёқиб кетган уйини шогирдлари ёрдами-да қайта-суваб-тузаб олди. Кунаро мис идишларга харидорлар келарди. Ерту-лада мўғул нигоҳидан панада қолган идишларни пуллаб кунини кўриб тур-ганди. Аслида, бу нозик ва машаққатли кори билан Мунир кетгандан сўнг шубу-ланмай кўйган. Шу боис шогирдлари давом эттираяпти. Уста вужудига куч эниб, ўрнидан кўзгалди ва хотинига юз-ланди:

-Ҳамрабуви, сиеби пичоғини кел-тиринг. Қизларимнинг дойкадамига кеч бўлса-да, уша кўйни сўйлик. Рўёб уста билан бирга чиқиб, кўйнинг оёғини боғ-лади. Уста "Бисмил Оллоҳи ақбар" дея бисотидаги ёлғизгина кўй бўғзига кат-та, дастаси рангин, нақшинкор пичоқни юборди.

Қон-қонига сингиб кетган меҳмондў-стлик удуми уста Ботир ва Ҳамрабуви аяни ўзларини бардам тутишга ундар-ди. Қизлар эртага яна йўл тортишлари лозимлигини ўйлаб, ортиб қолган гўштни ўз ёғида қовуриб уларнинг хўржунларига солишди. Нахшона ҳовли-нинг катта дарвозасига икки нафар, ич-карига битта соқчи тайинлади. Улар тез-тез алмаштирилиб турилиши лозимли-гини Рўёб назорат қиладиган бўлди.

Нахшона ҳовли саҳнида юриб, Му-нирони ёд этарди. "Мўғуллар бостириб келмаса, шу ҳовлига келин бўлиб кели-шим мумкин эди. Фарзандларимиз ш-вқин-сўрон билан ҳовлини тўлдиришар-миди? Болалагимданок кўлимга қилич тутқоним учун Оллоҳнинг қаҳрига учра-

диммикин? Орзу дарахтим куртак чиқар-масдин куриб-қовжиради" -дея Нахшо-на ҳовлига меҳр ва маҳзунлик билан тер-милди. Айна пайтда ғамдан тутдай тўки-либ турган Ҳамрабуви момонинг ҳам кўнглидан Нахшонабегимнинг эшиқдан келин бўлиб кириб келмаганлиги армо-ни ўртар ва бундан беҳад азобланарди. Гарчи ўглининг шаҳид кетганини эшит-ган бўлса-да, хаёлан унинг тўйини ўтка-зарди. Ана, ясагиғлик икки отда Мунир ва Нахшона шаҳзода ва маликадек кулим-сираб турибди. Шу пайт дарвоза таҳил-лаб қолди-ю, унинг хаёллари бўлинди. Рўёб ва Нахшона қиличларини қўлда ту-ганча соқчи қизлар ёнига шошилди.

Ботир уста товуш бериб, дарвозани очмоққа тутинди.

Сабзаи-сёроб маҳаллотин соқчила-римиз. Очинг, дарҳол. Уйингизга мўғул навқарлари кириб кетганлиги ҳақинда хабар олдик. Улар нега бизга учрашмас-дин сизнинг ҳовлингизга киришдилар? Бу бизга шубҳа уйғотди.

-Алар бир кириб, кимнидир излаб яна чиқиб кетдилар.

-Икк, ниқиб кетишмаган. Хабарчи ёни-миздадур! Аларнинг чиқиб кетгани аниқ бўлса, анинг бошини кесурмиз. Агар рост бўлса сизнинг бошингиз кесилур ва бу ҳақинда кайвониларимизга хабар бе-рурмиз.

Нахшона уста Ботирга имо қилиб дар-возани очишни буюрди. Икки соқчи ва бир маҳалла кишиси кириб, оғилхона томон юришди. Улар бир тўда отларни кўришди. Отлар безовталаниб кишнади. Қоронғуда пойлаб турган қизлар илдам-лик билан уларни оғилхона томонга ита-риб юборишди ва тўғри келган жойига шамшир билан зарба бера бошладилар. Хабарчи Рўёбнинг буйин орқасига бер-ган битта зарбидан ҳушидан кетди. Икки ёғий соқчиси айикдек бақувват экан. Енгил ва чаққон Нахшона соқчилардан бирининг оёғига чил бериб йиқитди ва тиззаси билан қорнидан босиб, кўксига шамширини суқди. Рўёб иккинчисига

хужум қилиб, калласи билан мўғулнинг бурнига зарб билан урди. Оғриқ зарбидан қахланган соқчи Рўёбни кўксига шундай мушт урдик, қиз орқаси билан отлар орасига бориб тушди. Қўлидаги шамшири қаёққа тушиб кетганини Рўёб билмай қолди. Мўғул отларни тепиб, уриб-суриб, Рўёб томон кела бошлади. Рўёб ўлимга тик қараса-да, бу аҳволда ўлмоқни сира истамас эди. У қўли билан атрофни пайпаслаб, отлар хуркиганда бир томони синган ёғочни тортиб олиб, унга ханжар ўқталиб келаётган мўғулнинг бошига урди. Шу пайт ёрдамга етиб келган Нахшонабегим ёғийнинг орқа томонидан келиб, шамширини биқинига қимирламай қолгунча бир неча маротаба аямай суқди.

Уста Ботир боягина наънихолдек маҳзун турган Нахшонабегимнинг қонга ташна арслондек мўғулга хужум қилганини кўриб хангу-манг бўлиб қолди. Кўз унгида ёвқур баҳодир тургандек эди.

Шу пайт хабарчи ўзига келиб, ҳеч қимга билдирмай, қадам учида юриб дарвозага йўналди. Дарвоза олдида турган Фарида буйчан, озғин, бир оёғилиб юраётган хабарчининг ортидан тусиб келиб, буйнидан бўға бошлади. Шошиб қолган қизлардан бири унинг кўксига ханжар суқди.

Қизлар ўзаро пичирлашиб гурунглашдилар. Эҳтимол, улар мурдаларни нима қилишларини ўйлаб бош қотиришарди. Нахшона икки нафар мўғулнинг бошини узиб, хўржунга солиб қўйди.

Соқчиларнинг тилка-пора бўлган танасини қизлар ёрдамида икки отнинг олд томонига ортишди. Маҳалланинг жосусини тўрт қиз оёқ-қўлида ушлаб боя кўриб ўтган жойларига - масжид остонасига юзтубан қилиб қўйиб қайтишди. Унинг ўлиги ҳеч қимни қизиқтирмаслиги мумкин эди. Бошсиз мурдаларни эса Рўёб ва Фарида отга ортиб, анча олисга бориб, хандаққа ташлаб қайтишди. Энди уларни бу ҳовлига қолишлари хатарли эди. Чолу-кампирни уй ичидаги

устунга боғлаб, ҳар тарафга буюмларни сочиб, ҳовлини талангандек қиёфада қолдириб, йўлга отланишди. Бу пайт тонг ёришиб келаётган эди. Шу боис бомдод намозига тайёргарлик кўраётган атрофдагилар Уста Ботирнинг хонадонидан чиқиб кетаётган 10-15 чоғлик мўғул суворийларини кўриб, ҳар ёндан пойлаб туришарди.

Бу пайт қўл учида боғлаб кетилган эру хотин уввос солиб йиғлай бошлашди. Улар ўғли Мунирнинг ўлими ҳақидаги хабардан эндигина фурсат топиб йиғлашяптиларми, Нахшонабегимнинг қисмати учунми, ёинки ҳовлисидаги қотилликлардан қўрқибми ўзлари ҳам билмасди. Уста Ботир шу ёшга кириб, ҳеч бир аёл зотининг кўзида мўғулларни кўриб, нафратга тулган Нахшонабегим ва дугоналабининг кўзидаги ёлқинни кўрмаган эди.

Лаънати ёғийлар бостириб келмаса, Мунир билан Нахшонабегим муҳаббати хазон бўлмас эди. Мард, довжорак невараларнинг вобоси бўлиш насиб этурмиди, деган армон устанинг юрагини ёқарди. Сабзаи-сёроб йўлақлари қасоскорлар ортидан қолган чанг-тўзон ичра қолди. Уларнинг олислаганига ишонч ҳосил қилгач, ёш дарахтлардан кесиб, яқиндагина қайта ясалган дарчалар бирин-кетин ғийқиллаб очилди. Зум ўтмай қон йиғлаб турган уста Ботир ва аёли ҳамсоялар ёрдамида "озод" бўлишди. Мўғул соқчилари билан навбат алмашиши лозим бўлган икки нафар соқчи бу тўс-тўполонга анграйганча қараб туришди. Сўнг воқеага ойдинлик киритиш учун шерикларини излаб кетишди.

Шаҳар дарвозаси ёнидаги соқчилар от дупуридан хушёр тордилар. Чингизхоннинг махсус кўшинига хос кийимдаги суворийлар қуюндек келаётганди. Насафга элтадиган икки йўл ҳам шу. Соқчилар Кеш дарвозасини очишга зўрға улгуришди. Нахшонабегим Чашминага ниманидир уқтириб, от устидаги икки кўзли, наматдан қилинган хўржунни ташлаб юборди. Чашмина соқчилар

бошлиғи томон бир оз эгилиб, "Исён-корларни тутдик. Улуғ хоқон буйруғига кўра жазоладик. Энди аларнинг бошини Кеш дарвозасин икки томонига уч кун осиб қўйгайсизлар. Токи эл-улус бундин «ибрат олсин» дея хўржунга ишора қилди. Соқчилар хўржун билан овора пайт, қизлар отларни доvon сари бошлаб, йироқлашиб кетдилар. "Келган йўлимиздин Насаф сори боролмасмиз. Яхшиси, довондин ошиб, Шаҳри Кеш орқали йўл тортурмиз" - деди Нахшонабегим. Мўғуллар очиқ яйловли, кенгиш жойларни бошпана қилишганди. Тоғ йўллари уларга сирли, маҳобатли кўрингани боис назорат ҳам қилмас эдилар.

Тирамоҳ барглари тўка бошлаган, тоғдаги дов-дарахтлар ҳазон булган япроқларига мотам тутаётгандек, чайқаларди. Чошгоҳда улар доvonнинг қоқ белига етиб келдилар. Сим-сим ёмғир ёға бошлади. Нахшонабегим ястаниб ётган дурвиқор тоғларга, олис-яқиндан кўринаётган қишлоқларга қараб чуқур хўрсинди. "Ай, она диёр, ай, баланд тоғлар! Умидим кесилган-ки, сани мўғул зулмидин ҳолис кўрмоққа. Томчилаётган ёмғирдин-да алар беҳисоб эрурлар. Биз эса мардларидин жудо мотамсари заифалармиз. Ёғий бир аждаҳоки, бир бошини кессанг, яна бири ўсиб чиқур. Аммо умримизнинг сўнгги лаҳзасигача курашмоқдин қайтмасмиз. Қаерга бизнинг қонимиз тўкилса, ўша ердин мўғулнинг додини берадургон ўғлонлар туғилур, онлар туғилур. Эй, она тупроқ, кун келур санинг саодатли онларингни Мунир-ла бирга кўкдин туриб кузатурмен.

Ўзларини порлоқ истиқбол эмас, ўлим кутаётганини қизларнинг ҳар бири ҳис этарди. Энди улар отларни қичамасдан раъйига қўйиб қўйишди. Чарчоқ ва хавотир уларни ҳоритган эди. Сукунатдан зада бўлган Биби Рухсор ички тартибни бузиб, шеър ўқиди.

-Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди,
Ерга чанг кўнди-ю, кўмилиб кетди.
Дунёга келишинг, кетишинг нима?
Бир чивин туғилди ё ўлиб кетди.

-Ҳайёмнинг беназир мисралари. Буни ҳозиргина бошланиб, яна тўхтаган ёмғурга атадингизми, ёинки ширин жонимизга хатар етмоқлиги яқинлашқонини учунми? - деди Нахшонабегим хаёллар тизгинини узиб.

Рўёб Нахшонабегимдаги маҳзунликни илғаб, Биби Рухсорни жазоламасдан аксинча, "яна ўқинг", - дея руҳсат бергандек қамчисини қимирлатди.

-Мени айладилар дунёда мавжуд.
Ҳаётда топганим - ҳайрат, тараддуд,
Бу йўлни ўтдим-у тушунолмадим,
Келмаг-у кетмақдан не экан мақсуд?

-Бизнинг келмагимиздан ҳам, кетмакни ихтиёр этганимиздан ҳам мақсудимиз бор. Юракимизнинг ҳар зарби тупроғим дейди, ҳар зарби "ал-қасос ул миналжақ" дейди. Ўлсак шаҳидлар сафига борурмиз, - деди Рўёб атрофга мағрур боқаркан.

Шу он Рўёбнинг кузи доvonдан пастга эниш жойида қамонларини таранг тортиб, лайкон йўллашга ҳангир турган жангчиларга тушди. Бу жангчилар мўғул навқарлари эмаслиги аён эди. Ҳазонез, сўлғин табиат бағрида хомуш тортиб қолган Нахшонабегим ҳам рўпарадан чиққан турли ёшдаги, турли кийимдаги жангчиларга қараб тараддудланиб қолди. Улар гоҳ суғд тилида, гоҳ форс тилида таслим бўлиб, қуролларни топпиришларини талаб қила бошладди. Гап орасида мўғулларни лаънатлаб сўқинишарди. Нахшонабегим отини бир қадам олдинга йўрттирди.

-Биз мўғул эрмасмиз. Қаҳр-у ғазабингизни ўз қавмингизга эрмас, балки ёғийга кўрсатингиз, - деди суғдийда баланд овозда Нахшона шубҳага ўрин қолдирмаслик учун.

-Мўғуллар кийиминда суғд тилинда сўзлашурсиз. Буни нима атамоқ лозим? - дея уларнинг сардори яқинлашди.

-Биз насафлик қора ниқоблилар тўдасидирмиз.

-Ё алҳазар, алар ўзларини ўлимга маҳкум этқанлари ҳақида бизга хабар этқан.

-Биз ўлмаганмиз, аксинча мўғул либосинда қиёфамизни ўзгартирганмиз, холос.

-Товушингиз нега ожизаларга ўхшар?

Нахшонабегим оловланди. Дарҳол саҳдиён этигига қўл чўзиб, қиличини олиб, уни ғилофидан чиқарди ва отдан сакраб тушиб, сардорни яккама-якка жангга чақирди. Эрмакталаб навкарлар қарсак чалиб сардорларни ўраб олишди.

Икки ўртада қиличбозлик бошланди. Иккаласи ҳам шамшир ишлатишни обдан билишларини намойиш этишарди. Улар бир-биридан қолишмасди. Икки томон ўз сардорларига ғалаба тилаб безовталанишарди. Мўғулнинг оғир кийимида терлаб кетган Нахшона бош кийимини беихтиёр бўш қўли билан юқори-роқ кўтарди. Сардорнинг кўзи рақибининг оппоқ юзига, узун-узун кивриқларига, қоп-қора кўзларига тушди. Сардор тахминини тўғри чиққанлиги учун, бўшашиб кетди. Беихтиёр Нахшонабегимнинг навбатдаги ҳужумида шамширини атаб қўлдан тушириб юборди. Нахшонабегим сардорнинг кўксига шамширни тўғирлаб деди: -Эй сардор оға, нега тоғлар брасинда бекиниб, мўғулнинг йўлини пойлаб ўтирибсен. Аларни излаб бор. Фафлатда қолдир. Мўғул тухми қанча камайса, шунча создур. Ушбу шамширим фақат мўғулнинг қонини ичур, дея онт ичганмен. Ҳа, Момо Ҳаво қавмиданмен. "Қора ниқоблилар" аслида ўн саккизга тўлиб-тўлмаган ўн тўрт нафар қизлардин иборатдир. Локигин бизнинг заифалар эканлиғимизни фақат сен билдинг ва бу сир кўнглинг буржидаги сир бўлиб қолсун. Биз йўлга тушурмиш. Ҳалал ва залал бермоқдин ўзингни тийғил. Биз исёнкорларга қўшилмоқ ниятинда эрдик. Аммо бир жойда депсиниб турмоқ биз кўн одат эрмас.

Нахшона шу сўзларни айтиб, қиличи-

ни қинига солди ва қизларга йўлга тушишларини имо қилди. Сардор чап қўлини сермаб, навкарларига йўл бўша-тишни буюрди. Улар ўртасидаги суҳбатдан беҳабар тўда, сардорларига сўзсиз бўйсунди. Сардор йигит эса ўсиб кетган соқол-мўйловларини силаганча қизларнинг қораси кўринмай кетгунча қараб қолди. Сўнг сардор қияликдаги тўқай ичига ёлғиз кириб кетди. Бўғзини куйдирган кўз ёшларга эрк берди. Бир уйнинг бекаси бўлишга яратилган гулдек нафис қизларнинг шамшир кўтариб, туну кун бедор мўғулларга қарши курашаётганларига қуюнди.

-Нахшонабегим, агар мўғулларга қарши курашаётган мардлар йўлиқса, аларнинг сафини қўшилурмиш, деган эрдингиз? Фирдавсмонанд шахристонга келмоқдин мақсудимиз ҳам шу эрди. Алар аёқ остидин чиқдилар, аммо биз бош қўшмадик. Боиси не? -деди отини қичаб Нахшонага яқинлашган Шамшод қароқчининг қизи Тахминабону. Унинг отаси ипак йўлидан қайтаётган савдо аҳлини талаш билан шугулланган. Ўғли бўлмаганлиги учун Тахмина 7-8 ёшидан буён уйи бола кийимида отасининг ёнида юрган. Шу боис савод чиқармаган. Шикоят ва чақув туфайли Шамшод қароқчи Қайрихоннинг одамлари томонидан ўлдирилгач, илм ўрганиш мақсадида Бахтишод тоғасиникига борган. Илмга ҳаваси йўқ Тахмина ҳарф ўрганиш машаққатига чидам бермай, аксинча тоғасининг қизи Чашминани ҳам ҳарб-у зарбга қизиқтириб қўйди. Бир гал Тахмина сарбозларни ўлдирмоқдан кўра, таламоққа мойиллиги кучли бўлганлигидан Нахшонабегимдан дакки еган.

Моғорадаги дастлабки кунларда у сафдошларидан ортда қолиб, ҳалок бўлган сарбозларнинг ҳамёнларини излашини Нахшона сезиб қолганди. Жангда талаш, нафс-у ҳирсга берилиш ман этилгандан сўнг у моғорада "ўйин" кўрсатганди.

Супур-сидир билан шуғулланиб,

ғорда қоладиган Қутли Нигорга шамшир ўқталиб, ғор тўрига олиб бориб, тақин-чокларини тортиб олаётганда яна кўлга тушди.

-Кечиринг, бегим! Қўлим қурғур ўрғаниб қолган. Ҳар замон хумор қилади. Агар моғорада бир нима йўқолса, мен олган бўламан. Шавқим босилгандан сўнг қайтариб бераман.

-Юраклар андуҳга тўла, ҳазилингиз ортиқчадур, Тахмина, -деди Нахшона жahl ила. Бу кун ҳам қизларнинг ҳеч бири айтолмаган таъна аралаш саволни шаддод Тахминагина сўрай олиши мумкин эди.

-Биз аларга қўшилсак, бошимиз муаммолардин халос бўлмас, Тахминабону! Сардорнинг ҳолина бокмадингизму Момо Ҳаво қавмидан эканлигимизни сезиб, қўлидаги қуроли-да тушиб кетди. Уруш майдонинда ишқ-у муҳаббат савдоси бошланиб, беғуноҳ фарзандлар тугилмоғин олдини олмоқ керак. Шул сабабким, турли гағзоларга йўл қўймаслик фикрина тўхтадим.

-Суворийлардин бири бизни амазонкаларга ўхшайдилар, деди. Бу сўзнинг маъноси не? -деди Тахмина яна.

-Билмадим. Ҳеч эшитмаганмен. Балки Чашмина билур, - деди Нахшонабегим ҳорғин ва ўйчан оҳангда.

-Не гурунг, қизларжон? Қандоқ сўз эркан англамаганингиз, -деди Чашмина яқинлашиб.

-Амазонкалар, дейишди бизни, - деди Тахмина.

-О, амазонкалар. Юнон афсоналаринда машҳур бўлган мавзу. "Қуролланган жангчи аёллар" маъносини берур.

-Алар бизнинг ожизалар эрканлигимизни англашибдилар. Насафда не гап экан? Қутли Нигор бизга фириб бермасмикин, бегим? -деди Рўёб хавотир билан.

-Минг уринманғиз Оллоҳнинг айтганлари бўлур, - деб жавоб берди Нахшона.

-Қутли Нигорни ўлдирмоқ лозим эди.

У сўзида собитлардин эрмас, - деди Ҳабиба.

-Ёзугимизда не бор, кўраверамиз. Энди эса қашқа отларни қорабайирларга алмаштириб, бўшаганларини шунда қолдирайлик. Тоғ-у тошлар орасинда ризқини топиб, эркин юрадилар. Сунгра гап-сўзга интиҳо ясайлик-да, отларни қичайлик.

Қизлар отларни алмаштириб, эгаржабдуқларни кўздан кечиришди. Тўқайнинг қуйи қисмига кириб, Ботир уста ва кампири тайёрлаб берган гўшт, буғдой ва макка унидан қилинган кулчаларни олиб, тановул қилишди.

-Қизлар, -деди Нахшона олисларга тикилиб. Тоғлар улуғвор ва шунинг баробаринда бағри кенгдир. Бу сердарах маконларда данак мағзин тановул этиб-да кун қурмоқ, гиёҳларин чайнаб озукланмоқ мумкин. Агар энди-да сизларни эркингизга қўймасам, ўзимни ўйлаган худбин бўлурмен. Камина жигарпораларимни ҳовлимизга кўмган онда алар бирла бирга улганмен. Аммо сизлар бир-бирингиздан кўхлик, доно, эпчил, яшашга ҳақли мастураларсиз. Бир имконият шу сарзаминда, шу тоғларда бежавотир, беқайғу яшаб қолишингиз мумкин. Кимки дунёга келиб, униб-ўсмоқ, зурриёд қолдирмоқ истаса, шунда қолсин. Сардорнинг йигитлари бизни кўздан қочирмай, эргашиб келмоқдалар. Алар ҳимоясинда жон сақларсиз. Балким бирининг завжаи-ҳалоли бўлурсиз. Менинг ёнимда бўлсангиз, сизни муқаррар ўлим кутмоқда. Бошини дорға тикканларгина менга эргашсинлар.

Нахшона отга минди. Бир неча сония кўкка термулиб қолди, сўнг ортига ўгиррилди. Қизларнинг бари от устида. Имога маҳтал турарди.

-Биз ҳам бир томчи қонимиз қолгунча курашурмиз, - деди Чашмина қизлар номидан. Сувланиб, озиқланиб олган отлар сўқмоқ йўлга чиқиб, елдек учиб кетаётган Нахшонанинг отига эргашди. Сардорнинг йигитлари бир лаҳзада ортидан

чан-у тўзон қолдириб, узоқлашган қизларнинг шиддатига ҳайрон-у лол қараб қолишди. Ортларига қайтиб, чуқур ўйга ботган сардорлари ёнига боришди.

-Сардор оға!!!

-Не истайсиз ?. Тинч қўйингиз.

-Биз сувораларнинг ортидан бордик.

Алар тўхтаб тановул қилишди ва аларнинг сардораси шундай деди...

-Хўш, ул моҳирўй нима деди?

-Эй, сиз Маҳжун бўлибсиз, шекилли?

- деди йигитлардан бири.

Улар бири қўйиб, бири Нахшонабегимнинг сафдош қизларга айтган сўзларини ва қизларнинг ҳеч иккиланмай, қатъият билан унга эргашганларини сўйлади.

Сардор титраганча бир ҳовуч нам туپроқни қафтига олди. Унинг қиёфасида қатъият, ишонч акс этиб турарди.

-Йигитлар, шу навниҳол қизлар бошини қиличга тутиб, ўлимга адл боқиб юртини, элини ҳимоя қилаётирлар. Биз-чи? Тоғ йўлидан мўғуллар ўтса ўлдирурмиз, -дея кутиб, писиб ётибмиз. Алар-чи? Насафдин Самарқандгача бориб, шу овлоқ йўлларда хавф-хатарга ўзларини уриб йўл босишяпти. Алар ор-номус курашига жад айлаганлар. Биз-чи?

Сардор жаҳл билан дарахт танасига мушт туширди.

-Биз, "олма пиш, оғзима туш" қабилада номардларча ўлжа кутиб ётибмиз. Отланинлар. Қора ниқоб тақиб олайлик. Шу бояқиш сингилларимиздин хавф-хатар йироқлашиб, биздин гумон қилишсин. Тунда ўн тўрт нафардин бўлиниб, мўғул навкарларига ҳужум уюштиргаймиз. Токи руҳимизни жон қуши тарк айлагунча мўғул бирла савашамиз.

Қизлар бу исёнкор тўданинг-да юрагида ёвга қарши нафрат ва ғазабни баттар алангалатиб кетди. Кешдан чиққунча Нахшонабегим тезликни сусайтирмади. Ёллари силкиниб келаётган отларни кўрган мардум ҳозир қанот чиқаради-ю, учиб кетадиган ваҳожати бор, деб ўйлаши мумкин эди. Ёғийнинг бадбўй ва

қўпол кийими қизларни токи Кожартепага етгунча ҳимоя қилди. Насафга кираверишда турган соқчилар диққатини тортмаслик учун айланма йўлдан юриб, тўртинчи қуни тонга яқин улар турли сўқмоқ йўллардан, Сандикли чўл орқали билиб-билмай айланиб, гоҳо аста, гоҳо отларни ниқтаб моғорага етиб келишди. Бегона отлар бу жойга илк бор келишаётгани туфайли олд оёқларини кўтариб, бўйсунушни истамасди. Нахшона отдан тушиб унинг ёлларини силаб, жиловидан тортиб, ичкарига бошлади. Бирин-кетин кириб келаётган қизларнинг сафи тўлиқлигидан Нахшонабегим қувонди ва тангрига шукурлар айтди. Чунки у Мунирнинг ота-онасини бир куриб, хабар етказиш илинжида Самарқандга йўл бошлаганди. Қизларнинг ҳаётини ўз мақсади йўлида таҳликага қўйганлигидан Нахшона қаттиқ безовта эди. Хайрият, кадрдон бошпанасига етиб келишди. Отларни суғоришиб, емишларини беришди. Ювиниб, тараниб, мўғул кийимидан кутулган қизлар тунги қўйлақларини кийиб, яна навраста ойимларга айландилар. Бир-бирларининг сочларини уриб бўлгунча, енгилгина нонушталари тайёр бўлди. Улар ўз "кошона"ларида беҳавотир, беҳадик уйқуга кетишди...

Орадан икки кун ўтиб Темучин хузурига соҳибхабар шошиб келди:

-Улуғ хон, Самарқанд томондин чопар келмиш.

-Не хабар?

-Ўзингиз тинглаб, беназир ақл-у заковатингиз ила мушоҳада этмасангиз, менинг ақлим ожиз.

-Кирсун.

Чопар хонга таъзим қилиб, тиз чўккан ҳолда сўз бошлади:

-Улуғ хон. Бундин бир неча кун аввал сизнинг маҳсус соқчиларингиз либосинда бир гуруҳ навкарлар Кеш дарвозасиндин куюндек кириб келди. Алар икки исёнкорни Сизнинг амрингизга мувофиқ тутмоқ учун келганларини уйғур тилида айтиб ўтиб кетдилар.

Хон қизғиш соқолини икки-уч силаб кўзларини чақчайтирди.

-Сўнг алар хонадонларнинг бирига кириб, - сўзида давом этди чопар, - нотаваон чол-у кампирни боғлаб, кўркутиб, бисотидаги ёлғиз кўйини сўйиб пишириб, сафар учун емак тайёрлаганлар. Шубҳаланган соқчиларни ўлдуриб, икки хуржунга солишган. Дарвозага етиб келгач, хуржундан икки кесилган бошни сизнинг амрингизга биноан Кеш дарвозасин икки тарафина уч кун осиб қўйишни, эл-улус бундин ибрат олмоғи жоизлигини айтиб, довон тарафдин Кеш сори кетганлар.

Савол-жавоб қилмоқ истаган соқчиларни навкарлардин бири қўлидаги таёқ бир-ла чунонам қаҳр бирла саванганки, ундин кегин бошқа соқчилар сўз очмоққа журъат қилмаганлар.

Хон ўйга толди. Ҳеч қандай топшириқ берилмаган-ку. Ким экан улар? Ёки ўз одамларимиз бирортасини қочириб излаб борганмикин? У чопарнинг юзига савол назари билан тикилиб қолди.

-Бизни шубҳалантирбон ҳолат шулки, кесилган бош эгалари маҳаллий халқдин эмас, бильакс ўзимизнинг сарбозлар эркан. Уларни ўша маҳаллот соқчилари таниб қолишган.

"Икки сарбоз йўқолиб қолган эрди. Биз алар билан кетма-кет навбатлашиб маҳаллани назорат қилур эрдик. Ахир булар исёнкорлар эрмас, балки мўғул соқчиларидир", - дея алар соқчилар бошлиғина арз қилганлар. Шундан кейин шубҳа-гумон кучайиб, мени сиз сори юбордилар.

-Икки-уч кун олдин Хузур йўлиндаги қароргоҳимизда навкарлар изсиз йўқолиб, катта ёнғин чиққанди. Энг сара отлар қўйиб юборилган. Алар эрмасмикин? Йўқ, алар ишонган сарбозларим эрдилар. Демак, бу ерда катта ҳийла ва макр бор. Наҳотки бу иш ўша қора ниқоблиларга бориб тақалса?

Темучин ўрнидан туриб кетди. Жаҳлдан саргимтир кўзлари чақчайиб қонга

тўлди.

-Самарқанддаги дарвоза соқчилариға айтингиз, бирор киши сўзасиз-сўроқсиз шаҳарга қўйилмасун. Демак, қора ниқоблилар мўғул кийиминда ўша кеча ёширинган эрканлар. Биз эрсах алар ўз жонлариға қасд қилган, дея аҳмоқ бўлиб ўтирубмиз.

Хон жазавага тушди. Ўзини лақиллатган, қора ниқоблиларни чўкиб кетганини айтган барча сардорларни қатл эттирди. Насаф теградисидаги қишлоқлар яна олов ичида қолди. Қирғин-барот урушлардан омон қолган, яқинларидан жудо бўлган, хўрлик ва қабоҳатдан, очликдан тинкаси қуриган маҳаллий халқ оч бўлса-да, тинч яшашни ўйлаб қолганди. Улар орасидан меҳр-оқибат кун сайин кўтарилиб, бир-бирини тутиб беришга, мўғуллар эътиборини қозониб, ширин жонини сақлашга уринадиганлар сониг тобора кўпайиб борарди. Эл таланган, мамлакат горат қилинган, хон икки дуст-мардумни илғаб олиш қийин эди. Очликдан ўзини, боласини улимга тутиб берганлар ҳам, ёғий пинжига суқилишга уринганлар ҳам бор. Темучин ғазабга миндимми, кўз очиб кўрмаган хунрезликлар бўлиши мумкинлигини насафликлар ва атрофдаги қишлоқлар аҳли яхши билишади. Шу боис кўпчилик писиб, яшириниб, баъзилари Кеш, Самарқанд, Хуросон сари қочиб кетмоққа уринишарди.

Айёр Темучин мусулмон сарбозлари орасидан азон айтишга салоҳиятли йиғитни топиб эрта саҳарда Каттепадаги бузилмай қолган масжид мезанасига чиқариб, азон айттирди. Мўғул хонигазабдан тушибди, деб ўйлаган мусулмонлар яширинган жойларидан чиқиб, масжид олдиға келдилар. Мўғул сарбозлари катта-ю кичик, ёш-у қарини ўраб олиб, қиличдан ўтказдилар.

"Қора ниқоблилар келиб таслим бўлмаса, бирорта мусулмонни тирик қолдирмай бошини олурмиз" деган ҳайқириқ бутун шаҳарни, шаҳар атрофини даҳшатға солди.

АМИР ТЕМУРГА МУНОСИБ ВОРИСЛАР

ГУЛЛАЁТГАН БОҒ ХАВОСИ

Баҳор ойида гуллаётган боққа кирсангиз, хушбўй хидларга тўла муаттар ҳавоси юрагингизга болдай хузур беради. Юртимиз ана шундай гуллаётган боғ. Бугун унга, кўз тегмасин, дея ҳавас билан боқаётганлар кўп. Президентимиз Ислом Каримов маърузаларининг бирида: "Юртдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эгалик ҳиссиёти, ён - атрофида бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормоқда", деган эди. Қашқадарёлик зиёли инсон, ёшлар мураббийси Комилжон Султонов юртимизга астойдил хизмат қилишга интилган, ўз зиммасидаги масъулиятни сезган кишилардан бири. У бой ўтмишимизни, айниқса теуриийлар тарихини яхши билади ва ҳар бир ўтмиш воқеасидан тўғри хулоса чиқаришга интилиб яшайди. Шунингдек тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизнинг эришган ютуқларини худди мохир рассомдек ёрқин бўёқларда акс эттириб, ўз ўқувчиларига етказишга шошилади.



Мазкур рисолада муаллиф кечага ва бугунги воқеаларни холисона баҳолар ва юртимизнинг қисқа даврда қўлга киритган ютуқлари моҳиятини очишга ҳаракат қилар экан, айниқса ёшларни ватан тарихини билишга, гурурларини баланд тутишга, уларнинг ҳеч кимдан кам эмасликларини аниқ далиллар орқали исботлашга интилади. Шу билан бирга юртимиздаги бағрикенглик, ўзаро аҳилликнинг моҳиятини шарҳлаб, бу ҳам ютуқларимиз гарови бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди. Чунончи, Амир Темур шахси ҳақида мулоҳаза юритар экан, халқимизнинг тарихан бунёдкор бўлганлигини ва аънананинг юртимизда сайқал топаётганлигини нақш этадики, бу ёшларимиз онгида тарихий хотирани тиклашга, уларни бунёдкор ишларга чорлашга замин яратади. Комилжон Султоновга ўхшаган зиёлиларга мустақиллик ўз фикрларини мана шундай эркин баён этиш имконини бердики, бугун улар юртимизни янада раvнақ топтириш ишларида ўзларининг ҳиссаларини қўшишга интилиб яшаяптилар. Қаранг, гуллаётган боғимизда яна битта оппоқ ниҳол хушбўй атири билан кўнгилини хушламоқда, муаллиф айтганидек, ундан баҳра олиб яшаш ва ишлашнинг, юрт ишига ҳисса қўшишнинг ўзи ҳам катта бахт.

ТўЛҚИН ХАЙИТ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Маълумки, ҳар бир халқ, ҳар бир инсон ўз авлод-аждоди тарихини билмишга, ўзлигини англаб етишга интилади. Чунки ўз юрти, аждодлари тарихини билмаган ва миллий қадриятларини унутган халқда миллий гурур бўлмаганидек, насл-насабини, авлод-аждоди кимлигини билмаган инсонда ҳам гурур бўлмайди. Гурур туйғусини шакллантириш учун, албатта тарихий хотирани тиклаш лозим бўлади. Халқимизда, айниқса юртимизни келажагини ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларда тарихий хотирани тиклашнинг самарали усулларидан бири эса, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан таништиришдир. Мазкур китобда Амир Темур амалга оширган буюк ишлар билан бир қаторда навқирон юртимизда эришилган ютуқлар таҳлил қилинган. Энг муҳими, аждодларга бўлган ҳурмат ва бугун ўзингиз амалга оширган буюк ишлар ҳақида ўқиш, албатта, ҳар жиҳатдан мароқлидир. Ўйлаймизки, бу китоб шонли Ватанимизнинг тарихий кунларини ёритадиган муҳим китоблардан бири бўлиб қолади.

Муқаддима

Буюк шахсларни тарих яратади. Бунга кўшимча қилиб, Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини ҳаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади дейиш мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги бизларга хайрли ва савоб ишларни амалга ошириш учун қулай имкониятларни яратиб берди. Жумладан, тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан учирилган, унутилишга маҳкум этилган улуг Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни билишга, у зот ҳақида айтилган ва айтилаётган юксак баҳолардан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Бу бахтни эса халқимизга муяссар этган, албатта, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдир. Чунки, айнан юртобшимизнинг ташаббуслари ва саъй - ҳаракатлари билан буюк Соҳибқироннинг ҳурмати ўз ўрнига қўйилди. Буни қўйидаги сўзлардан ҳам билиб олиш мумкин: "Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, ўнинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаётган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ".

Ушбу китобда буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларини мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг эл-юрт манфаати йўлида амалга ошираётган улкан хизматлари билан боғлаган ҳолда имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Албатта, биргина китоб орқали шундай буюк шахслар фаолиятини тўлиқ очиб беришнинг имкони йўқ, чунки бу зотнинг фаолияти кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Қолаверса, бу бизнинг кўп минг йиллик бой тарихга эга бўлган давлатимиз ва халқимиз олдидаги қарзимиздир, деб ўйлаймиз.

Бугунги китобхонни буюк шахслар фаолиятига оид нафақат "Ким? Қачон? Қерда?" деган саволларга жавоб берадиган асарлар, балки (файласуфларга хос бўлган) "Нимага? Нима учун? Қандай қилиб?" деган саволларга жавоб берадиган таҳлилий асарлар кўпроқ қизиқтиради. Иш фаолиятимиз давомида бунга кўп мараотаба амин бўлганмиз. Мисол учун: "Нима учун? Нимага "Европанинг халоскори" деб тан олинган ва ўз халқини тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиққан, замо-

насининг ўта маданиятли вакили бўлган ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур собиқ шўролар давлатида ўз халқига ёмон отлиқ қилиб кўрсатилди? Еки қандай қилиб иқтисодий жихатдан қолоқ, сиёсий муте бўлган, сўнги юз йиллар давомида ўз тарихи, шонли ўтмиши, ғурури, маънавий устунларидан беғоналаштириб келинган аграр ўлка ва халқ жуда қисқа фурсатларда барқарор ривожланиб, халқаро ҳамжамиятда мустақкам ўрин эгаллашга эришди? Нима учун дунё ҳамжамияти мустақил ва навқирон Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга катта қизиқиш билан қарамоқда?" ва ҳақозо.

Ушбу китоб орқали юқорида келтирилган саволларга имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қилдик. Агар китобнинг халқимиз маънавиятини юксалтиришда озгина бўлса-да нафи тегса, ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик, деб ҳисоблаймиз. Мақсадимиз эса, албатта халқимиз, айниқса баркамол авлод вакиллари бўлган ёшларимиз онги- тафаккурида тарихий хотирани тиклаш ва улар қалбида миллий ғурур туйғусини юксалтиришдир. Зеро, ўтмишини билмаган ва унутган халқнинг ғурури ҳам, келажаги ҳам бўлмаслигини кўпгина до-нишмандлар такрорлаб ўтганлар. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Ўз тарихи-ни билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат ки-шилиқ тарихида кўп бора ўз-исботини топган". Айниқса, ўзини сиёсатчиман, ар-бобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

ИСБОТИНИ ТОПДАН БАҚИРАТ

Тарих - бу мунаввар кўзру халқ маънавийтининг ёсасидир. Ўз тарихига назар ташлаган инсон ҳам, миллат ҳам бузилигини аниқлайди. Агар халқимиз тарихига назар ташласак, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон дев ағалимиш қўқ узининг бой мид-дий ва маънавий мероеби билан ўмулбашариит ҳазинаси ва ўрқан жўра кўнчили ва жонажон ватанимиз жўхон цивилизация бениклардан бирини бунчилиги ва алаити бўламиз. Шу боис мухтарам юртбошимиз: "Ўзбекистон китта маркази ва кўнчили халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун дун бу ёрдада жўхонини бениклар тарихи-катларигина биз билан беллаши олиши мўлкин, дев нашин аниқ кўнчили нўй фўхон билан таъкидлаётимиз."

Ҳақиқатдан ҳам, ўтган лаво Мўғолинида байбаранил тарихининг бениклар ва алаити хисса қўшган мамлакатлар У қўнчили кўнчили, жўнчили, жўнчили, ўрқан, бениклар, Саудия Арабистони, Миср, Франция, Италия, Анҷон, Венсия, Германия, Россия ва, албатта, Ўзбекистон жўхон тарихи Мамлакатини бениклар ва алаити ўрқанда халқимиз кўнчили кўнчили ва алаити кўнчили кўнчили ўрқанда шундай буюк ажасларнинг алаити эканини аниқ кўнчили кўнчили кўнчили кўнчили.

XX асрнинг сўнги йиллари ўз асарлари билан дунёда кўнчили кўнчили Ўзбекистон ва ўзбек халқига, ўзинг тарихига лаволи кўнчили ва кўнчили кўнчили кўнчили кўнчили адиби Чингиз Айтматов шундай фикр билинган дунё кўнчили кўнчили кўнчили кўнчили цивилизация ўрқан сўнчили кўнчили ўрқан кўнчили кўнчили, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиеда, буюн туркий ўқалар ва беник тарихий ҳазина кўнчили кўнчили ўрин эгаллаган". Кўнчили, АҚШнинг Чикаго шаҳрида кўнчили кўнчили кўнчили кўнчили 180 минг атама ва сўнчи изох берилган The World Encyclopedia Dictionary Book (Жўхон кўнчили лугат китоби) номли китобда адибларнинг "Ўзбек - жўхон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўрқанда бениклар бўлиб ўрқолашган, маданий турмуш кўнчили, жўхон цивилизациясида хисса қўшган миллат" ... дея таъриф берилгани беник бўлиши керак, албатта. Халқимиз шў-

нига айтилган бу юксак баҳолар қалбимизга фахр ва ғурур туйғусини уйғотмаслиги мумкин эмас.

Дарҳақиқат, буюк алломалар ва машҳур саркардалар, жаҳонга машҳур мутафаккирлар, жумладан Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Абу Наср Форобий, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Бурхониддин Марғиноний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Фарғоний, Соҳибқирон Амир Темур, Муҳаммад Тарағай Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва она заминимизда яшаб ижод этган бошқа кўплаб сиймолар жаҳон фани, маданияти, бир сўз билан айтганда, умумбашарият тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Муҳтарам Президентимиз Ислон Каримовнинг "Юксак маънавият - енгилмас куч" асарида ҳам 46 нафар ана шундай улуғ сиймолар номи тилга олинадики, уларнинг аксарияти бугунги Ўзбекистон ҳудудига, ўзбек маданиятига дахлдор бўлган буюк шахслардир. Шу ўринда савол туғилади. Буюк шахслар деганда кимларни тушунмоқ керак? Авваломбор, ўз фаолияти ва қолдирган бой моддий ва маънавий мероси билан ўз халқи ва миллати довруғини бутун дунёга ёйган, ўз халқи эзгу ниятларини рўёбга чиқарган шахсларни тушунмоғимиз лозим. Агар инсоният тарихига назар ташласак, бу дунёда кўплаб ҳукмдорлар, машҳур саркардалар ўтганлигини гувоҳи бўламиз. Декин, уларнинг барчасини буюк шахслар бўлган, деб айтолмаймиз. Чунки, уларнинг аксарияти босқинчилик, талончилик билан шугулланиб, ўзларидан на моддий, на маънавий мерос қолдирганлар. Аксинча, кўпчилиги ўз манфаати йўлида яшаб, баъзилари эса айшу - ишратга берилиб, нафақат ўз халқини, балким, бошқа халқларни ҳам моддий ва маънавий меросидан маҳрум бўлишига олиб келганлар. Буни биргина Чингизхон ва унинг авлодлари мисолида ҳам куришимиз мумкин. Чунки, у ўзининг вахшийликлари билан кўпгина халқларни жумладан бизнинг халқимизнинг ҳам нафратига йўлиққан саркардалардан биридир. Тарихий манбалардан маълумки, мўғул босқинчилари даврида юртимизнинг гуллаб-яшнаган ноҳалари хувиллаб қолган, ўнлаб шаҳарлар бутунлай йўқ қилинган. Асрлар даврида яратилган ноёб ёдгорликлар ва меъморий осори - атиқалар вайрон этилган. Шунга қарамай, ҳали ҳам баъзи манбаларда, кинофильмларда, айниқса интернет тармоқларида ёритилаётган мақолаларда Чингизхонни буюк деб эътироф этиб келинаётгани ачинарли ҳол. Ваҳоланки, Чингизхондан фақат ҳаробалар ва аччиқ хотиралар қолган. Энг ёмони, бузғунчи ғоя намоёндаларини буюклик даражасига кўтариш келажак авлод тарбиясига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Қолаверса, буюклик ва улуғликнинг юки оғир. Бу юкни кўтариш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келмайди. Буюкликни орзу қилган инсон авваломбор, қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим бўлади, деб ўйлаймиз:

Биринчидан - фақат юксак маънавиятли, яъни қалбан тоза ва руҳан пок бўлиши;

Иккинчидан - ўзининг инсоний камолоти, ақл-идроки ва узоқни кўзлаб юргизган сиёсати билан нафақат ўз миллати, юрти тараққиётига, балки умумжаҳон тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўша олиши;

Учинчидан - фаолияти ва қолдирган бой моддий ва маънавий мероси билан ўз халқи ва миллати довруғини бутун дунёга ёйиши лозим бўлади. Оллоҳга шукр, бугунги кунда бошимизни баланд қилиб, фахр билан айта оламизки, юқорида санаб ўтилган талабларга жавоб берадиган буюк шахслар халқимиз ўтмишида ҳам бўлган, бугунги кунда ҳам бор, бундан кейин ҳам бўлади, иншооллоҳ. Хўш, тарихимизда ўтган қайси ҳукмдор, саркарда, давлат арбоби буюклик шарафига

муносиб бўлган ва нима учун?

Ушбу саволга жавобни Президентимиз Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрларидан англаб олиш мумкин: "Халқимиз тарихида инсоний камолоти ва ижтимоий фаолияти билан довруғ қозонган, миллатимиз фахри бўлмиш улуғ зотлар бениҳоя кўп. Аммо улар қаторида юлдузлар аро қуёшдай чарақлаб турган бир буюк зот борки, у Ватанимиз кечмиши, бугуни ва эртасида беҳад юксак ўрин тутди".

Албатта, бу буюк зот -- Соҳибқирон Амир Темурдир. Бу инсоннинг шахсига бўлган қизиқиш ҳеч қачон сўнмагани, у қолдирган моддий ва маънавий меросга бўлган эътибор ҳозирги кунда ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги, балки қадр-қиммати янада ошаётганлиги бундай дейишимизга асос бўла олади.

Энди фикримизни давлатчилигимиз тарихига қаратсак. Хўш, тарихимизда ўтган қайси давлат қудратли ва ҳавас қилса арзигулик даражада машҳур бўлган? Манбалардан маълумки, туркий забон (тилли) халқлар ўз тарихида ўн саккизта шавкатли салтанат қурган халқдир. Инсоният тарихида бошқа ҳеч бир халққа бундай давлатчилик қуриш насиб бўлмаган. Бу салтанатлар ичиде эса, энг улуғи ва қудратлиси ҳам албатта, Соҳибқирон Амир Темур асос солган, марказлашган буюк давлатдир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Амир Темур аввало қудратли давлат қурган. Давлат қудратли бўлмаса, бетақрор маънавий мерос ҳам, обидалар ҳам, тарихий ёдгорликлар ҳам бўлмасди". Ҳақиқатдан ҳам, ўз даврида Соҳибқирон давлати дунёнинг нарақий қилган қудратли ва мустаҳкам давлатларидан бири бўлган. Мамлакатда тўқчилик, фаровонлик ҳукм сурган. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда ўсиш, юксалиш жараёнлари юз берган. Шу ўринда яна бир савол туғилади: Қачон давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, юксалиш жараёнлари содир бўлади? Ушбу савол жавобини Президентимиз Ислом Каримовнинг "Юксак маънавият-енгилмас куч, асарларидан топиш мумкин; "Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга Яқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламини бамисоли парвоз қилаётган қўшнинг икки қанотига қиёсласак, ўйлайманки, уринли бўлади. Қачонки, ана шу икки муҳим омил ўзаро уйғунлашса, том маънодаги қўш қанотга айланса, шундагина инсон, давлат ва жамият ҳаётида ўсиш, ўзгариш, юксалиш жараёнлари содир бўлади".

Демак, ушбу уйғунликка эришмаган ва бундан олманган давлат ва жамият эса ўз мақсадига эришолмайди. Бамисоли, бир қаноти шикастланган қўш каби кўзлаган манзилига етолмайди. Яқин ўтмишда, яъни мустабид деб ном олган тузумда шундай ҳолат юз берганига барчамиз гувоҳимиз. Чунки бу тузум ҳукмронлик қилган даврда, маънавиятга иккинчи даражали муносабатда бўлинди. Ҳаттоки, дин афюндир, дейишгача борилди. Охир -оқибат , ўзини қудратли , мустаҳкам ва енгилмас деб бутун дунёга жар солган тузум ўз-ўзидан тарқаб кетди. Зотан, Соҳибқирон, лутф этганларидек: "Қайси мамлакатда диндан қайтишлик ва худосизлик кучайса, ўша юртнинг ахолиси, қолаверса халқи турли маслакка кириб, иттифоқлари бузилса, у мамлакатнинг халокати яқиндир". Мана сизга, инсоният тарихида кўп маротаба ўз исботини топган ҳақиқий башорат. .

БИЗНИНГ ЙЎЛИМИЗ - АДОЛАТ ВА ОЗОДЛИК ЙЎЛИ

Мустақиллик шарофати туфайли, унутилган қадриятларимиз, тарихимиз тикланди. Энг асосийси юртдошларимизнинг ҳаётга, ўз тақдирига, Ватанимиз тарихи ва келажаги, бой миллий қадриятларимизга бўлган муносабати ҳам тубдан ўзгарди. Маълумки, мустабид тузум даврида юртимизни қарам мамлакатга, халқимизни эса боқиманда халққа айлантиришга ҳаракат қилинди. Агар истиклол йилларида асосий эътибор халқимиз маънавиятини ва унинг онги- тафаккурида

миллий гурур туйғуларини юксалтиришга қаратилган бўлса, мустабид тузум даврида аксинча, асосий эътибор халқимизнинг миллий гурурини сундиришга, йўқотишга қаратилди. Қалбида гурури туйғуси йўқ инсонни ҳам, халқни ҳам енгиш ва бошқариш осон кечади. Айнан шу даврда, яъни қарамлик ва тобелик йилларида дунёга машҳур давлат арбоби, давлат бошқаруви соҳасида ўчмас из қолдирган, ватанимизнинг даҳо халоскори бўлган Амир Темур бобомиз шахсиятини эслаш, улуғлаш имкониятидан маҳрум бўлиб яшадик. Чунки, мустабид тузум давридаги миллий тарихимизга нисбатан бўлган муносабат бунга йўл қўймаган эди. Мазкур ҳолатни назарда тутиб, Президентимиз Ислоҳ Каримов: "Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора бўёқ билан ўчирилди, унутилишга маҳкум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аждодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади", деб таъкидлайдилар.

Қолаверса, инсоният тарихида яшаб ўтган энг машҳур ҳукмдорлар ва саркардалар қаторидан жой олган Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳақиқатни сўзлаш ва уни улуғлаш нафақат ўзбек халқининг, балки бошқа ўрта Осиё халқлари онг-тафаккурида миллий руҳ ва миллий гурурни уйғотиш, ҳамда мустаҳкамлаш мумкин эди. Бундай ҳолат эса, ҳукмрон мафкура ва истибод тузумининг сиёсати ҳам, мақсади ҳам зид эди. Бу ҳам бундан бир халқ қалбидаги миллий гурурни синдиришнинг бир кўриниши эди. Демак, юритилган бундай сиёсатнинг заминиди - халқимиз қалбидан миллий туйғу, миллий гурур ва ўзликни англаш ғояларини таг-томири билан йўқотиш мақсадлари яширилган эди. Ваҳоланки, ҳазрати Соҳибқирон ҳукмронлик қилган давр - аждодларимиз ҳаётида чинакам уйғониш даври, яъни миллий ўқитиш ва миллий таракқиёт палласи бўлган. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бирор бир соҳа улуғ бобокалонимиз назаридан четда қолмаган. Барча соҳаларда ислохотлар ўтказилиб, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилган. Жумладан, йигирма етти мамлакатни ўз тасарруфида тутган салтанатда ҳонун устуворлигига эришилган ҳолда, ҳуқуқий давлат асослари яратилган. Бунга қўйидаги сўзлардан ҳам билиб олиш мумкин: "Ўзбекистоннинг бугунги озодлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган. Давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади".

Агар фикримизни Амир Темур фаолиятига доир салбий фикрлар билан суғорилган асарларга қаратадиган бўлсак, бунинг замирида эса - тарихни бузиб кўрсатиш, халқимиз ва унинг тарихига нисбатан ҳасад, миллий гурурни синдириш каби ҳаракат ва ниятлар ётганлигини кўраемиз.

Афсусланадиган ва шу билан бирга гурурланадиган томони шундаки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, унинг маънавий меросини биздан кўра Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кўпроқ билишади. Дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатларида темуршунос олимлар фаолият кўрсатаётганлиги, Францияда "Темурийлар даври тарихи ва санъати тадқиқот Ассоциацияси" фаолият юритаётганлиги, Соҳибқироннинг жанг санъати ҳамон жаҳондаги кўпгина ҳарбий академияларда илм сифатида ўқитиб келинаётганлиги, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда қатор олимлар томонидан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган ва ёзилаётган кенг

кўламли асарлар фикримизни яққол далилидир. "Биргина Фарбий Европада беш-олти аср давомида буюк Амир Темур фаолиятига бағишлаб ёзилган поэтик, драматик, насрий асарлар тўпланса, бир кутубхонани ташкил қилади".- деб ёзган эди маърифатпарвар ўзбек олими Бегали Қосимов. Бу, бир томондан қалбимизга ғурур ва ифтихор бағишласа, иккинчи томондан, ҳозирда ҳам кўпгина Европа ва Шарқ мамлакатларида улуғ Соҳибқирон шахсига ҳурмат ва эҳтиром сўнмаганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу ҳолатга давлат раҳбаримиз Ислоҳ Каримов шундай муносабат билдирадидилар: "Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди. Бу ерда XV-асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга "Европанинг халоскори" деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган. Айни Амир Темур боқинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди. Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, Темурийлар даврида, фан ва санъатнинг гуллаб- яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз".

Яна бир афсусландирган томони шундаки, улуғ Соҳибқироннинг халос-корлик фаолиятидан баҳраманд бўлган Европада, ҳусусан, Францияда бобокалонимиз фаолиятига чуқур ҳурмат тариқасида, олтиндан хайкалча ясалган бир пайтда, бизнинг халқимиз буюк Соҳибқиронни эслашдан ҳам маҳрум қилинган эди. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мустабид тузум давридаги миллий тарихимизга нисбатан бўлган муносабат бунга йўл ҳўнмаган. Қолаверса, бу ҳам халқ қалбидаги миллий ғурурни сўндиришнинг бир кўбиниши эди. Оллоҳга шукрки, мустақиллик шарофати туфайли ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан чуқур эҳтиром тариқасида, улуғ бобомизнинг мухтаIAM хайқаллари мамлакатимизнинг Тошкент, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида қад ростлади. Бу эса ўз ўрнида - тарихий адолат ва миллий ғурурнинг тикланиши эди.

Шу ўринда эътиборингизни ана шу оламшумул тарихий воқеага қаратишни лозим топдик. Маълумки, 1996 йил 18 октябрда мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўлмиш Самарқанд ва Шаҳрисабзда улуғ Соҳибқирон шахсига ҳурмат ва эҳтиром тариқасида хайкал ўрнатилишига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтган эди. Ушбу тантаналар чоғида, юртбошимиз Ўзбекистон ахборот агентлиги муҳбирининг Амир Темур образи бадий талқинлари ҳақидаги саволига кўтаринки қайфият билан жавоб бериб, жумладан, шундай деганлар: "...Менинг назаримда, Соҳибқирон Темурнинг бу хайқаллари нафақат бадий, балки катта маънавий - тарбиявий аҳамиятга эга. Амир Темур бобомизнинг бемисл шижоат, азму қарор ва ўқтамлик фазилатлари намоён бўлган қиёфаси ёшларимизни, келажак авлодимизни буюк марраларга, эзгу, савобли ишларга руҳлантириш ва сафарбар этишига ишонаман. Бу гўзал ва улуғвор обидаларни зиёрат қилганда гўеки Соҳибқироннинг дил савдоси юракларимизда акс-садо бераётгандек туюлади: "Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи бўлганлар бугун завоЛ топдилар, аксинча, кимки, бизнинг шаъну шавкатимизни, Ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд этган бўлса, уларга Аллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлғусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз - адолат ва озодлик йўлидир, диёнат ва ҳақиқат - бизнинг дастуримиздир". Бу сўзлар, ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурриёдлар бўлишга даъват этади".

Бугунги саодатли кунларда тарихда ўтган аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти-

ни холисона ёритиш, аниқроғи халқимиз тарихига адолат нуқтаи назаридан баҳо бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур номи, шаъни шавкати ва мероси қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат, ҳаққоний ва холисона ёритилди ва ёритилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси мустақиллик шарофати туфайлидир. Чунки, мустақиллик халқимизга тарихий ҳақиқатни, тарихий адолатни, қолаверса улуг Соҳибқирон Амир Темурни қайтариб берди. Шу ўринда падари бузрукворим Аслон Султонов -шоир Оғашернинг Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллудининг 670 йиллигига бағишлаб ёзган қуйидаги шеърини келтиришни лозим топдим.

СОҲИБИ ДАВРОН


Ўзбек диёрининг зар тупроғида
Бобомиз Темурнинг ўчмас изи бор,
Қир, адир боғдаю гул япроғида
Соҳибу давроннинг нурли юзи бор

Шахару қишлоқда дую тамоша,
Тунни кунга улаб қурамыз базм,
Биз шонли авлодлар асрлар оша,
Жаҳонгир инсонга қиламиз таъзим.

Олти юз етмишдан ошибди бобом,
Таваллуд тўйида дунё кезару,
Қутлуг анжуманлар этади давом,
Истиклол куёшин руҳан сезар у!

Қадимий Туронда шонли тўйингиз
Машъал диёримда муборак бўлсин,
Юртимга хамнафас фикру ўйингиз,
Рухингиз халқимга мададкор бўлсин!

Фазалхон, Оғашер, қўлимда созим,
Фикрим кошонаси маржон сўзлардан,
Тўйга тўёнадир қўшиқ, дил розим,
Яратган асрасин ёмон кўзлардан.



Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ҳар тарафлама ўрганилаётгани, Соҳибқирон номи билан боғлиқ қутлуг саналар халқаро миқёсда нишонланаётгани, 1996 йилнинг "Амир Темур йили" деб эълон қилиниши, Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг фармонлари билан "Амир Темур ордени" таъсис этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ва бошқа яна кўплаб амалга оширилган ва оширилаётган ишлардан барчамизнинг қалбимиз руҳланди, албатта.

Маълумки, 1996 йилнинг 23-26 октябрь кунлари халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзuidaги халқаро конференция ташкил қилинган эди. Бу тарихий анжуманга Америка, Англия, Франция, Германия, Хитой, Миср, Покистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва яна

дунёнинг қатор мамлакатларидан олимлар, меҳмонлар ташриф буюришиб, бобомиз Амир Темурга ўз эҳтиромларини изҳор этдилар. Жумладан, ушбу анжуманда сўзга чиққан, германиялик профессор Клаус Пандер Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг шонли қирралари устида тўхталиб: "Ер юзида экологик танглик юзага келган, миллатлар ўртасида низолар кучайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил камайиб бораётган ҳозирги шароитда Амир Темур бўлганда эди, барча муаммолар ечим топарди" деб эътироф этгани ҳар биримизнинг қалбимизда гурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Албатта, ушбу сўзларни эшитиб, шу юртининг фарзанди, шундай буюк зотнинг авлоди эканлигиндан фахрланиб кетасанкиши.

Истиқлол йилларида Амир Темур тарихи ва фаолиятига бағишланган жуда кўп китоблар, мақолалар ёзилди. Айниқса, 2011 йилда "Темур тузуклари" китобининг она тилимизда янгитдан юксак сифатда чоп этилиши эса, ҳеч шубҳасиз маданий ҳаётимиздаги ўзига хос муҳим воқеа бўлди. Бундан ташқари, Амир Темур давлатчилиги, унинг моҳияти ва халқро нуфузи масаласи Президентимиз Ислом Каримовнинг асарлари, мақола ва нутқларида ҳам ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берилди. Жумладан, "Соҳибқирон камолга етган юрт", "Амир Темур - фахримиз ғуруримиз", "Эҳтиром", "Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна бўлаверсин", "Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир", "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Азалий буюклик маскани", "Адолат ва қудрат тимсоли", "Юксак маънавият - енгилмас куч" ва бошқа ўнлаб мақола, расмий ҳужжатларда Амир Темур давлатчилик сиёсатининг барча жабҳалари ҳолисона изоҳлаб берилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва яна такрор-такрор айтамузки муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг саъй-ҳаракатлари туфайли амалга оширилган, хайрли ва савоб ишлардан бир нишонадир, ҳолос.

Шу ўринда мамлакатимизнинг бугунги ҳаётига оид яна баъзи -бир мулоҳазаларни айтиб ўтишни ҳам лозим деб топдик. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тарихан қисқа муддатда қатта ютуқларни қўлга киритилди. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бу ютуқларни замирида, юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигидаги давлатимизнинг оқилона сиёсати ётибди. Албатта, ўтиш даврига хос қийинчиликлар ва муаммолар бизни давлатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Лекин, олиб борилаётган оқилона сиёсат туфайли бу муаммолар ва иқтисодий қийинчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, иқтисодий қийинчиликлар, ўтиш даврига хос бўлган - вақтинчалик ҳодисадир. Қолаверса, аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлган, дунёнинг манаман деган донгдор (яъни- тараққий этган, ривожланган) давлатлари ҳам бугунги тараққиёт даражаларига бирданига ва осонгина эришмаган. Мисол учун, бозор муносабатларига ўтиш Англияда 200 йил, бошқа кўпгина мамлакатларда 100-150 йил мобайнида шаклланган. Демокчимизки, улар ҳам иқтисодий қийинчиликлар босқичини босиб ўтганлар. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш, умуман олганда фаровон турмушга эришиш осон ва енгил кечадиган жараён эмас. Ушбу жараён каттаю- кичик, барчамиздан сабр тоқатли бўлишни ва маълум муддат хузур ҳаловатдан воз кечишни талаб этади. Бу масалага Президентимиз шундай фикр билдирадилар: "Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тош-тарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзот бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт хузур-ҳаловатидан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди".

Айниқса, элим деб, юртим деб халқ дарди ва қайғуси билан ёниб яшаётган,

юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон куйдираётган юртбошилар доимо ўз хузур-ҳаловатидан воз кечганлигини тарих ва бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб, исботлаб турибди. Ушбу масалага ўз даврида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ўз фикрларини қуйидагича баён қилган эдилар: "Салтанат чопонини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ва хузур-ҳаловатдан воз кечдим" (Темур тузуқлари).

Худди шу ҳолат мустақилликка эришиш арафасида ҳам, истиқлол йилларида ҳам юртбошимиз фаолиятларида ўз аксини топган. Бу ҳақда замондошларимиздан академик Ш.З.Уразаев шундай фикр ёзиб қолдирган: "Президент - ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисми-ни ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба, дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди".

Маълумки, ўша ўта мураккаб ва зиддиятли даврда собиқ иттифоқ республикалари қаторида мамлакатимиз ҳам инқироз ҳолатига келиб қолганди. Айниқса, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, аҳолини энг зарур ҳақиқ-овқат маҳсулот-ларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида кескин ва мураккаб вазият юзага келганди. Чунки, мустабид тузум даврида энг муҳим озик - овқат маҳсулотлари, яъни ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол моллари республикаимизга четдан олиб келинарди. "Ўша таҳликали даврда дейдилар Президентимиз, -- юртимизда бор йўғи 10-15 кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очлик остонасига келиб қолганини яна бир ёдга олайлик. Бу ўринда гап битта оила, битта жамоа ёки маҳалла ҳақида бораётгани йўқ, ўша кезларда 25 миллионлик халқ, бутун бошли бир мамлакатнинг тақдири ва келажаги қил устида турган эди".

Ана шундай оғир вазиятда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ўз вақтида кўрсатган матонати ва олиб борган оқилона сиёсати туфайли мамлакатимиз инқироз ҳолатдан муваффақият билан чиқиб кетишга эришди. Энг асосийси, катта бойлигимиз ва ютуғимиз бўлган тинчлик ва осойишталик сақлаб қолинди. Ваҳоланки, ўша даврда бизга қўшни бўлган республикаларда аҳолини тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи дахшатли воқеалар тез-тез содир этилаётган эди. Россияда чиқадиган "ВЕК" газетасида босилган бир мақолада, ўша давр тўғрисида шундай баён қилинган эди: "СССР парчаланиб кетгандан сўнг энг дахшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Ислом Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади".

Ҳақиқатдан ҳам, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги шарофатли кунларга етишишни ўзи бўлгани йўқ, албатта. Чунки, иқтисодий жиҳатдан қоқоқ, сиёсий муте бўлиб сўнгги юз йиллар давомида ўз тарихи, шонли ўтмиши, ғурури, маънавий устунларидан бегоналаштириб келинган аграр ўлка ва халқни энг замонавий илғор қарашлар, дунёвий демократик асосларда тамомила янгилаш, фавқулудда мураккаб ва оғир иш эди. Буни орқасида қанча машаққат ва қийинчиликлар бўлганлиги муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарларида батафсил очиб берилган. Президентимизнинг ушбу китоби 35 маъруза, нутқ, интервью ва фармонлардан ўз ичига олган бўлиб, ўтмишимизнинг энг мураккаб ва кескин даври бўлмиш истиқлол арафасида мамлакатимизда содир бўлган сиёсий жараёнлар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий мавзулардаги баҳс, тортишув, ҳамда озодликка эришиш йўлидаги курашлар тарихига бағишланган. Ўз иш фаолиятим даврида бу китобни қайта-қайта ўқиб, собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнги йилларидаги ана шу давр қанчалар оғриқли кечгани, рўй берган парокандаликнинг сабаб ва оқибатларини яққолроқ ҳис этган-

дек бўлдим. Шунинг учун ҳам "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари барча юртдошларимиз томонидан истиклол тарихини ҳаққоний ифодалаган асар сифатида эътироф этилди. Ушбу асарни ўқиб, уқиган зиёли инсон сифатида, бугунги кунда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни қадрига етмоқ ва бунга шукроналар айтмоқ, шу заминда яшаётган, шу мамлакатнинг тақдирига ва фарзандлари келажига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир, деб ўйлайман. Қачонким, шу Ватан бизники - унинг тараққиётига тўсқинлик қилаётган, тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётган ҳасадгуй ғаним кучларга ва миллий ғоямизга ёт иллатларга қарши курашда ўзимизни масъул сезиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, келажиги буюк давлат қурилишида озгина бўлсада, ўз хиссамизни қўшган бўламиз. Бунинг учун эса, албатта лоқайд ва бепарво бўлмаслигимиз, халқимиз, айниқса мамлакатимиз келажиги бўлган бўлган ёшларимиз маънавиятини янада юксалтиришимиз лозим бўлади. Чунки, айнан лоқайдлик, бепарволик ҳукм сурган ва маънавиятида бўшлиқ бўлган мамлакатларда ғаним кучлар ўз ёвуз ниятларини амалга ошираётганлигини, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган мудҳиш воқеалар исботлаб турибди. Шу боис Президентимиз халқимизни юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни ақл идрок билан баҳолаб, доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишлилигимизни таъкидлайдилар. Бунинг қуйидаги сўзлардан ҳам билиш мумкин: "Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни ҳушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин".

ҲАҚИҚИЙ ЭРЛАР - ЮРТ ТАЯНЧИ

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер юзида 252 та катта ва кичик мамлакатлар мавжуд. Бу мамлакатлар ичида эса, Ўзбекистон Оллоҳ таоло назари тушган заминда жойлашган десак муболаға бўлмайди. Чунки, биз яшаётган замин қадим замонлардан бери маданият ва зиё маскани бўлиб, халқимиз эса дунёни ларзага келтирган улуғ зотларни тарбиялаб, вояга етказган халқдир. Президентимиз айтадилар: "ОЛЛОҲ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради? Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамикки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назарига тушган ана шундай муқаддас дийёрдир".

Савол туғилади: Оллоҳ назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш ушбу муқаддас дийёрда, ўтмишда ҳам адолатга таянган ва қонун усутворлигига эришган қудратли давлат бўлганми? Албатта, бўлган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу турли миллат ва элатлардан таркиб топган, ўз таркибига йигирма етти мамлакатни бирлаштирган улуғ Соҳибқирон Амир Темур асос солган қудратли давлатдир. Нима учун? Ушбу саволга жавоб топиш учун, авваламбор қудратли ва мустаҳкам давлат барпо этиш учун қандай асослар бўлишлигига, эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Ушбу масалага бундан 2000 йил илгари римлик машҳур нотиж ва давлат арбоби Цицерон шундай фикр билдирган эди: "Давлатнинг таянчи кўхна удумлар (маънавий мерос) ва ҳақиқий эрлардир". Демак, Цицерон яшаган даврда ҳар тарафлама мустаҳкам ва қудратли давлатни барпо этиш учун, авваламбор юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ақл-идрокли давлат раҳба-

бошлиғи томон бир оз эгилиб, "Исён-корларни тутдик. Улуғ хоқон буйруғига кўра жазоладик. Энди аларнинг бошини Кеш дарвозасин икки томониға уч кун осиб куйғайсизлар. Токи эл-улус бундин «ибрат олсин» дея хўржунға ишора қилди. Соқчилар хўржун билан овора пайт, қизлар отларни довон сари бошлаб, йироқлашиб кетдилар. "Келған йўлимиздин Насаф сори боролмасмиз. Яхшиси, довондин ошиб, Шаҳри Кеш орқали йўл тортурмиз" - деди Нахшонабегим. Мўғуллар очик яйловли, кенгиш жойларни бошпана қилишганди. Тоғ йўллари уларға сирли, маҳобатли кўрингани боис назорат ҳам қилмас эдилар.

Тираноҳ барглари тўқа бошлаган, тоғдаги дов-дарахтлар хазон бўлган япроқларига мотам тутаётгандек чайқаларди. Чошгоҳда улар довоннинг қоқ белига етиб келдилар. Сим-сим ёмғир ёға бошлади. Нахшонабегим ястаниб ётган турвикор тоғларға, олис-яқиндан кўринаётган қишлоқларға қараб чуқур хўрсинди. Ай, она диёр, ай, баланд тоғлар! Умидим кесилган-ки, сани мўғул зўлимидин холис кўрмоққа. Томчилаётган ёмғирдин-да алар бехисоб эрурлар. Биз эса мардларидин жудо мотамсаро заифалармиз. Ёғий бир аждаҳоки, бир бошини кессанг, яна бири ўсиб чиқур. Аммо умримизнинг сўнгги лаҳзасиғача курашмоқдин қайтмасмиз. Қаерға бизнинг қонимиз тўкилса, ўша ердин мўғулнинг додини берадурғон ўғлонлар туғилур, онлар туғилур. Эй, она тулроқ, кун келур санинг саодатли онларингни Мунир-ла бирга кўкдин туриб кузатурмен.

Ўзларини порлоқ истиқбол эмас, ўлим кутаётганини қизларнинг ҳар бири хис этарди. Энди улар отларни қичамасдан раъйига кўйиб қўйишди. Чарчоқ ва хавотир уларни хоритган эди. Сукунатдан зада бўлган Биби Рухсор ички тартибни бузиб, шеър ўқиди.

-Томчи сув дарёда йўқ бўлиб кетди,
Ерга чанг қўнди-ю, кўмилиб кетди.
Дунёға келишинг, кетишинг нима?
Бир чивин туғилди ё ўлиб кетди.

-Ҳайёмнинг беназир мисралари, Буни ҳозиргина бошланиб, яна тўхтаган ёмғурға атадингизми, ёинки ширин жонимизға хатар етмоқлиғи яқинлашқони учунми? - деди Нахшонабегим хаёллар тизгинини узиб.

Рўёб Нахшонабегимдаги маҳзунликни илғаб, Биби Рухсорни жазоламасдан аксинча, "яна ўқинг", - дея рухсат бергандек қамчисини қимирлатди.

-Мени айладилар дунёда мавжуд, Ҳаётда топганим - хайрат, тараддуд, Бу йўлни ўтдим-у тушунолмадим, Келмаг-у кетмакдан не экан мақсуд?

-Бизнинг келмагимиздан ҳам, кетмакни ихтиёр этганимиздан ҳам мақсудимиз бор. Юракимизнинг ҳар зарби тулроғим дейди, ҳар зарби "ал-қасос ул миналҳақ" дейди. Ўлсак шаҳидлар сафиға борурмиз, - деди Рўёб атрафға мағрур боқаркан.

Шу он Рўёбнинг кўзи довондан пастга эниш жойида ҳамонларини таранг тортиб, лайкон йўллашға ҳозир турган жангчиларға тушди. Бу жангчилар мўғул навқарлари эмаслиғи аён эди. Хазонез, сўлгин табиат бағрида хомуш тортиб қолган Нахшонабегим ҳам рўпарадан чиққан турли ёшдаги, турли кийимдаги жангчиларға қараб тараддудланиб қолди. Улар гоҳ суғд тилида, гоҳ форс тилида таслим бўлиб, қуролларни топширишларини талаб қила бошлашди. Гап орасида мўғулларни лаънатлаб сўкинишарди. Нахшонабегим отини бир қадам олдинга йўрттирди.

-Биз мўғул эрмасмиз. Қаҳр-у ғазабингизни ўз қавмингизға эрмас, балки ёғийға кўрсатингиз, - деди суғдийда баланд овозда Нахшона шубҳаға ўрин қолдирмаслик учун.

-Мўғуллар кийиминда суғд тилинда сўзлашурсиз. Буни нима атамоқ лозим? - дея уларнинг сардори яқинлашди.

-Биз насафлик қора ниқоблилар тўдасидирмиз.

-Ё алҳазар, алар ўзларини ўлимға маҳкум этқанлари ҳақида бизға хабар этқан.

-Биз ўлмаганмиз, аксинча мўғул либосинда қиёфамизни ўзгартирганмиз, холос.

-Товушингиз нега ожизаларға ўхшар?

Нахшонабегим оловланди. Дарҳол сахдиён этигига қўл чўзиб, қиличини олиб, уни филофидан чиқарди ва отдан сакраб тушиб, сардорни яккама-якка жангга чақирди. Эрмакталаб навкарлар қарсақ чалиб сардорларни ўраб олишди.

Икки ўртада қиличбозлик бошланди. Иккаласи ҳам шамшир ишлатишни обдан билишларини намойиш этишарди. Улар бир-биридан қолишмасди. Икки-томон ўз сардорларига ғалаба тилаб безовталанишарди. Мўғулнинг оғир кийимида терлаб кетган Нахшона бош кийимини беихтиёр бўш қўли билан юқори-роқ кўтарди. Сардорнинг кўзи рақибининг оппоқ юзига, узун-узун киприкларига, қоп-қора кўзларига тушди. Сардор тахмини тўғри чиққанлиги учун бушашиб кетди. Беихтиёр Нахшонабегимнинг навбатдаги ҳужумида шамширини атай қўлдан тушириб юборди. Нахшонабегим сардорнинг кўксига шамширни тўғирлаб деди: -Эй сардор оға, нега тоғлар орасинда бекиниб, мўғулнинг йўлини пойлаб ўтирибсен. Аларни излаб бор. Фафлатда қолдир. Мўғул тухми қанча камайса, шунча создур. Ушбу шамширим фақат мўғулнинг қонини ичур, дея онт ичганмен. Ҳа, Момо Ҳаво қавмиданмен. "Қора ниқоблилар" аслида ўн саккизга тўлиб-тўлмаган ўн тўрт нафар қизлардин иборатдир. Локигин бизнинг заифалар эканлиғимизни фақат сен билдинг ва бу сир кўнглинг буржидаги сир бўлиб қолсун. Биз йўлга тушурмиз. Ҳалал ва залал бермоқдин ўзингни тийғил. Биз исёнкорларға қўшилмоқ ниятинда эрдик. Аммо бир жойда депсиниб турмоқ биз учун одат эрмас.

Нахшона шу сўзларни айтиб, қиличи-

ни қинига солди ва қизларға йўлга тушишларини имо қилди. Сардор чап қўлини сермаб, навкарларига йўл бўшатишни буюрди. Улар ўртасидаги суҳбатдан беҳабар тўда, сардорларига сўзсиз бўйсунди. Сардор йигит эса ўсиб кетган сокол-мўйловларини силаганча қизларнинг қораси кўринмай кетгунча қараб қолди. Сўнг сардор қиялиқдаги тўқай ичига ёлғиз кириб кетди. Бўғзини куйдирган кўз ёшларға эрк берди. Бир уйнинг бекаси бўлишга яратилган гулдек нафис қизларнинг шамшир кўтариб, туну кун бедор мўғулларға қарши курашаётганларига қуюнди.

-Нахшонабегим, агар мўғулларға қарши курашаётган мардлар йўлиқса, аларнинг сафий қўшилурмиз, деган эрдими? Фирдавсмонанд шахристонға келмоқдин мақсудимиз ҳам шул эрди. Алар аёқ остидин чикдилар, аммо биз бош қўшмадик. Боиси не? -деди отини қияб Нахшонаға яқинлашган Шамшод қароқчининг қизи Тахминабону. Унинг отаси ипак йўлидан қайтаётган савдо аҳлини талаш билан шуғулланган. Ўғли булмаганлиги учун Тахмина 7-8 ёшидан буён уйи бола кийимида отасининг ёнида юрган. Шу боис савод чиқармаган. Шижоят ва чақув туфайли Шамшод қароқчи Қайирхоннинг одамлари томонидан ўлдирилгач, илм ўрганиш мақсадида Бахтишод тоғасиникига борган. Илмға ҳаваси йўқ Тахмина ҳарф ўрганиш машаққатига чидам бермай, аксинча тоғасининг қизи Чашминани ҳам ҳарб-у зарбға қизиқтириб қўйди. Бир гал Тахмина сарбозларни ўлдирмоқдан кўра, таламоққа мойиллиги кучли бўлганлигидан Нахшонабегимдан дакки еган.

Моғорадаги дастлабки кунларда у сафдошларидан ортда қолиб, ҳалок бўлган сарбозларнинг ҳамёнларини излашини Нахшона сезиб қолганди. Жангда талаш, нафс-у ҳирсга берилиш ман этилгандан сўнг у моғорада "ўйин" кўрсатганди.

Супур-сидир билан шуғулланиб,

форда қоладиган Кутли Нигорга шамшир ўқталиб, фор тўрига олиб бориб, тақинчоқларини тортиб олаётганда яна кўлга тушди.

-Кечиринг, бегим! Кўлим курғур ўрганиб қолган. Ҳар замон хумор қилади. Агар могорада бир нима йўқолса, мен олган бўламан. Шавқим босилгандан сўнг қайтариб бераман.

-Юраклар андуҳга тўла, ҳазилингиз ортиқчадур, Тахмина, -деди Нахшона жahl ила. Бу кун ҳам қизларнинг ҳеч бири айтолмаган таъна аралаш саволни шаддод Тахминагина сўрай олиши мумкин эди.

-Биз аларга қўшилсак, бошимиз муаммолардин халос бўлмас, Тахминабону! Сардорнинг ҳолина бекмадингизму Момо Ҳаво қавмидан эканлигини сезиб, кўлидаги қуроли-да тушиб кетди. Уруш майдонинда ишқ-у муҳаббат савдоси бошланиб, беғуноҳ фарзандлар туғилмоғин олдини олмоқ ҳерак. Шул сабабким, турли ғавғоларга йўл қўймаслик фикрина тўхтадим.

-Суворийлардин бири бизни амазонкаларга ўхшайдилар, деди. Бу сўзнинг маъноси не? -деди Тахмина яна.

-Билмадим. Ҳеч эшитмаганмен. Балки Чашмина билур, - деди Нахшонабегим ҳорғин ва ўйчан оҳангда.

-Не гурунг, қизларжон? Қандоқ сўз эркан англамаганингиз, -деди Чашмина яқинлашиб.

-Амазонкалар, дейишди бизни, -деди Тахмина.

-О, амазонкалар. Юнон афсоналаринда машҳур бўлган мавзу. "Қуролланган жангчи аёллар" маъносини берур.

-Алар бизнинг ожизалар эрканлигимизни англашибдилар. Насафда не гап экан? Кутли Нигор бизга фириб бермасмикин, бегим? -деди Рўёб хавотир билан.

-Минг уринманғиз Оллоҳнинг айтганлари бўлур, - деб жавоб берди Нахшона.

-Кутли Нигорни ўлдирмоқ лозим эди.

У сўзида собитлардин эрмас, - деди Ҳабиба.

-Ёзуғимизда не бор, кўраверамиз. Энди эса қашқа отларни қорабайирларга алмаштириб, бўшаганларини шунда қолдирайлик. Тоғ-у тошлар орасинда ризқини топиб, эркин юрадилар. Сўнгра гап-сўзга интиҳо ясайлик-да, отларни қичайлик.

Қизлар отларни алмаштириб, эгаржабдуқларни кўздан кечирди. Тўқайнинг куйи қисмига кириб, Ботир уста ва кампири тайёрлаб берган гўшт, буғдой ва макка унидан қилинган кулчаларни олиб, тановул қилишди.

-Қизлар, -деди Нахшона олисларга тикилиб. Тоғлар улуғвор ва шунинг баробаринда бағри кенгдир. Бу сердароҳ маконларда даяқ мағзин тановул этиб-да кун кўрмоқ, гиёҳларин чайнаб озукланмоқ мумкин. Агар энди-да сизларни эркингизга қўймасам, ўзимни ўйлаган худбин бўлурмен. Камина жигарпораларимни ҳовлимизга кўмган онда алар бирла бирга улганмен. Аммо сизлар бир-бирингиздан кўхлик, доно, эпчил, яшашга ҳақли мастураларсиз. Бир имконият шу сарзаминда, шу тоғларда бежавотир, беқайғу яшаб қолишингиз мумкин. Кимки дунёга келиб, униб-ўсмоқ, зурриёд қолдирмоқ истаса, шунда қолсин. Сардорнинг йигитлари бизни кўздан қочирмай, эргашиб келмоқдалар. Алар ҳимоясинда жон сақларсиз. Балким бирининг завжаи-ҳалоло бўлурсиз. Менинг ёнимда бўлсангиз, сизни муқаррар ўлим кутмоқда. Бошини дорға тикканларгина менга эргашсинлар.

Нахшона отга минди. Бир неча сония кўкка термулиб қолди, сўнг ортига ўғирилди. Қизларнинг бари от устида. Имога маҳтал турарди.

-Биз ҳам бир томчи қонимиз қолгунча курашурмиз, - деди Чашмина қизлар номидан. Сувланиб, озикланиб олган отлар сўқмоқ йўлга чиқиб, елдек учиб кетаётган Нахшонанинг отига эргашди. Сардорнинг йигитлари бир лаҳзада ортидан

чанг-у тўзон қолдириб, узоқлашган қизларнинг шиддатига ҳайрон-у лол қараб қолишди. Ортларига қайтиб, чуқур ўйга ботган сардорлари ёнига боришди.

-Сардор оға!!!

-Не истайсиз? Тинч кўйингиз.

-Биз сувораларнинг ортидан бордик.

Алар тўхтаб тановул қилишди ва аларнинг сардораси шундай деди...

-Хўш, ул мохирўй нима деди?

-Эй, сиз Мажнун бўлибсиз, шекилли?

- деди йигитлардан бири.

Улар бири кўйиб, бири Нахшонабегимнинг сафдош қизларга айтган сўзларини ва қизларнинг ҳеч иккиланмай, қатъият билан унга эргашганларини сўйлади.

Сардор титраганча бир ҳовуч нам тупроқни кафтига олди. Унинг қиёфасида қатъият, ишонч акс этиб турарди.

-Йигитлар, шу навнихол қизлар бошини қиличга тутиб, ўлимга адл боқиб юртини, элини ҳимоя қилаётирлар. Биз-чи? Тоғ йўлидан мўғуллар ўтса ўлдирурмиз, -дея кутиб, писиб ётибмиз. Алар-чи? Насафдин Самарқандгача бориб, шу овлоқ йўлларда хавф-хатарга ўзларини уриб йўл босишяпти. Алар ор-номус қурашиб жадд айлаганлар. Биз-чи?

Сардор жаҳл билан дарахт танасига мушт туширди.

-Биз, "олма пиш, оғзима туш" қабилида номардларча ўлжа кутиб ётибмиз. Отланинглар. Қора ниқоб тақиб олайлик. Шу бояқиш сингилларимиздин хавф-хатар йироқлашиб, биздин гумон қилишсин. Тунда ўн тўрт нафардин бўлиниб, мўғул навкарларига ҳужум уюштираймиз. Токи руҳимизни жон қуши тарк айлагунча мўғул бирла савашамиз.

Қизлар бу исёнкор тўданинг-да юрагида ёвга қарши нафрат ва ғазабни баттар алангалатиб кетди. Кешдан чиққунча Нахшонабегим тезликни сусайтирмади. Ёллари силкиниб келаётган отларни кўрган мардум ҳозир қанот чиқаради-ю, учиб кетадиган важохати бор, деб ўйлаши мумкин эди. Ёғийнинг бадбўй ва

қўпол кийими қизларни токи Кожартепага етгунча ҳимоя қилди. Насафга кираверишда турган соқчилар диққатини тортмаслик учун айланма йўлдан юриб, тўртинчи кун тонгга яқин улар турли сўқмоқ йўллардан, Сандиқли чўл орқали билиб-билмай айланиб, гоҳо аста, гоҳо отларни ниқтаб моғорага етиб келишди. Бегона отлар бу жойга илк бор келишаётгани туфайли олд оёқларини кўтариб, бўйсунушни истамасди. Нахшона отдан тушиб унинг ёлларини силаб, жиловидан тортиб, ичкарига бошлади. Бирин-кетин кириб келаётган қизларнинг сафи тўлиқлигидан Нахшонабегим қувонди ва тангрига шукурлар айтди. Чунки у Мунирнинг ота-онасини оқиб кўриб, хабар етказиш илинжида Самарқандга йўл бошлаганди. Қизларнинг ҳаётини ўз мақсади йўлида таҳликага қўйганлигидан Нахшона қаттиқ безовта эди. Хайрият, кадрдон бошпанасига етиб келишди. Отларни сўғоришиб, емишларини беришди. Ювиниб, тараниб, мўғул кийимидан кутулган қизлар тунги қўйлақларини кийиб, яна навраста ойимларга айландилар. Бир-бирларининг сочларини уриб-булгунча, энгилгина нонушталарини тайёр бўлди. Улар ўз "кошона"ларида бежавотир, беҳадик уйқуга кетишди...

Орадан икки кун ўтиб Темучин ҳузурига соҳибхабар шошиб келди:

-Улуғ хон, Самарқанд томондин чопар келмиш.

-Не хабар?

-Ўзингиз тинглаб, беназир ақл-у заковатингиз ила мушоҳада этмасангиз, менинг ақлим ожиз.

-Кирсун.

Чопар хонга таъзим қилиб, тиз чўккан ҳолда сўз бошлади:

-Улуғ хон. Бундин бир неча кун аввал сизнинг махсус соқчиларингиз либосинда бир гуруҳ навкарлар Кеш дарвозасиндин куюндек кириб келди. Алар икки исёнкорни Сизнинг амрингизга мувофиқ тутмоқ учун келганларини уйғур тилида айтиб ўтиб кетдилар.

Хон қизғиш соқолини икки-уч силаб кўзларини чақчайтирди.

-Сўнг алар хонадонларнинг бирига кириб, - сўзида давом этди чопар, - нотавагон чол-у кампирни боғлаб, кўрқутиб, бисотидаги ёлғиз кўйини сўйиб пишириб, сафар учун емак тайёрлаганлар. Шубҳаланган соқчиларни ўлдуриб, икки хуржунга солишган. Дарбозага етиб келгач, хуржундан икки кесилган бошни сизнинг амрингизга биноан Кеш дарвозасин икки тарафина уч кун осиб кўйишни, эл-улус бундин ибрат олмоғи жойлигини айтиб, доvon тарафдин Кеш сори кетканлар.

Савол-жавоб қилмоқ истаган соқчиларни навкарлардин бири кўлидаги таёқ бир-ла чунонам қаҳр бирла саваганки, ундин кегин бошқа соқчилар сўз очмоққа журъат қилмаганлар.

Хон ўйга толди. Ҳеч қандай топшириқ берилмаган-ку. Ким экан улар? Ёки ўз одамларимиз бирортасини қочириб излаб борганмикин? У чопарнинг юзига савол назари билан тикилиб қолди.

-Бизни шубҳалантирган ҳолат шулки, кесилган бош эгалари маҳаллий халқдин эмас, бильакс ўзимизнинг сарбозлар эркан. Уларни ўша маҳаллот соқчилари таниб қолишган.

"Икки сарбоз йўқолиб қолган эрди. Биз алар билан кетма-кет навбатлашиб маҳаллани назорат қилур эрдик. Ахир булар исёнкорлар эрмас, балки мўғул соқчиларидир", - дея алар соқчилар бошлигина арз қилганлар. Шундан кейин шубҳа-гумон кучайиб, мени сиз сори юбордилар.

-Икки-уч кун олдин Хузор йўлиндаги қароргоҳимизда навкарлар изсиз йўқолиб, катта ёнғин чиққанди. Энг сара отлар кўйиб юборилган. Алар эрмасмикин? Йўқ, алар ишонган сарбозларим эрдилар. Демак, бу ерда катта хийла ва макр бор. Наҳотки бу иш ўша қора ниқоблиларга бориб тақалса?

Темучин ўрнидан туриб кетди. Жаҳлдан сарғимтир кўзлари чақчайиб қонга

тўлди.

-Самарқанддаги дарвоза соқчиларига айтингиз, бирор киши сўзсиз-сўроқсиз шаҳарга кўйилмасун. Демак, қора ниқоблилар мўғул кийиминда ўша кеча ёширинган эрканлар. Биз эрсақ алар ўз жонларига қасд қилган, дея аҳмоқ бўлиб ўтирубмиз.

Хон жазавага тушди. Ўзини лақиллатган, қора ниқоблиларни чўкиб кетганини айтган барча сардорларни қатл эттирди. Насаф теграсидаги қишлоқлар яна олов ичида қолди. Қирғин-барот урушлардан омон қолган, яқинларидан жудо бўлган, хўрлик ва қабоҳатдан, очликдан тинкаси қуриган маҳаллий халқ оч бўлса-да, тинч яшашни ўйлаб қолганди. Улар орасидан мехр-оқибат кун сайин кўтарилиб, бир-бирини тутиб берилганга, мўғуллар эйтиборини қозониб, ширин жонини сақлашга уринадиганлар сони тобора кўпайиб борарди. Эл таланган мамлакат фораг қилинган, хонини ёки дуст-мардумни илғаб олиш кийин эди. Очликдан ўзини, боласини улимга тутиб берганлар ҳам, ёғий пинжига суқилишга уринганлар ҳам бор. Темучин ғазабга миндимни, кўз очиб кўрмаган хунрезликлар бўлиши мумкинлигини насафликлар ва атрофдаги қишлоқлар аҳли яхши билишади. Шу боис кўпчилик писиб, яшириниб, баъзилари Кеш, Самарқанд, Хуросон сари қочиб кетмоққа уринишарди.

Айёр Темучин мусулмон сарбозлари орасидан азон айтишга салоҳиятли йиғитни топиб эрта саҳарда Каттепадаги бузилмай қолган масжид мезанасига чиқариб, азон айттирди. Мўғул хони ғазабидан тушибди, деб ўйлаган мусулмонлар яширинган жойларидан чиқиб, масжид олдига келдилар. Мўғул сарбозлари катта-ю кичик, ёш-у қарини ўраб олиб, қиличдан ўтказдилар.

"Қора ниқоблилар келиб таслим бўлмаса, бирорта мусулмонни тирик қолдирмай бошини олурмиз" деган хайқириқ бутун шаҳарни, шаҳар атрофини даҳшатга солди.

АМИР ТЕМУРГА МУНОСИЪ ВОРИСЛАР

ГУЛЛАЁТГАН БОҒ ҲАВОСИ

Баҳор ойида гуллаётган боққа кирсангиз, хушбўй ҳидларга тўла муаттар ҳавоси юрагингизга болдай хузур беради. Юртимиз ана шундай гуллаётган боғ. Бугун унга, кўз тегмасин, дея ҳавас билан боқаётганлар кўп. Президентимиз Ислам Каримов маърузаларининг бирида: "Юртдошларимизда ўз ери, ўз мулки учун эгалик ҳиссиёти, ён - атрофида бўлаётган ўзгаришларга дахлдорлик ва масъулият туйғуси тобора кучайиб бормокда", деган эди. Қашқадарёлик зиёли инсон, ёшлар мураббийси Комилжон Султонов юртимизга астойдил хизмат қилишга интилади, ўз зиммасидаги масъулиятни сезган кишилардан бири. У бой ўтмишимизни, айниқса теурийлар тарихини яхши билади ва ҳар бир ўтмиш воқеасидан тўғри хулоса чиқаришга интилиб яшайди, шунингдек тарихан қисқа давр ичида мамлакатимизнинг эришган ютуқларини худди моҳир расомдек ёрқин бўёқларда акс эттириб, ўз ўқувчиларига етказишга шошилади.



Мазкур рисолада муаллиф кечага ва бугунги воқеаларни ҳолисона баҳолар ва юртимизнинг қисқа даврда қўлга киритган ютуқлари моҳиятини очишга ҳаракат қилар экан, айниқса ёшларни ватан тарихини билишга, гурурларини баланд тутишга, уларнинг ҳеч кимдан кам эмасликларини аниқ далиллар орқали исботлашга интилади. Шу билан бирга юртимиздаги бағрикенглик, ўзаро аҳилликнинг моҳиятини шарҳлаб, бу ҳам ютуқларимиз гарови бўлаётганлигини алоҳида таъкидлайди. Чунончи, Амир Темур шахси ҳақида мулоҳаза юритар экан, халқимизнинг тарихан бунёдкор бўлганлигини ва аънананинг юртимизда сайқал топаётганлигини нақш этадики, бу ёшларимиз онгида тарихий хотирани тиклашга, уларни бунёдкор ишларга чорлашга замин яратади. Комилжон Султоновга ўхшаган зиёлиларга мустақиллик ўз фикрларини мана шундай эркин баён этиш имконини бердики, бугун улар юртимизни янада равнақ топтириш ишларида ўзларининг ҳиссаларини қўшишга интилиб яшайптилар. Қаранг, гуллаётган боғимизда яна битта оппоқ ноҳол хушбўй атири билан кўнгилни хушламоқда, муаллиф айтганидек, ундан баҳра олиб яшаш ва ишлашнинг, юрт ишига ҳисса қўшишнинг ўзи ҳам катта бахт.

ТўЛҚИН ХАЙИТ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Маълумки, ҳар бир халқ, ҳар бир инсон ўз авлод-аждоди тарихини билишга, ўзлигини англаб етишга интилади. Чунки ўз юрти, аждодлари тарихини билмаган ва миллий қадриятларини унутган халқда миллий гурур бўлмаганидек, насл-насабини, авлод-аждоди кимлигини билмаган инсонда ҳам гурур бўлмайди. Гурур туйғусини шакллантириш учун, албатта тарихий хотирани тиклаш лозим бўлади. Халқимизда, айниқса юртимизни келажagini ҳал қилувчи кучи бўлган ёшларда тарихий хотирани тиклашнинг самарали усулларидан бири эса, буюк аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти билан таништиришдир. Мазкур китобда Амир Темур амалга оширган буюк ишлар билан бир қаторда навқирон юртимизда эришилган ютуқлар таҳлил қилинган. Энг муҳими, аждодларга бўлган ҳурмат ва бугун ўзингиз амалга оширган буюк ишлар ҳақида ўқиш, албатта, ҳар жиҳатдан мароқлидир. Уйлаймизки, бу китоб шонли Ватанимизнинг тарихий қунларини ёратадиган муҳим китоблардан бири бўлиб қолади.

Муқаддима

Буюк шахсларни тарих яратади. Бунга қўшимча қилиб, Соҳибқирон бобомизнинг суронли ҳаётини ҳаёл кўзгусидан ўтказиб, буюк шахсларни миллат қайғуси, халқ дарди яратади дейиш мумкин.

Ислом КАРИМОВ.

Мамлакатимизнинг мустақиллиги бизларга хайрли ва савоб ишларни амалга ошириш учун қулай имкониятларни яратиб берди. Жумладан, тарихимиз саҳифаларидан қора буюк билан ўчирилган, унутилишга маҳкум этилган улуг Соҳибқирон бобомиз Амир Темур ҳақида бор ҳақиқатни билишга, у зот ҳақида айтилган ва айтилаётган юксак баҳолардан баҳраманд бўлиш бахтига муяссар бўлдик. Бу бахтни эса халқимизга муяссар этган, албатта, муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримовдир. Чунки, айнан юртбошимизнинг ташаббуслари ва сарф-ҳаракатлари билан буюк Соҳибқироннинг ҳурмати ўз ўрнига қўйилди. Бунга кўйидаги сўзлардан ҳам билиб олиш мумкин: "Бизнинг тарихимизда Амир Темурдай улуг сиймо бор экан, унинг қолдирган мероси, панду ўғитлари бугунги ҳаётимизга ҳамоҳанг экан, олдимизда турган муаммоларни ечишда бизга қўл келаятган экан, бизнинг бу меросни ўрганмасдан, таърифламасдан, тарғибот қилмасдан ҳаққимиз йўқ".

Ушбу китобда буюк Соҳибқирон Амир Темурнинг Ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларини мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримовнинг эл-юрт манфаати йўлида амалга ошираётган улкан хизматлари билан боғлаган ҳолда имкон қадар ёритишга ҳаракат қилдик. Албатта, биргина китоб орқали шундай буюк шахслар фаолиятини тўлиқ очиб беришнинг имкони йўқ, чунки бу зотнинг фаолияти кўп жилдлик китоблар ёзишга арзийди. Қолаверса, бу бизнинг кўп минг йиллик бой тарихга эга бўлган давлатимиз ва халқимиз олдидаги қарзимиздир, деб ўйлаймиз.

Бугунги китобхонни буюк шахслар фаолиятига оид нафақат "Ким? Қачон? Қерда?" деган саволларга жавоб берадиган асарлар, балки (файласуфларга ҳос бўлган) "Нимага? Нима учун? Қандай қилиб?" деган саволларга жавоб берадиган таҳлилий асарлар кўпроқ қизиқтиради. Иш фаолиятимиз давомида бунга кўп мартаба амин бўлганмиз. Мисол учун: "Нима учун? Нимага "Европанинг халоскори" деб тан олинган ва ўз халқини тараққиётнинг юқори босқичига олиб чиққан, замо-

насининг ўта маданиятли вакили бўлган ҳазрат Соҳибқирон Амир Темур собиқ шўролар давлатида ўз халқига ёмон отлиқ қилиб кўрсатилди? Ёки қандай қилиб иқтисодий жихатдан қоқоқ, сиёсий муте бўлган, сўнгги юз йиллар давомида ўз тарихи, шонли ўтмиши, гурури, маънавий устунларидан бегоналаштириб келинган аграр ўлка ва халқ жуда қисқа фурсатларда барқарор ривожланиб, халқаро ҳамжамиятда мустақкам ўрин эгаллашга эришди? Нима учун дунё ҳамжамияти мустақил ва навқирон Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга катта қизиқиш билан қарамоқда?" ва ҳақозо.

Ушбу китоб орқали юқорида келтирилган саволларга имкон қадар жавоб беришга ҳаракат қилдик. Агар китобнинг халқимиз маънавиятини юксалтиришда озгина бўлса-да нафи тегса, ўз олдимизга қўйган мақсадимизга эришдик, деб ҳисоблаймиз. Мақсадимиз эса, албатта халқимиз, айниқса баркамол авлод вакиллари бўлган ёшларимиз онги- тафаккурида тарихий хотириани тиклаш ва улар қалбида миллий гурур туйғусини юксалтиришдир. Зеро, ўтмишини билмаган ва унутган халқнинг гурури ҳам, келажаги ҳам бўлмаслигини кўпгина до-нишмандлар такрорлаб ўтганлар. Юртбошимиз таъкидлаганларидек: "Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ. Бу ҳақиқат ки-шилиқ тарихида кўп бора ўз-исботини топган". Айниқса, ўзини сиёсатчиман, ар-бобман деган одам, агар виждони бўлса, ўз халқининг тарихий ўтмишини билиши шарт.

ИСБОТИНИ ТОПГАН БАШОРАТ

Тарих - бу мунаввар кўзгу халқ маънавиятининг асосидир. Ўз тарихига назар ташлаган инсон ҳам, миллат ҳам ўзлигини англайди. Агар халқимиз тарихига назар ташласак, ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон деб аталимиш юрт ўзининг бой мод-дий ва маънавий мероси билан умумбашарият ҳазинасига улкан ҳисса қўшганига ва жонажон ватанимиз жаҳон цивилизация бешиқларидан бири бўлганлигига амин бўламиз. Шу боис муҳтарам юртбошимиз: "Бунчалик катта меросга эга бўлган халқ дунёда кам топилади. Шунинг учун ҳам бу борада жаҳоннинг санокли мамла-катларигина биз билан беллаша олиши мумкин, деб дадил айта оламан" деб фахр билан таъкидлайдилар .

Ҳақиқатдан ҳам, ўтган давр мобайнида башарият тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшган мамлакатлар у қадар кўп эмас. Хитой, Ҳиндистон, Эрон, Византия, Саудия Арабистони, Миср, Греция, Италия, Англия, Франция, Германия, Россия ва, албатта, Ўзбекистон ана шундай мамлакатлар сирасига киради. Бу эса ўз ўрнида халқимиз қалбида чуқур ифтихор ва миллий гурур туйғуларини уйғотиб, шундай буюк аждодларнинг авлоди эканлигимизга шукроналар айтишга чорлай-ди.

XX асрнинг охирларида ўз асарлари билан дунёда машҳур бўлган, Ўзбекис-тон ва ўзбек халқига, унинг тарихига доимо ҳурмат ва ҳавас билан қараган кир-ғиз адиби Чингиз Айтматов шундай фикр билдирган эди: "Қадим Греция Овру-пада цивилизация ўчоғи сифатида қандай ўрин тутган бўлса, Ўзбекистон ва ўзбек халқи Осиёда, бутун туркий ўлкалар ва барча туркий халқлар тарихида шундай ўрин эгаллаган". Қолаверса, АҚШнинг Чикаго шаҳрида 200 минг нусхада чоп этил-ган, 180 минг атама ва сўзга изох берилган The World Encyclopedia Dictionary Book (Жаҳон қомусий луғат китоби) номли китобда аждодларимизга: "Ўзбек - жаҳон халқлари орасида биринчилардан бўлиб, туркий халқлар ўртасида биринчи бўлиб ўтrockлашган, маданий турмуш кечирувчи, жаҳон цивилизациясига ҳисса қўшган миллат" ... дея таъриф берилгани бежиз бўлмаса керак, албатта. Халқимиз шав-

миллий гурур туйғуларини юксалтиришга қаратилган бўлса, мустабид тузум даврида аксинча, асосий эътибор халқимизнинг миллий гурурини сўндиришга, йўқотишга қаратилди. Қалбида гурури туйғуси йўқ инсонни ҳам, халқни ҳам енгиш ва бошқариш осон кечади. Айнан шу даврда, яъни қарамлик ва тобелик йилларида дунёга машҳур давлат арбоби, давлат бошқаруви соҳасида ўчмас из қолдирган, ватанимизнинг даҳо халоскори бўлган Амир Темур бобомиз шахсиятини эслаш, улуғлаш имкониятидан маҳрум бўлиб яшадик. Чунки, мустабид тузум давридаги миллий тарихимизга нисбатан бўлган муносабат бунга йўл кўймаган эди. Мазкур ҳолатни назарда тутиб, Президентимиз Ислон Каримов: "Амир Темур номи тарихимиз саҳифаларидан қора буюк билан ўчирилди, унутилишга маҳқум этилди. Мақсад халқимизнинг юрагидан миллий онг, миллий гурур туйғусини йўқотиш, уни қарамликка, тобеликка кўндириш эди. Лекин ўзбек халқи ўз аجدодларини, ўз баҳодирларини унутмади, ҳамиша юрагида, қалб тўрида сақлади", деб таъкидлайдилар.

Қолаверса, инсоният тарихида яшаб ўтган энг машҳур ҳукмдорлар ва саркардалар қаторидан жой олган Соҳибқирон Амир Темур ҳақида ҳақиқатни сўзлаш ва уни улуғлаш нафақат ўзбек халқининг, балки бошқа Урта Осиё халқлари онг-тафакрурида миллий руҳ ва миллий гурурни уйғотиш ҳамда мустаҳкамлаш мумкин эди. Бундай ҳолат эса, ҳукмрон мафкура ва истибод тузумининг сиёсати ҳам, мақсадига ҳам зид эди. Бу ҳам бутун бир халқ қалбидаги миллий гурури синдиришнинг бир кўриниши эди. Демак, юритилган бундай сиёсатнинг заминидида - халқимиз қалбидан миллий туйғу, миллий гурур ва ўзликни англаш ғояларини таг-томири билан йўқотиш мақсадлари яширилган эди. Ваҳоланки, ҳазрати Соҳибқирон ҳукмронлик қилган давр - аجدодларимиз ҳаётида чинакам уйғониш даври, яъни миллий тикланиш ва миллий тараққиёт палласи бўлган. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бирор бир соҳа улуғ бобокалонимиз назаридан четда қолмаган. Барча соҳаларда ислохотлар ўтказилиб, халқ фаровонлиги ва юрт тинчлиги борасида асрларга татигулик ишлар амалга оширилган. Жумладан, йигирма етти мамлакатни ўз тасарруфида тутган салтанатда қонун устуворлигига эришилган ҳолда, ҳуқуқий давлат асослари яратилган. Буни куйидаги сўзлардан ҳам билиб олиш мумкин: "Ўзбекистоннинг бугунги овозлигини мустаҳкамлаш даврида Амир Темур биз учун буюк давлат асосчиси сифатида қадрлидир. У давлат пойдеворини қурган. Давлатнинг ҳуқуқий асосларини барпо этган. Унинг давлатчилик борасидаги фикрлари нафақат ўз даври, балки келгуси авлодлар учун ҳам катта аҳамият касб этади".

Агар фикримизни Амир Темур фаолиятига доир салбий фикрлар билан суғорилган асарларга қаратадиган бўлсак, бунинг замирида эса - тарихни бузиб кўрсатиш, халқимиз ва унинг тарихига нисбатан ҳасад, миллий гурурни синдириш каби ҳаракат ва ниятлар ётганлигини кўраемиз.

Афсусланадиган ва шу билан бирга гурурланадиган томони шундаки, улуғ аждодимизнинг тарихи ва фаолиятини, унинг маънавий меросини биздан кўра Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кўпроқ билишади. Дунёнинг элликдан ортқ мамлакатларида темуршунос олимлар фаолият кўрсатаётганлиги, Францияда "Темуррийлар даври тарихи ва санъати тадқиқот Ассоциацияси" фаолият юритаётганлиги, Соҳибқироннинг жанг санъати ҳамон жаҳондаги кўпгина ҳарбий академияларда илм сифатида ўқитиб келинаётганлиги, АҚШ, Англия, Германия, Франция, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон ва бошқа мамлакатларда қатор олимлар томонидан Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган ва ёзилаётган кенг

кўламли асарлар фикримизни яққол далилидир. "Биргина Фарбий Европада беш-олти аср давомида буюк Амир Темур фаолиятига бағишлаб ёзилган поэтик, драматик, насрий асарлар тўпланса, бир кутубхонани ташкил қилади".- деб ёзган эди маърифатпарвар ўзбек олими Бегали Қосимов. Бу, бир томондан қалбимизга гурур ва ифтихор бағишласа, иккинчи томондан, ҳозирда ҳам кўпгина Европа ва Шарқ мамлакатларида улуғ Соҳибқирон шахсига ҳурмат ва эҳтиром сўнмаганлигидан гувоҳлик беради. Ушбу ҳолатга давлат раҳбаримиз Ислоҳ Каримов шундай муносабат билдирадидилар: "Ўзбекистон халқи Франция, Буюк Британия ва Германияда, бошқа ғарб мамлакатларида Амир Темур шахси билан қизиқиш ҳеч қачон сўнмаганига миннатдорлик билан қарайди. Бу ерда XV-асрдаёқ Амир Темурга ёдгорлик ўрнатилиб, унга "Европанинг халоскори" деган чуқур рамзий маъноли сўзлар ёзиб қўйилган. Айни Амир Темур босқинчи тўдаларнинг Европа ичкарисига қилаётган ҳаракатига чек қўйганини, бошқа тажовузкорлик юришларини узоқ муддатга тўхтатиб қўйганини ҳозир инкор қилиб бўлмайди. Маърифатли Мовароуннаҳр руҳи, Темурийлар давридаги фан ва санъатнинг гуллаб-яшнагани Европада уйғониш жараёнига ҳаётбахш таъсир этганини, умумжаҳон тараққиётига кўмаклашганини англаб фахрланамиз".

Яна бир афсусланадиган томони шундаки, улуғ Соҳибқироннинг халос-корлик фаолиятидан баҳраманд бўлган Европада, хусусан, Францияда бобокалонимиз фаолиятига чуқур ҳурмат тариқасида олтиндан хайкалча ясалган бир пайтда, бизнинг халқимиз буюк Соҳибқиронни эслашдан ҳам маҳрум қилинган эди. Чунки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, мустабид тузум давридаги миллий тарихимизга нисбатан бўлган муносабат бунга йул хўшмаган. Қолаверса, бу ҳам халқ қалбидаги миллий гурурни сўндиришнинг бир кўбиниши эди. Оллоҳга шукрки, мустақиллик шарофати туфайли ва давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан чуқур эҳтиром тариқасида улуғ бобомизнинг мухташам хайкаллари мамлакатимизнинг Тошкент, Шаҳрисабз ва Самарқанд шаҳарларида қад ростлади. Бу эса ўз ўрнида - тарихий адолат ва миллий гурурнинг тикланиши эди.

Шу ўринда эътиборингизни ана шу олашумул тарихий воқеага қаратишни лозим топдик. Маълумки, 1996 йил 18 октябрда мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари бўлмиш Самарқанд ва Шаҳрисабзда улуғ Соҳибқирон шахсига ҳурмат ва эҳтиром тариқасида хайкал ўрнатилишига бағишланган тантанали маросимлар бўлиб ўтган эди. Ушбу тантаналар чоғида, юртбошимиз Ўзбекистон ахборот агентлиги мухбирининг Амир Темур образи бадий талқинлари ҳақидаги саволига кўтаринки кайфият билан жавоб бериб, жумладан, шундай деганлар: "...Менинг назаримда, Соҳибқирон Темурнинг бу хайкаллари нафақат бадий, балки катта маънавий - тарбиявий аҳамиятга эга. Амир Темур бобомизнинг бемисл шижоат, азму қарор ва ўқтамлик фазилатлари намоян бўлган қиёфаси ёшларимизни, келажак авлодимизни буюк марраларга, эзгу, савобли ишларга руҳлантириш ва сафарбар этишига ишонаман. Бу гўзал ва улуғвор обидаларни зиёрат қилганда гўёки Соҳибқироннинг дил савдоси юракларимизда акс-садо бераётгандек туюлади: "Авлодларим, унутманг: бизнинг номимизни топташга уринганлар, бизнинг миллатимизни, халқимизни камситмоқчи бўлганлар бугун завоқ топдилар, аксинча, кимки, бизнинг шаъну шавкатимизни, Ҳақ ва халқ йўлида қилган хизматларимизни ёд этган бўлса, уларга Аллоҳнинг марҳамати ва зафарлар ёр бўлди ва ҳамиша ёр бўлғусидир. Зеро, бизнинг йўлимиз - адолат ва озодлик йўлидир. Диёнат ва ҳақиқат - бизнинг дастуримиздир". Бу сўзлар, ҳар биримизни Соҳибқиронга муносиб зурриёдлар бўлишга даъват этади".

Бугунги саодатли кунларда тарихда ўтган аждодларимиз ҳаёти ва фаолияти-

ни ҳолисона ёритиш, аниқроғи халқимиз тарихига адолат нуқтаи-назаридан баҳо бериш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темур номи, шаъни шавкати ва мероси қайта тикланиб, бу буюк зот ҳақидаги асл ҳақиқат, ҳаққоний ва ҳолисона ёритилди ва ёритилмоқда. Албатта, буларнинг барчаси мустақиллик шарофати туфайлидир. Чунки, мустақиллик халқимизга тарихий ҳақиқатни, тарихий адолатни, қолаверса улуғ Соҳибқирон Амир Темурни қайтариб берди. Шу ўринда падари бузрукворим Аслон Султонов -шоир Оғашернинг Соҳибқирон Амир Темурнинг таваллудининг 670 йиллигига бағиш-лаб ёзган куйидаги шеърини келтиришни лозим топдим.

СОҲИБИ ДАВРОН

Ўзбек диёрининг зар тупроғида
Бобомиз Темурнинг ўчмас изи бор,
Қир, адир боғдаю гул япроғида
Соҳибу давроннинг нурли юзи бор.

Шахару қишлоқда тўю, тамоша,
Тунни кунга улаб кўрамиз базм,
Биз шонли авлодлар асрлар оша,
Жаҳонгир инсонга қиламиз таъзим.

Олти юз етмишдан ошибди бобом,
Таваллуд тўйида дунё кезару.
Кутлуғ анжуманлар этади давом,
Истиқлол кўешии руҳан сезар у!

Қадимий Туронда шонли тўйингиз
Машъал диёримда муборак бўлсин,
Юртимга ҳамнафас фикру ўйингиз,
Рухингиз халқимга мададқоб бўлсин!

Ҳазалхон, Оғашер, кўлимда созим,
Фикрим кошонаси маржон сўзлардан,
Тўйга тўёнадир кўшиқ, дил розим,
Яратган асрасин ёмон кўзлардан.



Мустақиллик шарофати туфайли мамлакатимизда Амир Темурнинг ҳаёти, фаолияти ҳар тарафлама ўрганилаётгани, Соҳибқирон номи билан боғлиқ кутлуғ саналар халқаро миқёсда нишонланаётгани, 1996 йилнинг "Амир Темур йили" деб эълон қилиниши, Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонлари билан "Амир Темур ордени" таъсис этилиши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, Халқаро Амир Темур хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ва бошқа яна кўплаб амалга оширилган ва оширилаётган ишлардан барчамизнинг қалбимиз руҳланди, албатта.

Маълумки, 1996 йилнинг 23-26 октябрь кунлари халқаро нуфузли ташкилот ЮНЕСКО томонидан "Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни" мавзусидаги халқаро конференция ташкил қилинган эди. Бу тарихий анжуманга Америка, Англия, Франция, Германия, Хитой, Миср, Покистон, Эрон, Афғонистон, Туркия ва яна

дунёнинг қатор мамлакатларидан олимлар, меҳмонлар ташриф буюришиб, бобомиз Амир Темурга ўз эҳтиромларини изҳор этдилар. Жумладан, ушбу анжуманда сўзга чиққан, германиялик профессор Клаус Пандер Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг шонли қирралари устида тўхталиб: "Ер юзида экологик танглик юзага келган, миллатлар ўртасида низолар кучайиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги муттасил камайиб бораётган ҳозирги шароитда Амир Темур бўлганда эди, барча муаммолар ечим топарди" деб эътироф этгани ҳар биримизнинг қалбимизда ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотди. Албатта, ушбу сўзларни эшитиб, шу юртининг фарзанди, шундай буюк зотнинг авлоди эканлигиндан фахрланиб кетасан, киши.

Истиқлол йилларида Амир Темур тарихи ва фаолиятига бағишланган жуда кўп китоблар, мақолалар ёзилди. Айниқса, 2011 йилда "Темур тузуклари" китобининг она тилимизда янги тдан юксак сифатда чоп этилиши эса, ҳеч шубҳасиз маданий ҳаётимиздаги ўзига хос муҳим воқеа бўлди. Бундан ташқари, Амир Темур давлатчилиги, унинг моҳияти ва халқаро нуфузи масаласи Президентимиз Исломо Каримовнинг асарлари, мақола ва нутқларида ҳам ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берилди. Жумладан, "Соҳибқирон камолга етган юрт", "Амир Темур - фахримиз ғуруримиз", "Эҳтиром", "Амир Темур давридаги бунёдкорлик ва ҳамкорлик руҳи бизга намуна, булаверсин", "Халқимиз бор экан, Амир Темур номи барҳаётдир", "Тарихий хотирасиз келажак йўқ", "Азалий буюклик маскани", "Адолат ва қудрат тимсоли", "Юксак маънавият - енгилмас куч" ва бошқа ўнлаб мақола, расмий ҳужжатларда Амир Темур давлатчилик сиёсатининг барча жабҳалари ҳолисона изоҳлаб берилди. Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва яна такрор-такрор айтадизки муҳтарам Президентимиз Исломо Каримовнинг саъй-ҳаракатлари тўғрисида амалга оширилган хайрли ва савоб ишлардан бир нишондир, холос.

Шу ўринда мамлакатимизнинг бугунги ҳаётига оид яна баъзи - бир мулоҳазаларни айтиб ўтишни ҳам лозим деб топдик. Маълумки, мамлакатимиз мустақилликка эришгач, тарихан қисқа муддатда қатта ютуқларни қўлга киритилди. Таъкидлаб ўтиш жойизки, бу ютуқларни замирида юртбошимиз Исломо Каримов бошчилигидаги давлатимизнинг оқилона сиёсати ётибди. Албатта, ўтиш даврига хос қийинчиликлар ва муаммолар бизни давлатимизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Лекин, олиб борилаётган оқилона сиёсат тўғрисида бу муаммолар ва иқтисодий қийинчиликлар ўз вақтида бартараф этилмоқда. Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, иқтисодий қийинчиликлар, ўтиш даврига хос бўлган - вақтинчалик ҳолидир. Қолаверса, аҳолисининг турмуш даражаси юқори бўлган, дунёнинг манаман деган донгдор (яъни - тараққий этган, ривожланган) давлатлари ҳам бугунги тараққиёт даражаларига бирданига ва осонгина эришмаган. Мисол учун, бозор муносабатларига ўтиш Англияда 200 йил, бошқа кўпгина мамлакатларда 100-150 йил мобайнида шаклланган. Демокримизки, улар ҳам иқтисодий қийинчиликлар босқичини босиб ўтганлар. Чунки, бозор иқтисодиётига ўтиш, умуман олганда фаровон турмушга эришиш осон ва енгил кечадиган жараён эмас. Ушбу жараён каттаю- кичик, барчамиздан сабр тоқатли бўлишни ва маълум муддат хузур ҳаловатдан воз кечишни талаб этади. Бу масалага Президентимиз шундай фикр билдирадилар: "Ҳаётда ҳар бир нарсанинг баҳоси бўлганидек, фаровон турмушга эришишнинг ҳам албатта ўз тош-тарозиси бор. Бошқача айтганда, одамзот бир нарсага эришмоқ учун маълум вақт хузур-ҳаловатидан воз кечишига ҳам тўғри келади. Буни ҳаётнинг ўзи тасдиқлайди".

Айниқса, элим деб, юртим деб халқ дарди ва қайғуси билан ёниб яшаётган,

юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида жон куйдираётган юртбошилар доимо ўз хузур-ҳаловатидан воз кечганлигини тарих ва бугунги ҳаётнинг ўзи кўрсатиб, исботлаб турибди. Ушбу масалага ўз даврида Соҳибқирон Амир Темур бобомиз ҳам ўз фикрларини қуйидагича баён қилган эдилар: "Салтанат чопонини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ва хузур-ҳаловатдан воз кечдим" (Темур тузуқлари).

Худди шу ҳолат мустақилликка эришиш арафасида ҳам, истиқлол йилларида ҳам юртбошимиз фаолиятларида ўз аксини топган. Бу ҳақда замондошларимиздан академик Ш.З. Ҳамадов шундай фикр ёзиб қолдирган: "Президент - ўзига нисбатан жуда талабчан шахс. Кўпинча, назаримизда унинг бу талабчанлиги ўзига нисбатан шафқатсизликка яқинлашиб кетарди. У ярим тунгача ишлар ва ишнинг жуда катта қисми-ни ўз зиммасига оларди. Кунлар кетидан кунлар, шанба ва якшанба, дам олиш кунлари ҳам шу тариқа ўтарди".

Маълумки, ўша ўта мураккаб ва зиддиятли даврда собиқ иттифоқ республикалари қаторида мамлакатимиз ҳам инқироз ҳолатига келиб қолганди. Айниқса, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, аҳолини энг зарур озиқ-овқат маҳсулот-ларига бўлган эҳтиёжини қондириш борасида кескин ва мураккаб вазият юзага келганди. Чунки, мустақил тузум даврида энг муҳим озиқ - овқат маҳсулотлари, яъни ун, шакар, гўшт, сут маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол моллари республикамизга четдан олиб келинарди. "Ўша таҳликали даврда дейдилар Президентимиз, -- юртимизда бор йўғи 10-15 кунга етadиган буғдой ва ун заҳираси қолгани, мамлакат амалда очлик остонасига келиб қолганини яна бир ёдга олайлик. Бу ўринда гап битта оила, битта жамоа ёки маҳалла ҳақида бораётгани йўқ, ўша кезларда 25 миллионлик халқ, бутун бошли бир мамлакатнинг тақдири ва келажаги қил устида турган эди".

Ана шундай оғир вазиятда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг ўз вақтида кўрсатган матонати ва олиб борган оқилона сиёсати туфайли мамлакатимиз инқироз ҳолатдан муваффақият билан чиқиб кетишга эришди. Энг асосийси, катта бойлигимиз ва ютуғимиз бўлган тинчлик ва осойишталик сақлаб қолинди. Ваҳоланки, ўша даврда бизга қўшни бўлган республикаларда аҳолини тинчлиги ва осойишталигига раҳна солувчи даҳшатли воқеалар тез-тез содир этилаётган эди. Россияда чиқадиган "ВЕК" газетасида босилган бир мақолада, ўша давр тўғрисида шундай баён қилинган эди: "СССР парчаланиб кетгандан сўнг энг даҳшатли воқеа Ўзбекистонда юз бериши лозим эди. Лекин, бундай бўлмади. Ислом Каримов бирорта ҳам хатога йўл қўймади".

Ҳақиқатдан ҳам, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги шарофатли кунларга етишишни ўзи бўлгани йўқ, албатта. Чунки, иқтисодий жиҳатдан қолюқ, сиёсий муте бўлиб сўнгги юз йиллар давомида ўз тарихи, шонли ўтмиши, ғурури, маънавий устунларидан бегоналаштириб келинган аграр ўлка ва халқни энг замонавий илғор қарашлар, дунёвий демократик асосларда тамомила янгилаш, фавқулодда мураккаб ва оғир иш эди. Буни орқасида қанча машаққат ва қийинчиликлар бўлганлиги муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асарларида батафсил очиб берилган. Президентимизнинг ушбу китоби 35 маъруза, нутқ, интервью ва фармонлардан ўз ичига олган бўлиб, ўтмишимизнинг энг мураккаб ва кескин даври бўлмиш истиқлол арафасида мамлакатимизда содир бўлган сиёсий жараёнлар, иқтисодий, ижтимоий, маънавий мавзулардаги баҳс, тортишув, ҳамда озодликка эришиш йўлидаги курашлар тарихига бағишланган. Ўз иш фаолиятим даврида бу китобни қайта-қайта ўқиб, собиқ иттифоқ ҳаётининг сўнги йилларидаги ана шу давр қанчалар оғриқли кечгани, рўй берган парокандаликнинг сабаб ва оқибатларини яққолроқ ҳис этган-

дек бўлдим. Шунинг учун ҳам "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" асари барча юртдошларимиз томонидан истиқлол тарихини ҳаққоний ифодалаган асар сифатида эътироф этилди. Ушбу асарни ўқиб, ўқиган зиёли инсон сифатида, бугунги кунда мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикни кадрига етмоқ ва бунга шукроналар айтмоқ, шу заминда яшаётган, шу мамлакатнинг тақдирига ва фарзандлари келажагига бефарқ бўлмаган ҳар бир инсоннинг фуқаролик бурчидир, деб ўйлайман. Қачонким, шу Ватан бизники - унинг тараққиётига тўсқинлик қилаётган, тинчлиги ва осойишталигига раҳна солаётган ҳасадгуй ганим кучларга ва миллий гоёмизга ёт иллатларга қарши курашда ўзимизни масъул сезиб, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилсак, келажаги буюк давлат курилишида озгина бўлсада, ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз. Бунинг учун эса, албатта лоқайд ва бепарво бўлмаслигимиз, халқимиз, айниқса мамлакатимиз келажаги бўлган бўлган ёшларимиз маънавиятини янада юксалтиришимиз лозим бўлади. Чунки, айнан лоқайдлик, бепарволик ҳукм сургани ва маънавиятида бўшлиқ бўлган мамлакатларда ганим кучлар ўз ёвуз ниётларини амалга ошираётганлигини, бугунги кунда дунёнинг турли бурчакларида содир бўлаётган мудҳиш воқеалар исботлаб турибди. Шу боис Президентимиз халқимизни юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларни ақл идрок билан баҳолаб, доимо хушёр ва огоҳ бўлишлигимизни таъкидлайдилар. Буни куйидаги сўзлардан ҳам билиш мумкин: "Бир ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз даркор. Бундай замонда, бундай шароитда эришилган ютуқларга махлиё бўлмасдан, ҳаволанишга берилмасдан, тез ўзгариб бораётган дунё билан ҳамқадам бўлиб яшаш, вужудга келган вазиятни хушёр ақл-идрок билан баҳолаш, юз бериши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қодир бўлган мамлакатгина муваффақият қозониши мумкин".

ҲАҚИҚИЙ ЭРЛАР - ЮРТ ТАЯНЧИ

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда ер юзида 252 та катта ва кичик мамлакатлар мавжуд. Бу мамлакатлар ичида эса, Ўзбекистон Оллоҳ таоло назари тушган заминда жойлашган десак муболаға бўлмайди. Чунки, биз яшаётган замин қадим замонлардан бери маданият ва зиё маскани бўлиб, халқимиз эса дунёни ларзага келтирган улуғ зотларни тарбиялаб, вояга етказган халқдир. Президентимиз айтадилар: "ОЛЛОҲ таоло қайси юртда, қайси тупроқда мана шундай улуғ зотларни дунёга келтиради? Парвардигори олам буюк зотларни Ўзи азиз этган жойлардагина дунёга келтиради. Бундай юртлар эса ер юзида санокли. Биз чексиз шукроналик билан айтамизки, она Ватанимиз Оллоҳнинг назарига тушган ана шундай муқаддас диёрдир".

Савол туғилади: Оллоҳ назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш ушбу муқаддас диёрда, ўтмишда ҳам адолатга таянган ва қонун усутворлигига эришган қудратли давлат бўлганми? Албатта, бўлган. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бу турли миллат ва элатлардан таркиб топган, ўз таркибига йигирма етти мамлакатни бирлаштирган улуғ Соҳибқирон Амир Темур асос солган қудратли давлатдир. Нима учун? Ушбу саволга жавоб топиш учун, авваламбор қудратли ва мустаҳкам давлат барпо этиш учун қандай асослар бўлишлигига, эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Ушбу масалага бундан 2000 йил илгари римлик машҳур нотик ва давлат арбоби Цицерон шундай фикр билдирган эди: "Давлатнинг таянчи кўҳна удумлар (маънавий мерос) ва ҳақиқий эрлардир". Демак, Цицерон яшаган даврда ҳар тарафлама мустаҳкам ва қудратли давлатни барпо этиш учун, авваламбор юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган, ақл-идрокли давлат раҳба-

рига таянилган. Давлатнинг гуллаб яшнаши учун эса халқ маънавиятини юксалтириш талаб этилган. Бунга кўшимча қилиб, Соҳибқирон Амир Темур даври ва бугунги кунда мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган жараёнларни таҳлил қилган ҳолда айтиш мумкинки, ҳар тарафлама мустаҳкам ва қудратли давлатни барпо этиш учун яна куйидаги мезонлар ҳам даркор бўлади:

Биринчидан - давлат мустақил бўлиши, яъни қарам бўлмаслиги шарт. Чунки, қарам мамлакат ҳеч қачон мустаҳкам ва қудратли бўлолмайди. Қарамликдан қутулиш учун эса ақл-идрокли ва мустаҳкам иродали, узоқни кўра биладиган, талабчан ва қаттиққўл, ватанпарвар ва халқпарвар етакчи - раҳбари бўлиши лозим. Чунки ушбу фазилатларга эга бўлган раҳбар билан нафақат мустақилликка, балким мамлакатда қонун устуворлигига ҳам эришилади. Қонун устуворлигига эришган давлат эса, албатта мустаҳкам ва қудратли бўлади.

Иккинчидан - барча соҳаларда ислохотлар ўтказиш ва бу ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш. Чунки мустақиллик - ислохот демакдир.

Учинчидан - жамият аъзоларини маънавиятини юксалтириш. Чунки, жамият аъзоларини маънавиятини юксалтирмасдан юқоридаги мезонларни рўёбга чиқариш қийин кечади. (Айниқса, ўтиш даврида). Масаланинг, ана шу жиҳатига тўхталиб, давлат раҳбаримиз Ислоҳ Каримов "Бозор иқтисодиёти деб инсон маънавиятини унутиш гуноҳ бўлади. Нуқул пул ва фойда кетидан қувсак-да, аммо одамларимиз руҳан қашшоқ бўлиб қолишса - бундай жамиятнинг ҳеч кимга кераги йўқ" деб таъкидлайдилар.

Яна бир эътиборли томони шундаки, муҳтарам Президентимиз юксак маънавиятли, мустаҳкам иродали, инсон ва давлат раҳбари сифатида бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маънавиятни турли иқтисодий зарбалардан асраб қолишни ўз зиммаларига олганликларидир. Буни куйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: "Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданият, санъат, адабиёт оғир аҳволга тушди. Уларни иқтисодий зарбадан асраб қолишни Президент ўз буйнига олиши керак деб ҳисоблаймиз". Ушбу айтилган сўзлар кундалик ҳаётимизда ўз исботини топганлигининг барчамиз гувоҳи бўлиб турибмиз. Яъни, ўтиш даврида туртимизда маданият, санъат, адабиёт нафақат иқтисодий зарбадан асраб қолинди, балким оғир аҳволдан чиқиб, юксалиш даражасига кўтарилди. Бундан ташқари, ушбу соҳаларда фаолият кўрсатаётган, маънавий бойликларни яратишда самарали ҳисса қўшаётган ижод аҳлини моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш янада кучайтирилди. Буни куйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: "Уларга ғамхўрлик қилиш, самарали фаолияти учун барча зарур моддий ва маънавий шароитларни яратиб бериш давлат ҳокимияти ва ҳўжалик ташкилотлари раҳбарларининг бурчи ва масъулияти вазифасидир".

Жамият маънавий ҳаётининг таянчи бўлган ижодкор зиёлиларга, жумладан илм - фан, санъат ва маданият, касб ҳунар аҳлига эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг ижоди, изланишлари, муаммо ва ўй-ташвишларидан бохабар бўлиш, халқ маънавиятини юксалтириш давлатимиз раҳбарининг фаолиятларида доимо энг муҳим ва устувор йўналишлардан бири бўлиб келган ва келмоқда.

"Муҳтарам Ислоҳ Абдуганиевич! - деб ёзади Ўзбекистон академик рус драма театри жамоаси - Сизнинг ижодкор зиёлилар тўғрисидаги улкан ғамхўрлигингизни биз доимо сезиб турибмиз. Ўзбекистон академик рус драма театрининг янги муҳташам биноси бу ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир. Театрнинг асосий вазифаси маънавиятни ривожлантириш, кенг халқ оммасини жаҳон маданияти хазинасидан баҳраманд этишдир. Бизнинг ижодий жамоамиз мана шу юксак ва-

зифани бажариш учун барча имконият - жаҳон андозаларига мос келувчи ажойиб техника билан жиҳоз-ланган сахна, театр устaxonаси ва ёрдамчи хоналар, санъат ихлосманд-лари учун ажойиб залга эга бўлди. Мамлакатда маънавиятни юксалтиришга, жумладан, театр санъатини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Бизни ҳар томонлама баркамол шахсни тарбиялашга, шу саҳий заминда яшаётган барча миллат ва элатлар тинчлиги ва дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиш борасида янги ижодий муваффақиятларга илҳомлантиради. Сизни ишонтириб айтаманки, биз театримизга хос бўлган шонли анъаналарни бундан буён давом эттириш учун куч-ғайратимизни аямаймиз, ўз маҳоратимиз ва истеъдодимиз билан жонажон Ўзбекистоннинг мустақил фикрлайдиган, юксак ахлоқли ва маънавий жиҳатдан бой эркин фуқаросини тарбиялаб камол топтиришга ҳар томонлама кўмаклашаверамиз".

Эътибор қилиб қаралганда, юртбошимиз ўз фаолиятлари давомида энг оғир ва масъулиятли мажбуриятларни ўз зиммаларига олганликларини кўриш мумкин. Биргина мисол: Президентимиз Ислам Каримов Бош Қомусимизни, яъни мустақил Республикамиз Конституциясини ҳимоя қилиш, унда кўрсатилган нормаларни ҳаётга жорий этиш, барча модда ва талабларга давлат органлари ва фуқаролар томонидан риоя қилинишининг кафиллигини ўз зиммасига олган давлат раҳбаридир. Маълумки, Конституциямизнинг 93-моддасининг 1-қисмига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституциясининг кафили ҳисобланади. "Конституциянинг кафили" тушунчаси кўпга Европа мамлакатлари ва АҚШ конституцияларида қўлланилмаганидек, илгари амалда бўлган совет конституцияларида ҳам ишлатилмаган. Бугунги кунда фахр билан: "Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти мамлакат Конституциянинг ҳақиқий кафили бўлди, унинг нормаларини кундалик ҳаётимизда лозим даражада жорий этилишини таъминлай олди" деб баралла айта оламиз.

Энди фикримизни айнан раҳбар ва раҳбарлик масъулияти масаласига қаратсак. Бевосита, раҳбар шахс ҳақида фикр юритганда, айтиб ўтиш жойизки, ушбу масала бўйича бизга қадар ҳам жуда кўп фикрлар айтиб ўтилган, улар фаолиятига нисбатан турлича қарашлар бўлган. Лекин, тарих шундан далолат бераптики, айнан юксак маънавиятли, инсоф ва диёнатли, мард инсонлар раҳбарлик тўнини кийишга маънавий ҳаққи бор экан. Чунки, айнан шундай фазилатли инсонлар нафақат ўз юрти равнақи ва мамлакати тараққиётига, балким умумжаҳон тараққиётига ҳам ўз ҳиссасини қўша олади. Халқпарвар ва адолатпарвар юртбошиси бўлган халқ эса тинч ва осойишта яшаб, фаровон турмуш кечиради. Қолаверса, ҳаётни ўзи буни исботлаб турибди. Шунинг учун ҳам, тарихда ўтган буюк алломаларнинг кўпчилиги давлат тепасида турган киши қанчалик доно, ақли ва сезгир бўлса, бу ўша давлат, унинг халқи учун ҳам шунчалик катта бахт дейишган. Улар давлат ва жамият, подшо ва раият тўғрисида ёзган асарларида, нуфузли инсоннинг маънавий етуқлигига, поклигига, ҳалоллиги ва тўғрилигига асосий эътиборини қаратиб, адолат, ростлик, меҳр-шафқат, саховат ва қаноат каби сифатларни ҳимоя қилганлар, олқишлаганлар.

Ушбу масалага ўрта асрларда яшаб ўтган, халқимизнинг буюк алломаси, машҳур файласуф Абу Наср Фаробийнинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида ҳам тўхталиб ўтилган. Улуғ аллома давлат бошқарувчи раҳбар шахс 12 та хислат-фазилатга эга бўлиши лозимлигига тўхталиб, жумладан "Раҳбар аввало соғлом, ақли, ҳушёр, заковатли одам бўлиши, қалбида адолат туйғуси жўш уриб туриши, дўст душманни, рост ва ёлғонни ажратадиган бўлиши керак. Давлатни фозил кишилар бошқариши лозим. Фозил кишилар кўпайган шаҳарларда осойишталик, фа-

ровонлик ҳам бўлади", деб кўрсатган эди. Бугунги кунда Президентимиз Исмоил Каримов бу чуқур маъноли таърифларни бугунги тараққиёт талаблари асосида янада ривожлантириб, "Энг аввало, раҳбардан ақл-идрок талаб этилади. Ақл-идрокли бўлиш билан бир қаторда раҳбар одам мустаҳкам иродали, иймони бутун, ориятли бўлиши шарт. У бағри кенг, айнаи замонда талабчан бўлиши даржор. Бизга ташкилотчи, ташаббус кўрсатиб, бошқаларни ҳам эргаштира оладиган раҳбарлар керак. Чунки бундай инсонлар халқни жипслаштиради, савобли ишларга сафарбар этади. Ичиқора одамлар раҳбар бўлолмайди. Юксак лавозимли киши кечиримли бўлиши, билмай хато қилган ходимларга хатолар тузатиш имконини бериши зарур. Иккинчи талаб шуки, раҳбари чинакам юртпарвар, ватанпарвар бўлмаган жойда иш олга силжимади, эл - юрт ташвишини ўз ташвиши, деб қабул қиладиган, эл дарди билан ёниб яшайдиган инсонгина халқ ҳурматига лойиқ бўлади" деб таъкидлайдилар. Уйлаймизки, ушбу доно фикрлар бугунги кунда ҳам, каттаю- кичик барча кишига, айниқса, ҳозирги мустақиллик шароитида етакчи, раҳбар бўлишдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган одамларга бево- сита тааллуқдир. Чунки, раҳбарлик авваломбор масъулиятдир. Ватан олдидаги, халқ олдидаги масъулиятдир. Ана шу масъулиятни сезган, эл-юрт дардида ёнган, халқ манфаатини ўз манфаатидан устун қўядиган, қалби пок инсонларгина етакчи, раҳбар бўлишдек шарафли ва юксак масъулиятни ўз зиммаларига олишга лойиқдирлар. Ана шундагина, улар халқнинг назаридан қолмайдилар ва эл-юрт ўртасида обрў қозонадилар. Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганларидек: "Ўзини раҳбар деган инсон одамлар назарида қандай обрў- эътиборга лойиқ эканини доимо сезиб, англаб юриши, у бошқарадиган халқ ҳаёти билан яшаш, ўзига зеб қўймаслик билан бошқаларга ўрнак бўлиши шарт. Ана шундагина бундай раҳбар нафақат ақл-заковати, қатъият ва талабчанлиги билан, балки ўзининг юриш- туриши билан эл-юрт ўртасида обрў қозонади".

Амир Темур ҳазратларининг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш жараёнида, айнан Соҳибқирон бобомиз ўзининг юксак ахлоқий сифатлари ва бошқарув илми эгаси эканлиги билан, юқорида айтиб ўтилган талаб ва эҳтиёжларга жавоб беролган давлат арбоби бўлганлигига амин бўлдик. Қолаверса, бу ҳақда шу дамгача ёзилган тарихий, поэтик, драматик, насрий асарларда ул зотнинг бу фазилатлари самимият билан тилга олиб ўтилган. Бу эса, ўз ўрнида барчамизни Амир Темурдек буюк зотнинг авлоди бўлганимизга шукроналар айтишга чорлаб, қалбимизда чуқур ифтихор ва ғурур туйғуларини уйғотади. Зеро, "Фурури бор одамнинг қадди рост, боши баланд бўлади."

Шу ўринда қуйидаги саволлар туғилади: Соҳибқирон Амир Темур салтанатида қанақа фазилатларга эга бўлган одам раҳбарлик чопонини кийишга лойиқ бўлган? Ушбу масалага Соҳибқирон бобомизнинг муносабати қандай эди?

Амир Темур фаолиятини, айниқса, унинг маънавий мероси бўлган "Темур тузуклари"ни ўқиб-ўрганиш жараёнида амин бўлдикки, : "Ақли расо, соғлом ва сергак, ишбилармон ва тадбиркор, мард ва шижоаткор, сабр --тоқатли ва талабчан инсон амалдор (мансабдор- раҳбар) бўлиши мумкин".

Амир Темурнинг давлат ишини тўғри ва одилона бошқаришига асос бўладиган маънавий - ахлоқий фазилатлари эса қуйидагилардан иборат бўлган:

**Ақли расолик ва зийраклик,
мардлик ва шижоаткорлик,
ишбилармон ва тадбиркорлик,
бағрикенглик, раҳм-шафқатлилик,
кечиримлик, сахийлик, тантилик,**

меҳр-муруватлилик, талабчанлик, қаттиққўллик ва бошқалар.

Эътибор қилиб қаралса, Соҳибқирон бобомизга хос бўлган ва мансабдор - амалдорлардан талаб қилинадеган ушбу фазилатлар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Буни куйидаги сўзлардан ҳам англаб олиш мумкин: "Талабчанлик, қаттиққўллик, ишни бажариш топширилган кишидан талаб қилиш эса ҳар бир раҳбарнинг энг асосий фазилатидир".

Тарихий манбалардан маълумки, Амир Темур бошиданоқ бошқарув жиловини ўз қўлида маҳкам ушлаган. Ишончли ва мўътабар бўлган киши-ларни салтанат бошқарувига жалб этган. Соҳибқирон фикрига кўра "Салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз олайтира олмайди". Лекин, улар фаолияти доимо Соҳибқироннинг бевосита қаттиқ назорати остида бўлган. "Ишон, аммо шубҳа қил". Ушбу пур маъноли ҳикматли сўзлар кўпгина халқлар орасида озгина ўзгаришлар билан кенг тарқалган. (масалан, "доверяй и проверяй"). Амир Темур турли лавозимларга ҳам барча амалдорларни ўзи танлаб, тайинлаган. "Ҳар ер эл-улусининг табиати ва халқининг мижозларин хотиримга келтириб, уларнинг табиатига мувофиқ йўл тугтиб, шунга қараб уларга ҳоким тайинладим" Бу эса ўз ўрнида Соҳибқирон кучли руҳшунос (психолог) бўлганидай ҳам далолат беради. Амалдорларни танлаш ва тайинлашда кўпроқ қадби пок; мард ва жасур, элпарвар ва ватанпарвар, бошига қилич уқталганда ҳам тўғри сўзлайдеган асли тозалигига жиддий эътибор қаратилган. Чунки асли тоза киши хатоликка йўл қўймайди, бадасл (ҳукмдорига) вафо қилмайди деб ҳисоблаганлар. Бу қандай лавозим бўлишидан қатъи назар, барча мансабдорларга қўйилган умумий талаб бўлган. Шу билан бир қаторда, ҳар бир амалдорни эгаллаб турган лавозимига қараб алоҳида талаблар қўйиб, зарур кўрсатмалар ҳам берганлар. Лекин вазирларни танлашда ўта ҳушёрлик билан фикр юритиб, уларни тўрт сифатга эга бўлишлигини алоҳида таъкидлаганлар. "Биринчиси-асиллик ва тоза насллик, иккинчиси-ақл - фаросатлилик, учинчиси-сипоҳу - раият (халқ) аҳволидан хабардорлик, уларга нисбатан хушмуомалалик, тўртинчиси-сабр чидамлилик ва тинчликсеварлик". (Темур тузуқлари). Эътиборли томони шундаки, ушбу сифатларни ўзида мужассам этган вазирга юксак ишонч билдирилиб, фаолият юргизиши учун Соҳибқирон томонидан барча қулай имкониятлар яратиб берилган. Бу ҳақда Темур тузуқларида батафсил айтиб ўтилган. Жумладан, Вазирни танлаш тузуги, амирлик ва ҳукмдорлик тузуги ва бошқалар. Шунинг учун бўлса керак, Соҳибқирон мамлакатда бўлмаган пайтларда кўпгина амалдорлар унинг ишончини суистеъмол қилмасликка ва хатоликларга йўл қўймасликка ҳаракат қилганлар. Ироқчи Ажам ва Форсда шухрат топган олим Муиниддин Натанзий ўзининг "Мунтахаб ут-тавориҳи Муиний", яъни Муинийнинг танланган тарихлари" асарида бу борада шундай ёзиб қолдирган: "Агар Амир Соҳибқирон Машрикқа ё Мағрибга, ёки ернинг нариги чеккаси томон отланса ва бирон кимсани ўз пойтахтида ноиб сифатида қўйиб кетса, олий ҳазратнинг ўзи турган вақт ва ўрнига ноиб идора қилган пайтадаги аҳвол ўртасида қилчалик ҳам фарқ бўлмасди".

Яна бир эътиборни тортадиган томони шундаки, Соҳибқирон талабларига тўлиқ жавоб берадиган ва ўз вазифасини сидқу дилдан бажарган амалдор ва хизматчилар ўз вақтида ҳам моддий ва ҳам маънавий рағбатлантириб турилган. Ҳақиқатдан ҳам, Соҳибқирон қўли очиқ инсон бўлиб, ўз даврида сахийликда унга тенг келадиган ҳукмдорни ўзи бўлмаган. Шунинг учун ҳам, халқ орасида Амир Темурнинг сахийлиги тўғрисида кўплаб ривоятлар ёзиб қолдирилган. Зеро, ҳар қандай ривоят замирида маълум ҳақиқат ётади. " Қўл остимизга ўн тўрт мамлакат раияти

(халқи) жам бўлганда- дейди Соҳибқирон-Самарқандга келиб катта тўю-томошлар бердик. Зиёфатларга яқин йироқдин барчани чорладик. Одамлар кўп кунлар тўкин дастурхон атрофида бўлишиб, тўйгунча еб-ичишди. Зиёфатга келганларнинг бариси шодумон эрди. Зиёфатлар тугади. Келганларни янада хурсанд этмоқ ниётида (рўзғорига, бола чақасига яратар деган умидда) ҳар меҳмонга бир бошдан ҳисори кўй тухфа этмоқни буюрдим. Баковуллар ҳар кишига кўй тутқазиб, жўната-веришди. Бехос, хаёл олди: меҳмонларим ростдан-да мамнунмикин? Усти бошимни ўзгартириб, зиёфатдан қайтаётган одамлар тўдасига кирдим. Йўлда одамлар куйманишар, дала-даштда ўсган қўйларни судраб, уддасидан чиқолмас эрди. Айниса, беш-олти пудли ҳисори кўчқорни етаклаб олган киши қўйни ҳарчанд тортмасин, ўрнидан кўзгатолмас эрди. Шунда ул киши тутақиб деди: "Кўйни-ку беришга бердинг, бир қулоч арқонни қизганиб нима қилардинг. Бир қулоч арқон билан бойиб қолармидинг, эй подшохи зикна ... Бу кишини фикрига қўшилганлар бўлди. Шунда эл кўнглини, одамлар кўнглини олмоқ нақадар мушкул эканини англадим. Кейин ушбу сабоқдин хулоса олиб, нуқсонларга асло йўл қўймаслик тадбирини кўрдим"

Ушбу ҳикоят орқали Соҳибқироннинг нақадар сахийлиги ва эътиборлилиги намоён бўлса, иккинчи томондан, турли миллат ва элатлардан ташкил топган (кўп миллатли) ва турли эътиқоддаги халқларни бирлаштириш ва бошқариш, уларни кўнглини олиш нақадар нозик ва мураккаб иш эканлигига, аниқроғи осон эмаслигига амин бўламиз. Албатта, шундай улкан ва қудратли салтанатни бошқариш учун салтанат (давлат) эғасидан кучли ақл-идрок, сабр- бардош ва талабчанлик, қолаверса қаттиққўллик ҳам талаб этилган. Бевосита Соҳибқирон мисолида айтадиган бўлсак, ҳақиқатдан ҳам у давлат ва халқ манфаати йўлида ниҳоятда қаттиққўл, шахсий ҳаётда юксак инсонпарварлик фазилатига эга бўлган ҳукмдор эди. Айнан, Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги қаттиққўллиги ҳақида гап кетганда, шуни айтиб ўтиш жоизки, қаттиққўллик улуғ бобокалонимизга адолат қарор топиши, халқнинг тинчлиги ва салтанат равнақи учун керак бўлган. Бу борада Амир Темур шундай фикр билдиради: "Ўғирлик, талончилик, зўравонлик иллатларига қаттиққўллик билан болта урилмаса, мулоиммижозлик билан қутилган натижага эришиб бўлмайди".

Жумладан, Амир Темурнинг "Гоҳ қаттиққўллик билан, гоҳида мулоимлик билан иш тут"- (рус тилида - "Когда надо будь требовательным и строгим, когда надо - мягким и нежным") деган ўғити юқорида келтирилган фикрларимизга яққол далил бўла олади (Изоҳ: :-ўзбек тилидаги "қаттиққўллик" сўзининг маъноси рус тилидаги "требовательность" ва строгость" тушунчаларига мос келади). Шу ўринда давлат ва жамият бошқарувида қаттиққўллик ва талабчанликни қўллаш борасида қуйидаги мантиқий мулоҳазаларимизни кўриб чиқишни, жамият ва табиатдаги жараёнлар мисолида фалсафий таҳлил этишни лозим, деб топдик. Бизнинг фикримизча: Жамиятда - оила жамиятнинг бир бўлаги, деб қарайдиган бўлсак, оилада фарзанд тарбиясида қаттиққўллик ва талабчанлик қилинмаса, бу оилада ота-онанинг кадр-қиймати, ҳурмати бўлмайди, фарзандлар хулқида эса жамият ва табиатга нисбатан салбий муносабат шаклланади. Улар кўп ҳолларда дангаса, виждонсиз ва ўзгалар ҳақига ҳиёнат қиладиган шахс бўлиб вояга етишади. Албатта, бундан оила ҳам, жамият ҳам азият чекади. (Ер бузилса - дехқон, бола бузилса - ота-она уялади.)

Давлат ва жамият бошқарувида қаттиққўллик ва талабчанлик қилинмаса, бу давлатда тартиб-интизом бўлмайди, юрт тинчлиги ва осойишталигига путур етади. У халқни бошқаришда ва кўзланган мақсадга эришишда қийинчилик вужудга

келади. Албатта, халқнинг ёмони бўлмайди. Лекин, халқнинг ичида пок ниятли яхши инсонлар қаторида, ёмон иллатларга гирифтор бўлган, тарбияси ва нияти бузуқ инсонлар ҳам учраб турадики, уларни тўғри йўлга бошқариш ва яхшиликка йўналтириш учун баъзида қаттиққўллик қилишга тўғри келади. (Изоҳ: ай-никса ўтиш даврида)

Экилган ниҳол ўз вақтида боғбон томонидан тартибга солиб турилмаса, ёввойи-илашиб кетади, баъзан мева ҳам бермайди, ҳосил тўкса, меваси тахир бўлади. (Яхши фазилат экиб, парвариш қилинмаса, ёмон сифатлар унади.) Мантиқан хулоса қиладиган бўлсак, оилада ҳам, давлат ва жамият бошқарувида ҳам қаттиққўллик ва талабчанлик адолат қарор топишида муҳим омил ҳисобланади. Адолат нима? Адолат инсон ва жамиятни бахтли-саодатли келажак сари етакловчи йўл. Демак, оилада қўлланилган қаттиққўллик ва талабчанлик фарзандларнинг бахтли-саодатли келажаги учун керак бўлса, давлат ва жамиятда қўлланилган қаттиққўллик ва талабчанлик халқнинг бахтли-саодатли бўлиши учун керак бўлади.

Демокримизки, қаерда тартиб интизом, жилов қўлдан берилса, у оила бўладими, корхона ёки ташкилот бўладими, салбий оқибатларга олиб келишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Шу ўринда бир савол туғилади: ўрта асрда шундай қудратли ва улкан давлатни барпо қилишни, турли миллат ва элатлардан таркиб топган халқларни бирлаштиришни ва бошқаришни, қаттиққўлликсиз амалга ошириш мумкинми? Албатта, йўқ. Ҳар хили манбалардан маълумки, Соҳибқирон Амир Темур Тарағай Баҳодирнинг марказлашган давлати ўз таркибига йигирма етти мамлакатни жумладан, Хуросон, Ҳиндистон, Эрон, Аҷам Ироқи, Форс Ироқи, Туркия, Озорбайжон, Гуржистон, Собик Ўлтин Урда (Дашти Қипчоқ, Қрим) ва бошқа мамлакатларни бирлаштирган бўлиб, улар турли эътиқоддаги миллат ва элатлардан иборат бўлган.

Шу ўринда яна бир савол туғилади, қаттиққўллик доимо керакми? Албатта, йўқ. Чунки, оилада фарзандлар улғайгандан кейин қаттиққўлликка эҳтиёж қолмаганидек, давлатда ҳам қонун устуворлигига эришилгандан сўнг қаттиққўлликка эҳтиёж қолмайди. Чунки, бу давлатда аҳолининг қонунга нисбатан ҳурмати шаклланган бўлади. Яъни, экилган ва яхши парвариш қилинган ниҳол, вақти келиб ўзининг ширин мевасини берганидек, оилада ҳам, давлатда, ҳам қўлланилган қаттиққўллик ва талабчанлик ўзининг ижобий натижасини беради, албатта. Ижобий натижаларга эришмоқ учун эса меъёрни унутмаслик лозим бўлади. Чунки, меъёр ижобий натижаларга эришишнинг асосий ва ўта муҳим шартларидан биридир. Буюк Соҳибқирон бобомизнинг ютуғи ва ўз даврининг бошқа ҳукмдорлардан фарқли томони ҳам шундаки, у ҳар бир ишда, жумладан, давлат ва жамият бошқарувида ҳам ҳаттоки муомалада ҳам меъёр бўлишига эришган ва қўл остидаги амалдорлардан ҳам шуни талаб қилган.

"Доно вазир шулдирки, - дейди Соҳибқирон, - ўз ўрнига қараб, гоҳ қаттиққўллик, гоҳида эса мулойимлик билан иш юритади. Бундай вазир ортиқча қаттиққўллик ҳам қилмайди, кўп мулойимлик билан юмшаб ҳам кетмайди. Агар кўп мулойимлик қилса, дунёталаб, таъмагир одамлар уни ютиб юборадилар. Агар ортиқча қаттиққўллик ишлатса, ундан қочадилар ва унга бошқа мурожаат қилмайдилар. Демак, доно вазир шулдирки, салтанат корхонасининг ишларини энг тўғри чораю тadbирлар қўллаб, яхши англаган ҳолда амалга ошириб, давлатни тартиб-интизомга келтиради. Салтанат ишларини сабр -тоқат, чидам билан адо этади, муаммоларни ўз ўрнида қаттиққўллик, ўз ўрнида мулойимлик билан ҳал қилади".

Маълумки, ривоятлар халқ ижодининг маҳсулидир. Бир ривоятга кўра, Соҳибқирон икки амалдорни ўз ҳузурига қақриб, биринчисига шундай дейди: "Сиз-

ни шу бугундан бошлаб эгаллаб турган лавозимингиздан бўшатдим". Шу онда у "Олампаноҳ--- мени ишларимдан ҳамиша мамнун бўлиб, мақтаб юрган эдингиз, нима сабаб бўлдики, мендан кўнглингиз қолди? " деб хайрон бўлганида, мана шу жавобни олган экан: "Тўғри, ўз вазифангизни биз истагандек бажариб келдингиз, лекин кейинги пайтларда сўзларингиз ва ўзингизни тутишингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан юқорилашиб кетди. Манманлик ва ғўддайишга берилиб, ҳеч кимни менсимай қолдингиз. Ўтган жумода масжид олдида ўтирган қарияларнинг қаршисидан отдан тушмай, салом бермай, гердайиб ўтиб кетибсиз. Шу тарзда қабристонни ҳам босиб ўтибсиз. Бизга тирикни ҳам, ўликни ҳам бирдай оёқоти қилувчи амалдорнинг кераги йўқ. Бу кетишда ўзингизнинг ҳам, ҳокимиятнинг ҳам шаънига путур етказиб қўясиз. Яхшиси ўзингизни тарбиялаб олинг, сўнг сизни эътибордан қолдирмаймиз, албатта! " Иккинчи амалдорга эса Соҳибқирон шундай дебди: "Сизни муомалангиз ва фаолиятингиз эгаллаб турган мансабингиз доирасидан жуда пасайиб кетди, шу боис сиз ҳам мансабингиздан бўшатилдингиз". Кўришиб турибдики, иккала мансабдор ҳам ўз фаолиятида меъёрни унутганлиги учун, яъни бири-ҳаддидан ошганлиги, иккинчиси сустлиги учун ҳам ўз мансабидан четлатилган.

Гуруч курмаксиз бўлмади деганларидек, Соҳибқирон салтанатида ҳам билиб-билмай хатоларга йўл қўйган, ўз мансаб вазифасини суистеъмом қилган амалдорлар ҳам учраб турган. Урнатилган тартибга қара, бундай амалдорлар ўз вақтида салтанатда мавжуд қонун асосида жазоланганлар. Бу борада "Темур тузуклари" да шундай дейилади: "Доруғалар ва ҳокимлар халққа зулм қилиб, уни ҳароб қилган бўлса, қилмишларига яраша жазоланиши керак". Кўришиб турибдики, Амир Темур салтанатида қонун устувор бўлиб, ҳеч бир жи-юят жазосиз қолмаган, қонун олдида эса барча баробар бўлган. Маъбодо, бу тартиб бузилса, масъул амалдорларни ўзи ҳам сўзсиз жазоланган. Чунки, қонун амалдорлар томонидан бузилса, давлат обрўсизланиб, раиятнинг (халқнинг) қонунга ва давлатга бўлган ишончи йўқолади деб қаралган. Шунинг учун бўлса керак, Соҳибқироннинг халқ ўрта-сида обрў-эътибори ҳам, мамлакат қудрати ҳам йилдан-йилга ошиб борган. Гапимиз, қуруқ бўлиб қолмаслиги учун, Амир Темур саройида анча вақт давомида яшаган, унинг юритаётган сиёсатидан ва халқимиз маданиятидан қисман боҳабар бўлган испаниялик элчи ва тарихчи Руи Гонсалес де Клавихонинг "Самарқандга - Амир Темур саройига саёҳат" асаридан қуйидаги мисолни келтиришни лозим топдик: "Темурбек олти йил ўн бир ой бўлмаган вақтда ўз ўрнига Самарқандга ўзи билган, ишонган обрўли кишинини ҳоким этиб тайинлаб кетганди. Шу вақтлар мобайнида бу киши Темурбекнинг ишончидан фойдаланиб, ўз лавозимини суистеъмом қилган, кўп хатоликларга йўл қўйган. Соҳибқирон Самарқандга қайтиб келиши биланок, бу кишини олдига чақириб, мол мулкни мусодара қилди. Ўзига эса жазо тайинлади..." Таъкидлаб ўтиш жойизки, Соҳибқирон Амир Темур ҳукми қаттиқ, лекин адолатли бўлган.

Энди, яна бир саволга жавоб излаймиз, "Қандай одамлар Соҳибқирон кўнглидан жой тополмаган? ёки Қандай одамларни (айниқса амалдорларни) Соҳибқирон хуш кўрмаган (ёқтирмаган) ва нима учун? "

Амир Темур бобомизнинг ҳаёти ва фаолияти оид асарларни синчиклаб ўрганиш жараёнида амин бўлдикки, гаразгўй, бузуқ, ҳасадгўй, пасткаш ва разил одамлар Соҳибқирон кўнглидан жой тополмаган. Буюк Соҳибқирон фикрича, бу тоифа одамлар кўп ҳолларда ё кўролмаслик ёки таъмагирлик билан тўлган бўлиб, уни чиндай кўрсатиб, шу орқали давлат душманларини яхшилаб, теза қалбли, пок инсонларни ёмонлаб, уларнинг ҳаётига зомин бўладилар. Энг ачинарлиси,

улар ўзларининг бу разил ҳаракатлари билан салтанат кўрғонига ҳам путур етказадилар. Соҳибқирон ўз ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, куйидаги воқеани баён этадилар: "Яқинларимдан баъзилари ёлғиз қолганимизда ва одамлар олдида улуг, эътиборли амирларимдан саналган амир Аббосга ҳасад қилиб, душманлик кўргизиб, унинг ҳақида бўлмағур гапларни айтдилар. Ёлғон сўзлари шамоли билан ғазабим ўтини аланглатдилар. Натижада гапларини текшириб кўрмасдан ғазаб устида амир Аббосни ўлимга маҳкум этдим. Охир-оқибатда уларнинг амир Аббос ҳақида хиёнат этганларини англадим ва қилган ишимдан ўкиниб, пушаймон бўлдим. Шу воқеадан сўнг Соҳибқирон бобомиз қаттиқ надомат ила афсусланиб, ҳасадгуй ва ғийбатчи одамларни ёнларига йўлаттирмайдиган бўлдилар. "Бузуқи, оғзи шалоқ, ғийбатчи одамларни мажлисимга йўлатмадим". Кўриниб турибдики, Темур тузукларида келтирилган ушбу ўғит ва насихатлар орқали, улуг бобокалонимиз ўз авлодларини бу тоифа одамлардан сақланишга, бундай кимсалардан йироқ юришга чақирган. (Амир Темурнинг бу маслаҳат ва ўғитлари бугунги кунда ҳам барча масъулиятли лавозимларда фаолият юритаётган раҳбар ходимларга сабоқ беради деб ўйлаймиз.) Бундан ташқари, Соҳибқирон ўз қадри-қимматини, виждонини, ор-номусини ва ғурурини сақлай олмайдиган қул табиатли (лаганбардор-хушомадгуй - К.С) амалдорларни ёқтирмаган. Уларга давлатнинг энг хавфли душманлари сифатида қараган. Чунки, улар ўзларининг ожизлиги ва журъатсизлиги орқасида иккиозламачилик билан иш юритиб, кези келганда ўз ҳукмдорига, ҳатто ватанига ҳам хиёнат қилишдан тўймайди деб ҳисоблаганлар. Бундан қарийб етти аср олдин Соҳибқирон томонидан амалдор - мансабдорларга қўйилган ушбу талаблар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлигини Президентимиз Ислом Каримовнинг куйидаги сўзларидан ҳам англаб олиш мумкин: "Бугун замон ўзгарди. Эскича фикрлайдиган кадрлар бугунги сиёсатимизга мутлақо тўғри келмайди. Яъни лаганбардор, хушомадгуй, ҳар қандай топшириққа ҳам ўйламасдан "лаббай" деб жавоб берадиган, ўз фикри йўқ, аммо ўзидан каттароқ амалдорнинг бемаъни фикрини ҳам сиёсат қилиб олувчиларга энди орамизда ўрин йўқ. Икки қўлини кўксига қуйиб таъзим баҳо этувчи "мулозим"ларнинг замони ўтди. Бугун уларни Президент эмас, замон қабул қилмайди. Яна такрорлаб айтаман: замон уларни қабул қила олмайди. Ўз фикрига эга бўлганлар, дунёқарashi кенг, ўз фикрини ҳимоя қилишга қодир бўлганлар, энг муҳими, жамоат манфаатларини шахсий манфаатидан устун қўядиганлар, қатъиятли, ориятли, ташкилотчи, эл-юрт дардини юрагидан ўтказадиган мард инсонларнинг замони келди. Қани энди шундай мардлар юртимизда кўп бўлса!"

(Давоми келгуси сонда)



ШОИР ҲОЗИҚ ВА АМИР НАСРУЛЛО

(ТАРИХИЙ ҲИКОЯ)



Ақраб ойининг сўнги кунлари. Янги ойнинг кўринишига яна уч-тўрт кун бор. осмонда чарақлаб турган юлдузлар зулмат пардасини йиртиб, гира-шира шуъла сочиб турибди. Шаҳар тун оғушида. Узоқ-узоқлардан аҳён-аҳёнда тунги миршабларнинг "Тўхта!" "Жойингдан қимирлама!" деган ҳайқириқлари, бедор итларнинг акиллаши эшитилади.

Фақат бир киши тун бокинлигини бузгандек, атрофга олазарак қараб, шитоб билан бормоқда. У тор кучани кесиб ўтиб, икки томонида қорайиб турган паст-баланд уйлар қад кўтарган кенг кўчага қараб бурилди.

Пастқам, бир табақали қатта дарвозанинг одам кириб-чиқадиган эшигини секин тақиллатди. Ҳеч ким жавоб бермагач, яна қаттиқроқ тақиллатди.

- Ким-у тунда безовта қилаётган?
- Бу мен... Бухородан келаялман, шоир Ҳоziқман.

- Тагин адашмадингизми? Бу хонадон Парвоначи жанобларига қарашли.

- Йуқ, Хўжақулибийга билдиринг, каминани яхши танийдилар.

Бироздан кейин эшик зулфи туширилиб, "ғийқ" этиб очилди.

- Марҳамат, киринг. Жаноблари сизни хоналарида кутаяптилар.

Ичкарига қўлида мўжаз халта тутган, соқоллари ўсган, яқтак кийган, ўрта бўйли одам кирди. Деразадан уни кузатиб турган Хўжақули Парвоначи Ҳоziқнинг истиқболига чиқди.

- Хуш келибсиз, мавлоно! Бу қоронғу кечада биз томонларга сизни қандай шамол учирди?-дея меҳмонни бағрига босди.

- Ассалому алайкум, биродари азиз! Сиз билан яна дийдор кўришганимдан

бақоят хурсандман. Аввал нафасимни бироз рўстлаб олай, кейин бу ташрифнинг боисини айтиб бераман.

Хўжақули Парвоначи хизматкорини чой қайнатиб, дастурхон ёзишни буюрди. Дастурхон атрофида Мавлоно Ҳоziқ Парвоначига бошидан кечирганларини сўзлаб берди.

- Амир Насруллохоннинг дастурбуекларга бош олиб келишга мажбур бўлдим,- деди Мавлоно мезбон олдида ўзини ноқулай сезиб,- Бухородан чиққанга икки ҳафта бўлиб қолди. Гоотда, гоҳ пиёда йўл босдим, танишларимникида тунамадим, амир айғоқчиларидан эҳтиёт бўлиб йўл юрдим.

- Нима гап ўзи. Мавлоно, очикроқ гапиринг,- деди Парвоначи Ҳоziқнинг гапларидан ҳайратланиб.

- Сизларга ҳам хабари етиб келган бўлса керак. Амир Насрулло Кўқонга лашкар тортиб, шаҳарда қирғинбардор ишларни қилди.

Ҳоziқ буёғини кўзида ёш давом эттирди:

- Мен айтмай, Сиз эшитманг, беклар беги жаноблари, бундан-да даҳшатли воқеа юз берди. Жаллод Насруллохон Мадаминхонни қатл эттирди. Моҳлаб ойимни ҳам аяб ўтирмади. Шерман

оламида порлоқ юлдуз Нодирабегим жаллод қўлида жон берди.

- Наҳотки! Қонхўр Насруллохоннинг шоир аёлни ўлдиришга қандай қўли борди?!-қўлларини юзига босганча деди Хўжакули Парвоначи.

- Э, нимани айтасиз, ҳазрат, қассоб невараларини ҳам тигдан ўтказди. Унда на виждон, на раҳм-шавқат, диёнат бор экан.

- Мен Бухородан келаяпман, дедингиз, сиз ахир Кўқонда эдингиз, адашмасам.

- Ҳа, шундай, беглар беги жаноблари. Ўшанда Бухородан Шахрисабзга келгач, сиз билан кўришиб, Кўқонга кетган эдим. Ўзингиз биласиз. Кўқонда кўп шоирлар макон топишган. Хон бизларга яхши шароитлар яратиб берганидан ижодимиз гуркираб ўсаётган эди. Ўтингиз ўчгур Насруллохон шоирларни ҳам тўм-тарақай қилди. Мени мажбуран Бухорога олиб кетди.

- Насруллохон яна Шахрисабзга ҳужум қилса керак,-деган ҳадикда эдик,-деди Парвоначи. - Бурни тагида Шахрисабз турганида, Кўқонга ол солган эканда, баччағар.

- Ҳа, Насруллохон Шахрисабз ба Ки-тобни тобе қилдириш осон эмаслигини яхши билган. Шу боис яқиндаги куйрукдан, озоқдаги ҳолва яхши деган мақолга амал қилиб, Кўқонга юриш қилган.

- Энди менга айтинг, мавлоно,-деди Парвоначи,-Бухорони тарк этишингизга сабаб на бўлди?

Мавлоно Жўнайдулло Ҳоziқ Хўжакули Парвоначига Бухорода юз берган воқеаларни сўзлаб берди. Амир Насрулло Кўқонни эгаллаб, қилган хунрезликларидан мамнун ҳолда Бухорога қайтмоқда. Олдинда амир ўтирган фойтун, ўртада аскарлар, орқада Кўқондан банди қилиниб олиб келинаётган асирлар, зиёлинамо кишилар, орқадан уларни кузатиб бораётган навкарлар бормоқда.

Мана, узоқдан Минораи Калон кўзга ташланди. "Демак, пойтахт Бухорои ша-

рифга жуда яқин қолибмиз", узоққа чўзилган аскарлар ва мажбуран келаётган одамлар сафида бўлган Ҳоziқнинг хаёлини жарчининг гулдурос овози бузиб юборди:

- Олампаноҳ амиримиз буюрдилар! Шу ерда тўхтаймиз. Ҳамма, ана соя-салқин жойда жамулжам бўлсин, - деб жарчи қўли билан амирининг соябон фойтунни тўхтаган жойни кўрсатди.

Бунинг боисини билмаган Ҳоziқ ҳам катта даврага кўшилди. Бухоро томонидан карнай-сурнай овозлари эшитилиб, тез орада отлиқлар, башанг кийинган амалдорлар етиб келишиб, амирга таъзим бажо қилдилар. Бу ерда амир Насруллохоннинг Кўқонга қилган зафарли қоришини олқишлаш тантанаси бошланди. Амир ва унинг шавкатли аскарлари шайнига олқишлар янграмоқда. Сарой шоирлари амир Насруллохонни ўз шеърларида мадҳ этишмоқда.

Шоир Ҳоziқ четроқда ўтириб, амирни куқларга кутараётган маросимни хотиржам ва бефарқ кузатиб ўтирибди. Кутилмаганда амирнинг мулозимларидан бири Ҳоziқнинг олдига келиб, дўқ-пўписа билан деди:

- Сизни олампаноҳ амиримиз ҳузурларига чақиряптилар. Тез юринг!

Мавлоно Ҳоziқ уст-бошини қоқиб, ўзини тартибга келтиргач, амир ҳузурига борди. Унга эгилиб, таъзим қилди.

- Қани, шоир Ҳоziқ, сиздан ҳам эшитайлик. Менга аталган нима бисотингиз бор? Бошқа шоирларни тинглаб ўтирасизми? Сизни катта,забардаст шоир дейишади. Навбат сизга!

Мавлоно Ҳоziқ бир зум ўйланиб қолди: "Бу каллакесарни қандай мақтайин, қилмиши шунга арзийдими?! Виждонимга қарши қандай борайин? Йўқ! Бир бошда бир ўлим. Қисматимда не бўлса, кўрарман". Давра сут куйгандек тинч, ҳамманинг нигоҳи шоирда. Шунда довьорак шоирнинг овози давра узра янгради:

**Бўриди бар қади худ аз маломат,
Анбосе то ба домони қиёмат.**

(Сен ўз бўйнингга маломатдан бир тўн бичдинг, шу маломат тўни устингда то қиёмат кунигача қолажак)

Амир Насрулло шоир Ҳозиққа қаҳр-ғазаб билан қаради, аммо ҳеч нарса демади. Ўқ нишонга аниқ теккан эди. Тантанадан файз кетди. Мулозим амалдорлар амирнинг ғазабли нигоҳидан ўзларини олиб қочдилар, мум тишладилар. Амир Насрулло тезда фойтунга чиқиб, Бухоро томон йўл олди...

Ҳужақули Парвоначи Мавлоно Ҳозиқнинг ҳикоясини тинглар экан, секин деди:

-Ҳа, амир шаънига бундай хавфли байт ўқишга ҳамма ҳам журъат қилаолмайди, Мавлоно ҳақиқий марднинг ишини қилибсиз. Аммо амир Насруллодан ҳар қандай ёмонлик кутса бўлади, у сизни ҳам аяб ўтирмас, деб уйлаётган.

-Ҳа, тўғри айтасиз, беглар беги жаноблари. Амирнинг кўпчилик олдидан шарманда қилганимнинг оқибати нима бўлишини билиб турибман. Дустларим, тезда Бухородан чиқиб кетиб, яширишни маслаҳат беришди. Паноҳ излаб, Шаҳрисабзга - сизнинг ҳузурингизга келдим. Шаҳри Кеш Насруллохон учун ҳаммиша бўйсунмас, қули етмас қалъа бўлган.

-Хотиржам бўлинг, шоир. Сизни қонхўр Насрулло қўлига топшириб қўймаймиз. Вақт ҳам ярим кечадан ошди. Сизга жой ҳозирлаб қўйишган, бориб дамингизни олинг. Қолган гапларни эртага давом эттирамиз. Тунингиз хайрли бўлсин!

Ҳужақули Парвоначи укаси Бободоҳоқ фитнасини бостириб, уни бадарға қилгач, Шаҳрисабз ва Китобнинг мутлоқ ҳокими- беглар беги маснадига эришган эди. Унинг ижод аҳлига, ҳурмати катта бўлиб, шоиру адиблар гурунгида катнашиб турарди. Шоир Ҳозиқ билан ҳам қадрдон эди. У Китобдаги маҳалалардан бирида Ҳозиқни алоҳида ховли-жой билан таъминлади, қўриқчи ҳам қўйди.

Ҳужақули Парвоначининг амри би-

лан Мавлоно Ҳозиқ ҳокимлик девонига ишга қабул қилинди. У яна ижодга, шеър-ғазаллар ёзишга киришиб кетди, табобат илмидан хабардорлиги учун беморларни даволаш ишлари билан ҳам шуғулланди.

Бир кун ишдан биров эрта қайтиб, ғазал битиш билан банд эди, дарвоза тақиллаб қолди. "Ким бўлди экан?" деган ўй билан чопиб бориб дарвозани очган эди, ўзи таниган ва нотаниш меҳмонларни кўриб қувониб кетди:

-Э, қадамларингизга ҳасанот, кулбаи вайронамга хуш келибсизлар! Қани, ич-

карига марҳамат,- деди Ҳозиқ, Мавлоно меҳмонлар билан кучоқ очиб кўришди. Дастурхон атрофида гурун авж олди.

-Сизни ушру хонадонда яшаётганингизни яқинда эшитдик,-деди қорачадан келган соқолига оқ оралаган оқ ятакли меҳмон. Сизни Кеш тупроғи яна ўзига тортибдида, мавлоно.

-Ҳа, Кеш муқаддас замин Мулла Қурбон, жавоб берди Ҳозиқ. -Бу ерда не не улуглар ўтган,-Мусофирларга меҳмондуст бағрини очган. Ҳакимхон Тўрани ҳам бу диёрда кўрганимдан мамнунман...

-Мавлоно, рост айтасиз,-гапга аралашди. Муҳаммад Ҳакимхон Тўра. -Менинг ҳам киндик қоним тўкилган Қўқондан чиқиб кетганимга бир неча йил бўлди, кўп шаҳарларда яшадим. Мана, ҳозир кўриб турганингиздек, бағри кенг, қалби дарё, меҳри иссиқ шаҳрисабзлик дўстларим бағридаман. Қонхўр амир Насруллохон Қўқон устига бало ёғдирди, жияним Маъдалихон, унинг онаизори шоира Нодирабегимни қатл этганини эшитиб, юрак-бағрим эзилиб кетди. Гарчи Муҳаммад Алихон хонлик тахтига ўтиргач, падари бузрукворим ва каминага кўп азиятлар етказган бўлса-да, жигарим эди, шу боис ёш умри хазон бўлганига чинакам ачиндим. Келинлар, суҳбат мавзусини ўзгартирайлик. Хўш, Мавлоно, ижод қалай бўляпти? Шеър-ғазаллар ёзиб турибсизми?

-Э, Ҳакимхон, шеър ёзмасдан бўлар-канми? Дардларимни шеъру ғазалларга тўкиб соламан. Кеча бир шеърни бошлагандим, бугун тугатдим.-деди Ҳозик камтарлик билан.

-Қани эшитайлик, Мавлоно,- дейишди бир овоз билан меҳмонлар.

Ҳозик дафтарни қўлига олиб, шеърни зўр эҳтирос билан ўқий бошлади:
Ҳар замон ошиқларда ул моҳитоб

устиндадур,

Қатл этарға қоши ижтиноб

устиндадур.

Келди майдон соридин от ўйнатиб,

қатл этгали,

Ишқ элининг холи гўё илтиҳоб

устиндадур.

Ул қаро гесўзидур ишқ аҳли

охидин қаро

Мор янглиғ тўлғанурким, печутом

устиндадур

Сурмадим дурким қаро ул икки жоду

кўзлари,

Ишвасидин ишқ элин жону азоб

устиндадур.

-Барокалло, барокалло!- дейишди ғазални тинглаб бўлғач дўстлари. Зўр шеър чиқибди, ошиқнинг туйғу ва изтиробларини гўзал ташбеҳларда тасвирлабсиз, Мавлоно.

-Нима, бирор моҳичеҳра юрагингиздан урганми дейман,- деди кулиб Мулло Курбон Хиромий.

Ҳамма гуриллаб кулиб юборди.

-Ҳе, мендек бечораю ғарибга ким ҳам кўнгил кўярди, Мулла Курбон,- дея жавоб берди Жунайдулло Ҳозик. Ёшим элликка яқинлашиб қолди, ҳамон бўйдоқман. Падари бузрукворимиз Ҳиротда туғилган бўлса ҳам турли шаҳарларда яшаган эканлар. Мен ҳам падаримиз йўлидан бориб, дарбадарликда кўп шаҳарларни кездим, Бухоро, Хоразм, Қўқонда умргузаронлик қилдим. Шаҳрисабзда ҳам бир муддат турганман, мана ҳозир Китобдаман. Оила куриш, фарзанд кўриш қисматимда йўққа ўхшайди... Яхшиси, Мулла Курбондан шеър эшитсак, нима дейсизлар?

-Жуда яхши,- Ҳозикнинг гапини маълумлашди даврадошлар.

-Ота-боболарим юрти, киндик қоним тўкилган масканим ҳақида бир шеър ёзган эдим. Агар ҳозир бўлсаларинг, ўқиб берай. Буни "Равно ва Зебо" дostonимга ҳам киритганман.

-Бажонидил тинглаймиз, Мавлоно,- дейишди ижодкор дўстлари.

Ғаразким, Шаҳрисабзи жаннатойин,
Ки топди тангри лутфи бирла

тазийн.

Ики жониб, ики дарёи маввож,
Фалак юзига мавжидин уриб кож.

Ҳисори етти, кўқдин бош ошурғон,

Фалак буржиға буржи таън урғон.

Тутиб шаҳр ичра ҳар жониб хиёбон,

Ери пайваст сумбул бирла райҳон.

На юздин булмасин фасли баҳори

Утар ҳар кучасидин жўйбори.

Саросар ер юзидир сабзаи тор.

Дегайсенким, инибдур чархи ахзар.

Ариғлар ҳар тарафдин жадвали сим,

Енида сабза-мўяк анга таслим.

Улушни сайд этар андохки, махваш,

Бу юздин дерлар они Кеши дилкаш.

-Шеърда шахри Кешнинг таърифи ҳазрат Навоийнинг мадҳидан кам бўлмади. Ижодингизга Аллоҳ барака берсун,- дейишди даврадошлар. Шундан сўнг ёш шоирлардан Шавқий ва Валий ўстозларига ўз ижод намуналаридан ўқиб беришди, улардан шеърят бобида маслаҳатлар олишди.

-Мавлоно Муҳаммадхон Ҳакимбек Тўра,-унга мурожаат қилди шоир Ҳозик,- бизлардан шеър, ғазал тингладингиз. Гарчи сиз шоир бўлмасангиз ҳам, тарихни, мозийни тилга киритдингиз. Бу соҳада сиздан ўтадиганлар кам. Ҳозир тарих бобида нималар билан машғулсиз, эшитайлик.

- Кўп мақтаб юбордингиз, мавлоно,- деди Ҳакимхон Тўра.-Дарвоқе, тарих-ҳақиқат тарозиси, агар ўтмишда ўтган аждодларимиз иши тарих саҳифаларига битилмас экан, мозийни қандай билламиз, келгуси авлодларчи? Ҳозир катта ишга қўл урганман. "Мунтахаб ут-та-

ворих" номли китоб устида ишляпман. Унда Бухоро ва Қўқон ҳукмдорлари тарихини баён этиш ниятидаман. Китобда шу даврда Шаҳрисабзда кечган воқеалар ҳам баён этилади. Аллоҳ ажалга сабр, каминага танисихатлик, илҳом берса, китобни яна тўрт-беш ой ичида тугатишга ҳаракат қиламан.

-Аллоҳ ниятларингизни мустажо айласин. Иншоаллоҳ "Мунтахаб ут-тавориҳ" тарихий китоблар қаторидан жой олиб, авлодларга мерос бўлиб қолсин.

Ҳозикнинг дуосига даврадагиларнинг ҳаммаси қўл очиб қўшилишди.

Алқисса, энди Бухорои Шарифдаги воқеаларга қайтайлик.

Амир Насрулло шоир Ҳозик ўзи ҳақида ҳақоратомуз шеър ўқигач, гарчи кўпчилик олдида шайхга захрини сочмаган бўлса ҳам, саройга келгач ўзини кучсиз, амирга хос бўлмаган нотавон, оддий бир одамдек ҳис қилди. Шоирга нисбатан иссиғида давқулодда чора кўрмаганидан пушаймон бўлди қулоғида "Маломат", "Қиёмат" деган сўзлар такрорланаверди.

Тонг отиши билан Вазири Мулло Раҳмонберди Маҳмуд бин Ниезберди Туркманни чақиртирди.

-Ассалому алайкум, зоти олийлари! Умрингиз узоқ бўлсин, шуҳратингиз оламро ёйилсин!-дея вазир икки буқилиб амирга таъзим қилди. Вазири аъзам Насруллохоннинг қовоғидан қор ёғаётганини кўриб қўрқиб кетди.

Амир унинг саломига алик олмай, қўли билан чап томонни кўрсатди. Вазир ярим тик, ярим букил ган ҳолда амир кўрсатган жойга бориб чўккалади, унинг нима дейишини кутди.

-Вазири аъзам кеча шоир Ҳозикнинг ўқигон шеъри ҳақида не дерсиз?-сўради амир.

-Ҳамма шоирнинг Қўқондан ғолибона қайтишингиз шарафига ўқигон шеърлари, бир бўлди-ю, нобакор Ҳозикнинг шеъри бир бўлди. Сизни беҳурмат қилди, юзимни ерга қаратди, бу кўрнамак, нонкўр Бухорода яшаганида ичи-

да нималар борлигини билмаган эканмиз. Бекорга Шаҳрисабз орқали Қўқонга яширинча кетмаган экан, баччагар, ҳозир аслида кимлигини ошкор қилди. Уни қилмишига яраша жазоламасангиз, ҳаддидан ошиб кетади, ҳазрат олийлари.

-Кечадан бўён шуни ўйлаб турибман. Уни аркка қўл-оёғини боғлаб келтиринглар! Унга мен, Насруллохонга тил текизиш оқибати қандай бўлишини кўрсатиб қўяман! Менга қарши шеър ўқиган тилини, шеър ёзган қўлларини кесаман! Вазир Раҳмонберди Туркман шоир

Ҳозикни топиб келтириш учун айғоқчилар ва миршабларни жалб қилди. Улар Бухоронинг кириб чиқмаган жин кўчаларию хонадонни қолмади. Аммо шоир Ҳозикнинг дарагини эшитишмади. Тоқати тоқ бўлган амир Насрулло яна вазирини йўқлади.

-Уч хун бўлаептики, нега Ҳозикни хузуримга олиб келмаяпсизлар?-вазирга бақирди амир. Нима у ер остида ғойиб бўлибдими, ё осмонга учиб кетибдими, вазир жаноблари?

-Биз ҳам ҳайронмиз, олампаноҳ. Кидирмаган жойимиз қолмади. Ҳозик ими-жимиди Бухородан куён бўлганга ўхшайди. Энди бошим кетади деб ўйлаб яширинган бўлса керак. Аммо Бухорода эмаслиги аниқ.

-Қаерга кетган бўлиши мумкин, у зоти паст?-савол берди амир. Хойнаҳой у Шаҳрисабздан бошқа жойга боролмайди. Сиз нима дейсиз, вазири аъзам?

-Тўғри айтасиз, давлатпаноҳ. Шаҳрисабз азалдан қочган-писинганлар учун бошпана бўлиб келган. Ўзингиз биласиз, Дониёл оталиқ тахтидан айрилган Афғонистон амири Дўстмуҳаммадхонни кучоқ очиб кутиб олган эди. Бу меҳмондўстлиги учун Дўстмуҳаммадхон яна ҳокимият тепасига келгач, кенагасларга тўп асашда ёрдам кўрсатди. Тарихчи олим Муҳаммад Ҳакимхон Тўра ҳам ҳозир Шаҳрисабзда эмиш. Қўқондан бошқа шоиру фозилларнинг ҳам оёғи

узилмайди. Хўжақули Парвоначи аввал ўтган валломийлар каби сиз билан бекинмачоқ ўйнагандек, уларга меҳмондўстлик қилаяпти. Ишончим комилки, шоир Ҳоziқ ҳам Парвоначини соя қилиб Шаҳрисабзга қочиб кетган кўринади.

-Мен ҳам шундай фикрдаман,-деди амир Насрулло .-Аммо мендан қочиб қутилиб бубсан, Ҳоziқ! Танангдан жудо қилинган бошингни кўрмагунимча тинчимайман. Вақтни бой бермай, Ҳоziқни нариги дунёга жўнатадиган одамлар топиб, тезда Шаҳрисабзга жўнатиш!

Вазир шоир Ҳоziқни ўлдириш учун кимни ёллаш ҳақида чуқур ўйлади. Тўсатдан калласига ялт этиб келган фикрдан қувониб кетди. Дарҳол зиндон бошлиғини чақирди. У бу қалтис ишни силлик бажарадиган "Дўшабой" исмли маҳбусни тилга олди. Дўшабой ўғрилиқ қилгани, бир неча одамнинг умрига зомин бўлгани учун бир неча йилдан буён зиндонда эди. Вазир қотилликни Дўшабойнинг якка ўзи қила олмаслигини айтганида зиндон бошлиғи яна икки маҳбусни тавсия этди. Уччала каллакесар билан вазирнинг ўзи гаплашиб "Агар бу ишни урдасидан чиқсанглар, давлатпаноҳ амирингиз, сизларга овозлик ваъда қилдилар", деди.

Уччала маҳбус узоқ вақтдан буён қайчи, устара кўрмаган соч-соқолини олдириб, ювиниб-тараниб, ҳеч кимга шубҳа туғдирмайдиган даражада кийиниб, Шаҳрисабз томон жўнашди.

Қотилликни мўлжаллаган зиндонийлар шаҳарга етиб келишгач, мусофирхонада жойлашишди. Кичик бир хужрада уччаласи ўрнашиб, пухта режа тузиб олишди.

-Пўлкан, сен Китобга борасан,- деди Дўшабой бурни пачоқроқ, кўзи ғилай, чап жағи сал осилган ҳамроҳига.-Китобнинг бозорига кир, емакхоналар, чойхоналарга бор. одамларнинг гапига кулоқ сол, шоир Ҳоziқ ҳақида сўз юритиб қолишса, тусмоллаб саволлар бериб кўр, лекин ҳеч ким сендан шубҳа қилмасин. Мен Эшқори билан Ҳоziқнинг изини

Шаҳрисабздан излаймиз. Амирнинг буйруғини бажарсак, уччаламиз ҳам зиндондан бутунлай қутиламиз. Йўқса, амир бизни ё ўлдиради, ё зиндонда чиритиб юборади. Уқдингми?

-Пўлкан "ҳа" дегандай бошини сарак-сарак қилди. Нияти бузуқ уччала зиндонбанд тўрт-беш кун Шаҳрисабз ва Китобнинг одам кириб чиқадиган жойларини искович итдек ҳидлаб чиқишди, аммо шоирдан дарак топилмади. Бу гал Пўлкан хужрага оғзининг таноби қочгандек кириб келиб, Дўшабойга кулиб қаради.

-Ҳа, тилла топган тентакдай иржаёсан,-сўради Дўшабой.

-Топдим, топдим,-ҳовлиқиб гапирди Пўлкан.

Хумпар, қани гапир, нимани топдинг?

-Китоб бозорини айланиб юргандим,-гап бошлади Пўлкан,-четроқда тўрт киши гурунглашиб турган экан. Тескари қараб, уларнинг гапларини тинглаб турдим. Урта яшар, қора телпакли киши ҳамманинг диққатини ўзига тортиб, Ҳоziқ номини тез-тез тилга олди. Бироздан кейин улар тарқалишди. Мен қора телпакли одамнинг орқасидан эргашдим. У билан саломлашиб, Кўқондан келганимни айтиб, "уйини билганимда бу кеча ўниқиде меҳмон бўлиб, эртага Шаҳрисабзга кетардим" дедим. Қора телпақлининг исми Каримберди экан. Каримберди Ҳоziқнинг уйини билишини, ўзи унга яқин хонадонга яшашини айтди. Гапнинг қисқаси, танишимнинг ёрдами билан Ҳоziқнинг яшаш жойини аниқлаб келдим. Бозордан унча узоқда бўлмаган Телпақдўз гузариде яшар экан.

-Ҳақиқий изқувар экансан, Пўлкан,- деди хурсанд бўлган Дўшабой. Эртага тунда ишга киришамиз. Сен Эшқори, бозор тушиб, йўғон арқон олиб кел! Ундан арқон-нарвон тайёрлаймиз. Ҳовлига дарвозадан эмас, баланд девордан ошиб киришимизга тўғри келади.

Эрталаб Шаҳрисабздан чиқиб, Кито-

бдаги мусофирхонага жойлашган уччала ёвуз ниятли ғаламислар тун ярмидан ошганда, Шоир Ҳозиқнинг уйи томон йўл олишди.

Кўчаларда одам қораси кўринмайди. Ерда қор бўлмаса ҳам, қора совуқнинг шашти баланд, мўрилардан таралаётган аччиқ тутун ҳиди димокқа урилади. Олдинда йўл бошловчи Пўлкан, орқада Дўшабой, кейин Эшқори боришяпти.

Пўлкан катта тут дарахти олдида келгач, орқага ўгирилиб тўхтади. Кўлини бигиз қилиб, ўзидан ўн беш-ийғирма қадам наридаги бир табақали дарвозаси бор уйга ишора қилди. Дарвоза олдида ғираширада яланғоч дарахтлар қорайиб кўринадди. Улар бир зум тўхтаб, нималарнидир режалаб олишди, кейин ҳовли-жойнинг ўнг томонидаги девор томон раво на бўлишди. "Тик" этган товуш чиқармай, девор ошиб ҳовлига тушишди. Уларни на уйчасига кириб кетган қопағон ит, на ҳовлини чап бурчагидаги хонада дам олаётган хизматкор сизди.

Дўшабой Пўлканга дарвозанинг зулфини тушириб кўйишини буюрди, Эшқорини атрофни кузатишга кўйди-да, ўзи Ҳозиқ турадиган хонага қараб кетди.

Эшикни секин очиб, ичкарига муралади. Хонада шам ёниқ, Мавлоно Ҳозиқ ҳали бедор бўлиб, ижод оғушида эди. Дўшабой зулфин билан хона эшигини секин тақиллатди. Ҳозиқ ёзувдан бошини кўтариб, чўчиб тушгандай эшикка қаради. Кўлида пичок ушлаган дароз, қорамағиздан келган одамни кўрди.

-Мени Дўшабой ўғри дейишади, - деди у Ҳозиққа тик қараб.-Шерикларим билан Бухородан келдим. Сизга меҳмон бўлиб эмас, жонингизни олгани келдик, дея кўлидаги пичокни кўрсатди.-Бу амир Насруллонинг топшириғи. Биламан, сиз халқ яхши кўрган шоирсиз, лекин не қилай, менга ҳам жон ширин. Бир неча йилдирки, зиндонда азоб чекяпман. Шу ишни бажарсак, амир мени ва шерикларимни озод қилишга ваъда берган.

-Дўшабой!-деди Мавлоно Ҳозиқ, ўлим кутаётганини сезса ҳам босиқлик билан,

менку тақдиримда Аллоҳ нени ёзган бўлса, кўраман. Шунга розиман. Лекин Насруллохон сизларни авф қилишига ишонмайман, у лафзига ҳеч қачон амал қилмайди. Ҳозиқ сўзини тугар-тугатмас, Дўшабой унинг олдида яшин тезлигида келиб, кўкрагига уч марта пичок санчди. Шоир юрагини чангаллаб, "Уҳ"! деб хонтахта устида йиқилди. Хонтахтага қон сачради, шеър битилган қоғоз қон билан бўялди.

Дўшабойнинг шериклари ҳам хонага кириб келишди. Дўшабойнинг ўғрилиқ қилиб, одам ўлдириб, дийдаси тошдек бўлиб кетганди. Шоирнинг танасидан бошини жудо қилганида ҳам сесканмади. Ҳозиқнинг бошини халтага солган уч қотил тезда шоир хонасидан ғойиб бўлишди.

Тонг-сахарда Мавлоно Ҳозиқнинг ҳовлисида тумонат одам йиғилди. Тунда юз берган қотилликдан ҳамма хангу-манг. Уларни "Шоирни ким ўлдирган, нега тана бошсиз? Мавлоно кимга ёмонлик қилган экану, ундан уч олган бўлса?" каби саволларни, бир-бирига беришарди.

Ҳозиқнинг яқин ижодий дўстлари Мулла Курбон Хиромий ва Ҳакимхон Тураниннинг кўзларида ёш. Бу нохуш воқеадан хабардор бўлган Хўжақули Парвоначи ҳам яқин амалдорлари билан етиб келишди. Парвоначи Ҳозиқнинг жасади кўйилган хонага кириб, майитнинг устидаги оқ матони кўтарган эди, бошсиз танани кўриб "Уҳ!" деб юборди. Эшитилар-эшитилмас "Қотиллар" деб кўз ёшини тияолмади. Парвоначи шоирга бошпана бериб, ғамхўрлик қилган бўлса ҳам, қотиллардан ҳимоя қилаолмаганидан изтиробда эди.

Шоирнинг жанозаси пешин намозидан кейин, Китобнинг жомеъ масжидида ўқилди. Таомилда бўлмаса ҳам Хўжақули Парвоначининг ишораси билан имом-хатиб Мулла Курбон Хиромийга сўз берди:

-Азиз мўмин-мусулмон биродарлар! Биз бугун шоир, таржимон, табиб Жунайдулло Ислошайх ўғли Ҳозиқни сўнгги

йўлга узатмоқдамиз. У қисқа умр кўрди, аммо Аллоҳ ризолиги йўлида кўп хайрли ишларни қилди, ўзидан "Юсуф ва Зуллайхо" достонини, кўплаб шеърларга эъза қилди, форсчадан бир неча асарларни ўзбекчага ўғирди. Мавлоно Ҳозикнинг жонига ким қасд қилган бўлса, у ўтакетган пасткаш, диёнатсиз, виждонсиз одам.

Шоир Ҳозикнинг киндик қони Ҳиротда тўкилган бўлса, сўнги қони Китобда тўкилди. Шоирлар одатда, жисмонан ўлса ҳам, маънан ўлишмайди, ўз асарлари билан эл қалбида яшайди. Шоир Ҳозикни ҳам иншааллоҳ, халқ ҳеч қачон унутмайди.

Жунайдулло Ислоншайх ўғли Ҳозик 1843 йил 15 январ куни Китоб шаҳридаги "Мулла Охунд" қабристонининг энг баланд жойида Шайх Абу Бакр Китобий билан ёнма-ён дафн этилиб, кейин икки қабри устига узок-узоклардан кўзга ташланиб турадиган мақбара қурилди.

Дўшабой ва унинг шериклари уша пайтда Қаршида турган амир Насрулло-хонга шоир Ҳозикнинг бошини олиб келиб кўрсатишди. Ҳозикнинг ўлими олдидадан айтган гапи тасдиғини топди. Амир Насрулло лафзида турмади. Бухорога бориш йўлида уч нафар қотил ўлдирилди. Амир Насруллохон қорлар ёғди, излар йўқолди деб ўйлаган эди. Аммо шоир Ҳозикнинг ҳақиқий қотили Насруллохон эканлиги, кўп ўтмай ҳаммага аён бўлди.

Бу маъшум қотиллик юз берганидан ўн уч йил ўтиб, Амир Насрулло, ниҳоят Шаҳрисабзни эгаллади. Кўп кишиларни қиличдан ўтказди. Шаҳрисабз беклар беги Хўжақули Парвоначи ва Даҳяк кўрғони ҳокими Ёқуббекни ҳибсга олиб, Бухорога жўнатди. Ёқуббекнинг хотини, Дониёл оталиқнинг қизи, ҳусну малоҳатда тенги йўқ, гўзаллар гўзали Кенагас ойим номи билан маълум ва машҳур Фотима ойимни икки боласидан айириб, уни хотинлари сафига қўшди.

Хўжақули Парвоначи, Ёқуббек, унинг икки фарзанди қатл этилди.

Уч йилдан буён Насруллога рўйхуш бермаган, ёстиқдош бўлмаган Кенагас ойимга бу қотилликлар маълум бўлгач, унинг қалбида интиқом ҳисси жунбушга келди. "Қандай қилиб, амирдан ўч олсам бўларкин?" деган саволга жавоб топиш унга тинчлик бермади. Ниҳоят, жавоби топилгач, кўнгли ёришди.

Амир Насрулло яна уч йил ўтиб, Шаҳрисабзга навбатдаги юришдан қайтиб, оқшом тушиши билан Кенагас ойимнинг ётоғига кирди. Кенагас ойимнинг унга илиқ муомаласи, жон олгучи табассумидан мамнун бўлган амир у билан анча вақт сурунглашди. Узоқ йўл босиб, чарчаганиданми, болишга ёнбошлаб ухлаб қолди.

Кенагас ойим Даҳяқда устози Раҳимулло Бек Мирзо Шафеий ҳазратлари берган, эҳтиёт қилиб сақлаб юрган маржонни қўнидан чиқариб, ичидан юраксимон шиша мунчоқни олди. Ҳазрат уни Кенагас ойимга ўзи учун энг ёвуз душманга ишлатишни тавсия қилган эди. Кенагас ойим шиша мунчоқни амирнинг ўнг қўлига тепасида қўли қалтираб ушлаб турар экан, кўз олдида амир қотили бўлган Нодирабегим, Мавлоно Ҳозик, Хўқули Парвоначи, ёстиқдоши Ёқуббек, жондан азиз фарзандлари намоён бўлди. Улар гўё "ҳеч иккиланма, дадил бўл, интиқом пайти келди!" дея нидо қилаётган эдилар. Кенагас ойим ўзини қўлга олиб, мунчоқ ичидаги симобни амирнинг қўлига қўйди...

Кўп вақт ўтмай амир Насрулло қўлини чангалганича чинқириб ўйғонди, талвасага тушиб, ўзини гоҳ чап, гоҳ ўнг томонга ағдариб, телбаларча ҳаракат қила бошлади. Табиб бу қўлоққа томирилган симобнинг иши эканини аниқлади. Кенагас ойим ўлимга буюрилди. Аммо амир Насруллонинг аҳволи яхшиланиш ўрнига, оғирлашди. Уч кун дўзах азобини бошидан кечирди, оҳ-воҳ чекиб, ахийри жони танани тарк этди.

Жасадсиз мақбара

Ота юрти-Кешга яқинлашгач, олисдан Оқсаройнинг зумраддек товланиб турувчи пештоқларини кўриб, ҳаяжондан юраги ҳапқириб кетди.

Ўзига тенги йўқ бу ҳашаматли, осмонупар кошона гўё "Мени бунёд эттирган, гўзалликда танҳо қилган Соҳибқироним, тезроқ кел қошимга, кўзларим сенга нигорон" деяётгандек эди.

Кечга яқин Соҳибқирон ва ҳамкорлари жанубий дарвозадан шаҳарга кирди. Тунни Оқсарой билан тутшиб кетган боғда ўтказган ҳазрат Соҳибқирон тонгни сабрсизлик билан кутиб, янги кунни марҳумлар зиёратидан бошлади. Пири Шамсиддин Кулол, падари бузруквори қабрини тавоф қилди. Курдистонда шахид бўлиб, Шероздан келтириб, қайта дафн этилган Умаршажи Мирзо қабри устида кўз ёши туқди, кенжа ўғли Жаҳонгир Мирзо мақбарасига кирганида дили янада вайрон бўлиб, ҳаёл дарёсига ғарқ бўлди: Жаҳонгир Мирзо, тахт ворисим, ишонган тоғим эди, мен қилолмаган ишларнинг давомчиси бўларди. Афсус, ёш кетди: Улим ҳақ, ёшу кексага баробар. Бу дунёга ҳеч ким устун бўлмайди. Бир кун келиб мен ҳам... Шу сўзларни ҳаёлидан ўтказар экан, унга фавқулудда бир фикр келди: "Мен учун қадрдон бўлган жигарбандларим, яқинларим, хешу ақробаларимнинг ҳокипоки шу ерда. Эртами, кечми мен ҳам бу фоний дунёни тарк этурман. У ёғи тақдирдан, омонатимни топширгач, камина ҳам улар ёнига қўйилсам".

Амир Тему́р Оқсаройга қайтгач, меймор ва муҳандисларни чақиртириб, Жаҳонгир Мирзо мақбарасидан ўттиз-қирқ қадам нарида ўзи учун мўлжалланган мақбара лойихасини тайёрлашни буюрди, унинг қурилиши бўйича ўз кўрсатма-маслаҳатларини берди. Лойиҳа тайёр бўлгач, уни кўздан кечирган Амир Тему́р тегишли ўзгартиришлар киритиб, мақбара қурилишини дарҳол бошлашга амру фармон берди.

Ўарбий юришлардан қайтишда, ал-

батта Шаҳрисабзга кириб ўтиб, мақбара қурилиши боришидан ҳам хабардор бўлиб турди. Кўркамликда Кешдаги бошқа маҳобатли бинолардан қолишмайдиган Амир Тему́рнинг сўнгги бека-ти, абадий кўним жойи бўлишга мўлжалланган мақбара битиш арафасида эди...

Соҳибқирон узоқ йиллардан буюн ният қилиб юрган Хитойга юриш қилиш учун 1404 йил 27 ноябрда катта кўшин билан Самарқанддан чиқиб, 1405 йил 14 январ куни Ўтзорга етиб келган пайтда қаҳратон қиш, совуқнинг зўридан дарёлар ҳам музлаб қолганидан Ўтзордан кун чиқар томон юришнинг иложи бўлмади. Боз устига 11 феврал куни Амир Тему́р бетоб бўлиб қолиб, машҳур табиб Мавлоно Фазуллоҳ ҳар қанча уринмасин, лард энгиллаши ўрнига авж олди. 15 февралда Соҳибқирон бу фоний дунё билан видолашди.

Амир Тему́рнинг қутилмаган вафотидан унинг ёнида бўлганларнинг юраги ғам-ғуссага тулди, бундан кейин қандай иул тутишда бошлари қотди. Фақат кўнни қурган, қатта ҳаётий тажрибага эга, тафаккури кенг амиру амалдорлар вазиятга тўғри баҳо беришди. Бу ҳақда муаррих Шарофиддин Али Яздий шундай ёзади: "Соҳибқироннинг воқеъасини яшурдилар ва оғоларни йиғламоқ ва зоридин манъ қилдиларким, душманлар бошқа хабар топмағайлар..."

Шаҳзодалар ва оғоларким, Ўтзорда эрдилар, панжшанба куни кечаси, ойнинг ўн саккизида (19.02.1405) намози хуфтонда тобутни қумош-хумошлар била тутиб, мухаффа ичида кийуриб, Ўтзордан чиқардилар ва Самарқанд сари мутаважжих бўлдилар".

Тобутни амир Хожа Юсуф, Али Қовчин ва бир неча хос кишилар махсус кўшин билан олиб қайтишди. Улар жуда тез юришди, беш кунда Самарқандга етиб келишиб, Амир Тему́рнинг набираси абадий макон топган Муҳаммад Султон мақбараси томон жадал одимлади-лар ва шу кеча Соҳибқироннинг мубо-рак жасади севимли набираси ёнига

қўйилди.

Амир Темур нега ўзи учун қурдирган сағанаси қолиб, Самарқандда набираси ётган мақбарага дафн этилди? Агар чуқур мулоҳаза қилиб кўрсак, ўша пайтдаги вазият шуни тақозо қилганини тушуниш мумкин. Соҳибқирон вафот этгач, олти кундан кейин тупроққа (қабрга) топширилди, беш кун эса Ўтрордан пойтахтгача йўл босишга кетди. Ўша йил қиш қаттиқ келди, Тахтиқорача довонини ҳам қалин қор босган эди. Бундай шароитда Соҳибқироннинг жасади қўйилган тобутни довондан ошиб ўтиб Шахрисабзга элтиш учун яна бир-икки кун зарур эди. Ислом шариати эса маййитни тезроқ қабрга қўйишни талаб қиларди. Яна бир мулоҳаза. Самарқанд Амир Темур асос солган улкан салтанат пойтахти эди. Бобокалонимиз пойтахтда бир-бирдан кўркам бинолар қурдирди, Самарқандни энг гўзал ва обод шаҳарга айлантириш учун кўп кўч-ғайрат сарфлади. Амир Темурнинг Самарқандда дафн этилиши унинг Жаҳонро (нуфузи, обрў-эътиборининг) ошишига ҳам хизмат қиларди.

Амир Темур вафотидан сўнг теурий зодалар ўртасида унинг васиятига ҳилоф равишда тож-тахт учун кураш авж олиб кетди. Ягона, яхлит давлат майда-майда хонлик ва вилоятларга айланди. Бундан фойдаланган ташқи душманлар юртимизга ҳужум қилиб, шаҳар ва қишлоқларни ҳароб қилдилар, бойликларимизни таладилар. Темур ва теурийлар қурдирган бинолар бузилди, айримлари ярим вайрона ҳолига келди. Шахрисабздаги қатор меъморий обидалар қаторида Амир Темур сағанаси устидаги гумбазли мақбара ҳам қулаб, ер билан текисланиб кетди, ер ости даҳмага олиб тушувчи зиналар ҳам кўмилиб қолди. Аста-секин халқ орасида Темур даҳмаси борлиги ҳам унутилиб кетди.

Ўтган асрнинг 30-йиллари бошида кўча билан қўшилиб кетган сағананинг ёнидан ўтаётган ўрта яшар бир одам оёғи остидаги ёриқа кўзи тушади. Син-

чиклаб қараса, ёриқнинг туби кўринмайди, ташлаган кичик тоши пастга ғойиб бўлади.

Академик Яхё ўломов бошлиқ археолог мутахассислар томонидан текшириш ўтказилганда, унинг кўмилиб кетган ер ости даҳмаси эканлиги аниқланди. Тарихий манбалар, айниқса испаниялик элчи Клавиҳо эсдаликларда ёзиб қолдирган далиллар ўрганилиши натижасида бу иншоот Амир Темур ўзи дафн этилиши учун қурдирган ер ости даҳмаси бўлиб қикди.

1980 йилдан бошлаб Шахрисабз ҳам халқаро туристик шаҳарлар қаторига қўшилиб, кўча шаҳарга дунёнинг турли жойларидан сайёҳлар кела бошлади. Сайёҳлар томоша қилиши лозим бўлган тарихий обидалар рўйхатида Амир Темур мақбараси йўқ эди. Бойи, ёзининг чилласида ҳам ер ости даҳмаси кириш эшигигача зах сувга тўла бўларди.

Ўзим шахсан гувоҳ бўлган бир воқеа ҳақида. 1982 йил ёзида шаҳарга ташриф буюрган Шароф Рашидов Амир Темур сағанасини кўришни ихтиёр этади. Небослар ёрдамида сағана ичидан був ташқарига чиқарилгач, ҳурматли меҳмон ичкарига таклиф этилади.

Кизил империя чангалидан кутулиб, мустақил давлат бўлгач, Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик жараёнида қадимий Кешдаги меъморий обидалар қаторида Амир Темур ер ости даҳмаси ҳам таъмирдан чиқарилди. Зах сувларни қочириш учун мураккаб қувурлари ўтказилди.


Ҳозир чет эллик сайёҳлар ва юртимизнинг турли жойларидан келаётган зиёратчилар Соҳибқироннинг жасадсиз сағанасини ҳам кўриш имкониятига эга бўлмоқдалар. Сизни ҳам, азиз муштарий, ана шу мўъжизавий обидада сиртки "саёҳат"га таклиф этамиз. Мармар зиналардан секин-аста пастга тушамиз. Кўз олдимизда ичи анча кенг даҳма намоён бўлади. У деярли квадрат

(тўртбурчак) шаклида - 6,4х6,1м.ўлчамдан иборат. Сағананинг сатҳи, девори, бостирмаси пардозланган мрамарсимон оҳақтош билан қопланган. Сағананинг шифти эса чодрасимон гумбаз кўринишида қилинган, юқори қисми эса нақшинкор квадрат шаклда бунёд этилган.

Сағана марказида бўйи 2,5 м, эни 1,4 м ва баландлиги 0,73 м.ўлчамдаги тош тобут жойлашган. Сағана билан та-

нишиш жараёнида унинг сиртида, давоклар ҳошиясида, тахмонларда сулс хатининг ҳар хил турида ёзилган қуръоний оятлар, дуоларга кўзингиз тушади.

Сағанани ҳар томонлама тадқиқ қилган қадимшунослар унга меъморий жиҳати ва ички безаклари бўйича Марказий Осиёдаги шу турдаги энг нодир ва йирик обидалар, мусулмон Шарқидаги энг ҳашамдор даҳмалардан бири деб баҳо беришган.



АМИР ТЕМУР

Тақдирдан фол очмоқ бўлган мунажжим,
 Қўйгил қибланамо, устурлобингни.
 Юлдузлар меҳвари қаршимда таслим,
 Зотан, Соҳибқирон дермишлар мени.
 Гўё расадхона - зиндон, мен - маҳбус,
 Бунда тонгга қадар қоламан нечун?
 Не учун шарқона подшоҳларга хос
 Зеб-ҳашамдан менга ҳузур йўқ бу кун?
 Наздимда - аъёнлар, хону қароллар
 Амир Темур кафтин мурдор қилганча
 Беғам сўрашару кўнгилга солар
 Бокира боғларнинг эдин ҳар кеча.
 Дастим ҳаволарда - зулфиқор излар?
 Боқсам - сояларга тўла кўзгулар,
 Чопсам - минг бўлакка бўлинар улар.
 Гал келди сайҳонда базм этгани,
 Дубулғам, болтаму кескир шаҳд қани?
 Қалбни гумон ўртар - бирор ҳодисот
 Темурбек измига зид келса наҳот?
 Тангримга аёндир орзу-армоним...
 Мағрибда Темурбек юлдузи порлар
 Машриқда бошлангач субҳи саҳарлар...



Русчадан Фулом МИРЗО таржимаси

Япон ҳикоялари

ДУ ЦЗИЧУН

1

Бу воқеа баҳор оқшомларининг бирида юз берганди.

Тан давлати пойтахти Лоян шаҳрининг Фарбий дарвозасида бир йигит осмонга хомуш тикилганча турарди. Унинг исми Ду Цзичун бўлиб, бир бадавлат кишининг ўғли эди. Аммо отасининг бор бойлигини ҳавога совурган йигитча, шу даражада қашшоқлашиб қолгандики, ҳатто ейишига бир тишлан нони қолмаганди.

У пайтларда Лоян айна гуллаган шаҳар бўлиб, осмон остида у билан тенглашадиган гўша топилмасди. Унинг кўчаларида одамлару аравалар дарёмисол оқиб борарди. Ботаётган қуёш шаҳар дарвозаларини тилла ранг ёғдуга чуллаган, ён-атрофдан бошига ипак матодан дўппи кийган кексалар, қулоғига туркча олтин сирга таққан аёллар, хил-хил-жиловли оқ дулдуллар бетиним у ёқдан бу ёққа ўтиб турарди... Бу ажиб манзара, моҳирлик билан чизилган суратни эслатарди.

Ду Цзичун бўлса, дарвозага орқаси билан суянганча ҳамон осмонга лоқайд тикиларди.

Баҳор ифори бир текисда шаҳарни қамради-ю, осмонда йиртчиқ тирноғидан қолган тиртиқдай ой ҳам кўришиб қолди.

"Қоронғи тушаяпти, менинг эса кўрним оч-бош кўярга жойим йўқ... минг лаънат бунақанги ҳаётга! Бундан кўра, ўзимни дарёга ташлаб, улганим яхши", - Ду Цзичуннинг миясида ана шундай ёмон ўйлар гувилларди.

Шу пайт кутилмаганда унинг олдида гўё осмондан тушгандай бир кўзи шилпик, бир кўзи ғилай қария пайдо бўлди! Ботаётган қуёш нурларига йўғрилгани туфайли, дарвозада унинг каттагина сояси кўринди. Қария Ду Цзичуннинг юзларига узоқ тикилиб турди-да, амирона деди:

- Нима ҳақда ўйлаяпсан?

- Менми? Нима қилсам экан, деб ўйлаб тургандим. Тунагани икки газли жойим ҳам йўқ.

Қария уни туйқус саволга тутгани учун Ду Цзичун ҳам ер чизганча тўғрисиани айтиб юборди.

- Шунақа дегин! Сенга раҳмим келиб кетди.

Чол бир оз ўйланиб турди-да, қўли билан кўчани чароғон этиб ботиб бораётган қуёшга ишора қилди.

- Сенга бир маслаҳат бермоқчиман, қулоқ сол. Шундай тургинки, қуёш орқангда қолсин-у, соянг олд томонга тушсин. Кейин бошинг сояси тушаётган жойни белгилаб қўй. Тунда келиб ўша ерни кавласанг, бир арава тоза олтин қазиб оласан.

- Ростдан-а?

Ду Цзичун ҳайрат билан бошини кўтарди. Бу не синоат бўлди? Чол гўё ер ютгандай, изсиз ғойиб бўлганди.

Бу пайтга келиб осмондаги ой янада тиниқлашган, ҳад-худудсиз одамлар оқими узра икки-учта бесабр кўршапалаклар гувиллаб уча бошлаганди.

2

Ду Цзичун бир кечада шу қадар бойиб кетдики, Лояндек шаҳри азимда унга тенг келадиган бой топилмасди.

У чолнинг айтганларини қилиб, бош сояси тушган жойни кавлади. Қарангки, у

ердан бир аравага сифмайдиган олтин қазиб олди.

Шу тахлит Ду Цзичун энг бадавлат кишига айланди. У шундайин қаср сотиб олдики, ҳашамдорлик бобида ҳатто император Сюань-цзун билан беллаша оларди. У фақат ланлин шаробини ичар, дастурхонига Гуйчжоудан "аждарҳо кўзи" аталмиш жаннатий мевани махсус келтиришларини буюрар, боғига эса йилда тўрт марта рангини ўзгартирувчи гуллар эккан, зийнат бўлади деб, аллақайқдан оппоқ тустовуқлар келтирганди. Шунингдек, у қимматбаҳо тошлар йиғар, ўзи кимхобу парчаларга ўралиб ўтирарди. Куча-қўйда муаттар хидли аравада сайр қиларди. Энг моҳир усталар унга атаб фил суягидан оромкурси ясашга киришгандилар. Хуллас, унинг ўткинчи ҳою-ҳавасларини санаб адоғига етиб бўлмасди.

Илгарилари Ду Цзичуннинг баъзи ўртоқлари кучада кўрсалар, у билан аранг сўрашишарди. Аммо унинг бойиб кетгани ҳақидаги миш-миш бутун шаҳарга ёпилгач, дўстлари бирин-сирин уни кўргани кела бошлашди. Бу ҳам майлига, энди улар эрталабдан-кечгача Ду Цзичуннинг уйида маишат қилишарди. Буни истовчилар сони эса кун сайин ортиб борарди. Орадан ярим йил ўтиб, Лоян шаҳрида унинг уйига келмаган биронга ҳам санъаткор, гўзал жонон қолмади.

Йигитча кунда, кунора дабдабали зиёфат уюштирарди. Бу байрамларнинг қанчалар ҳашамат билан ўтишини тасвирлашга тил ожиз. Бу ерда фақат Оврўпадан келтирилган шароб ичиладди, ҳинд йўқлари ханжар ютиб-меҳмонлар кўнглини овлар, уй соҳиби эса йигирмата гўзал малак кўршовида ўтирарди. Бир ёнидаги ўн соҳибжамолнинг сочи қимматбаҳо яшим тошидан ясалган нилуфаргуллар билан безатилган, иккинчи ёнидаги ўн розанин эса бошига даъл-ёқутдан ишланган атиргулларни тақиб олганди. Бу гўзаллар найни шундай налешардики, юракларни эри-тиб юборарди оҳанги!

Ўтиб еганга, тоғ чидамас дейдилар. Шу боис дабдабали хуш кўрадиган Ду Цзичун ҳам орадан бир-икки йил ўтиб камбағаллашиб қилганига ҳайрон бўлмаслик керак. Чинданам одамлар тошжорак! Дўстлашаман, деганлар сони минг эди. Энди эса ўзини энг қалин дўстдай тутганлар унинг дарвоза олдидан етти ёт бегонадай ўтиб кетишарди. Ҳатто кўнгили учун ҳам бундоқ муралашмасди!

Учинчи баҳор келган дам - Ду Цзичун яна бир тийинсиз қолди. Лояндек шахри азимда биронга одам уйдан бошпана бермади. Бошпана у ёқда турсин, бир пиёла сувни арзанда қилишди-я!

Шундай қилиб, бир куни шом пайтида Ду Цзичун яна Лояннинг Фарбий дарвозасига жўнади. У йўл бўйида осмонга лоқайд тикилганча ғамгин ўйларга ботиб ўтирарди.

Кутилмаганда, баногоҳ теварагида яна ўша чол пайдо бўлди. Бир кўзи шилпик, бир кўзи гилай! Чол унга ўша саволини берди:

3

- Нима ҳақда ўйлаяпсан?
Чолни кўриб, Ду Цзичун уялганидан бошини эгди-ю, дарров жавоб бера олмади. Бироқ, қария у билан аввалгидай мулойим гаплашди, шу боис йигит ҳам мўминлик билан деди:

- Бугун яна бошпанасиз қолдим. Нима қилсам экан, деб ўйлаб турувдим.
- Шунақами? Раҳмим келаяпти сенга. Болам, бир маслаҳат бермоқчиман. Шундай тургинки, шом кўшидан соянг олди томонга тушсин. Бу сафар кўкрак соянг акс этган жойни кавлагин - бир арава тоза олтин қазиб оласан.

Чол шундай деди-да, зум ўтмай одамлар тўдасига кўшилиб, изсиз бўлди.
Шу куннинг эртасига Ду Цзичун яна осмон остидаги энг бадавлат кишига айланди. Ва яна ҳою ҳавасга берилди. Боғида тусини ўзгартирувчи гуллар қийғос очилиб ётар, гулзор атрофида оппоқ тустовуқлар гулдор патини ютар - хуллас, ҳам-

маси қайтадан такрорланди!

Табиийки, уч йилга қолмай тоғдай олтин ҳазондай совурилиб кетди.

- Нима ҳақда ўйлаясан?

Ду Цзичун қаршисида учинчи марта пайдо бўлган, бир кўзи филай, бир кўзи шилпиқ чол унга яна таниш саволни берди. Билганингиздай йигит бу пайтда Лояннинг Фарбий дарвозаси олдида, баҳорнинг илиқ кунларида янги чиққан ойга хомуш тикилганча турарди.

- Менми? Бугун бош кўярга жойим йўқ. Нима қилсаммикин, деб ўйлаб тургандим.

- Шунақа дегин? Сенга раҳмим келаяпти. Яхши, бир маслаҳат берсам, ўғлим, Куйёшга ортингни ўгиргин-да, белингнинг сояси тушган жойни кавла, шунда бир арава...

Қария фикрини айтиб улгурмай Ду Цзичун кўлини кўтариб, унинг сўзини бўлди:

- Йўқ, менга олтин керакмас.

- Олтин керакмас дейсанми? Ҳах-ҳах-ҳа! Дабдабали ҳаёт жонингга теккан шекилли!

Қария Ду Цзичуннинг сўзларига ишонмай, унга қаттиқ тикилди.

- Йўқ, ҳашамат жонимга теккани йўқ. Ундан ҳам баттароғи бўлди - одамлардан кўнглим совуди, - кескин жавоб берди Ду Цзичун маъюс.

- Буниси қизиқ бўлди-ю? Нега одамлардан кўнглинг қолади?

- Дунёда қанча одам бўлса, бировчасида ҳам раҳмдиллик йўқ. Бадавлат бўлган пайтимда ҳаммаси олдимда жилганларди, хушомад қиларди. Қашшоқ бўлиб қолганимда-чи, қаранг, киё ҳам бекшимайди мен томонга! Шуларни ўйласам, сира бадавлат бўлишни истамайман.

Ду Цзичуннинг сўзларини тингларкан, қария айёрона жилмайди.

- Шунақа дегин! Сен бошқа ёшларга ўхшамас экансан-да, ҳаммасини жуда яхши тушуниб олибсан. Демак, энди оч қорним, тинч куловим, деб, ночор, аммо хотиржам яшамоқчисан, шундайми?

Ду Цзичун бироз иккиланиб қолди. Аммо кейин бир қарорга келиб, чолга илтижоли боқди:

- Йўқ, ундай қисмат мени қониқтирмайди. Сизга шогирд тушиб, умрибоқийлик сирини билсам, дегандим. Мендан яширмайг. Ахир, сиз олий мақомга етган, зоҳид сеҳргарсиз-ку! Акс ҳолда бир кетада мени осмон остидаги энг бадавлат кишига айлантира олармидингиз? Илтимос, мени шогирдликка олинг, сеҳргарлик сирини ўргатинг.

Қария бир муддат ўйланиб қолди, қошларини кериб, фикр қилди-да, жилмайганча розилик берди.

- Ҳа, чиндан ҳам мен Те Гуанцзи исмли даос-зоҳидман, Эмэй-шан тоғларида яшайман. Сени биринчи бор кўрганимда ҳаётнинг асл моҳиятини тушунишга қодир бу йигит, деб ўйлагандим. Шу боис икки бора сени бадавлат кишига айлантирдим. Агар сеҳргар-зоҳид бўлишни жуда истаётган бўлсанг, сени шогирд қилиб оламан.

Ду Цзичун беҳад хурсанд бўлиб кетди. Қария Те Гуанцзи сўзларини тугатмай туриб, йигит унга таъзим қила кетди.

- Бу қадар тиришиб, менга таъзим келтирма. Сеҳргар-зоҳид бўла оласанми-йўқми, бу фақат ўзингга боғлиқ. Агар сен бунинг учун туғилмаган бўлсанг, менинг бор иллим бесамар кетади. Майли, нима бўлса бўлар. Ҳозир биз сен билан Эмэй-шан тоғининг энг ичкарасига йўл оламиз. Осмон орқали у ерга бир сонияда етиб оламиз.

Те Гуанцзи яқинда ўрилган бамбук таёқчасини олди-да, шивирлаб дуо ўқиди. Кейин Ду Цзичун иккови унга отга мингандай мингашишди. Шу пайт кутилмаганда — ахир бу мўъжиза эмасми?! - бамбук таёқчаси, аждаҳодай ваҳшат билан осмону

фалакка кўтарилди.

Ду Цзичун кўркувдан тош котганча, юрак ютиб пастга қаради. Пастга кун ботаётганди. Шу боис у шафақ тусига чўмган ям-яшил тоғлардан булак ҳеч нимани кўра олмади.

Нигоҳи ила у Фарбий дарвозани бекор излади. Чунки у аллақачон ортда қолиб кетганди. Те Гуанцзининг оппоқ сочлари шамолда ёйилиб учар, ўзи эса аста кўшиқ хиргойи қиларди.

4

Бамбук таёқчаси унинг устида ўтирган икки киши билан бирга Эмэй-шан тоғига оҳиста кўнди. Бу ерда каттагина қоятош чуқур ёриқ ичра қисилиб қолганди. Улар жуда баландда экани аниқ, чунки тун қаросида ёрқин нур сочиб турган Етти оғайни юлдузи нақ пиёладай кўринарди. Табиийки, бу ерларга асрлар мобайнида одам оёғи етмаганди. Шу боис бир сониягагина бузилган сукунат яна ўз ҳукмига кирди.

Фақат, қаердадир тоғ чўққисида, нақ унинг боши узра ёғингарчиликлар қалдини долдай буккан ёлғиз қарағай шамолда оҳиста шовулларди.

Улар қояга келиб тушишгач, қария йиғитни тик қояга орқа ўгириб қўйди.

- Ҳозир самога кўтарилиб, Сиванмунй кўргани бораман, - деди Те Гуанцзи, - унғача шу ерда ўтириб, мени кут. Йўғимда ёвуз руҳлар келиб, сенга тажовуз қилишлари мумкин, аммо сен овоз чиқарма. Ҳар қандай ҳолатда ҳам овоз чиқарма. Мабо-до бир оғиз сўз айтсанг, сеҳрлар зоҳид бўлолмайсан, бўлиб қуй. Ҳамма нарсага тайёр тур! Эшитдингми? Хатто ёру-кўк-иккита бўлиниб, парча-парча бўлиб кетган тақдирда ҳам сукут сақла!

- Ишончингиз комил бўлсин, думан говуш чиқармайман. Хатто ҳаётим қил устида бўлса ҳам, бир сўз демасликка сўз бераман.

- Чинданми? Унда сендан кўнглим тун бўлади. Мен тезда бориб келаман! Қария Ду Цзичун билан ҳайрлашиб, таёқчага қайта минди. Дў тоғ қоялари узра осмонга парвоз қилди. Тун қўйнига сингиб, йўқ бўлиб кетди.

Ду Цзичун қоя тоғда бир ўзи олиб, завқ билан юлдузларни томоша қила бошлади. Бир соатча вақт шу тахлит ўтди. Тоғлар ортидан эсаётган изгирин шамол унинг юпка кийимидан ўтиб, баданини жунжустирарди.

Тўсатдан само узра даҳшатли овоз эшитилди.

- Ҳой, бу ерда ким бор, жавоб бер!

Аммо қариянинг сўзига амал қилган Ду Цзичун чиқ этмай ўтираверди. Орадан бироз вақт ўтгач, яна ўша ваҳимали овоз унга дўк урди:

- Агар ҳозироқ жавоб бермасанг, ўлдим деявер!

Ду Цзичун сабот билан сукут сақлайверди.

Шу пайт осмондан тушдим, ердан чиқдим, қоятошда баҳайбат йўлбарс пайдо бўлди. У даҳшатли ёвуз кўзларини Ду Цзичунга қадаганча ўқирди. Бу ҳам етмагандай, худди шу вақтда йиғитнинг боши узра қарағайнинг шохлари қаттиқ силкинди. Тик қоядан йўғонлиги нақ бузоқдай келадиган оқ илон олов тилларини чиқариб, йиғит томон ўрмалаб кела бошлади. Масофа эса қисқараверди.

Бироқ Ду Цзичун киприк ҳам қоққани йўқ. У аввалгидай хотиржам ўтирарди.

Йўлбарс билан илон ўлжа қай биримизга насиб қиларкин, дегандай, бир-бирларига қаттиқ тикилиб туришди-да, Ду Цзичунга баравариша ташланишди. Мана ҳозир йўлбарс ханжар тишларини унга ботиради, илон захри танасига беаёв синг-гади. Ду Цзичун куним битган бўлса керак, деб турганида йўлбарс ҳам, илон ҳам буг сингари ҳавога сингиб кетди. Фақат тепадаги қарағайгина ҳамон шамолда шовулларди. Ду Цзичун енгил тин олди ва нима бўлишини кута бошлади.

Ана, кўнгли сезгандай қаттиқ шамол туриб, атрофни зимистон қоплади. Оч би-нафшаранг чақмоқ зулмат қаърини тилди-да, момақалдироқ гумбурлади. Ўша заҳотиёқ, жала шаршарадан оқиб тушгандай телбавор ёға кетди. Бўроннинг увиллаши,

аёвсиз, гўё атрофни бошлаб савалаётгандай жаланинг кўйишию бетиним чақмоқ чақишидан Эмэм-шан ҳам кулиши тайин эди. Момақалди роқ шундайин гулдирадикки, бундан қулоқлар том битди. Осмонда, қуюқ булут қаъридан алвон тусли устун чиқиб келди-да, Ду Цзичуннинг бошига тушди.

Ду Цзичун кулоқларини кўли билан беркитиб, қояга юзтубан йиқилди. Бироқ, кўзини очиб, атрофга назар ташлаганида ҳеч нима ўзгармаганди. Осмон боягидай чароғон. Тоғлар узра катталиги пиёладай келадиган Етти оғайни юлдузи аввалгидай ёрқин нур сочиб турарди.

Демак, даҳшатли довул ҳам, йўлбарсу илон ҳам иблисларнинг найранги экан-да! Улар Те Гуанцзининг йўқлигидан фойдаланишган. Ду Цзичун анча ўзига келиб қолди, пешонасидаги реза-реза терни артиб, қоятошда хотиржам чордана қуриб ўтирди.

Аммо Ду Цзичун нафас олиб улгурмай, унинг теграсида олтин яроғ таққан, бўйи нақ уч метр келадиган ҳайбатли самовий саркарда пайдо бўлди. У кўлига сешоха тутган, кўзлари ёвуз чақнарди. Саркарда уч тишли айрини йигитнинг кўкрагига тираб дуқ урди:

- Хой йигит, кимлигингни айт! Эмэй-шан Тоғи еру осмон бунёд бўлгандан буён менинг маконим ҳисобланади. Бетакаллуфлик билан бу ерга бостириб киргани қандай ҳаддинг сифди! Демак, сен оддий одам бўлмасанг керак. Жоши-гдан умидинг бўлса, жавоб бер.

Бироқ Ду Цзичун, қария айтгандай, лом-мим демай ўтираверди.

- Жавоб бермайсанми? Сувук сақламоқчимисан? Соз-да! Истаганингча оғзингга суқ солиб ўтиравер. Бунинг учун қариндошларим сени бурда-бурда қилиб ташлайди.

Самовий саркарда сешохани азот кўтарди-ю, кўли билан тоғ этагидан кимларнидир имлаб чақирди. Ниҳоят, зулмат чекиниб, осмону фалакдан беҳисоб аскарлар булутдай ёпирилишди. Қиличу найзалар билан қуролланган, ҳайбатли лашкар ёппасига бостириб кела бошлади.

Бундайин томошани кўриб, Ду Цзичун бақириб юбораёзди; аммо қария Те Гуанцзининг сўзларини эслаб, аранг оғзини юмди. Самовий саркарда йигитни кўрקי-толмаганини кўриб, яна ҳам ғазабга минди.

- Шунчалар қайсармисан? Жавоб беришни истамас экансан, ҳаёт билан видо-лашавер! - Самовий саркарда шундай деб бўқирди-ю, ярқираб турган сешохани Ду Цзичуннинг кўкрагига санчди. Кейин эса бутун Эмэй-шанни ларзага солиб, қаҳ-қаҳ отиб кулганча, зулмат ичра ғойиб бўлди.

Аммо бу воқеа юз беришидан аввал беҳисоб аскарлар ҳам тунги шамол билан бирга гўё тушдаги каби ғойиб бўлишди.

Етти оғайни юлдузи боягидай чароғон, атрофга совуқ нур таратар, қоядаги ёлғиз қарағай шамолда шовулларди. Бироқ Ду Цзичун вафот этган, кўкка қараганча қимир этмай ётарди.

5

Ду Цзичуннинг жасади қоя тошда қолаверди. Руҳи эса жонсиз танани тарк этиб, жаҳаннамга йўл олди.

Бизнинг дунёмизда "Зулмат йули" аталмиш йўл борки, у жаҳаннамга боради. У



ерда бутун йил мобайнида қоп-қора само узра совуқ шамол ғувиллайди. Уюрмага тушиб қолган Ду Цзичун кузги япроқдай чирпирак бўлиб кетди. Кутилмаганда у хашаматли сарой қаршисида пайдо бўлди. Сарой пештоқига: "Беҳисоб рухлар саройи" деб ёзиб қўйилганди.

Сарой олдида турган бир тўда шайтош уни ҳар томондан ўраб олишди ва зина-поя томон судраб-судраб кетишди. Пиллапоя чўққисида эғнида қаро либос кийган, бошига олтинтож қўндирган ҳукмдор ўтирар, атрофга қаҳрли нигоҳ ташларди. У жаҳаннам султони, подшоҳ Янло бўлса керак. Ду Цзичун у ҳақда кўп эшитган шу боис чўққа тушиб ўтирганча, сукутда тақдири азалини кутарди

- Ҳой, сен, нега Эмэй-шан чўққисида ўтиргандинг? - Шоҳ Янлонинг гулдирак овози атрофни тутди. Ду Цзичун унга жавоб қилиш учун оғзини жуфтлаганди ҳамки, туйқус қариянинг таъкидлари ёдига тушди. "Оғзингни оча кўрма!". Шу боис у бошини қўйи этганча, жим ўтираверди. Шунда подшоҳ Янло кўлида тутган темир тирноғичини бир силкитди-ю, шундай ўқирдики, ғазабдан сочу соқоллари тикка бўлиб кетди.

- Хей, осий, қаердалигингни билмаясанми, ўзи? Ҳозироқ жавоб бер, акс ҳолда ўйлаб ҳам ўтирмай сени жаҳаннамнинг бор азобларига дучор этаман.

Бироқ Ду Цзичун лоақал лабини ҳам кимирлатмади. Шунда шоҳ Янло шайтонларга қаради-да, қаҳр билан азмойиш берди. Шайтонлар ўла заҳотиёқ унга куллуқ қилиб, ишга киришдилар. Ду Цзичунни зулмат осмони узра баланд кўтаришди.

Дузаҳда ҳаммага маълумки, Ифрат билан Хун даресидан ташқари, зулмат қаърида жаҳаннам аталмиш Олов водий, ундан сал нарида эса Аёзли дузаҳ номи ила машҳур музлар денгизи бор. Шайтонлар йигитни навбат-навбат гоҳ у дузаҳга, гоҳ бунисига тушириб азоблай бошлашди. Ду Цзичунни кўкрагига беҳисоб ханжарлар санчилар, олов ёлқини юзларини қўйдирарди. Унинг тилларини сугуришар, терисини шилиб, оёғини темир қисқичга солардилар. Қиздирилган ёғга ташлаб қовуришар, бургут унинг кўзларини чуқир, заҳарли йилонлар мия қатигини сўришарди. Хуллас, уни дузаҳнинг барча азобларига дучор этишди. Бироқ, Ду Цзичун уларнинг ҳаммасига чидади, келишилганидай бир обиз сўз айтмади.

Ниҳоят, уни қийнайвериш шайтонларнинг ҳам жонига теғди. Улар Ду Цзичунни ортига - "Беҳисоб рухлар саройи"га қайтаришди. Уни пиллапоя тагига келтириб ташладилару, жўр овозда шоҳ Янлога дедилар:

- Бу осийдан ҳеч қанақа йўл билан гап суғуриб бўлмадик.

Шоҳ Янло қовоқларини ўйиб, ўйга толди ва шайтонваччаларнинг бирига буюрди:

- Бу одамнинг ота-онаси ҳайвонларнинг дузаҳига тушганми? Уларни оёғини ерга теккизмай бу ёққа келтир!

Шайтон шамолга минди-ю, бир сонияда дузаҳий самовотда ғойиб бўлди. Аммо кўз очиб юмгунча у икки жониворни олдига солиб ҳайдаганча учар юлдуздай "Беҳисоб рухлар саройи"га келиб тушди. Ду Цзичун уларга нигоҳ ташлаб, қай аҳволга тушганини билсангиз эди.

Бу аянчли, ҳолдан тойган қирчанғилар қиёфасида, унинг учун азиз бўлган ота-онаси чехрасини кўриб, Ду Цзичун хайрат ва кўркувдан ўзини йўқотди.

- Ҳўш, Эмэй-шан тоғида нима қилиб ўтиргандинг?! Айт, тезроқ! Акс ҳолда ота-онангнинг ҳолига вой бўлади!

Бундайин даҳшатли дағдагани эшитиб ҳам Ду Цзичун жавоб қилмади.

- Ҳой, нобакор ўғил! Сенингча, ота-онангни қийнайверишсин экан-да! Фақат ўзингга яхши бўлса бўлди экан-да!

Шоҳ Янло шундай ўқирдики, гулдурак овоздан саройнинг пойдеворигача зириллаб кетди.

- Ҳой, шайтонваччалар, урларинг уларни! Гуштларигача тилишланг, суякларини

синдириб, майда-майда қилиб ташланглар!

Шайтонваччалар жўр овозда "Бош устига!" дея жавоб қилишди-да, темир дарраларни олиб, икки қирчанги отни шундай шафқатсизлик билан савалашдики, ҳар дарра келиб урилганида, унинг забтидан шамол хуштак чалиб юборар, тери шилиниб, суяклар майда-майда бўлиб кетарди. Улар эса, ҳайвонга айлантирилган, қирчанги қиёфасидаги ота-онаси, оғриқ азобидан қалтирар, кўзларидан ёш эмас, қонлар оқар, кишнаб, инграшга ўхшаш товуш чиқарардилар.

Ду Цзичун бу манзарага қарагани ўзида куч топа олмади.

- Ҳўш, ҳали ҳам оғиз очмайсанми?! Шоҳ Янло шайтонларга бир сония темир дарраларни кўйишни буюрди ва Ду Цзичундан яна жавоб кута бошлади. Бу пайтда эти шилиниб, абгор бўлган қирчанги отлар зинапоҳ олдида ўлим талвасасида ётарди.

Ду Цзичун беадад гамга ботган, аммо қариянинг сўзларини эслаб, кўзларини чирт юмиб олди. Шунда баногоҳ онасининг унсиз овозини эшитди.

- Болагинам, бизни қўявер. Бошимизга нимаики тушмасин, сен бахтли бўлсанг бўлгани. Ота-она учун бундан ортиқ қувонч йўқ.. Жаҳаннам ҳукмдори дағдага қилса қилаверсин. Агар индамаслик керак бўлса, гапирмай қўяқол, ўғлим...

Оҳ, бу унга қадрдон бўлиб қолган онаизорининг мулоийим овози эди! Ду Цзичун ногаҳон кўзини очиб юборди. Ерпарчин бўлиб ётган отлардан бири унга ҳомуш тикилиб турганини кўрди. Унинг онаси оғриғу азоблар исқанжасида ётган бўлса-да, ўғлига ҳамдарад эди ва фарзанди аржумандини деб, шайтонваччалар уни темир дарра билан калтакласалар ҳам ўғлидан ҳафа эмасди. Ҳа, пасткаш кишилар, бой бўлганида унга лаганбардорлик қилишди, қашшоқлашиб қолганида безбетларча юз ўгирдилар ундан. Энди ота-онасининг меҳри дарёлигини қаранг! Онаизорининг матонатини кўринг! Ду Цзичун қариянинг ҳамма ўғитларини унутди. У йиқилгудай чопарча ўлар ҳолатдаги отнинг буйнидан кучди-ю, кўзларидан шашқатор ёш оқизиб, "Онажоним!" деб юборди.

Ду Цзичун ўз овозидан ўзи, чўчиб уйғониб кетди. У аввалги сафаргидай шом кўешининг заррин нурларига чулганган Лояннинг Фарбий дарвозаси олдида турарди. Гира-шира туман қоплаган осмонда балқиган уч кунлик ҳилол ҳам, бетўхтов у ёқдан-бу ёққа ўтиб турган одамлару аравалар оқими ҳам у ҳали Эмэй-шан тоғига учмасидан илгари қандай бўлса, ушандай ҳолатда эди.

- Ҳўш, қалай? Шогирд тушишга ярар экансанми, сендан даос-зоҳид чиқарканми? - деди киноя билан бир кўзи шилпиқ, бир кўзи ғилай қария.

- Қўлимдан келмас экан. Эпполмас эканман. Бундан жуда хурсандман. Ду Цзичуннинг кўз ёшлари қуриб улгурмаганди ҳали. Шу кўйи у қариянинг қўлларини сикди.

- Ҳай, майли, зоҳид сеҳргар бўлдим ҳам дейлик. Аммо "Беҳисоб руҳлар саройи" да ота-онангни темир дарра билан урсалар, бунга қандоқ чидаб бўлади?

- Билиб қўй, агар жим турганинда, сени ўша ердаёқ ўзим ўлдириб қўя қолардим, Сендан зоҳид чиқмайди, буни тушундинг. Бой бўлиш жонингга теккан. Энди ким бўлмоқчисан?

- Ким бўлишимдан қатъий назар, одамлардай ҳалол яшасам дейман. Ду Цзичуннинг овози ҳеч қачон бундайин қувончли жарангламаганди.

- Шу сўзларингни сира унутма. Алвидо, сен билан бошқа учрашмаймиз. Те Гуанцзи шундай дея ўз йўлига кетганди ҳам, аммо кутилмаганда тўхтади-да, Ду Цзичун томон ўғирилди.

- Э, яхшиямки ёдимга тушди. Тайшан тоғи ёнбағрида кичкинагина уйим бор. Ўша уйни ери билан бирга сенга ҳадя қиламан. Ўша ерга бориб, жойлаш. Ҳозир шафтолилар қийғос гуллаган пайт, - жилмайганча кўшиб қўйди у.

Мавлуда ИБРОҲИМОВА таржимаси

ОТМАГАН ТОНГЛАР

Ёрқин истеъдод эгаларига ҳеч қачон осон бўлмаган. Элнинг олов фарзандлари - Усмон Носир, Чўлпон, Абдулла Қодирийнинг аянчли қисмати оқсоч тарих сўзлаётган ғамгин ҳикояга ўхшайди. Булар ҳаётлигида дунёдан рўшнолик кўрмай ўдилар, аммо ўз номларини улуглик пиллапоясига кўтарган сиймолардир.

Тошкентга келганимда, дастлаб Қодирийнинг рамзий қабрини зиёрат қилиш насиб этганди. Шунда улуг ижодкорлардан бири Абдулла Орипов адибни хотирлаб: "... Мана, алғов-далғовларга, севинчу шодликларга тула кечган XX аср тугаб бормоқда. Халқимиз XXI аср остонасида турибди. Ушбу дақиқаларда ҳамманинг хаёлидан шундай фикр кечади: Хўш, янги асрга биз ўзимиз билан нималарни олиб ўтамиз? Келгуси авлодга, қандай маънавий қадриятларни сиз ҳам асранг, деб узатамиз?! Шубҳасиз, биз Чўлпон шеърляти-ю, Абдулла Қодирий асарларини ўзимиз билан бирга оламиз ва уни янги наслларга олтин мерос сифатида топшираамиз...", деганди. Бу сўзлардан кейин айрим тақризчиларнинг кўтаркўтари билан бир муддат шўхрат қозониб, сўнгра даврнинг имтиҳонларига бардош беролмай, сарғайиб кетган қанчадан-қанча китоблар хаёлимга келди. Аммо бундай истиснолардан холи, йиллар синовида товланиб келаётган "Ўткан кунлар" ҳозирга қадар китобхонларнинг қўлидан тушмайди. Киши қанча ўқимасин зерикмайди.

Кўпдан буён Қодирийнинг ижодхонасига боришни ният қилиб юргандим. Табаррук хонадонига йўл олишдан ав-



вал, адибни билган кишилар билан суҳбатлашдим. Улар Қодирийни мард ва нозик қалб эгаси бўлганини ҳикоя қилиб бердилар. Меҳнаткаш, камтарин ва самимилигини Ойбек домлага қиёсладилар. Амимизки, Қодирий ана шундай иймон-эътиқодли, ҳақгўй инсонлардан бири бўлганлар. Шунинг учун ҳам ёзган асарларида ўз дунёси, ҳис-туйғулари, кечинмалари ақс этгандай туюлади. Масалан, Отабек йлқ марта Марғилонга бориб, Зие шохчилар даврасида бўлган суҳбатда Ҳасанали меҳмон ва мезбонларга хизмат қилаётгани тасвирланади. Отабекдан "Бу киши ким?" деб сўрайдилар, шунда Отабек кекса Ҳасаналининг хонадан чиқиб кетишини кутиб, кейин овозини пасайтириб "қулимиз" деб жавоб қиладилар. Нега бу сўзни паст овозда айтади? Аксинча, хизматкори борлигидан мағрурланиши ҳам мумкин эди-ку!

Ҳамма гап шундаки, Отабек - ўзбек, унда шарқона андиша бор. Ёки роман сўнгидаги энг фожеали саҳифаларни эслаб кўринг: Кумушбиби заҳарланган. Жон таслим қилаяпти. Отабек унинг бошида турибди. Шу пайт хонага Юсуфбек хожи киради. Кумушбиби шу ҳолатда ҳам ўрнида эри тургани учун қайнотасидан ийманиб "дадам чақираяптилар" дейди уялиб. Бу ўзбекона характер жаҳон адабиётида ноёб ҳислат санала-

ди. Бу хусусият адибнинг кичик ҳикояларидан тортиб, романларигача деярли, ҳамма асарларида кўринади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо Қодирий ҳаётининг сўнгги кунларини хотирлаш жуда оғир бўлди. Буни ёзувчининг уй-музейига бориб, уни ҳибсга олинган ва сўроқ қилинган пайтлардаги ҳужжатлар билан танишиб, яна бир бор амин бўлдим.

- Дадамлар "Ўтган кунлар" учун қаттиқ танқид қилинди. 1937 йили қишда ичкари ҳовлимизга беш-олтита миршаблар келиб, уларни яширинча олиб кетишди, - дейди адибнинг кенжа қизлари Аниса опа. - Ўша кун улар билан суҳбатлашганимизда, Мақсуд акам билан менга янги йил байрами учун кутилмаган совға беришини айтгандилар. Қамалганларидан кейин Ҳабибулла акам узоқ вақт бетоб бўлиб қолдилар. Бизни маҳалла-юртда кўрганлар: "Абдулла акада ҳеч қандай айб йўқ. Тухмаддан қамалдилар. Текшириб кўргач, чиқариб юборишади", дея юпатишарди. Қани, энди шундай бўлса-ю, уйга ҳайтсалар. Уларни олиб кетган мана шу йулакда (ҳовли ўртасидан кесиб ўтган узун йўлни кўрсатиб) улар эртага келиб қоладилар деб кўп кутганман. Болалигимни эсласам, фиғону фарёдимишга қарамай, дадамизни олиб кетишганини, кун буйи онам, ака-опаларим устига ёққан қор учкунлари кўз ўнгимга келади. Дадамлар бекорга қамалдилар. Ўтган кунларни эслаш биз учун жуда оғир!

Заҳриддин Муҳаммад Бобур бир ғазалида:

Неким тақдир бўлса,
ул бўлур таҳқиқ билгайсиз,
Эрур жангу жадал,

ранжу риёзат барча беҳуда...
дейди. Қодирийни ҳам бешафқат тақдир шамоли аямади. Замонларнинг довулига қанча қарши қўймасин, асарлари шунча шуҳрат поғонасида собит турди. Айниқса, "Ўтган кунлар" қаттиқ таъқиб остига олинган пайтларда ҳам одамлар бу китобни бекитиб бўлса-да,

ўқийвердилар.

Ижод уйидаги архив материаллар ичида адиб ўзига қўйилган айбловлардан кейин: "Мен ҳақиқат йўлида ҳеч қандай жазодан, ҳийнокдан кўркмайман. Агар отмоқчи бўлсалар, кўкрагимни кериб тураман", деган сўзларига кўзим тушди. Дунёдан ҳақиқат ахтариш ва шунга мос равишда озодликка интилиш сеvimли ёзувчимизнинг ушалмас армонига айланган.

Ўша мудҳиш воқеалардан уч-тўрт кун олдин туширилган бир фотосурат эътиборимни тортди. Шинамгина ижодхона Оиладагилар жамулжам. Қодирий мароқ билан китоб мутолаа қиляпти. Ўнг томонда онаси Жосият биби, чап томонда эса фарзандлари отасига меҳр билан тикилиб туришибди. Мана шу бахт сурурини Қодирий сўнгги нафасигача кумсаб ўтган бўлса, не ажаб.

Лекин қалбимни доим бир савол қўйнайди: Нега ҳаёт айнан, асарларда тасвирлангани каби мукамал бўлмайди. Баъзан шундай кунлар бўладики, яшаш жуда оғир ва умидсиз туюлади. Шундай чоғларда одам китоблардан таскин ахтарайди. Бир неча кунгача қаҳрамонларнинг уй-хаёллари билан яшайди. Уларнинг қувончу ташвишлари қалбида емирилиб бораётган кемтикликларни тўлдиради. Қани, энди, ҳаёт ҳам худди китоблардагидек бирдан ўзгарса-ю, ҳаммаси бошқача тус олса...

- Баъзан "Ўтган кунлар"ни ўқиганлар: "Отангиз Ўзбек ойим образига менинг бибимни олганлар. Бибим худди ўзбек ойимга ўхшар эдилар", дейишади, - дейди Аниса опа. - Офтоб ойим, Кумушбиби, Юсуфбек ҳожи ҳақида ҳам шундай фикрларни билдиришади. Менимча, бу гапларнинг ҳаммаси ҳақиқат. Дадамнинг қаҳрамонлари оддий, самимий, мард ва гўзал хулқ-атворли инсонлар бўлган. Оилавий суҳбатлари мизнинг бирида дадамлар бизга: "Ўзбек ойим - бу Жасият бибинг, Офтоб ойим - хоним бибинг. Кумуш эса - Ойкумуш опанг", дегандилар. Уларнинг

ижодий иш тартиблари шундай эди: Саҳарда туриб ишлардилар. Нонушта қилгач, биз - болалари билан суҳбатлашишни яхши кўрардилар. Кейин билсам, чарчаган пайтларида ҳордиқ чиқариш учун ўқийдиган китоблари Шайх Саъдийнинг "Гулистон", Умар Ҳайём, Мирзо Бедил ва Жалолиддин Румийнинг "Маснавий" асарлари экан. Дадамлар жуда оддий, кўнгли очиқ, меҳмондўст инсон эдилар. Шунинг учун уйимиздан меҳмон аримасди.

Яна бир оилавий суҳбатларимизда дадамлар Ҳабибулла акамга: "Мен бир асар ёзишдан аввал шу ёзмоқчи бўлган нарсам ҳақида материалларни пухта ўрганиб чиқаман. Бирор жой тўғрисида асар ёзмоқчи бўлсам, ўша жойни неча марта кўрган эсам-да, яна бориб, текшириб, яхшироқ ўрганиб келаман", дердилар.

Ҳақиқатдан ҳам "Ўткан кунлар"ни ёзиш учун Марғилонга бориб, ўз кўзлари билан карвонсарой, эски ўрда ўринларини белгилаганлар. Хатто Мирзака-

рим қутидор, Уста олим, Ҳамид, Содиклар уйини ҳам тахминлаб, бир неча кун қишлоқларда қолиб тунаганлар.

Дадамлар 1956 йилда оқландилар. 1940 йилда тортиб олиниб, чўқахонага айлантирилган ҳовлимизни бир йилдан кейин қайтариб олишга муяссар бўлдик. Уларнинг 100 йиллик юбилейлари муносабати билан ижод уйи музейга айлантирилди. Айниқса, мустақиллик туфайли дадамнинг ижодий фаолиятига алоҳида эҳтиром кўрсатилди. Ёзган асарлари бир неча тилларга ўгирилиб, дунё юзини кўрди. Ижод уйларидаги кўп нарсалар менга дадамларни эслатади...

Севимли ёзувчимизнинг ёзув столларига ўтириб, ҳаёлга чўмдим: агар Қодирий дунёга қайта келганида, бугунги шарт-шароитлардан фойланиб, ўзи орзу қилган - бугунги озодлигимиз хусусида, яратувчиликка интилаётган юрtdошларимиз ҳақида кўплаб асарлар ёзган буларди...



ЮРТБОШИМИЗ БОР БЎЛСИН

Барча бола сизникидир,
Сиз уларнинг отаси.
Улар азиз дилбандингиз,
Улар юртнинг эртаси.

Сўз айтасиз эркалиб,
Бош устига қўясиз.
Ота каби ўғилларин,
Қизларини суясиз!

Куну тунлар ҳолин сўраб,
Камолини ўйлайсиз.
Керак бўлса иқболин деб,
Жонни фидо айлайсиз

Сизни дея не сўзласам,
Йўқдир зарра хатоси.
Ахир Сизсиз катта-кичик,
Муस्ताқил юрт отаси.

Шу боисдан бошқаларга
Биз ҳам Сизни бермаймиз,
Жисмингизга қасд қилганни
Инсон дея кўрмаймиз!

Узоқлардан кучоқ очиб,
Босгим келар бағримга.
Ҳимматингиз буюк экан
Бутун замин, халқимга!..

Она бўлса Ўзбекистон,
Тошкент унга юракдир.
Шу юракка тигни санчиш
Қай сотқинга керакдир?!...

Улар-манқурт, улар-бўри,
Падарига мушт туккан.
Улар-шайтон, юрагида
Ҳасаддан уруғ эккан!...



Шаҳидларнинг бошларида
Нола қилсак, куларлар,
Виждонини пулга сотиб,
Хоинларча ўларлар.

Яратганга ҳар тонг деймиз:
Юртбошимиз бор бўлсин!
Ватан, Сизга қасд қилганлар-
Юрт меҳрига зор бўлсин!...

Чексиз лаънат ўшаларга,
У дунёда жаҳаннам!
Бизники сиз-Юртбошимиз
Сўямиз сизни ҳар дам.



МЕН ТЕМУРНИ ЮРАГИМДА КЎРГАНМАН

Жангоҳларда Куръон кўриб фол очган,
Сохта шону шавкатлардан тез кечган,
Риёкору нокаسدан узоқ қочган,
Ҳақгўйларга умрбод кучоқ очган,
Мен Темурни юрагимда кўрганман!

Бобом ўйлаб, хаёлларга чўмганман,
Машваратда ҳар ким сўзин тинглаган,
Фойдалисин умр бўйи англаган,
Шайхлардан дуо олиб жанглаган,
Очган уни кимнинг қалби занглаган.
Мен Темурни юрагимда кўмганман!

Бобом ўйлаб, хаёлларга чўмганман
Фуқородан ҳол сўраган отадек,
Пораҳурни жазолаган бўлса бек,
Юртсеварнинг боши камондек эгик,
Бобом ўйлаб, хаёлларга чўмганман,
Мен Темурни юрагимда кўрганман!

Эрон, Турон шоҳларини мот қилган,
Адолатни байроқ қилган, от қилган,
Оллоҳ номин зикр этиб, ёд қилган,
Улуғбеку Бобурлардек зот қолган,
Бобом ўйлаб, хаёлларга чўмганман,
Мен Темурни юрагимда кўрганман!...

Чодирларда битган "Қомус-Тузугин",
То ўлгунча бермай зафар узугин,
Севгида ҳам битиб қўйган у қонун,
Умр бўйи халқ ғамида олмай тин,
Бобом ўйлаб, хаёлларга чўмганман,
Мен Темурни юрагимда кўрганман!...

Ўзбекистон Темурбекдек хон топган,
Истиқлолдан кадр топган, шон топган,
Она юртда қайтадан иймон топган,
Ўроқ дейди: хаёлларга чўмганман
Мен Темурни юрагимда кўрганман!..

БОР ЭМАС

Неча кунки ғамза бирда қалбима оташ солиб
Мубталолар ичра мендек шайдоларияғиз хор эмас.
Парво қилмай ўтасиз, бундайлар хуштор эмас.
Нозанинлар ичра сиздек нозанини ҳеч-бор эмас.
Гулни қўйиб, энди сиз қўшалоқ юрак чизинг.
Бири сизу бири - мен, бошқаси даркор эмас.
Елкам тутиб, қоя бўлай, еиз-шалела оқиб туринг,
Жилғаси-кўзим ёши, ёш тўкмаган дилдор эмас .
Менга ойу юлдузни ҳадя этманг, Хуснаро
Майли улар нур сочсину аммо сиздек, ёр эмас .
Кўз ёшим сиёҳ этиб, сиз-чун битайин шеърларим,
Севги куйин чалсаю йиғлатмаса, дутор эмас.
Мен Ўроқ қон йиғлабон ўлсам агар ишқингизда,
Сизни деб қайтиб келгум, умрим асло хор эмас!

ГЎЗАЛ ВАСФИ

Мушки анбар кокилинг ҳиди фалакка таралар,
Ўшанинг бандиға банд кўк тоқида сайёралар .
Кўзларинг хумморидин тун маст бўлиб уйғонади,
Кун эрса Машриқу Мағриб сени истаб оралар .
Ой юзи кўкда ҳижил, булут ортида яширин,
Юлдузлар чўғ сачратиб, ўзгасин қалбин ёралар .
Чўққидан оху боқиб, тошга сувратинг чизади,
Қолишиб булбуллар лол, дардиги топмас чоралар .
Ердаги барча гўзал тўпланса гул бўстонида,
Ўша бўстон гулидин ёлғиз ўзингни соралар .
Эй Ўроқ, ўролмадим ҳусн султонин ғамини,
Ғам уйин туйнигидин мендек ғамзода мўралар .

ТИНЧЛИК ШУКУҲИ



Бир диёрки, сабосидан боғлар яралар,
Бир диёрки, ҳавосидан анбар таралар.
Бир диёрки, тупроғидан дурлар саралар,
Меҳри - само, бағри - уммон Ўзбекистон бу.

Осмониға ярашгандир олтин ой - балдоқ,
Тоғларига алвонқуйлақ дола, қизғалдоқ,
Оқ ёмғирлар ёғдиргучи булутлари оқ,
Зилол суви инжу маржон Ўзбекистон бу.

Қалдирғочлар айвонида аллалар айтар,
Жамолиға ошиқиб тез турналар қайтар.
Лайлақлари қанотида келтирар бахтлар,
Тўрт теграси чаман - бустон Ўзбекистон бу.

Буғдойзорин силаб эсар шаббодалари,
Пахтазорин сийлаб безар оқ шодалари,
Қир - адрини яшнатади гул новдалари,
Қўш наҳридан чўл гулистон Ўзбекистон бу.

Уюр - уюр тулпорлари дашту далада,
Уйғоқдир эл тунми оқшом, сахар паллада.
Эрамларнинг ифори бор гўдақ болада,
Она Ватан, Ота макон Ўзбекистон бу.

Таъзим қилар заминига жаннат хурлари,
Пойларига ёғилади Аршнинг нурлари.
Қўллаб турар авлиё-ю шайхи, пирлари,
Номи эллар аро дoston Ўзбекистон бу.

Тушларимга киради отам,
Нималардир беради отам.
Аҳволимни сўрайди отам,
Сезибдилар соғинганимни.

Дарак берар шодликдан доим,
Дуоғўйим, меҳрга бойим.
Совиб қолар чойнақда чойим,
Сезибдилар соғинганимни.

Чехрасида нур балқиб турар,
Дарвозамни жим қоқиб турар.
Қўлларида нон - боқиб турар,
Сезибдилар соғинганимни.

Гоҳо бодом, пул тутар гоҳо,
Кулиб келар тонг отар гоҳо.
Кўзларимда қотар ул сиймо,
Сезибдилар соғинганимни.

Бугдой тўкиб кетар пойимга,
Шамлар ёқиб кетар уйимга.
Ухшайдилар эрка ўғлимга,
Сезибдилар соғинганимни.

Бошим ерда, сажда қиламан -
Отам кирган тушларимга ман.
Кўрганим бахт - тушларимда ҳам,
Сезадилар соғинганимни.

Бу юртда яшайди миллат сараси,
Хурлик малҳамидан битди яраси.
Тиллодан қимматли ҳар бир зарраси,
Қадрин қадр этганга жаннат кучоғи.
Сийлаганни сийлар Ватан тупроғи.

Ўтди кўп асрлар талотўп замон,
Зулумот қаъридан чиқолган омон.
Улуғ бу - киндик қон тўкилган маҳон,
Сўнмагай, мангуга ёнган чироғи.
Саждагоҳлар бўлар Ватан тупроғи.

Тилсимлари бисёр ҳеч ўқилмаган,
Унинг афсонаси чин, тўқилмаган.
Эзилган, эгилган лек букилмаган,
Шиддатли дарёси, юксакли тоғи,
Каноатга белар Ватан тупроғи.

Пора-пора қилмиш бағрини ўқлар,
Кўксини минг тилмиш пўписа, дўқлар.
Талади бир тўда иймони йўқлар,
Кетмади баҳори, яшнади боғи,
Саҳоватин элар Ватан тупроғи.

Шукур, эрк насими эсди бошидан,
Гиёҳлар бўй чўзди ҳатто тошидан.
Офтоб ҳам, моҳтоб ҳам кетмас қошидан,
Юрак каъбаси бу, юрак ардоғи,
Муқаддас, мўътабар Ватан тупроғи.

ҲАЙРАТ

Яна қайтдинг кўнглимга нечун,
Соғиндингми азобланишим.
Яраддимми хижронлар учун,
Туйғуларга қолмади ишим.

Яна қайтдинг кўнглимга нечун?!
Қулашимга юз ювармисан.
Ашким менинг тўкилар беун,
Дардларимни, айт, севармисан.

Яна қайтдинг кўнглимга нечун,
Кўниккандим ахир сабрга.
Севгим топар не билан яқун,
Қолдирмагин энди жабрга...

ИШК

Сен - гунча лабида титраган шабнам
Сен - ёмғир тафтидан юз очган майса.
Сен - кўнглим кўшиқда отган субҳидам,
Сен - висол кўшиғи, бетакрор куйсан.
Сенсан кўзларимда жилваланган нур,
Сени менга берган Танграмга шукур...

МУСТАҚИЛЛИК ДАРСИ



Дарслар кўпдир - сабоқ ҳар бири,
Ҳар бир дарснинг бордир ўз сири.
Ҳар бирида устоз қалб кўри,
Мустақиллик дарси - энг улуғ.



Қай бирида тарих мужассам,
Қай бирида одоб-ахлоқ жам.
Кувончимдан кўзларимда нам -
Мустақиллик дарси - энг улуғ.

Не авлодлар кутди бу дарсни,
Пешонага боғлаб оқ қарсни.
Забт этамиз ҳадемай Марсни -
Мустақиллик дарси - энг улуғ.

Озод ҳаёт дарсидир бу дарс,
Бахту иқбол қасридир бу дарс.
Ўзбекистон асридир бу дарс:
Мустақиллик дарси - энг улуғ.

Ушбу шеърим дилдан этиб ёд,
Ўқинг, ўсинг баркамол авлод.
Бўта дегай: Етингиз мурод!
Мустақиллик дарси - энг улуғ.

СЎЗИМСАН, ВАТАН

Кўз очиб кўрганим,
Заминда юрганим,
Асраган ор, шаъним,
Ўзингсан Ватан!

Гапирсам суюнган,
Дард чексам куюнган.
Йиқилсам суяган,
Бўзимсан Ватан!

Сен менинг - Онамсан,
Юракда ноламсан,
Сеҳрли оламсан,
Юзимсан Ватан!

Темурнинг туғисан,
Маърифат боғисан,
Халқларнинг тоғисан,
Бозимсан Ватан!

Муқаддас масканим,
Вужудим, жон-танним,
Топталмас иймоним,
Розимсан Ватан!

Бунчалар суюксан,
Отамдек куюксан,
Ҳамиша суюксан,
Сўзимсан Ватан!

СОҒЛОМ БОЛАЛАР

Болажон халқ ўзбегим,
Ширин-шакар сўзлигим.
Мурувватли ўзлигим,
Соғлом бўлсин болалар.

Соғлом бола - қалқоним,
Осойишта ҳар оним.
Қудратлидир Ватаним,
Соғлом бўлсин болалар.

Мустақиллик аҳдимиз,
Соғлом авлод бахтимиз,
Бардавомдир шахдимиз,
Соғлом бўлсин болалар.

Яшаш - мақсад шул учун,
Кураш - хилқат шул учун.
Тан олди дунё бугун,
Соғлом бўлсин болалар.

Қамишларнинг шитирлаши,
Икки дилнинг шивирлаши...
Кучаймоқда шарпалар ҳам,
Чайқалади арпалар ҳам...
Қамишча ҳам бўлолмадик,
Оҳ, биз яйраб кулолмадик!

Юраккинам увишар, боқ,
Узоқмикан ул Маҳшар ёқ?
Тунда юлдуз учмоқдами,
Ёр бағрини кучмоқдами?
Ой ҳам ярим бўлибдими,
Паймоналар тўлибдими?

Қисқа экан умр ҳам, бил,
Аламлардан ўртанар дил.
Нахот яйраб кулмасак биз,
Ёки гулча бўлмасак биз.
Шум фироқнинг номи ўчсин,
Соф муҳаббат замин кучсин!

Ҳаволамоқ керакмасдир,
Севги бизга эрмакмасдир.
Ишқ-вафони кўрса баҳам,
Турмуш булар, пок мустаҳкам.
Умр чўғи сўнмасин ҳеч,
Севишганлар ўлмасин ҳеч!

ЮРТ СОҒИНЧИ

Ўзбекистон - серқуёш ўлка,
Ўзинг яккаш жаннат Ватаним!
Билим бердинг, ардоқладинг ҳам,
Сенда яйраб улғайди таним.

Йироқдаман, нетай, сафар бу,
Қалбда мангу меҳринг жўш урар.
Йўлчи юлдуз - Тошкентим мангу,
Соғинч ҳар тонг қалбда бонг урар!

ИШҚ БАҲОРИ

Мана жонон, яна иккимиз,
Ўтирибмиз бу кун ёнма-ён.
Яна ўша таниш табассум,
Шахло кўзлар - ўшал қош камон.

Бирок, энди муҳаббат сўнган,
Кечирасан, бўлолмадинг ёр.
Орзуларинг, нетай беҳуда,
Ишқ баҳори қайтмайди такрор!

СОҒЛОМ БОЛАЖОН

Юртимнинг эртаси - азиз тенгдошим,
Ватанга бўлайлик суюнчиқ, қалқон.
Учқунли порлагай дилда бардошим,
Ўсиб, улғаявер Соғлом болажон.

Мустақил юртимнинг ўғил-қизлари,
Энди бизникидир келажак, замон.
Қувончдан порлаган чарос кузлари,
Ўсиб, улғаявер Соғлом болажон.

Муқаддас Ватанни севайлик дилдан,
Байроғинг туғини ўпади осмон.
Қалбларда гурурли ифтихор билан,
Ўсиб, улғаявер Соғлом болажон.

СОҒИНДИМ

Юрагим айрича, кимдандир узоқ,
Бировдан ҳайрондир, кимдандир йироқ.
Мен ёниб соғиниб кутсам-да, бироқ,
Соғинч сўзлигича қолади фироқ.

Юзларим кулса-да, дилимда титроқ,
Соғинчим тафтлари шунчалар қайноқ.
Кимнидир қўлладим, билмадим бироқ,
Лекин олисдадир билардим шу чоқ.

Ёмғирлардек ҳар он томчилар ёшим,
Армонлардек мудом кулар бардошим.
Қайга урай энди мен азиз бошим,
Мени олисларга чорлагай чироқ.



ТИЛАК

Меҳри булоқ, сой инсон,
Меҳрларга бой инсон.
Кундуз кулган қуёшим,
Туғлар қўқда ой инсон.

Отажоним, соғ бўлинг,
Мудом вақти чоғ бўлинг.
Суюнай ва интилай,
Мен истаган тоғ бўлинг.

Бўлсам доно сўзингиз.
Меҳр тўла кўзингиз,
Сиз ўтган ҳар бир излар,
Улуғлай дер, қизингиз.

ОТА

Эшик олдида ҳамон,
Сизни кутарман ҳар он.
Келмайсизми отажон,
Юрагим бўлди вайрон.

Сизни соғинганмиз биз,
Сизсиз қолганман ёлғиз.
Келмайсизми энди сиз,
Соғинганда қизингиз.

БУВИЖОН

Оламдан кўз юмиб кетгансиз йироқ,
Қалбимда яшайсиз йилларким, бироқ,
Соғинчу аламдан қийнайди фироқ,
Қайлардан топайин сизни Бувижон?!

Қанчалар йиғламай қайтмайсиз бироқ,
Юрагим чўлғаган қандайин қийноқ,
Чорасиз дилимнинг соғинчи қайноқ,
Қайлардан топайин сизни Бувижон?!

Йиллар ўтса ҳамки, кузларимда нам,
Сизни соғингайдир фаоришта онам.
Ўрнингги билинар ҳар кеча, ҳар он,
Қайлардан топайин сизни Бувижон?!

Қани энди ўша порлаган кузлар,
Қизим деб эркалаб, чорлаган сўзлар,
Оғушга чорлаган офтобдек ювлар,
Қайлардан топайин сизни Бувижон?!

Йўқ энди дунёда боған изингиз,
Фақат мен биландир бедор рухингиз.
Баъзида ҳаётдан туйсам-да гирён,
Қайлардан топайин сизни, Бувижон.

Қанийди ёнимда бўлсангиз тиргак,
Умрим йилларида суянчиқ, юксак,
Вулқондек отилар қалбларда ҳижрон,
Қайлардан топайин сизни Бувижон?!

Ёлғончи дунёнинг аламларидан,
Вужудим ҳам ёнар гоҳ ғамларидан.
Фарқ йўқдир аслида бир камларидан
Қайлардан топайин сизни Бувижон?!

САЖДАГОҲИМ ЎЗИНГ



Саждагоҳим ўзинг кўяжакман бош,
Ёшинга кўшилсин яна минглаб ёш.
Деразам ортидан тушганда кўёш,
Сенинг меҳр тафтинг туйдим, ватаним.

Олисга йўл олсам бағрингдан бироз,
Уч кунда мен сени кўмсаганим рост,
Кутар йўлларимга солиб-поёндоз,
Чексиз ҳимматингдан ийдим ватаним.

Осмонинг мусаффо роҳатбахш ҳавонг,
Дилларга сингади мисли нақш-навонг,
Шоирлар наздида битганда сафонг,
Қалбимга мен жойлаб куйдим, ватаним!

СОҒИНДИМ

Жаранглаб туради кўнгилнинг тори,
Оламга таралар гуллар ифори.
Ишқим пинҳон тутиб ҳамма қатори,
Соғиндим, кел, сени гулгун баҳорим.

Кипригим тубида мунгли кўзларим,
Кўёшдан қизарар энди юзларим.
Қиёсинг тополмас ўтли сўзларим,
Меҳрингга ташнаман бугун баҳорим.

Тоғларни безатсин гул-у лолалар,
Варрақлар учирсин яйраб болалар,
Тугён урганида ўтинч, нолалар,
Соғиндим, кел, сени гулгун баҳорим!

ШЕЪРЛАРИМ

Елғиз сезганимда ўзимни гоҳо,
Аста қаламимни қўлга оламан.
Барча орзуларим бўлгандай рўё,
Секин уйларимни шеърга соламан.

Мени тушунди фақат шу қоғоз,
Дунёда чин дўстни топмадим ҳеч ҳам.
Юрагим тубидан чиқади овоз:
Фақат шу шеърларим дардимга малҳам.

Орзу осмонида яшайвераман,
Интилиб бораман мақсадим сари.
Мен олға одимлар ташлайвераман,
Эзгулик куйлагай шеърларим бари !



ҚАЛБИМ

Қайгулардан чарчаб бироз,
Қоралайман яна қоғоз.
Дардларимни борлиги рост,
Армонларга тўлди қалбим.

Рақибларим ғийбат қилди,
Тўхмат гаплар бағрим тилди.
Азобларим худо билди,
Ёлғизликда қолди қалбим.

Озор чекиб йиғладим жим,
Оҳларимдан кўк қора тим.
Тушунмади мени ҳеч ким,
Аламлардан толди қалбим.

Майли, тақдир экан нетай,
Дардларимни мен унутай.
Фақат ёруғ кунни кутай,
Бахт сари йўл солди қалбим.

БОЛАЛИГИМ

Гулга сакраб капалакни тутар эдим,
Жимирлаган ирмоқ билан ўйнаб шодон.
Тезроқ катта бўлишимни кутар эдим,
Вақт қадрини англамасдим шўх-у хандон.

Улғаямиз, қайтмайди у, биламан,
Оҳлар урдим, билолмадим қаён етди.
Бу ҳаётнинг мезонидир не қиламан,
Болалигим узоқларда қолиб кетди.

Ўтиб кетди шўх кунларим энди мана,
Суръатларим гувоҳ бўлар тортиб хира.
Нима қолди суръатлардан бошқа яна,
Болалигим фақат бўлди хотира.

ҚИШЛОҒИМ...

Тонгларида шаббодалар ўйнаб кулар,
Маконимнинг кучоғида файз барқ ураб.
Тарихини айтсам агар дoston бўлар,
Хаволари танга дармон чинакам,
Қишлоғимни қанча таърифласам кам.

Ариқ лабларида бор ялпиз ифори,
Ширмоннинг хидларига тўла наҳори.
Янада гўзалликни берар баҳори,
Бағрида кўёшнинг нуридир ҳакам,
Қишлоғимни қанча тарифласам кам.

Одамлари ростгўй мард ва соддадил,
Меҳнат қилиб чарчамас тўрт фасл ҳар йил.
"Қорахитой" номли қишлоғимга кел,
Номини улуғлаб алёр айтсам ҳам,
Қишлоғимни қанча тарифласам кам!



БАХТИ КУЛГАНЛАР

Бу дунё алдамчи экан аслида,
Орзуда яшарми бахтнинг қасрида.
Яхшилик-ла яшайлик умр фаслида,
Бахти кулганлар ҳам бахтли эканми?

Уларнинг қалбида бордир азоб, ғам,
Уларнинг ҳам дилида ўт олар алам.
Баъзан жонга оро киради қалам,
Бахти кулганлар ҳам бахтли эканми?

Бу шеър билан кўзингиз ёшламоқчи эмасман,
Бу шеър билан дилингизни ғашламоқчи эмасман.
Сизларга қўшилиб йиғламоқчи эмасман,
Бахти кулганлар ҳам бахтли эканми?

Боққа кирсам булбул наво қилмади,
Мен йиғласам ҳеч қимғидо қилмади.
Аллоҳ неъматлардан ҳудо қилмади,
Бахти кулганлар ҳам бахтли эканми?

ХАЁТ

Узоқлардан келар бир мунгли наво,
Эшитган қалб ғамга тўлади.
Ҳар нарсага қодир бу дунё,
Бир кун ҳамма бахтли бўлади.

Эссин майин шамоллар, майли,
Ўтсин ёмон хаёллар, майли.
Ўтсин тезкор замона зайли,
Бир кун ҳамма бахтли бўлади.

Сокинликка берилар барҳам,
Кулатса ғам, азоб-у алам.
Кўз ёш тўкиб йиғлаганда ҳам,
Бир кун ҳамма бахтли бўлади.

Ёмон кун йўлдош бўл дўст билан,
Яхши кун, сирдош бўл дўст билан.
Доимо дилдош бўл дўст билан,
Бир кун ҳамма бахтли бўлади.



НЕТАМАН

Севги ўзи бедаво бир дард экан,
Ҳеч қандай қонуғга амал қилмайди.
Севги ўзи бедаво бир дард экан,
Мен севаман, лекин ёрим билмайди.

Кутаман майли, қанча кут деса,
Азоблар тотаман, қанча ют деса.
Лекин кутмайман, агар кет деса,
Мен севаман, лекин ёрим билмайди.

Қалбимнинг тугёни, ўша севганим,
Кўнглимнинг тўфони, ўша севганим.
Ягона бир борим, ўша севганим,
Мен севаман, лекин ёрим билмайди.

Кечалари ухлаёлмасдан,
Тушимда ҳам унутолмасдан,
Севишдан ўзимни тўхтатолмасдан,
Мен севаман, лекин ёрим билмайди.

Мажнунсифат телба қилган шу гўзал,
Девонага айлантирган шу гўзал.
Дилдор бўлсин, дилдор эди у гўзал,
Мен севаман, лекин ёрим билмайди.

ЁМҒИР ОСТИДА

Кўзёш тўкар булутлар тинмай,
Ёғаверар ёмғир эринмай.
Мен-чи панароққа бекинмай,
Қолгим келар ёмғир остида.

Дунёда кўп мендек ошиқлар,
Олам яшнаб чақмоқлар чақар.
Осмон айтар чиндан қўшиқлар,
Тўлар дилдан кенглик бўшлиқлар.

Сув билан тўлади ёмғир остида,
Кўзимдан ёш ёғар, осмондан ёмғир.
Вужудим титрайди, қон бўлди бағир,
Дардларим дунёга сиймайди ахир.

Дардлардан қутулай ёмғир остида,
Мени ишонтирган ёлғонларингни.
Ёлғондакам азоб фиғонларингни,
Орзу йўлин тўсган армонларингни.

Унутгим келади ёмғир остида,
Кўзёш тўкар булутлар тинмай...

БУ ДУНЁ

Шамолдай елиб бахт топганлар бор,
Ким отда юрар, кимдир пиёда.
Жонини бериб, бахт топганлар бор,
Бу дунё номи билан дунёда.

Шодликнинг ҳам бордир якуни,
Байрам бўлавермас, лекин ҳар куни.
Эй инсон, ёдда тут, билиб қўй шуни,
Бу дунё номи билан дунёда.

Бугун йиғлаганлар, эртага шодон,
Қушлар яшаш тўт ахтаради дон.
Яшамок-пелигин билмаган нодон,
Бу дунё номи билан дунёда.

Ишонма ҳар кимнинг айтган сўзига,
Тик қараб гапирма, инсон кўзига.
Қушлар утиб келиб қолар ўзига,
Бу дунё номи билан дунёда.

БАҲОР

Қаҳратоннинг тугамаган баётида,
Ерларда эриб тугамади қор.
Учиб келган қалдирғоч қанотида,
Қалбларга илиқлик олиб кел, баҳор.

Уйғот сирга тўла сирли дунёни,
Ошиғининг севгисини билсин гўзал ёр.
Уйғотгин кўёшни, сочсин зиёни,
Қалбларга эзгулик олиб кел, баҳор.

Капалаклар учсин гуллаган боғда,
Баҳорим сенда, қандайдир сир бор.
Қорлар эрий бошлар виқорли тоғда,
Қалбларга эзгулик олиб кел, баҳор.

ЮЛДУЗЛАР ЙИҒЛАГАН ТУН

Устозим Самар ака (бундан ўттиз тўрт йил муқаддам оғир жароҳат туфайли хасталикка учраган, ўшандан буён биринчи гуруҳ ногирони бўлиб қолган эди) бўйрагидан оғир операция бўлди. Тиббиёт фанлари номзоди Ботир ака Тўрақулов(Оллоҳим иккисиния раҳматига олган бўлсин илоё!) операциядан кейин мени ҳузурига чақириб олдида:

-Беморнинг аҳоли ниҳоятда оғир, асаб тизимлари ҳамда жисмонан ўта толиққан вужуд, қўлимдан келадиган барча ишни қилдим, буёғи елғиз Оллоҳимга аён, -деди. Бу гапдан кейин иккимиз анча пайтгача жим қолдик.

...Устозим билан бир минг тўққиз юз саксон тўққизинчи йилда, буён ҳам шоғирд, ҳамда ён қўшни бўлиб яшадим. Яшин тезлигида кечган, ана шу йиллар мобайнида Самар Нурий умрининг энг оғир, ачиқ кезлари ҳамда ҳаётининг яхши дамларида ўзини қандай тутганини кўп бора кузатдим.

Невараси Сардор уч ёшга эндигина қадам қўйганида болалар боғчасига қатнайдиغان бўлди. Ҳар куни ишга отланган кезимда, эндигина ҳаётга қадам қўйган болакайнинг елғиз ўзи изғирин совуқда, тўнига ўраниб олганича, жунжикибгина, сирғанчиқ йўлқадан йиқилиб тушмасликка тиришиб, пилтанг-пилтанг қадам ташлаб боғчаси томон кетаверарди. Бир куни:

-Сардорни эрталаблари Гулчеҳра ёки янгам сал нарига кузатиб қўйса бўларди, -деган эдим:

-Аралашманг, мустақил яшашни ўргансин! - деб қўя қолди.

Дастлабки йилларда мен кўрган Сардор жудаям бўшанг, эрталаблари



ён-атрофида отаси еки онаси ҳамроҳлигида боғчаси. Томон кетаётган тенгдошларидан шавқли пастлиги, атрофга боқиши, ҳаракати ва қадам ташлашлари, ишончсизлиги билан ажралиб турарди. Орадан икки йиллар ўтгач ўқтам, шахдам қадам ташлайдиган, учраб қолсам бўрро овозда саломлашадиган Сардор пайдо бўлди. Самар акани меҳнатининг меваси сифатида шуни айтишим керакки, невараси коллежда ўқиб юрган кезидаям сеvimли футбол командамиз "Насаф" жамаоиси матбуот котиби билан келишган ҳолда суратга туширарди. Ўз ишига шунчалар садоқатли эдики, коллеждан ёзги таътилга чиққан кезларида команда билан биргаликда қўшни вилоятлардаги ўйинларигача бориб суратга тушириб келадиган бўлди. Боз устига интернет билан тиллашадиган, дунёнинг кўплаб янгиликларидан бизларни хабардор қилиб турадиган зуккога айланди.

...Ниҳоят Ботир ака Туракулов тилга кирди:

-Тошкентдаги катта шифокорлардан биронтасини санитар-авиацияси орқали чақирсакчи?-деб қолди.

-Қизиқсиз-а, У ердагилар урологийни сиздан кўпроқ билишармикан? Айни кунларда тиббиётда шухрат чўққисига чиққан дўхтир(Ботир Туракулов ўн саккиз йил Тошкентдаги тиббиёт институтида талабаларга сабоқ берган)лар ўз кўлингизда ўқиган-ку,-дедим. Яна жим қолдик.

...Орадан кўп ўтмасдан невараси Азизнинг университетда ўқиши муаммоси кўтарилди. Невараси ёшлигидан ўта тиришқоқ бўлиб, мактабда яхши баҳоларга ўқирди, Самар ака унинг ҳеч бўлмаса журналист бўлиб ётишиб, жаҳонда бўлаётган турли-туман воқеа ва ҳодисаларга матбуотда ўз муносабатини билдириб боришини орзу қиларди. Бир куни устоз билан гурунглашиб ўтирдимда невараси Азиз(отаси Ахрор жойи жаннатда бўлсин, шу воқеалар бўлишидан анча йил муқаддам вафот этганди)нинг Қарши давлат университетига ҳужжат топширганини, юқори балл тўплай олмай шартнома асосида ўқишга кирганини айтдим ва:

-Шартнома пули анча катта пул-а Самар ака, Райим Раҳманов(ўша кезлари вилоят ҳокими ўринбосари бўлиб ишларди, Оллоҳим ўз раҳматиغا олган бўлсин, кўп ижодкорларга бекиёс ёрдам берган инсон эди, қалбимда Райим акага нисбатан доимо ардоқ сезаман)га ёки шоир Рустам Очил(ёзувчилар уюшмаси аъзоси, техника фанлари номзоди, Россия фанлар академияси академиги, ўша кезларда Толлимаржон магистрал канали бош директори

бўлиб ишларди)га ёйинки Муборак тумани ҳокими, (ёзувчилар уюшмаси аъзоси, жамиятшунослик фанлари номзоди) Жумакул Қурбоновга, ҳеч бўлмаса Муборак газ конлари унитар шўба корхонаси бошлиғи Нуриддин Зайниевлардан биронтасига бир оғиз айтсангиз, шартнома пулини дарҳол ўтказиб беришадикү, ёки Азизнинг университетдан берилган шартномасини олиб бирортасининг ҳузурига ўзим кириб чиқайми?-дедим. Яна ўша-ўша жиддий ва ўйлантирувчи жавобни олдим.

-Аралашманг, пул топиш йўлини ургансин!

Азиз ўқишни тугатгунча онаси Саодат келин ва унинг дорулфунунда ўқишига шартнома пулини тўлаш учун қандай қийналганларини яхши биларман. Бева қолган Саодат келин дўкондор-акасидан қарз олди, кези келганида тилла зирақларигача сотиб, ўғлини ўқитди. Бир гал Азизнинг ўқиши масаласида ёрдам сўраб қайнотаси ҳузурига берганида:

Маошингни йиғ, ўғилларингни ишлат, аччиқ ичагинга ёғли овқатларни тикавермасдан тежамкорлик қил, ана сенга жамулжам шартнома пули,-деган гапни эшитибди.

Азиз Нурий университетда ўқиши билан бир қаторда вилоятимизнинг отахон газетаси "Қашқадарё" да махсус муҳбир бўлиб ишлади, "Келажак овози" кўрик танловида қатнашиб, республика босқичида биринчи ўринни олди...

Устозимнинг касаллиги орадан икки кун ўтгач янада кучайиб кетди. Самар аканинг бутун танасидаги тери қава-ти сарғайиб, худди гепатит ҳасталигига чалинган бемор киефасига кирди. Томоғидан ҳеч нарса ўтмас, бемор

ёнида ўтиравериб бир ҳовучгина бўлиб қолган Олия янгам боқий ҳилқатга абадий сафар олдида турган турмуш ўртоғининг оғзига сув томизиб ўтирарди. Шу орада Қозоғистондан қизи Сурайё етиб келди. Хастанинг соғлиги яхшиланиш ўрнига соат сайин касаллиги кучайиб бораверди. Батамом ҳушини йўқотди, ҳузурига кўнгил сўраш учун келган ёри-биродарларини танимасди.

...Уша кезлари устоз "Қора тонг" романи устида ишлаётган кезлари эди (Бу роман маишатга берилган ҳамда ўз халқига катта жабр-зулмлар қилиб охири таназзулга юз тутиб, Бусияга қараб бўлиб қолган Бухоро амирлари ва Ўзбек миллатининг мустақиллигини сақлаб қолиш борасида кураш олиб борган йигитларимиз ёйинки миллий қахрамонларимиз тўғрисида ҳикоя қилади) Ёз кунларидан бирида уйига бориб қолдим:

-Эртага Самарқандга бормоқчиман, ҳамроҳ бўлмайсизми?-деб қолди. Қилишганимиздай саҳарлаб йўлга чиқдик Самарқандга етиб борганимиздан кейин Регистоннинг ёнидаги чойхонага тўхтадик. Устоз ўтириб бироз нафас ростлагач:

-Менга бир чойнак чой олиб келиб беринг,-деди. Чой тўла чойнакни олиб келиб, яхшилаб шопириб-шопириб қайтардимда, пиёлага чой куйиб узатдим.

-Энди бемалол сизлар томоша қилаверинглар,-деди.

Шундан кейин турмуш ўртоғим, Саодат келин, Самар аканинг неваралари Азиз ва Озод билан Самарқандни томоша қилишга киришдик.

Орадан бир соатлар ўтгач устоздан хабарлашиш ниятида чойхонага келсам, жойида йўқ. Аммо стол устидаги чойнак қалингина қўл артгич билан ўраб

куйилган. Чойхоначидан устозни даракладим.

-Эҳ-ҳей,ҳалиги ногирон одамми,-деди чойхоначи тожик шевасида,-ҳув анави томонга кетди,-деб Регистон томонни кўрсатди. Асрлар ташвишини елкасига ортмоқлаган Регистонга кирдим. Юртимиз кўрки бўлган мажмуани айланаб устозни излай бошладим. Роса қидириб,бироз толиқдим. "Бошқа бирор жойга кетган бўлса керак" деган умид билан Регистондан чиқиб кетишни мўлжаллаб турган пайтимда экскурсавод аёл менга яқинлашдида:

-Бирор одамни излаётисизми?-деб сўраб қолди.

-Шундай,-Ху анави бурчакда зинапоя бор, уша ердан тепага кўтарилсангиз, қайсар ногирон кишини топасиз,-деди. Унинг "Қайсар ногирон"(устозимни умрим давомида ногиронлар сафига кўшмай яшаганман) деган гапига мийиғимда ҳашим келиб ўзимча аламли кулимсираб:

-Нега қайсар деяпсиз?-дедим.

-Қайсармисан, қайсарда, бу зинапоялардан соғ одам мезанага чиқса ҳалослаб ўпкаси оғзига тиқилади, кўйинг, чиқманг десам гапга кўнмай юқорилади,

Аёлга раҳмат айтиб зиналардан юқорига чиқиб бордим. Самар ака Регистон деворининг энг юқори нуқтасига чиқиб олганича қўлидаги дафтарига мажолсиз бармоқ(икки қўли бармоқлари касаллиги туфайли яхши ишламасди)лари билан бир нарсаларни ёзаётганди. Мени кўриб:

-Анча нарса ўргандим, энди тушамиз,-деб мени қўлтиқлаб олди. Устоз замонавий биноларнинг юқори қаватларига чиқаётганида, зинапоя ёнидаги гемир ушлагичдан бир қўли билан тўтиб олганича қийналмасдан чиқиб ке-

таверарди. Аммо Регистоннинг зиналаридан унга тутқич бўладиган ушлагич йўқ эди. Тушгунимизча анча қийналдик. Ниҳоят пастга тушдик:

-Биласизми, бемор бўлганимга йигирма беш йилдан ошди, шундан буён оёғим иссиқ-совуқни сезмасди. Ҳозир панжаларимда қоним юришди шекилли, -деди хурсанд овозда. -Ўқиганмисиз? Асрлар оша бўй чўзган манавиндай бинолар қурилиши олдидан қурбонлик қилишади.

-Оллоҳ йўлигада!

-Бу биноларнинг пойдеворига биринчи гишт қўйилиши олдидан одамларни суйиб, шўри қисган, гуноҳли-гуноҳсиз инсонлар қони эвазига ана шу удум амалга оширилади деган гаплар рост бўлса керак.

-Йўғей, унақа эмасдир! -дедим, аммо бу гапни эшитишим билан юрагим орта тортиб кетди.

-Ишонаверинг, Миср эҳромлари, Римдаги қадимий бинолар, Тожмаҳалу, Оксаройларнинг да барча, барчасининг таг-томири қон билан сугорилгандир. Бу бинолар пойдеворларида барқ ураётган инсонлар қонидан баҳра олиш эвазига асрлар оша кўрк бериб, мағрур туришади. Мана шу бинолар қиёфасида бегуноҳ завол кўрган, пойдевор пойига сўйиб юборилган инсонлар кўркини, жамолини, шижоатини кўраман.

...Операциянинг бешинчи куни устознинг аҳволи батамом оғирлашди. Томиридан юборилаётган томчи дориларни касал вужуд қабул қилмай қўйди. Республика Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлими раҳбари Исмоил Тухтамишевга қўнғироқ қилиб вазиятни айтдим. Олия янгам, устозимнинг синглиси Саодат опа, қизи Сурайё... ҳамма,

ҳаммамизнинг бошимиз қотиб қолган эди. Беморлигига шифо топиш илинжида касалхонага ўз оёғи билан келган Самар ака энди ҳушсиз, тили қалимага кел-мас, йиллар давомида тиним билмасдан ўрганган, ёзган, ёзган асарлари озарбойжон, татар, грузин, украин, беларус, латиш, қозоқ, тожик, қирғиз, уйғур, бошқирд, рус, болгар ва бошқа забонларига таржима қилиниб, Москванинг эъзозли журналларида чоп этилган, умри давомида ташналик билан олға интилиб, ҳаётни ўрганган, ёмонларга, ғаразли мақсаддиларга шафқатсиз инсон ҳеч нарсани сезмас, қимса билан иши йўқ қиёфага кирганди.

Саксонинчи йилларнинг охири. Устознинг меваси шўрадан ўтиб шигил гўрага айланган кезлар эди. Устозим ҳовли саҳнидаги курсида ўтирар, кўришидан тажаруба қайфиятда эди. Саломаликда кейинок:

Манави журнал, -деб собиқ иттифоқ маркази Москвада чоп этиладиган "Знамя" журналини кўлимга тутқазди. Зардали овоз билан. - Бир ҳикоямни таржима қилиб босишибди. Аммо...

-Табриклаيمان.

-Табриқка бало борми, ўқувчига айтмоқчи бўлган гапимни ўчириб ташлашибди.

-Қанақасига?

-Ўқинг.

Ўтириб ўқиб чиқдим, бу ҳикоя унинг "Сахархез қушлар" номидаги ҳикоялар тўпламида чоп этилганида ўқигандим. -Жойида шекилли, -дедим ҳадиксибди.

-Йўқ, яна йўқ, -деди баъзан жаҳли чиққанида пайдо бўладиган шиддатли овози билан. -Пахта далаларига сепилаётган захарли дорилар таъсирида

касаллик кўпайганлиги, ҳаттоки ёшлигимда тўқайларимизда кўриб юрганим сассиқ попушак, бой ўғли, тира-тира, -куркулловук, зағизғон, тўрғай сингари кўплаб деярли кўравериб ўрганиб қолган қушларимиз йўқолиб қолганлигини, бу қушлар экология сабаб, тепамиздан сепилаётган заққумлар ҳисобига юртимизни тарк этишганини айтмоқчийдим. Москвалик шумбаччалар эса ана шуларни олиб ташлаб, чоп этишибди.

Мана зукколиқ, сатрлар сири ортида: юрти қиёфасини, одамларимиз соғлиги, ҳаттоки тўқайларимизни тарк этаётган, қамишзор, юлғунзор ҳамда турли хил гиёҳлар ўсиб ётадиган дараёмиз қирғоқларидаги экалақзорлар ва ташишларини ўз асарларида ифода эттириш. Бу эса адабиётнинг атомдан кучли эканлигини кўрсата билиш деганида!

...Устознинг аҳволи ниҳоятда оғирлашди. Тунги соат ўн иккиларда шифохонага бориб вазиятни яна бир бора ўргандим. Олия янгамга юзланиб:

-Устозни уйга олиб кетмаймизми, - дедим. Янгам бу гапимни эшитиши биланоқ:

-Йўқ, дўхтирлар эримни даволаб, тузатиб беришсин, - деб туриб олди. Ноилож уйга келдим. Уйқум келмасди, безовта ўйлар гирдобидаман. Тунги соат бир яримда уй телефоним жиринглади. Гўшакни кўтарсам реанимация бўлими бошлиғи Абдурахман Шуқуров экан.

-Қилич ака шифохонага келсангиз, - Самар акани уйига олиб кетасиз, - деди.

-Олия янгам норози, даволатаман деяпти.

-Янгам рози.

-Гўшакни унга беринг, - дедим. Бироздан кейин гўшакдан Олия янгамнинг овози келди.

-Болам келақол, акангизни ўз уйига олиб кетамиз.

"Тез ёрдам"га кўнғироқ қилиб, шифохонага машина юборишларини илтимос қилдим. Сўнгра тиббиёт фанлари номзоди, даволавчи шифокор Ботир Тўрақуловнинг уйига кўнғироқ қилдим. Гўшакни шифокорнинг ўзи кўтарди.

-Ботир ака, узр, бугун шундай кун бўлдида, шифохонага келсангиз устозни уйига олиб кетамиз.

Тунги роқда роса соат учда замбилда ҳисси, танаси енгилгина бўлиб қолган Самар акани шифохонадан уйига олиб келдик. Эртасига беморнинг аҳволини билгани борганимда Саодат опа беморнинг ёнида ўтирарди. Тез-тез хабарлашиб турдим, аммо бемор тобора боқий ҳилқат бари кета бошлади.

Бир гал қишнинг бир тутам кунни охирида қолганида устоз ҳузурига бордим. Иш кабинетидеги юмшоқ креслода ўтирар, нигоҳлари рўпарасида китоблари териб қўйилган китоб жавонига қаратилганди. Саломимга алик олмади, хаёл билан эшитмади шекилли деган ўй билан қайта саломлашдим. Яна аликсиз қолдим. Ҳайратим ошиб, нима қиларимни билмай иккиланиб тик турган кўйи қолдим. Олдимда икки йўл турарди: бири индамасдан чиқиб кетиш ёки бетни қалин қилиб шу ердаги стулларнинг бирига ўтириш. Бироз ўтгач чиқиб кетиш тараддудига тушган онимда майин овози билан:

-Келинг Қилич бек, ўтиринг, - дея сал нарида турган стулни кўрсатди. Ўтиришим билан:

-Манави суратга боқиб, ўзимни со-

вутаётган эдим,-деди.

Қитоблар терилган жавонга ёпиштириб куйилган суратга тикилдим. Суратда қор босган тоғ чўққилари, оппоқ қордан тун кийган дарахтлар ва сал пастрокда қор эришидан ҳосил бўлган музлик кўзга ташланарди.

-Бу сурат шимолга хосда,-дедим ўзимча суратни шарҳлаб.

-Йўқ асло ундаймас! Қилишим керак ва улгура олмайдиган ишларим тўғрисида ташвишланаман. Бутун вужудим кўринмас ўт-олов таъсирида ёна бошлайди. Суратга бироз тикилиб, ўзимни ана шу қор ва муз саҳросидаман деб тасаввур қиламан. Бироз ўтгач вужудимга совуқ ўта бошлайди. Тишларим тақиллаб совуқ қотиб қоламан. Забитулга олган совуқ ҳарорат остида бироз чиройим очилади,-деди.

...Уша йиллари устознинг "Қора тонг" романини чоп этиш учун наشريётга пул ўтказилганди. Янгамнинг айтишича вилоят китоб савдоси ташхилоти бошлиғи Шавкат Бекмуродов роман чоп этилиш арафасидаги муқовасини олиб келиб сўнги нафасларини олаётган устозимга кўрсатган онда хасталик дастидан хушсиз ётган Самар ака бир бора кўзини очиб ўз меҳнати самараси бўлган романининг муқовасига эътибор билан кўз югуртирган.

Мен устозим билан қилган суҳбатларим давомида унинг қаҳ-қаҳ отиб кулганини кам

кўрганман. Ёшига нисбатан қадди сал чўкик, боз устига гамгин боқувчи, теран, чиройли ва ўткир нигоҳида паришонқолик аралаш ташвишни кўрардим.

Сўнги кун борганимда Саодат опа акаси ёнидаги стулда ўтирар, бир кўлида тоғора. Бемор ўқчиди, дастлаб куйқа келди, сўнгра қон аралашган бир нарсалар устозимнинг оғзидан кела бошлади. Кейин лахта қон келди. Бу лахта қон инсон вужудини тозаланган қон билан таъминловчи айни дамда эса касалланган ва хасталик зарбини кўтаролмай эриб тушаётган жигарнинг парчаси эди. Устозим эътироф қилганидек ўзини қалбан совутиш илинжида кўз ташлайдиган совуқ, боқий хилқатга абадий қиладиган сафаридан дарақ берарди. Ҳовлига чиқиб фалакка тикилдим, кук гумбази бағрини қоплаб чарақлаб нур сочаётган гуж юлдузлар орасидан битта юлдуз учди, сўнгра узун, тутунсимон из қолдириб сўнди, тунги осмон бағрини камраб олган юлдузлар кийгос очилган эди-ю, барчаси юм-юм дилларди.



ЧОДИР

Дарёдай ёниқ зангори канал даштнинг бўлик сийнасини шамширдай тилиб ўтган. Қирғоқда ойна-бетондан қурилган кўркам бино - Қарши чўлқуварларининг музейи. Бепоен мамлакатимизнинг турли бурчаклари ва хориждан келган сайёҳлар чўлнинг ўтмиши ва бугуни билан танишиб юришибди. Уларнинг орасида ўғлиникида меҳмон бўлиб келган эски чўлқувар - ота-она ҳам бор. Улар қирғоқни айланиб юрганда сайёҳларга кўзлари тушиб, бу ерга улар билан бирга киришган. Ана, икковининг ҳам сочлари оппоқ, юз ва пешоналарида ажинлар. Бироз шишинқираган қовоклари орасидаги кўй кўзлари ўйчан. Улар бу ерда ёшликлари, ўт-олов ёшликлари билан қайта учрашди, иккови ҳам ўз фикрлари билан банд. Вақтнинг одимлари шиддатли, тезкор: ана шу Узункудукдан сув-тортиб ичишган занжир - челақ, меш, чиғирик, кетмон, замбил, ҳатто кичик чўмичли биринчи экскаваторгача... кечагина чўлқуварларнинг ҳаётини зарур буюмлари, иш қуроллари эди, бугун эса музейбоя ёдгорлик бўлиб қолибди.

- Мана бу чодирга қаранг, даштнинг биринчи манзили бўлган. Шу чодирда биринчи тўй бўлган, чўлнинг биринчи фарзанди ҳам шу чодирда дунёга келган. Ҳозир у йигит Толлимаржон Эсини қураяпти, мамлакатда донғи кетган экскаваторчи, - деди экскурсия раҳбари, кўзойнакли ёшгина жувон. Йулбошловчи йигитнинг ота-онаси, бу чодирнинг биринчи эгалари тўғрисида эса лом-лим демади. Лекин ўғлининг номини эшитганда орқароқда келаётган эр-хотиннинг юзлари юмшаб, иккови ҳам севинчдан бир энтикишди.

Сайёҳлар тилларда дoston бўлиб, чодирини, суратлари музейга қўйилган биринчи чўлқуварларнинг буюмларини ҳавас билан, нега биз ўша даврда туғилмадик, деган бироз ҳасад билан томоша қилишди-ю, орқаларидан эргашиб келаётган чолкампирга парво ҳам қилишмади: улар фақат ҳаётдан кўз юмиб кетган қаҳрамонлар тўғрисида, афсоналар тўқилади, фақат ўшаларнинг буюмлари музейларга қўйилади, деган ақидага кўникиб қолишган, ёнларида тирик қаҳрамонлар юрганини ҳаёлларига ҳам келтиролмасдилар.

Сайёҳлар қўшни залга ўтиб кетишди. Эр-хотин эса чодир олдида анча туриб қолишди. Кекса аёлнинг кўзларида шўх, ширин бир ифода балқиди.

- Эсингиздами, - аёл энгашиб, эрининг қулоғига пичирлади, - никоҳ кечамиз бўрон увиллаб, гирдибодлар чодирни силкитиб, кумга кўмиб кетгани?

Эркак хотинининг оппоқ бўлса-да, ҳали ҳам йўғон, узун икки ўрим сочига гурур, ҳавас билан меҳри товланиб қаради:

- Эсингдами, ўша киш чилласида тунда сочинг шу чодир брезентига, ху ана шу жойига муз қотиб ёпишиб қолгани? Тонгда "керосинка"да сув иситиб, эритиб ажратиб олган эдим. Керосинкамик кичрайиб қолгандайми ё бошқасини қўйишибдими ўрнига?



- Уша, - деди хотини ишонч билан. - Унинг хидини, тутунини мендан кўра камроқ ютгансиз-да, эсингиздан чиқибди...

Қўшни зал эшигида кўзойнакли жувоннинг боши кўриниб, таҳдидли товуши эшитилди:

- Ҳртоқлар, орқада қолмай, ҳамма билан баробар юринглар!

БУЮК ДАРСХОНА

Шаҳар устига шом пардаси аста ёйилади. Кўчаларда шода-шода чироқлар ёнади. Мен эса осмонўпар уй деразасидан тикилиб, қишлоғимни боғкўча, бобочинор остидаги сув сепиб, супурилган салқин супани ширин тушдек эслайман. Даладан ўғилларини эргаштириб қайтишаётган деҳқонлар шу ерда елкаларидаги ўт-ўроқ, кетмонни кўйиб, дам олишар, гурунглашарди.

- Умри узоқ бўлсин, Абдуқодир ака, ўглингиз жа меҳнаткаш, мўмин-қобил-да. Мен қаро терга ботиб, икки жўякни кетмонлагунча, у тўрт қаторни юмшатиб чиқибди....

Болалар оталарининг ёнида ўтириб, "буни эшит, жим ўтир" дейишмаса ҳам гуруннга қулоқ тутушади. Бу ерда мактабдан - энг обрўли одам бўларди, бу ерда "бироз ўйинқароқ", "енгилтак" дейилган бола ота-онасининг бошини ерга қаратган ҳисобланарди.

Сухбат жилови ечилиб, сокин, оқиста оқарди. Об-ҳаво, Қашқадарёда сув камайгани, урф-одатлар, бедана ови, зотдор сигир, иурға от, қайси ўтларнинг уруғи қачон пишиши, булбул хониши, экинзорларда қанақа хашарот кўпайган, экинлар касаллиги, чуғурчук, иссиқ ва совуқ мамлакатлар, Буюк Йпақ йўли, арпа эрта бошоқ тортгани... Ҳар бир деҳқон ҳзи кўрган, кўзатган, таҳрибада синаганини дағал-содда бўлса-да, ҳеч бўямасдан гапирарди. Ҳар бир суз мийда миҳланиб қоларди. Бировнинг гапи галати чиқиб қолса, у одам умр бўйи ёлғончи саналар, унинг гапига бир умр ишонмасди. Тилимиздаги "эрқаҳна гап" деган ибора шундан қолган бўлса керак.

Гурунғ гоҳо ой ёруғида ҳам давом этарди. Дастурхон ёзиб, ош сузган хотинлар, "таом совиб қолди, тез келинг", деб чақиритишмайди, чой дамлаб, ўғилларидан бериб юборишади: Бу - дастурхон сизга муътазир, дегани.

Чойнак-пиёла ой шуъласида ялтиллади. "Палончининг хотини бесаришта", деган гап тарқалса борми, кейин у идиш-товоқларни кунига икки марта кумлаб ювса ҳам ўла-ўлгунча бу маломатдан қутулолмайди.

...Ҳн йил мактабда ўқиганларим элас-элас ёдимга тушади. Қишлоқ гурунғхонасидаги гаплар эса хаёлимда ҳамон миҳланиб турибди.

ЖОН ОЗИҒИ

Сами ака эрталаб юраги сиқилиб, афтодаҳол уйғонди. Қўл-оёқлари зилдай. Бошини ёстиқдан кўтаргиси келмайди. Ҳамшира унга хат келтириб, галадон устига кўйиб кетди. Сами ака унга кўз қирини ташлади. "Шаҳрисабз, Тўдамайдон қишлоқ совети. Ўғлингиз Қудратдан"...

У қаддини кўтариб кўк конвертни олди: "Кенжатоим ёзибди"... Қувониб, юраги дук-дук урди, қалтираган чалажон бармоқлари билан хатни очди: "Ассалому алайкум, отажон. Бизлар ҳаммамиз соғ-саломат, ўйнаб-кулиб юрибмиз. Катта акамдан хат келиб турибди, чегарада яхши хизмат қилаётган эканлар. Ҳамма наркамиз етарли. Акаларим билан мен молларга қарайман. Опаларим тандир, ўчоқ,

уй ишларини қилишади. Мана, улар ҳам, онам ҳам ёнимга келиб сизга салом айтишяпти. Бир ташвишимиз ўтин эди, уни ҳам қишлоқда биринчи бўлиб ғамлаб олдик. Дарвоза олдидаги қуриган зардолони йиқитдик, колхоз бир машина ғўза-поя берди.

Энди ўзингиздан аҳвол сўрасак. Тузалиб қолдингизми? Уйга қўлтиқтаёқсиз кириб келишингизни кутиб ётган ўғлингиз Қудрат”.

Мен шол - беморга қараб ётиб буюк мўъжизани кўрдим. Оддий, инсоний сўзнинг мўъжизасини. Сами ака тўрт йил мобайнида, бугун биринчи марта қўлтиқтаёқсиз ўрнидан турганини ўзи сезмай қолди. Хонага кирган врач:

- Ана, оёққа турибсиз-ку, - деди севиниб.

Сами ака юзини деразага ўгириб, енги билан кўзларини артди.

ЎРТОҚ РАИС

Зокир подачининг ўғли Шокир агрономни даштдаги қўриқ совхозга директор қилиб тайинлашди. Ўғил биринчи кунёқ ғўза ва бошқа экинларни молга пайхон қилдирганларни жазолаш тўғрисида буйруқ чиқарди. Буни одамлардан эшитиб, ота хурсанд бўлди:

- Ўғлим уддабурон, қаттиққўл-қатта ҳужатик, шундай ҳушёр турмаса бўлмайди!

Дехқонлар, рўйхатда сиз ҳам бор, дейишганда ишонмаган эди. Буйруққа кўзи тушди-ю, тили калимага келмай, лол қотиб қолди. Жарима тўлайдиганлар рўйхатининг бошида ўзи... ҳа, ана Зокир подачининг исми-шарифи турарди!

У алам билан дарвоза-эшикларни қарс-қурс очиб, уйига феъли бузилиб кириб борди. Деворлар ва кесакидан янги буялган полга буюк қирмочи, оҳақ уни тўкилди. Ичкаридан шошиб камлири чиқди.


- Ҳа, дадаси, нима бўлди?

Шундагина Зокир подачининг тили очилди:

- Дард бўлди!!! - чол жаҳл отига чиқиб, кўзлари тин олганидан атрофга жавдираб қаради-ю, кеча шомда ўзи айвонга қуйган эгарни кўрмасди. - Домана бўлди!!! Ҳали оғзидан она сутти... ҳали ўзи беш-ун болани устириб, катта қилиб кўргани йўғу, отага

жарима солармиш!
Ҳой, бола, катта бўлдим, деб кўп ҳовлиқма ҳозирдан!
Мен сенга кўрсатиб қўяман иштрафни...
Кўзинг мошдай очилиб кетади! - У қурсиллатиб арпа чайнаётган байталнинг устига эгарни босиб, айилни тортиб, қамчи ўйнатиб кетди.

- Ҳой, дадаси, шайтонга ҳай беринг, нима бўлди



ўзи? - деганича кампири дарвоза олдида унинг орқасидан жавраб қолди.

Зокир ота қамчи билан маҳсиси соғисига "шип-шип" урганича, иккинчи қўли билан икки қаватли эшикни очиб, бўсағага қадам қўйди. Юзлари қорайиб-бўртган, важохати бузуқ. Қабулхонадаги котиба унга ҳеч нарса деёлмай қолди. Подачи ота директор ўғлини "қамчилагани", "кўзини мошдай очгани" бизга қоронғу, лекин кабинетдан бўшашиб, кўзларини ерга қадаб, уялиб чикди. Ҳали қарсиллатиб очган эшикни энди худди жонли, мўрт нарсадай эҳтиётлик билан икки қўллаб ёпди. Котибанинг кузатиб турганини сезди, сезди-ю, лекин унинг кўзига қаролмади:

- Ўртоқ райисди... ишлари кўп, тифиз экан, - деди котибадан кечирим сўрагандай. - Бошқа бир келаман яна...

Шундай кейин ҳеч ким Зокир отанинг қўлида қамчи кўрмади. Эрталаб пода ҳайдаб кетаётганда ҳам, шомда қайтаётганда ҳам байтални нозик хивич билан "чу-чу"-лаб ўтарди. Болалар унга "чу бобо", деб лақаб қўйиб олишди.

ЁВВОЙИ ЖИЙДА

Рўзи бобонинг чорбоғи тўрида катта ёввойи жийда дарахти ўсган. Узоқдан қараса, осмондан узилиб тушган бир парча қулдан булутга ўхшайди. Ҳосили кўп, майда, тахирроқ. Невараси Искандар ундан беш-олтита териб, оғзига солди. Чайнаб, афтини буруштириб, туфлаб ташлади.

- Ҳа, ёқмадимми? - гулқайчи билан гулларни бутаб юрган бобо неварасига маъноли қаради.

- Қумга ўхшаркан, - невараси қўлининг орқаси билан лабларини артди. - Нега экасиз уни, бекорга ерни эгаллаб ётибди?

Неварасининг ер қадрига тушуна бошлаганидан бобо мамтўт бўлди:

- У парранда-даррандаларга бўлам. Жониворлар боғларимизни ёз бўйи қурт-қумурсқа, ҳашаротлардан тозалайди, элади-югуради. Бишда оч қолишади. Одамни орқа қилиб келишади чорбоғларга.

Невара унинг гапларига эътибор бермади. Совук тушиб, дарахтлар япроғи тўкила бошлади. Ток, анор, анжирларни қумишди. Чорбоғлар ҳувиллаб қолди. Борлиқни қор кўрпаси қоплагач, тоғ-тош, далаалардан ризқ-рўзини териб юрган қушлар одамларга яқин хонадонларга учиб келишди. Чорбоғ тўридаги ёввойи жийда шохлари гавжум бўлиб қолди. Чуғурчук, чумчук, афғон майнаси тонгдаёқ унинг шохларига қўниб, қотиб қолган меваларини териб ейишади. Ҳатто қулдан дон ейдиган хўроз, товуклар ҳам жийда остига бориб, қушларнинг тумшугидан тушиб кетадиган озуқани пойлаб туришади.

Искандар товукларга дон сепгани чикди. Пахса девор ортидан қўшнингининг товуши эшитилди:

- Киш, киш-э, палакатлар!

Унга аёл кишининг товуши ҳамоҳанг бўлди:


- Ҳайданг! Ҳамма жойни ифлос қилиб юборишибди! Кеча супуриб қўйгандим.

- Киш, киш-э-э! - Жийда шохига бир тош урилиб, тўп этиб ерга тушди. Қушлар "пир-р" учиб кетишди. Товуклар "ку-ку"лаб қочишди. Искандар ҳайрон бўлиб турган эди, девор ортидан яна ўша товуш эшитилди.

- Шу Рўзи бобони соқоли оқарибди ҳамки ё дехқончиликни билмайди, ёки фасосати йўқ. Чорбоққа ҳам ёввойи жийда экадимми одам? Еб бўлмаса, бозорда биров олмаса. Бекорга жой эгаллаб ётиб, ернинг умри беҳуда ўтапти.

- Туғри! - эрининг гапини маъқуллади қўшни хотин. - Унга индамасангиз, паррандахона қилиб юборади ҳамма боғларни. Тош отганингиз билан қушлар яна қайта учиб келаверади. Айтинг, кесиб ташласин ёввойи жийдасини!

Искандар чопони этагида товукларга сочмоқчи бўлиб олиб чиққан буғдойи билан девор ёнида қотиб қолди. У одамларнинг шу оддий ёввойи жийдага муносабатига қараб, яштини ёмондан, донони жоҳилдан, меҳрибонни ёввойидан ажратиб турадиган буюк бир сирни тушунди: "Ўзлари-ку боғларини беминнат тозалайдиган шу қушларга ҳеч нарса беришмайди! Бобомнинг жийдасини ҳам шу жониворларга раво кўришмайди-я!". Искандар девор ортида қушларга отиш учун тош ушлаб турган барваста қўшни, унинг семиз, шанғи хотинини кўз олдига келтирди. Ўзлари ҳам, сўзлари ҳам жуда ёқимсиз кўриниб кетишди кўзига. Этагидаги донни пахса девор оша сочиб юборди.



Чув тушган чол

Қариганда қуюлмадик,
Кирмади ҳеч эсимиз.
Зеби момо иккимиз,
Ёзишамиз SMS.

Шу SMS баҳона,
Олган эдик топишиб.
Энди эса телефонга.
Қоляпман ёпишиб.

Зеби қурғур баъзида
Дилни ғашлаб қўяди
Айнан ярим кечаси,
“Гудок” ташлаб қўяди

Овозингдан айланай,
Пойинга тиз чўкаман.
Майли “гудок” ташлайвер,
Ўзим қайтиб чиқаман.

Зеби деди ҳар куни,
Сўраб туринг ҳолимни.
Ўн йил олдин тупроққа,
Топширганман чолимни.

Сўнг қиздайин қиқирлаб,
Сўраганди ёшимни.
Саксон, саксон дейман деб,
Ютивордим носимни.



Беш йилдирки кампир йўқ,
Токай елғиз ўтаман.
Битта юрланч Зебининг,
“Гудок” ини қўдаман.

Ўқтмай кўйдим кўча-қуйга,
На бозор, на ҳайитга
Нафақамнинг тенг ярми,
Кетаяпти “PAYNET” га.

Хуллас бир кун сир очилди,
Ушлаб қолдим ёқамни.
Неварам дер эҳ, бобожон,
Биламан бу рақамни.

Зеби, пеби йўқ экан,
Бари ёлғон сўз экан.
Мени боплаб чув туширган,
Ўн беш ёшар қиз экан.

Жаҳлим чиқса носвой отаман

(Киноя)

Муҳаммад ЮСУФ.

“Мен дардимни кимга айтаман”

Бозор сари борсам мен агар,
Тужжор ўғлим кўриб қайтаман,
Киммат сотар молин ҳар сафар,
Мен дардимни кимга айтаман.

Тижоратчи мерган кўз болам,
Нафси ёмон, олғир буз болам,
Мени алдар ҳатто ўз болам,
Мен дардимни кимга айтаман.

Нафс қўлидан тутмаган эдим,
Ҳаром луқма ютмаган эдим,
Ўз боламдан кутмаган эдим,
Мен дардимни кимга айтаман.

Чидолмайман ўйга ботаман,
Бегонамас ахир отаман,
Жаҳлим чиқиб носвой отаман,
Мен дардимни кимга айтаман.

ҲАНГОМА

Қадим ўтган замонда,
Чиял деган томонда,
Чоллардан олиб ўғит,
Тўпланди қирқ алп йигит.

Мақсадлари пул топиш,
Фақат шудир хаёлда,
Афсус ўша пайтлари,
Иш йўқ экан Чиялда.

Шунда дебди кексалар,
Бизга қулоқ солинглар,
Ишламоқчи бўлсанглар,
Бухорога боринглар.

Буёғи қиш келяпти,
Тирикчилик, начора,
Қирқовлон ҳам йўл олди,
Қайдасан деб Бухоро.

Улар чўлу, биёбон,

Қир-адирдан ўтибди,
Бир неча кун йўл босиб,
Бухорога етибди.

Йўл азобин унутиб,
Енгил нафас олибди,
Интилганга толе ёр,
Бирдан иш топилибди.

Норғул йигитлармас-ми,
Тиним билмай ишлабди,
Кўз ўтибди, қишни ҳам,
Бухорода қишлабди.

Яқинлашгач фасли ёз,
Келибдилар ўзига,
Мумайгина пул топиб,
Қайтибдилар изига.

У пайт қайда техника,
Отўдов йўқ зиёда,
Қайтишда ҳам барчаси,
Йўлга тушди пиёда.

Улар ёш, ялангмас-ми,
Пул бормас-ми қўлида,
Базми-жамшид қилибди,
Бухоронинг чўлида.

Эртасига барча жим,
Сўз йўқ эмиш деғулик,
Қайф устида еб, ичган,
Туғаб қопти еғулик.

Ҳали жуда йўл олис,
Тагин чўлнинг ўртаси,
На дўкон бор, на бозор,
Ўйга толди қирқтаси.

Кун ўтарди имиллаб,
Қўринмас бирор қарвон,
Ҳаммасин боши эгик,
Қилар эди пушаймон.

Юрай деса мадор йўқ,
Очлик қийнар буёғи,
Шунда дебди биттаси,
Ичида сал ёшроғи.

Токи қарвон келгунча,
Тушсақ қўшиқ айтарга,
Орамизда энг шўхи,
Айтдирамиз Ҳайдарга.

Хайдарга ҳам жон кирди,
Топди бирдан йулини.
Майли қушиқ айтаман,
Туласанглар пулини.

Рози бўлиб йигитлар,
Олтмиш танга йигибди.
Қушигингни бошла деб,
Хайдарвойга берибди.

Хайдар олиб пулларни,
Юрагидан қайнармиш.
Лек қушиғи ғалати,
Нукул "нанай", "нанай" миш.

Қушиқчун пул тулаган,
Ҳеч ким ҳеч жой жилмасмиш.
Хайдар эса "нанай" дан,
Бошқасини билмасмиш.

Кун ўтиб шом тушибди,
"Нанай", "нанай" тинмабди.
Эшитинг деб барчани,
Ухлатгани қўймабди.

Ухлаганни тепкилаб,
Туринг дермиш ҳаммангиз.
Агар эшитмасангиз,
Харом берган тангангиз.

Бор овозда куйларкан,
Қушиқ шу "нанай", "нанай".
Бири дебди жон Хайдар,
Бас қилақол, айланай.

Бири эса дўқ уриб,
Ўчир "нанай", "нананг" ни.
Ўчирмасанг ҳозирок,
Кўрсатаман энангни.

Хайдар ҳамон бепарво,
Қушиғи авж олибди.
Шунда бири ўртага,
Бир маслаҳат солибди.

Қоринни қушиқ билан,
Дегандик тўқлатайлик.
Пул бериб айтдирдик-ми,
Пул тулаб тўхтатайлик.

Дебди улар Хайдарга,
На кун, на тун ухлатдинг.
Мана яна қирқ танга,
Ашулангни тўхтатгин.

Хайдарга ҳам шу керак,
Кулибди у хо-холаб.
Қолган қирқ тангани ҳам,
Олган экан ҳалолаб.

БУ ЙИГИТГА КЎЗ СУЗМАНГ

Бу йигитга кўз сузманг,
Бу йигитга қоқманг қош.
Кўнглингизни ҳеч бузманг,
Бу йигитча ҳали ёш.

Эндигина ниш уриб,
Келаяпти муйлови.
Орзуси бор ва лекин,
Кўпдир ҳали ўйлови.

Уйланишга йўл бўлсин,
Чўнтакда йўқ чақаси,
Ҳали бўйдоқ юрибди,
Унинг тўртта акаси.



МУАЛЛИФЛАРИМИЗ:

Акмал Саидов - 1958 йилда Тошкент вилояти Зангиота туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси, юридик фанлари доктори, профессор.

Ҳафиза Эгамбердиева - 1965 йилда Самарқанд вилояти Жомбой туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Айти пайтда «Сандувоч» газетаси бош муҳаррири лавозимида ишлаб келмоқда.

Комилжон Султонов - 1965 йилда Қашқадарё вилоятида туғилган. Ҳозирги пайтда «ЎзЛИДЕП» Қашқадарё вилоят кенгаши бўлим мудир лавозимида ишлаб келмоқда.

Носир Муҳаммад - 1946 йилда Яқкабоғ туманида туғилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Республика «Байналмилал» маданият маркази директори. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Рустам Мусурмов - 1963 йилда Китоб туманида туғилган. Ўзбекистон Республикаси Ёзувчилар уюшмаси масъул ходими. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Мўмин Азизов - 1939 йилда Шаҳрисабз туманида туғилган. «Кеш» газетасида фаолият юритган.

Уроқ Саид - 1939 йилда Яқкабоғ туманининг тоғли Зармаст қишлоғида туғилган. Ҳозирги вақтга қадар унинг 6 та китоби чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Самар Нуоров - 1934 йилда Қарши шаҳрида туғилган. 2008 йилда вафот этган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Клара Отамуродова - 1969 йилда Косон туманида туғилган. Қарши политехника коллежи ҳузуридаги ахборот ре-

сурс марказида ишлайди. Бадиий ижод билан мунтазам шуғулланиб туради.

Ўткир Бўтабек - 1949 йилда Косон туманининг Гувалак қишлоғида туғилган. Шеърят билан мунтазам шуғулланиб туради.

Адиба Умирова - 1980 йилда Қарши туманида туғилган. Шоира, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Қилич Абдинабиев - 1949 йилда Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманида туғилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Ўктам Садин - 1965 йилда Чироқчи туманининг Сувлик қишлоғида туғилган. «Кунгил қулбаси», «Бардош тонгги», «Ўзини уйғотдим» деб номланган китоблари чоп этилган. Айти пайтда «Сандувоч» газетасида хизмат қилади.

Умринисо Омонова - 1998 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. Айти пайтда Мубора туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг ўқувчиси.

Зулайхо Шеркулова - 1996 йилда Косон туманининг Қорахитой қишлоғида туғилган. Ҳозирда Қарши Давлат университети қошидаги Академик лицейда таҳсил олади.

Нурали Муродуллаев - 1997 йилда Касби туманининг Муғлон қишлоғида туғилган. ҚДУ қошидаги 4 академик лицей талабаси.

Камола Турсунова - 1989 йилда Қашқадарё вилоятининг Шаҳрисабз шаҳрида туғилган. Шаҳрисабз хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежининг «Молия» мутахассислигини тамомлаган.

Баҳодир Ниёзов - 1959 йилда Бешкент шаҳрида туғилган. Ўзбекистон халқ устаси. Ҳозирда Тошкент шаҳридаги «Устазода» илмий ишлаб чиқариш устахонасида ишлайди.



